МОЛИЯ

ИЛМИЙ ЖУРНАЛ **3/2024**

Муассис: **Тошкент давлат иқтисодиёт университети**

Таҳририят ижодий жамоаси:

Бош муҳаррир: *А.Каримов*
Бош муҳаррир ўринбосари: *Н.Обломурадов*
Муҳаррир: *М.Ҳусанова*
Техник муҳаррир: *Н.Абдуллаев*

Журнал Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2008 йил 24 мартда 0519-рақам билан рўйхатга олинган.

2008 йилдан нашр қилинади, бир йилда 6 марта чиқади.

Ўзбекистон ҳудудида тарқатилади.

«Молия» илмий журнали Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2013 йил 13 декабрдаги 201/3-сонли қарорига биноан иқтисод фанлари бўйича фан доктори илмий даражасига талабгорларнинг диссертация ишлари юзасидан илмий мақолалари эълон қилиниши зарур бўлган илмий журналлари рўйхатига киритилган.

Веб-сайт: *www.tfi.uz/Issues/Jmoliya*
e-mail: *moliya@tfi.uz*
Обуна индекси – 1204

Таҳририят манзили: 100084,
Тошкент ш., А.Темур кўчаси, 60[a]-уй
Тел.: (+998 71) 234-66-89

ТАҲРИР КЕНГАШИ РАИСИ:

Т.З.ТЕШАБАЕВ – Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректори, иқтисод фанлари доктори, профессор.

ТАҲРИР КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИ:

А.А.КАРИМОВ – Бош муҳаррир, иқтисод фанлари доктори, профессор.

Н.Н.ОБЛОМУРОДОВ – Бош муҳаррир ўринбосари, иқтисод фанлари номзоди.

М.Б.НУРМУРАТОВ – Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси.

Н.Х.ҲАЙДАРОВ – иқтисод фанлари доктори, профессор.

А.Х.ИСЛАМКУЛОВ – иқтисод фанлари доктори, профессор.

Т.С.МАЛИКОВ – иқтисод фанлари доктори, профессор.

Э.Ғ.НАБИЕВ – иқтисод фанлари доктори, профессор.

Б.Э.ТОШМУРОДОВА – иқтисод фанлари доктори, профессор.

Ш.З.АБДУЛЛАЕВА – иқтисод фанлари доктори, профессор.

Б.Қ.ҲАМДАМОВ – иқтисод фанлари доктори, профессор.

А.З.АВЛОҚУЛОВ – иқтисод фанлари доктори, профессор.

Ж.И.КАРИМҚУЛОВ – иқтисод фанлари доктори, профессор.

Ш.А.АЛЛАЯРОВ – иқтисод фанлари доктори, профессор.

Ф.Т.МУХАМЕДОВ – иқтисод фанлари доктори, профессор.

Д.Р.РУСТАМОВ – иқтисод фанлари доктори, профессор.

И.К.ОЧИЛОВ – иқтисод фанлари доктори, доцент.

Х.М.ШЕННАЕВ – иқтисод фанлари доктори, доцент.

Э.Ў.ЭРГАШОВ – иқтисод фанлари доктори, доцент.

Т.М.БАЙМУРАТОВ – иқтисод фанлари номзоди, профессор.

Ё.С.ИЛХАМОВА – иқтисод фанлари номзоди, профессор.

И.Ғ.КЕНЖАЕВ – иқтисод фанлари бўйича фалсафа доктори, PhD.

Х.Д.ХЎЖАҚУЛОВ – иқтисод фанлари номзоди, доцент.

Х.ҚОБУЛОВ – иқтисод фанлари номзоди, профессор.

З.А.САГДУЛЛАЕВА – иқтисод фанлари номзоди, доцент.

Д.А.МИРЗАЕВ – техника фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент.

Е.Б.МАЛЕЙ – кандидат экономических наук, доцент Полоцского Государственного университета, Белорусь.

ELCIN AYKAC ALP – Туркия, Истанбул Тижорат университети профессори.

TAE-HYOUNG MUN – Жанубий Корея, Моквуон университети профессори.

Н.К. МУРАВИЦКАЯ – профессор Департамента аудита и корпоративной отчетности Финансового университета при Правительстве Российской Федерации.

ASIF MAHBUB KARIM – Малайзиянинг менежмент ва тадбиркорлик университети профессори.

МОЛИЯ ВА БЮДЖЕТ

X.A.Qobulov, Z.K.Murtozayeva. Jamoatchilik fikri asosida shakllantiriladigan loyihalarni moliyalashtirish tizimini rivojlantirish istiqbollari 5

Қ.Чинқулов. Фонд бозорини ривожлантириш масалалари 12

БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА АУДИТ

Н.А.Алимханова. Товар-моддий захиралар ҳисобини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш 21

Ш.К.Шаякубов. Организация предпринимательской деятельности “индивидуального аудитора” – путь к обеспечению независимости во внутреннем аудите 28

СОЛИҚ ВА СОЛИҚҚА ТОРТИШ

М.А.Эрханов. Кичик бизнес субъектларини солиққа тортишнинг хусусиятлари 33

ИННОВАЦИЯ ВА ИНВЕСТИЦИЯ

А.А.Каримов, Н.К.Ризаев. Ўзбекистон глобал инновацион индекс рейтингида эътирофга сазовор 40

Д.М.Якубова. Развитие инвестиционной деятельности автомобильной промышленности Узбекистана 51

Н.О.Касымова. Поток инвестиции и его привлекательность в экономической деятельности в сп ООО «САМАВТО» 56

F.T.Shukurov. The importance of innovations in Uzbekistan Tourism 61

БАНК ИШИ

Н.Б.Тожибоева. Основные подходы и механизмы формирования капитала коммерческих банков. 67

Г.Я.Бабаева. Формирование и тенденции платёжной экосистемы в Узбекистане 74

Ш.А.Абдуназаров. Ривожланаётган мамлакатларда жисмоний шахсларни кредитлашнинг ўзига хос хусусиятлари 84

СТАТИСТИКА

B.K.Utanov. Agrar soha faoliyatini statistik tahlil qilishda tarmoqlararo balans modelidan foydalanishning uslubiy jihatlari....93

Х.Дж.Хужакулов, А.И.Рўзиев. Ўзбекистон иқтисодиётида хизматлар соҳасининг ҳолати ва ривожланишини статистик баҳолаш....100

ПЕНСИЯ ИШИ

A.Xaydarov. O‘zbekistonda pensiya tizimini isloh qilishning jahon tajribasi va uni qo‘llash imkoniyatlari....111

МЕНЕЖМЕНТ

Б.А.Сулаймонов. Корхоналарда реструктуризациялаш жараёнларини бошқаришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмининг самарали йўллари....121

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ

Ж.Х.Атаниязов. Европа Иттифоқи рақамли иқтисодиёти: шаклланиш хусусиятлари ва ривожланиш истиқболлари....127

С.Д.Арзикулов, А.А.Абдурахманов. Асосий воситалар ҳисобини юритиш ахборот тизимларига қўйиладиган талабларни ишлаб чиқиш....136

ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИ

К.З.Хомитов. Риэлторлик фаолиятини тартибга солишнинг хориж тажрибаси таҳлили....143

Э.Носиров. Энергетика соҳасида бозор механизмларини жорий қилишнинг энергия самарадорлигига таъсири....152

ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ

Э.Ғ.Набиев, З.Р.Турдиев. Иқтисодий ўсиш ва аҳоли фаровонлигининг ошиб бориши....159

Л.Ш.Сабирова, А.А.Исламова. Роль возобновляемых источников энергии в обеспечении экономической безопасности....169

Sh.Saydullayev. O‘zbekistonda davlat mulkini xususiylashtirish evolyutsiyasi....177

З.А.Сагдиллаева. Развитие института банкротства: теория и практика....186

ТАБРИКЛАЙМИЗ, ҚУТЛАЙМИЗ

Ф.Ў.Додиев. Замонамизнинг таниқли олими 70 ёшда!....194

UO‘K 336.51

Xotamjon Abdukarimovich Qobulov,
i.f.n., professor,
Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti,
khqobulov@gmail.com

Zarnigor Komol qizi Murtozayeva,
Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti magistranti,
nigorfinancer@gmail.com

JAMOATCHILIK FIKRI ASOSIDA SHAKLLANTIRILADIGAN LOYIHALARNI MOLIYALASHTIRISH TIZIMINI RIVOJLANTIRISH ISTIQBOLLARI

Хотамжон Абдукаримович Кобулов,
к.э.н., профессор,
Ташкентский государственный экономический университет,
khqobulov@gmail.com

Зарнигор Комол кизи Муртозаева,
Магистрант Ташкентского государственного экономического университета,
nigorfinancer@gmail.com

ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ СИСТЕМЫ ФИНАНСИРОВАНИЯ ПРОЕКТОВ ФОРМИРУЮТСЯ НА ОСНОВЕ ОБЩЕСТВЕННОГО МНЕНИЯ

Khotamjon Abdukarimovich Kobulov,
candidate of economics, professor,
Tashkent state university of economics,
khqobulov@gmail.com

Zarnigor Komol qizi Murtozaeva,
Master of the Tashkent state university of economics,
nigorfinancer@gmail.com

PROSPECTS FOR THE DEVELOPMENT OF A SYSTEM OF FINANCING PROJECTS FORMED ON THE BASIS OF PUBLIC OPINION

Annotatsiya. *Mazkur maqolada yurtimizda budjet tizimining ochiqligi va shaffofligini ta’minlash borasida olib borilayotgan islohotlarning yo‘nalishlaridan biri, ya’ni tegishli hudud mahalliy budjetidan amalga oshiriladigan xarajatlar yo‘nalishlarini belgilashda fuqarolarning*

faol ishtirokini ta'minlash, shuningdek, ushbu maqsadda joriy etilgan jamoatchilik fikri asosida shakllangan loyihalarni moliyalashtirish amaliyoti, undagi muammolar va rivojlantirish istiqbollari yoritib berilgan.

Tayanch so'zlar: *jamoatchilik fikri, loyiha, budjet, jamoatchilik fikri asosida loyihalarni moliyalashtirish, mahalliy budjet.*

Аннотация. *В данной статье освещается одно из приоритетных направлений, проводимых в нашей стране реформ по обеспечению открытости и прозрачности бюджетной системы, а именно обеспечение активного участия граждан в определении направлений расходов из местного бюджета соответствующей территории, а также практика финансирования проектов, формируемых на основе общественного мнения, внедренного с этой целью, проблемы и перспективы развития.*

Ключевые слова: *общественное мнение, проект, бюджет, финансирование проектов на основе общественного мнения, местный бюджет.*

Annotation. *This article highlights one of the priority areas of reforms being carried out in our country to ensure openness and transparency of the budget system, namely ensuring the active participation of citizens in determining the directions of expenditures from the local budget of the relevant territory, as well as the practice of financing projects formed on the basis of public opinion, implemented for this purpose, problems and development prospects.*

Keywords: *public opinion, project, budget, financing of projects based on public opinion, local budget.*

Kirish

Oxirgi yillarda aksariyat davlatlarda jamoatchilik fikri asosida shakllangan loyihalarni moliyalashtirish mexanizmlaridan foydalanish amaliyoti rivojlanmoqda. Ushbu tartib fuqarolarga mahalliy budjet mablag'larining bir qismini taqsimlash va ulardan foydalanish tartibini belgilash imkonini beradi. Fuqarolarni budjet jarayoniga jalb qilishning bunday usuli birinchi marta 1989-yilda Braziliyaning Portu-Alegri shahrida qo'llanilgan [1]. Bu jarayon aholining siyosiy jihatdan nofaol qismini shu jarayonga jalb qilish bilan boshlangan. Bu esa, o'zining juda katta samarasini bergan va natijada butun shahar o'sha mintaqadagi infratuzilmaviy jihatdan eng rivojlangan shaharga aylangan.

Davlat boshqaruvi tizimini takomillashtirish va axborot texnologiyalarini rivojlantirish dunyoning ko'plab mamlakatlarida mahalliy hokimiyat va o'zini o'zi boshqarish organlariga jamoatchilik fikri asosida shakllangan loyihalarni moliyalashtirish jarayonidan foydalanish imkoniyatini berdi. Hozirda bu mexanizm turli mamlakatlarning 7000 dan ortiq mahalliy budjetlarida qo'llanilmoqda. [1].

Fuqarolarning tashabbusini hisobga olish, ularning bevosita ishtirokida budjet mablag'larining bir qismini taqsimlash va bu mablag'larni sarflash yo'nalishlarini tanlash bo'yicha qarorlar qabul qilish, shuningdek, qabul qilingan qarorlarning bajarilishini nazorat qilish amaliyoti jamoatchilik fikri asosida shakllantiriladigan loyihalarni moliyalashtirish deyiladi.

Jamoatchilik fikri asosida shakllantirilgan loyihani moliyalashtirish mexanizmining maqsadi:

– fuqarolarni joriy budjet va uni rejalashtirish to'g'risida xabardor qilish;

– mablag'lardan maqsadsiz foydalanishning oldini olish;

– mahalliy davlat hokimiyati organlari va fuqarolar tomonidan tegishli sohadagi

muhim yo‘nalishlar bo‘yicha birgalikda qarorlar qabul qilish;

– hududda amalga oshirilayotgan islohotlar yo‘nalishlariga muvofiq mablag‘larning sarflanishi to‘g‘risida fuqarolarni xabardor qilishdan iborat [2].

Jamoatchilik fikri asosida shakllantirilgan loyihalarni moliyalashtirish jarayoni ma’lum bir hudud jamoatchiligi, fuqarolik jamiyati institutlari va alohida fuqarolarning o‘z aholi punktlarini infratuzilmaviy rivojlantirish yo‘llarini budjet jarayonida belgilashda ishtirok etish imkoniyatini beradi.

Xususan, oxirgi yillarda mamlakatimizda iqtisodiyot tarmoqlarini isloh qilish doirasida iqtisodiy-moliyaviy statistikadan foydalanish imkoniyatlarini kengaytirish, budjet jarayonining shaffofligini oshirishning yangi mexanizmlarini joriy etish borasida izchil ishlar amalga oshirilmoqda. Budjet ma’lumotlarining ochiqligi va oshkoraligini oshirish, budjet mablag‘larining shakllanishi va sarflanishi ustidan parlament va jamoatchilik nazoratini kuchaytirish bo‘yicha tizimli ishlar amalga oshirilmoqda. Masalan, 2021-yildan boshlab yiliga ikki marta “Tashabbus budjet” va bir marta “Mening yo‘lim” loyihalari jamoatchilik fikri asosida shakllantirilgan loyihalarni moliyalashtirish mexanizmi asosida amalga oshirilmoqda.

Mavzuga oid adabiyotlar sharhi

Jamoatchilik fikri asosida shakllantiriladigan loyihalarni moliyalashtirish mexanizmining tarixi uzoq o‘tmishga borib taqalmasligi va bu loyiha deyarli 30 yillik tajribaga asoslanganini inobatga oladigan bo‘lsak, haligacha ushbu mexanizm bo‘yicha ko‘p ilmiy izlanishlar olib borilmayapti. Shunga qaramay, fuqarolarning budjet mablag‘lari sarflanishida tutgan o‘rni va ahamiyatining nazariy va amaliy jihatlari xorijlik iqtisodchilar Robert D. Lee Jr., Ronald W. Johnson, Philip G.Joyce, Falanga R., Kang Y.K., Min S. .Y. va boshqalarning ilmiy ishlarini o‘rgangan.

Robert D.Lee Jr., Ronald W.Johnson, Philip G.Joycelar tomonidan olib borilgan tadqiqotlarda dunyoning yirik va rivojlangan davlatlari miqyosida mahalliy budjet tizimining qay tartibda shakllanayotganligi, uning ochiqligi va shaffofligini ta’minlash maqsadda bu jarayon shakllanishida fuqarolarning aralashuvi haqida so‘z yuritilgan [1].

R.Falanganing ilmiy ishida Portugaliyada jamoatchilik fikri asosida shakllantirilgan loyihalarni moliyalashtirish mexanizmnining shallantirish siyosatni ishlab chiqishda fuqarolar ishtirokini oshirish imkoniyatlari va muammolari tahlil qilingan [3].

Y.K. Kang va S.Y. Min Janubiy Koreya Respublikasida budjet jarayonida jamoatchilik ishtirokining o‘rni va uning afzalliklarini yoritib bergan [4].

O‘zbekistonda bu masala O.G‘aybullaev, I.Irgashev, U.O‘roqov va boshqalarning ilmiy ishlarida o‘z ifodasini topgan. Ularda mamlakatimizda jamoatchilik fikri asosida shakllantirilgan loyihalarni moliyalashtirish mexanizmi qachon va qanday tartibda joriy etilgani, o‘tkazilish tartib-qoidalari bayon qilib berilgan [2].

Tadqiqot metodologiyasi

Tadqiqot davomida jamoatchilik fikri asosida shakllantirilgan loyihalarni moliyalashtirish jarayonini samarali tashkil etishning nazariy va amaliy jihatlarini aniqlash maqsadida tizimli tahlil, sintez, iqtisodiy-statistik, induksiya va deduksiya, guruhlash va qiyosiy tahlil usullaridan foydalanildi.

Natija va muhokama

Jamoatchilik fikri asosida shakllantirilgan loyihalarni moliyalashtirish jarayoniga mamlakatimiz aholisini keng jalb etishni yanada kuchaytirish, mahalliy budjetlar mablag‘larining bir qismini jamoatchilik fikridan kelib chiqqan holda, shuningdek, e’tirozlarni hisobga olgan holda yo‘naltirish bo‘yicha olib borilayotgan ishlarni izchil davom ettirish. O‘tgan davr mobaynida to‘plangan tajriba asosida mazkur tizimni yanada takomillashtirish maqsadida ko‘plab chora-tadbirlar amalga oshirilmoqda. Respublikamizda amalga oshirilayotgan tashabbusli budjetlashtirish jarayonlarida faol ishtirok etayotgan keng jamoatchilikni yanada rag‘batlantirish, hududlardagi dolzarb muammolarni qisqa muddatda bartaraf etish maqsadida 2022-yil iyul-sentyabr oylari davomida o‘tkazilgan tashabbusli budjetlashtirish jarayonlarida 1221 ta mahalla fuqarolar yig‘ini tomonidan ilgari surilgan qiymati 1 trillion bo‘lgan 1 418 ta loyiha g‘olib bo‘ldi [6]. Shunga qaramay, bu jarayonda yuzaga kelgan katta muammolardan biri ko‘p ovoz olgan va hal qilinishi kerak bo‘lgan ko‘plab loyihalarning muvaffaqiyatsizlikka uchragani bo‘ldi. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 25-oktabrdagi “Jamoatchilik fikri asosida shakllantiriladigan loyihalarni moliyalashtirish ko‘lamini kengaytirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PQ-409-son Qarori asosida 2022-yil iyul-sentyabr oylarida tashabbusli budjet jarayonida har biri 2 mingdan ortiq ovoz olgan, lekin g‘olib deb topilmagan 364 ta loyihani amalga oshirishga 335 milliard so‘m ajratilgani mazkur muammoning yechim topishiga sabab bo‘ldi [7].

Bundan tashqari, mazkur qarorga muvofiq, Qoraqalpog‘iston Respublikasi respublika budjeti, viloyatlar viloyat budjetlari va Toshkent shahar shahar budjetida shakllantiriladigan qo‘shimcha mablag‘larning 30 foizi ham tuman hamda shaharlarda jamoatchilik fikri asosida shakllantirilgan tadbirlarni moliyalashtirish uchun tuman hamda shaharlar “Fuqarolar tashabbusi” jamg‘armalariga mavjud aholi soni va mahallalar sonidan kelib chiqib, teng ulushlarda yo‘naltirilishi va tuman hamda shahar budjetlarining 5 foizi miqdorida, lekin minimal miqdori kamida 6 milliard so‘m mablag‘ qilib belgilanishi ayrim tumanlarda budjet parametrining kichkinaligi tufayli u yerlardagi katta masalalarni hal bo‘lmay qolish muammosiga ham yaxshigina darajada yechim bo‘la oldi[7].

1-jadval

Tashabbusli budjet jarayonining 2023-yil doirasida kelib tushgan loyihalar[6]

Hudud nomi	2023-yil	
	1-mavsum	2-mavsum
Qoraqalpog‘iston Respublikasi	3518	2434
Andijon viloyati	3153	2839
Buxoro viloyati	3646	2850
Jizzax viloyati	1886	1335
Qashqadaryo viloyati	6166	3696
Navoiy viloyati	3245	3238
Namangan viloyati	3605	3083
Samarqand viloyati	2986	3200
Surxondaryo viloyati	9595	12279
Sirdaryo viloyati	2005	1348
Toshkent viloyati	2956	2893
Farg‘ona viloyati	2450	3390
Xorazm viloyati	5128	2859
Toshkent shahri	5631	4020
Jami	**55970**	**49464**
Hammasi	**105434**	


Yuqoridagi jadvaldagi ma’lumotlarga ko‘ra 2023-yil ikkita mavsum doirasida jami 105434 ta loyihalar kelib tushgan bo‘lib, 2022-yildagi natijalar bilan solishtiradigan bo‘lsak 2022-yil 131265 ta loyihani tashkil etib, 2023-yilda loyihalar sonini kamayganligini ko‘rishimiz mumkin. Bunga sabab sifatida kelib tushayotgan loyihalarning sifati va aniqligining talabga yetarlicha javob bermaganligini olsak bo‘ladi. 2022-yil ko‘proq loyihalar kelib tushgan bo‘lsada, moderatsiya jarayonidan ovoz berish jarayoniga o‘ta olmagan.

2-jadval

Tashabbusli budjet jarayonining 2023-yil doirasida ajratilgan mablag‘lar, (mlrd. so‘mda) [6]

Hudud nomi	2023-yil	
	1-mavsum	2-mavsum
Qoraqalpog‘iston Respublikasi	121,64	97,07
Andijon viloyati	234,63	112,03
Buxoro viloyati	190,44	87,68
Jizzax viloyati	158,06	63,76
Qashqadaryo viloyati	292,53	135,28
Navoiy viloyati	112,46	60,27
Namangan viloyati	276,56	105,65
Samarqand viloyati	278,28	142,98
Surxondaryo viloyati	228,73	107,31
Sirdaryo viloyati	57,57	42,13
Toshkent viloyati	229,82	132,18
Farg‘ona viloyati	374,99	133,79
Xorazm viloyati	165,72	86,21
Toshkent shahri	161,47	118,05
Jami	**2 882,89**	**1 424,37**
Hammasi	**4 307,26**	

2023-yil hisobi bo‘yicha jami tashabbusli budjet loyihalarini moliyalashtirish uchun 4 trln 307 mlrd 260 mln so‘m mablag‘ ajratilgan. 2022-yil bu mablag‘lar 2 trln 620 mlrd 300 mln so‘mni tashkil etgan. 2023-yil ajratilgan mablag‘lar deyarli 2 barobarga oshgan. Chunki bu O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2023-yil 10-apreldagi “Tashabbusli budjetlashtirish amaliyotini yanada takomillashtirish hamda faol mahallalarni qo‘llab-quvvatlash chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi Iqtisodiyot va moliya vazirligining PQ-117-son qarori tufaylidir. 2023-yil taqsimot birinchi mavsum doirasida o‘tkazilgan tashabbusli budjetlashtirish jarayonida 1309 ta loyihani amalga oshirish uchun qo‘shimcha 1,3 trillion so‘m ajratilib, ularning har biri 2000 dan ortiq ovoz olgan, biroq g‘olib deb topilmagan. Bundan tashqari, 2023-yilga mo‘ljallangan dasturlar tashabbusli budjetlashtirish jarayonlari orqali shakllantirilib, loyihalar paketiga ajratiladigan mablag‘lar limiti 8 milliard so‘m miqdorida belgilandi, har yili davlat budjetidan dasturlarni moliyalashtirishga kamida 4 trillion so‘m yo‘naltirilishi belgilanib, 2023-yil bu miqdor istisno sifatida 2,7 trillion so‘m etib belgilangan [8].



1-rasm. Tashabbusli budjet jarayonining 2023-yil doirasidagi g‘olib loyihalar[6]

Tashabbusli budjet jarayonining 2023-yil mavsumlari natijalarini tahlil qiladigan bo‘lsak, 1-mavsumda jami 2985 ta 2-mavsumga kelib esa uning deyarli yarmi 1192 ta loyihalarning g‘olib bo‘lganligini

ko‘rishimiz mumkin. Bu natijalar shuni ko‘rsatmoqdaki, mamlakatimizda 1-mavsumning o‘zidayoq qariyb 71,5 foiz loyihalar hal qilinmoqda. Bu jarayonning 2 marotaba o‘tkazilishi yanayam ko‘proq xalqni qiynab kelayotgan muammolarni bartaraf etilishiga sabab bo‘lmoqda.

2023-yil 2-mavsum doirasida Toshkent shahri bo‘yicha jami 98ta loyiha g‘olib deb topilgan va ularni moliyalashtirish uchun 108 mlrd so‘m ajratilgan. Shundan 72ta loyiha sog‘liqni saqlash sohasi bo‘yicha bo‘lib, ularga 81 mlrd so‘m, 17ta loyiha umumta’lim maktablarini moddiy-texnika bazasini rivojlantirish va ta’mirlash uchun 18 mlrd so‘m, 4ta loyiha maktabgacha ta’lim sohasi uchun 4 mlrd 200 mln so‘m va qonun hujjatlarida belgilangan boshqa 5ta loyihalar uchun 4 mlrd 200 mln so‘m mablag‘ ajratilgan. Bundan yana bir narsa ma’lumki, Toshkent shahridagi loyihalarning 72 foizi sog‘liqni saqlash muassasalarining moddiy-texnika bazasini rivojlantirish va ta’mirlashga qaratilgan bo‘lib, yechimini kutayotgan ushbu turdagi muammolar darajasining yuqoriligi bu masalani keyingi yil budjet parametrlarini reja qilishda asos bo‘la olishini ko‘rsatmoqda [7].

Xulosa

Jamoatchilik fikri asosida shakllantiriladigan loyihalarni moliyalashtirish tizimining O‘zbekistonda joriy qilinganiga hali ko‘p bo‘lmadi. 2–3 yilni qamrab olgan bo‘lsa, tan olishimiz kerakki, avvaliga fuqarolarimiz bu jarayonni unchalik tushunishmadi, lekin 2022-yildan e’tiboran xalqimiz bu jarayonda faol ishtirok etishni boshladi. Chunki bunga sabab ular muammolarni qanday hal qilish mumkinligini va bu jarayon ularga bevosita bog‘liq ekanligini tushunishdi. Jarayonda asosiy ishtirokchilar ular ekanligini, kiritilayotgan loyihalar ham ular tomonidan kiritilishi va ularning ovozi orqaligina g‘oliblarni aniqlay olish mumkinligini tushunishdi. Ushbu jarayon fuqarolarimizni har tomonlama rivojlanishiga ham sabab bo‘ldi. Birinchidan, yurtimizdagi insonlarning moliyaviy savodxonligining oshishiga ularning budjet mablag‘larining taqsimlanishida bevosita ishtirokini ta’minlash orqali erishilayotgan bo‘lsak, ikkinchidan, xalqimiz birlashishni o‘rgandi. Xalqimiz hamjihatlik bilan harakat qilib o‘z hududidagi kichik muammoni hal qilish mumkinligini va davlat ularni qo‘llab-quvvatlashini ham his qilishni boshlashdi. Endilikda bu jarayonlarda fuqarolarimiz jamoatchilik nazoratini ham yo‘lga qo‘yilishiga erishishdi. Bu esa, jarayon amalga oshirilayotganda korrupsion holatlar sodir bo‘lishini oldini olish va pudratchilar tomonidan ishning sifatli va o‘z vaqtida amalga oshirilishiga olib kelmoqda.

O‘zbekiston Respublikasi budjet tizimini isloh etish jarayonida jamoatchilik fikri asosida shakllantiriladigan loyihalarni moliyalashtirish tizimini takomillashtirishga qaratilgan ilmiy taklif va amaliy tavsiyalar ishlab chiqdik. Jumladan:

– jamoatchilik fikri asosida shakllantiriladigan loyihalarni moliyalashtirish jarayonlarida g‘olib loyihalarni aniqlashda eng ko‘p ovoz to‘plagan loyihalarni to‘plangan ovozlar soniga qarab emas, tashabbus qaysi hududga tegishli bo‘lsa o‘sha hudud aholisining necha foizi ovoz berganligiga qarab g‘olib loyihalar tanlab olinishining yo‘lga qo‘yilishi;

– O‘zbekistonda yagona “Ochiq budjet” portaliga muqobil ravishda Buyuk Britaniya tajribasidagi “Fuqarolar paneli” (Citizens’ Panel) ni joriy qilish va shu orqali yanada yaxshi natijalarga erishish;

– yurtimizda ham Koreya Respublikasidagi kabi “Call” markazini ishga tushurish orqali fuqarolarimizni budjet jarayonida faol ishtirok etishga jalb qilish.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO‘YXATI

1. Robert D.Lee Jr., Ronald W.Johnson, Philip G.Joyce. Public budgeting systems. Jones & Bartlett Learning; 9 edition. USA, 2012. – P. 667.
2. O‘roqov.U, Irgashev.I, G‘aybullaev.O. Fuqarolar ishtirokidagi mahalliy budjet. “Baktria press”, 2022
3. Falanga, R. (2018). The National Participatory Budget in Portugal: Opportunities and Challenges for Scaling up Citizen Participation in Policymaking. Hope for Democracy: 30 years of Participatory Budgeting Worldwide, 447–466. Available from https://doi.org/978-989-54167-0-7 Accessed: 1 May 2021
4. Kang, Y.K. and Min, S.Y. (2013). Public Participation in the Budget Process in the Republic of Korea. Worldbank.org. Available from https://doi.org/http://documents.worldbank.org/curated/en/178151523259318780/Public-participation-in-the-budget-process-in-the-Republic-of-Korea Accessed: 30 April 2021
5. Yomg, J. A. O. G. L., & Qobulov, X. A. (2022). Mahalliy budjetlar moliyaviy barqarorligini ta’minlash yo ‘llari. Science and Education, 3(1), 1123-1128.
6. www.openbudget.uz (O‘zbekiston Respublikasi “Ochiq Budjet” portali).
7. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 25-oktyabrdagi “Jamoatchilik fikri asosida shakllantiriladigan loyihalarni moliyalashtirish ko‘lamini kengaytirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PQ-409-sonli Qarori.
8. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2023-yil 10-apreldagi “Tashabbusli budjetlashtirish amaliyotini yanada takomillashtirish hamda faol mahallalarni qo‘llab-quvvatlash chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PQ-117-sonli Qarori.
9. O‘zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi Senati Kengashining 2021-yil 4-apreldagi “Mahalliy budjet mablag‘lari sarflanishida jamoatchilik ishtirokini ta’minlash to‘g‘risida”gi KQ-213-IV-sonli Qarori.
10. Qobulov X. A., Murtozayeva Z. K. Q. O‘zbekistonda jamoatchilik fikri asosida shakllantiriladigan loyihalarni moliyalashtirish tizimini joriy etilishi va rivojlanishi // Science and Education. – 2023. – T. 4. – №. 12. – C. 694-699.

УЎТ 330.33

Қаҳрамон Чинқулов,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети,
«Молия ва молиявий технологиялар» кафедраси доценти, PhD.
E-mail: kahramon114@yahoo.com.

ФОНД БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Кахрамон Чинкулов,
Ташкентский государственный экономический университет,
доцент кафедры «Финансы и финансовые технологии», PhD.
E-mail: kahramon114@yahoo.com.

ВОПРОСЫ РАЗВИТИЯ ФОНДОВОГО РЫНКА

Kakhramon Chinkulov,
Tashkent State Economic University, Associate Professor of the
Department of Finance and Financial Technologies, PhD.
E-mail: kahramon114@yahoo.com.

ISSUES OF STOCK MARKET DEVELOPMENT

Аннотация. *Мақолада фонд бозори Ўзбекистонда бизнесни молиялаштиришнинг муқобил манбаи эканлиги асосланган, қимматли қоғозлар бозорида асосий муаммо ҳамон акциялар ликвидлигининг етарли даражада эмаслиги, яъни фонд биржасида фаол сотиладиган ва сотиб олинадиган жозибадор қимматли қоғозларнинг камлиги таъкидланган, "фонд бозори" ҳамда "қимматли қоғозлар бозори" тушунчаларига маҳаллий ҳамда хорижий иқтисодчи олимлар томонидан қарашлар келтирилган. «Тошкент» РФБда акциялар савдоси битимлар ҳажми ва сонининг ўзгариши таҳлил этилган, акция бозори капиталлашуви ва унинг ЯИМга нисбатан ўзгариши, эркин муомаладаги акцияларнинг бозор капиталлашуви ва унинг ЯИМга нисбатан ўзгаришига баҳо берилган. Фонд боҳори регулятори борасидаги ўзгаришлар келтирилган, шунингдек, мамлакатимиз фонд бозоридаги муаммолар ва уларни ҳал этиш бўйича муаллифнинг илмий-амалий хулоса ва таклифлари ишлаб чиқилган.*

Таянч сўзлар: *фонд бозори, қимматли қоғозлар бозори, акциялар, фонд биржаси, биржа айланмаси, IPO, SPO, эмиссия, акция бозори капиталлашуви, эркин муомаладаги акциялар.*

Аннотация. *В статье обосновано, что фондовый рынок является альтернативным источником финансирования бизнеса в Узбекистане, основной проблемой на фондовом рынке по-прежнему остается недостаточная ликвидность акций, то есть отсутствие привлекательных ценных бумаг, которые активно продаются и покупаются в бирже,*

представлены взгляды зарубежных и местных экономистов понятию «фондовый рынок» и «рынок ценных бумаг». Проанализированы изменения объема и количества сделок в РФБ «Ташкент», оценена капитализация фондового рынка и ее изменение по отношению к ВВП, рыночная капитализация свободно обращающихся акций и ее изменение по отношению к ВВП. Представлены изменения в регуляторе фондового рынка, а также проблемы на фондовом рынке нашей страны и разработаны авторские научно-практические выводы и предложения по их решению.

Ключевые слова: *фондовый рынок, рынок ценных бумаг, акции, фондовая биржа, оборот фондового рынка, IPO, SPO, эмиссия, капитализация фондового рынка, акции в свободном обращении.*

Annotation. *The article substantiates that the stock market is an alternative source of business financing in Uzbekistan, the main problem in the stock market is still the insufficient liquidity of shares, that is, the lack of attractive securities that are actively sold and bought on the stock exchange, the views of foreign and local economists are presented on the concept "stock market" and "securities market". Changes in the volume and number of transactions in the Tashkent Stock Exchange were analyzed, the capitalization of the stock market and its change in relation to GDP, the market capitalization of freely traded shares and its change in relation to GDP were assessed. Changes in the stock market regulator, as well as problems in the stock market of our country were presented, and the author's scientific and practical conclusions and proposals were developed their decision.*

Key words: *stock market, securities market, shares, stock exchange, stock market turnover, IPO, SPO, issue, stock market capitalization, free-float shares.*

Кириш

Фонд бозори Ўзбекистонда бизнесни молиялаштиришнинг муқобил манбаи ҳисобланади. Ҳозиргача Ўзбекистонда бизнес асосан банк молиясига боғлиқ, афсуски бу қиммат ва кўпинча мавжуд эмас, яъни банкларда ресурс етишмаслиги муаммоси мавжуд. Қимматли қоғозлар бозори бошқа турдаги капитални – акциядорлик капиталини таклиф қилади, албатта бу қарз эмас. Хусусан, бу компанияларга қарзларни кўпайтиришдан қочиш ва акцияларни чиқариш орқали ўсиш учун узоқ муддатли капитални жалб қилиш имконини беради. Пировардида, маҳаллий компанияларнинг молиявий саломатлиги ва барқарорлигини яхшилашга олиб келади ҳамда уларга илгари мавжуд бўлмаган лойиҳаларга сармоя киритиш имкониятини беради.

Узоқ муддатли молиялаштиришни талаб қиладиган лойиҳалар учун акциядорлик капитали энг яхши молиялаштириш усули ҳисобланади. Агар фонд бозоримиз биз хоҳлагандек ишласа, мамлакат иқтисодиёти «енгил нафас олади». Чунки, кўплаб компаниялар ўз ривожланиши учун капитал жалб қилиш, янги иш ўринларини яратиш, янги лойиҳаларга сармоя киритиш учун кўпроқ имкониятларга эга бўладилар, ушбу ҳолат табиий равишда мамлакат иқтисодиётини юксалтириш учун ҳисса қўшади.

Қимматли қоғозлар бозорида асосий муаммо ҳамон акциялар ликвидлигининг етарли даражада эмаслиги, яъни фонд биржасида фаол сотиладиган ва сотиб олинадиган жозибадор қимматли қоғозларнинг камлигидадир.

Шунинг учун ҳам мазкур мақолада Ўзбекистон фонд бозори ҳолати ва динамикаси, фонд бозоридаги мавжуд муаммолар ҳамда уларни ҳал этиш йўллари борасида олиб борган тадқиқотимизни келтирдик.

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи

Иқтисодий луғатларда ва адабиётларда “фонд бозори” ҳамда “қимматли қоғозлар бозори” тушунчалари кўп учрайди. Айрим иқтисодчилар буларга алоҳида тушунчалар сифатида қарайдилар. Масалан, Е.Ф.Жуков фонд бозорини – қимматли қоғозларнинг биржа бозори сифатида эътироф этади. Шунингдек, Е.Ф.Жуков “ҳозирги вақтда қимматли қоғозларнинг учта бозори – биржадан ташқари, фонд (биржа) бозори ва кўча бозори мавжуд ҳамда иқтисодиётни молиялаштиришда иштирок этади” [1], дея ҳисоблайди.

Бошқа иқтисодчилар, хусусан, Я.М.Миркинга кўра, фонд бозори ва қимматли қоғозлар бозори тушунчалари бир-бирига мос тушади, бир хил маънони англатади[2].

М.Б.Хамидулин “фонд бозори” ҳамда “қимматли қоғозлар бозори” тушунчаларини бир-биридан ажратиш лозим, чунки “фонд бозори” тушунчаси ўзининг алоҳида хусусиятларига эга, дея ҳисоблайди. Олимнинг фикрига кўра “фонд бозори корпоратив стратегияларнинг молиявий таъминот инструменти бўлиб, корпорациянинг капиталини (асосий фондларини) ўстиришга, мазкур капитални қайта тақсимлаш ва мулкий муносабатларни (акциялар, облигациялар, варрантлар) тартибга солишга қаратилган ҳисобланади” [3].

И.Л.Бутиковнинг фикрича: “Бизнинг тадқиқотларимизга кўра қимматли қоғозларнинг ҳар хил турлари фонд бозори учун ҳам, қимматли қоғозлар бозори учун ҳам тенг миқёсдаги махсус товар ҳисобланади. Шунинг учун тарихан мазкур тушунчаларни бир-биридан ажратиш мураккаб ҳисобланиб, фикримизча методологик жиҳатдан, амалий жиҳатдан уларни ажратишга зарурат йўқ” [4].

Европа Иттифоқи ҳамда АҚШ давлатларида мазкур тушунчалар алоҳида сегментация қилинган ҳолатда ишлатилади. Мазкур давлатлар олимлари асосан “қимматли қоғозлар бозори” каби умумий, ўз ичига жуда кўп инструментларни қамраб олган тушунчаларни ишлатишдан кўра, “фонд биржаси”, “акция бозори”, “облигациялар бозори” каби конкрет бозорларни ишлатишни афзал кўрадилар.

Грециянинг Александрия университети тадқиқотчиси А.Камал Эл-Вассалга кўра “Принципиал жиҳатдан, фонд бозорлари молиявий тизимларнинг марказида жойлашган. Фонд бозорларининг асосий вазифаси жамғармаларни реал секторни молиялаштиришга трансформация қилиш ҳисобланади. Назарий жиҳатдан, фонд бозорлари ички жамғармаларни мобилизация ва стимуллаштириш ҳамда инвестициялар миқдори ва сифатини яхшилаш орқали иқтисодий ўсишни тезлаштириши мумкин” [5].

Муаллиф фикрига кўра “фонд бозори” ҳамда “қимматли қоғозлар бозори” тушунчалари сўзма-сўз фарқ қилса-да, Ўзбекистонда мазкур тушунчаларни синоним сифатида ишлатиш мумкин ҳисобланади.


Тадқиқот методологияси

«Фонд бозорини ривожлантириш масалалари»га бағишланган тадқиқотимизда “фонд бозори” ҳамда “қимматли қоғозлар бозори” тушунчаларига иқтисодчи олимларнинг қарашлари таққосланди, «Тошкент» РФБда акциялар савдоси битимлар ҳажми ва сонининг ўзгариши, акция бозори капиталлашуви ва унинг ЯИМга нисбатан ўзгариши, эркин муомаладаги акцияларнинг бозор капиталлашуви

ва унинг ЯИМга нисбатан ўзгариши умумлаштирилди, гуруҳларга бўлинди ҳамда статистик таҳлил этилди. Статистик маълумотлар «Тошкент» РФБнинг расмий сайтидан олинди. Тизимли ёндашув, индукция ва дедукция каби усуллар орқали хулоса ҳамда таклифлар ишлаб чиқилди.

Таҳлил ва натижалар

Ўзбекистонда фонд бозори суст ривожланаётганлиги билан бирга, айрим жиҳатларда ўсишда давом этмоқда. Сўнгги пайтларда чакана инвесторлар, айниқса, Jett.uz мобил иловаси ишга туширилгандан сўнг фаол савдони бошладилар.



1-расм. 2017–2023 йилларда «Тошкент» РФБда акциялар савдоси битимлар ҳажми ва битимлар сонининг ўзгариши [6].

1-расм маълумотларидан кўришимиз мумкин, 2023 йилда 2022 йилга нисбатан фонд бозорида ликвидлик ошди. 2022 йилда кунига ўртача 300 та савдо ўтказилган бўлса, 2023 йилда кунига ўртача 2000 та савдони ташкил этди. Ўтган 2023 йили 2022 йилга нисбатан биржада амалга оширилган битимлар сони 5–6 баравар кўпайди, бу, албатта, жуда қувонарли ҳолат ҳисобланади. Битимлар сонининг кескин ортишини чакана инвесторлар учун Jett.uz мобил иловаси ишга туширилганлиги билан изоҳлашимиз мумкин. Аммо, битимлар ҳажмининг ўтган йилга нисбатан кескин пасайишини ижобий баҳолай олмаймиз.

Ушбу муаммони бартараф этишга, яъни фонд бозори айланмасини кескин оширишга давлат раҳбари даражасида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли фармони билан “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” қабул қилинди. Мазкур стратегиянинг 27-мақсадида “Иқтисодиётда молиявий ресурсларни кўпайтириш мақсадида, келгуси 5 йилда фонд бозори айланмасини 200 миллион АҚШ долларидан 7 миллиард АҚШ долларига етказиш, мамлакатимизда капитал ҳаракатини босқичма-босқич эркинлаштириш ҳамда йирик корхоналарни ва улардаги улушларни (акцияларни), шу жумладан, фонд биржаси орқали хусусийлаштириш” белгиланган [7].


Сўнгги йилларда Ўзбекистонда қимматли қоғозлар бозори ва турли давлат компанияларининг IPOлари ҳақида кўпроқ эшитиш мумкин. 2023 йилда «Тошкент» РФБда учта: UzAuto Motors, Uztelekom ва Uzbekinvest конпанияларининг IPOси ўтказилди. Бунгача фақат 2018 йилда «Кварц» акциядорлик жамияти (шиша заводи) ва 2019–2020 йилларда «Жиззах пластмасса» акциядорлик жамияти (пластмасса ишлаб чиқарувчиси)нинг оммавий таклифи маълум эди.

2023 йилнинг декабрь ойи охирида янги «Free of Payment» савдо платформасида «Қўқон биокимё» спиртли ичимликлар заводининг 99,68% оддий акцияларини 20,1 миллион долларга сотиш бўйича дебют битими бўлиб ўтди. Янги платформа биржадан ташқари (кулранг) бозордан фарқли равишда битимларнинг очиқлик ва ошкоралигини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган.

Фонд биржасида кўпроқ IPO амалга оширилиши кутилмоқда, шунда кўпроқ компаниялар фонд бозорига ўз акцияларини чиқарадилар. Бунда давлат устав капиталида давлат улуши мавжуд ёки юқори бўлган корхоналарнинг ўз қимматли қоғозларини чиқаришлари учун IPOга тайёрлаш ҳамда олиб чиқишда жуда ижобий роль ўйнайди.

Бундан ташқари, ривожланиш режаларига Clearstream каби халқаро депозитарийлар ва йирик хорижий банклар кўринишидаги глобал кастодианлар билан кўприк яратиш орқали Ўзбекистонни халқаро фонд бозори билан боғлаш киради. Бу эса уларнинг ўз мижозларига, жумладан, йирик институционал инвесторларга бизнинг қимматли қоғозлар бозоримизга кириш имкониятини беради. Яъни Clearstream каби халқаро депозитарийлар ва йирик хорижий банклар кўринишидаги глобал кастодианлар нафақат ўзлари, балки мижозлари ҳам бизнинг бозоримизга кирадилар.

2-расм маълумотларидан кўриш мумкинки, 2018 йилда жами акция бозори капиталлашуви 7 004,27 млн. АҚШ долларини ташкил этган ҳолда, мазкур кўрсаткич 2023 йилда 14 429,70 млн. АҚШ доллари бўлган. Акция бозори капиталлашувининг ЯИМга нисбати 2018 йилда 13,25 % ни ташкил этиб, йиллар давомида пасайиб-кўтарилган ҳамда 2023 йилда 17,83 % ни ташкил этган. Ҳолбуки жаҳоннинг бу борадаги ўртача кўрсаткичи эса 117,7% ни ташкил этади [8]. Демак, жами акция бозори капиталлашуви даражасининг ҳозирги ҳолатини ижобий баҳолай олмаймиз. Чунки, ҳозирги кунда республикамиз жами акция бозори капиталлашуви даражаси жаҳоннинг бу борадаги ўртача кўрсаткичидан 6,5 марта кам миқдорни ташкил қилмоқда.




2-расм. 2018–2023 йилларда акция бозори капиталлашуви ва унинг ЯИМга нисбатан ўзгариши [6].

Халқаро депозитарийлар ва хорижий кастодиан банклар учун ҳисобварақлар очишда муваффақиятга эришилмоқда. Президентимизнинг 2023 йил 2 сентябрдаги қарори [9] Ўзбекистон бозорини хорижлик инвесторлар учун амалда очишга, қимматли қоғозлар бозорини янги тартибга солувчи орган доирасида зарур ҳуқуқий базани яратиш орқали капитал бозорини янада ривожлантиришга қаратилган.

Яна бир муаммо – валютани конвертация қилиш ва қимматли қоғозларни маҳаллий фонд бозорида сотиш ёки Ўзбекистон компаниялари акциялари бўйича дивидендлар шаклида олинган фойдани репатриация қилиш билан боғлиқ. Валютани конвертация қилиш ва капитални чет элга экспорт қилишда хорижликлар бизнинг банкларимизда маълум қийинчиликларга дуч келмоқдалар. Бу уларнинг даромадларини конвертация қилиш ва ватанига жўнатиш тақиқланганлигини англатмайди. Балки улар кераксиз бюрократик тартиб-қоидалардан ўтишга мажбур бўлмоқдалар ва бу хорижлик инвесторларни қийинчиликка солади, фонд бозоримизга бўлган қизиқишларини пасайтиради. Мазкур муаммонинг ҳал этилиши чет эллик инвесторларнинг Ўзбекистон фонд бозорига бўлган

ишончларининг ортишига, бу ерга узоқ муддатга катта миқдорда инвестиция қилишларига замин яратади.

Афсуски, эркин муомаладаги акцияларнинг бозор капиталлашуви ва унинг ЯИМга нисбатан ўзгариши ижобий тенденцияга эга бўлса-да, жуда паст кўрсаткичга эга (3-расмга қаранг).



3-расм. 2020–2023 йилларда эркин муомаладаги акцияларнинг бозор капиталлашуви ва унинг ЯИМга нисбатан ўзгариши [6].

3-расм маълумотларидан кўриш мумкинки, мамлакатимиз фонд бозорида кам сонли акциялар сотилиши, эркин сотилиш (free-float) эса жуда озлиги (деярли йўқлиги) Ўзбекистон фонд бозори учун катта муаммо бўлиб ҳисобланади. Бу бошқа айрим ривожланаётган бозорларга ҳам хосдир. Агар давлат компанияларига қарайдиган бўлсак, давлат ушбу корхоналарнинг йирик акцияларини сотишга ҳали қарор қилмаган. Буни давлат компанияларининг тўлиқ IPOга тайёр эмаслиги билан изоҳлаш мумкин. Шунингдек, ҳукумат давлат компанияларини максимал қиймат бўйича сотиш вақти ҳали келмаган деб ҳисоблаши мумкин.

Хусусий компанияларга келсак, улар, эҳтимол, фонд биржаси орқали капитал жалб қилишнинг жорий харажатларини жуда юқори деб ҳисоблайдилар, яъни ўз акцияларининг кутилаётган сотилиш нархи маҳаллий бозордаги харидорлар ва инвесторлар сони чекланганлиги сабабли улар учун етарлича жозибадор эмас. Натижада, буларнинг барчаси акцияларнинг чиқарилмаслигига, ёки жуда оз миқдорда чиқарилишига олиб келади, бу эса умумий ликвидлик ва эркин муомала (free-float)га таъсир қилмайди.

Қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш учун йирик давлат компаниялари, жумладан, банкларни хусусийлаштириш ҳамда IPO ва SPO ўтказиш лозим. Агар давлат компаниялари ва банклари яхши тайёргарлик кўрсалар, улар жуда муваффақиятли IPO ўтказишлари мумкин. Шу билан бирга, IPO ва SPO учун ҳар доим яхши фурсат топса бўлади.

Фикримизча, ҳозир IPO учун ёмон фурсат, деб айтмаган бўлардик – эҳтимол энг яхши фурсат эмасдир, лекин энг ёмони ҳам эмас. Вақт ҳар доим тўғри бўлиши мумкин, чунки бозор очилганда имкониятлар ойнаси пайдо бўлади ва оммавий фойдаланишга тайёр бўлган компаниялар имкониятдан фойдаланадилар. Компаниялар шунчаки жиддий ҳаракатни бошлашлари, IPOни амалга ошириш учун қадам ташлашлари шарт.

Фикримизча, давлат компаниялари ва банклар, биринчи навбатда, қуйидаги вазифаларни олдиндан бажариш орқали IPOга тайёр бўлишлари керак:

• корпоратив бошқарув ва молиявий ҳисоботларни такомиллаштириш;

• хорижий ва маҳаллий инвесторлар билан фаол ишлашни ўрганиш;

• муҳим фактлар тўғрисида акциядорларга мунтазам равишда ҳисобот бериш;

• миноритар акциядорларнинг манфаатларини биринчи ўринга қўйиш;

• кузатув кенгашига мустақил аъзоларни тайинлаш;

• раҳбариятни кузатув кенгаши олдида тўлиқ жавобгарликка тортиш.

2023 йилнинг март ойида 40 та давлат компаниясини «халқ IPO»сига қўйиш бўйича Президент қарори [10] чиқди. «Халқ IPO»си давлат компанияларини сотишнинг тасдиқланган усулларидан бири ҳисобланади ҳамда биз давлат раҳбарининг давлат компаниялари ва банкларини хусусийлаштириш бўйича ташаббусларини қўллаб-қувватлаймиз. Асосийси, «халқ IPO»си тўғри тарзда ўтказилиши лозим. Бу билан биз қонунчиликда белгиланган қимматли қоғозларни оммавий жойлаштириш тартибига қатъий риоя қилинишини назарда тутяпмиз.

Бу шуни англатадики, эмитентлар ўзларининг қимматли қоғозлари учун проспектларни ёзишлари ва бозорни тартибга солувчи орган томонидан тасдиқлатишлари керак. Кейинчалик, инвесторлар эмиссия проспектлари билан танишадилар. Оммавий таклифлар, шу жумладан, бирламчи сотувлар ва акцияларнинг иккиламчи савдоси лицензияланган савдо майдончаси орқали амалга оширилиши керак – бу фонд биржаси. Агар барча қонуний талаблар бажарилса, «халқ IPO»сини муваффақиятли ўтказиш имконияти ортади.

Ўтган 2023 йили Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси Марказий банк тасарруфига ўтказилди ва Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги (ИЛМА) капитал бозорини тартибга солувчи органга айланди. Қимматли қоғозлар бозорини тартибга солишни Иқтисодиёт ва молия вазирлигидан ИЛМАга ўтказиш тўғрисидаги қарор Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги олдида турган устувор вазифалардан келиб чиққан ҳолда қабул қилинган, дея баҳолаймиз. Ҳукумат ушбу устуворликларни кўриб чиқиб, ИЛМА регулятор бўлса яхши бўлади, дея қарор қилди. Аммо биз фонд бозори регуляторининг ҳаддан ташқари кўп (мустақилликнинг илк йилларидан то ҳозирга қадар 5 марта) ўзгараётганлигини ижобий баҳоламаймиз.

Марказий депозитарийни Марказий банк тасарруфига ўтказиш масаласига келсак, Ўзбекистон халқаро амалиётга амал қилади. Дунёнинг кўплаб мамлакатларида Марказий депозитарий Марказий банк, фонд биржаси ва профессионал бозор иштирокчиларига тегишли – умид қиламизки, биз эртами-кечми шундай моделга келамиз. Марказий банк одатда мамлакатдаги энг ишончли молия институти ҳисобланади, шунинг учун инвесторлар ўз активларига ҳеч нарса бўлмаслигига ишонч билан қимматли қоғозларини Марказий депозитарийда сақлашни афзал кўрадилар.

Хорижий инвесторларни фонд бозорига жалб қилиш учун уларга бу мамлакатда қандай қилиб пул ишлашлари мумкинлигини кўрсатиш керак. Яна бир омил – инвесторлар қонунлар ва қоидалар тез-тез ўзгаришини ёқтирмайдилар, бу уларга келажакни башорат қилиш ва режалаштиришни қийинлаштиради. Чунки, уларнинг келажакда қандай бизнес муҳитида ишлашларини билмасликлари – фонд бозорига инвестиция йўналтирмасликларига сабаб бўлади.

Шунингдек, қонунлар шундай ёзилиши ва амалда татбиқ этилиши керакки, бизнес юритишда ортиқча мураккабликлар ва бюрократия бўлмаслиги, инвесторлар бозорга бемалол кириб-чиқишлари лозим.

Хорижий сармоядорлардан улар учун мамлакатдан чиқиб кетишдан кўра кириш осонроқ, деган фикрни тез-тез эшитамиз. Инвесторлар қимматли қоғозлар бозоридан чиқишда хатарларни кўрганларида, улар бу мамлакат фонд бозорига кирмайдилар. Ўзбекистон хорижий инвесторлар ўз

маблағларини инвестиция қилишлари мумкин бўлган дунёдаги ягона давлат эмас, инвесторларнинг ҳар доим муқобил вариантлари бор. Агар улар Ўзбекистонда ишлаш ўзларига жуда қийин деб ҳисобласалар, шунчаки бошқа бозорларга ўтиб кетадилар, холос. Биз буни ростдан ҳам истамаймиз, чунки имкон қадар уларни Ўзбекистон фонд бозорига жалб қилишимиз лозим.

Бироқ, биз хорижий инвесторларни қуруқ сўз ва ваъдалар билан бу ерга таклиф қила олмаймиз. Хорижий инвесторлар маҳаллий қонунчилик ва бизнес муҳити томонидан қўллаб-қувватланиши керак.

Қолаверса, валюта регламенти шундай бўлиши керакки, хорижий инвесторлар ўзларини қулай ҳис қилишлари учун улар исталган вақтда бозорга осонгина кириб-чиқишлари мумкин бўлсин.

Бу ерда махсус формулалар йўқ, ҳамма нарса аллақачон дунёнинг кўплаб мамлакатларида синовдан ўтган. Шунчаки, илғор халқаро амалиётга амал қилиш, хорижий сармояни жалб қилишга муваффақ бўлган давлатларни кўриб чиқиш ва уларнинг тажрибасини ўрганишимиз, татбиқ этишимиз керак.

Хулоса

Умуман, мақолада олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулоса ва таклифлар берилди:

1. Ўтган 2023 йилда 2022 йилга нисбатан биржада амалга оширилган битимлар сони 5–6 баравар кўпайишининг асосий сабаби чакана инвесторлар учун Jett.uz мобил иловаси ишга туширилганлиги билан боғлиқ. Аммо битимлар ҳажмининг ўтган йилга нисбатан кескин пасайишини ижобий баҳолай олмаймиз.

2. Акция бозори капиталлашуви даражасининг ҳозирги ҳолатини ижобий баҳолай олмаймиз. Чунки, ҳозирги кунда республикамиз жами акция бозори капиталлашуви даражаси жаҳоннинг бу борадаги ўртача кўрсаткичидан 6,5 марта кам миқдорни ташкил қилмоқда.

3. Ўзбекистонда яхши компаниялар жуда кўп, афсуски, улар турли сабабларга кўра ўз акцияларини биржага чиқармайдилар. Бу давлат компаниялари учун ҳам , хусусий компаниялар учун ҳам тегишли. Ушбу ҳолат эса Ўзбекистон фонд бозори учун катта муаммо ҳисобланади.

4. Фонд бозорида пенсия жамғармалари каби маҳаллий институционал инвесторлар ҳам йўқ. Суғурта компаниялари эса амалда қимматли қоғозларга инвестиция қилмайдилар ва инвестиция фондлари ҳам мавжуд эмас. Бозорда хорижлик ўйинчилар кам, чунки биз ҳали халқаро депозитарийлар ва глобал кастодиан банклар билан алоқалар ўрнатмаганмиз, уларсиз хорижликлар бизга келмайдилар.

5. Яна бир муаммо – валютани конвертация қилиш ва қимматли қоғозларни маҳаллий фонд бозорида сотиш ёки Ўзбекистон компаниялари акциялари бўйича дивидендлар шаклида олинган фойдани репатриация қилиш билан боғлиқ. Мазкур муаммонинг ҳал этилиши чет эллик инвесторларнинг Ўзбекистон фонд бозорига бўлган ишончларининг ортишига, бу ерга узоқ муддатга катта миқдорда инвестиция қилишларига замин яратади.

6. Мамлакатимиз фонд бозорида кам сонли акциялар сотилиши, эркин сотилиш (free-float) эса жуда озлиги (деярли йўқлиги) Ўзбекистон фонд бозори учун катта муаммолардан бири ҳисобланади.

7. Қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш учун йирик давлат компаниялари, жумладан, банкларни хусусийлаштириш ҳамда IPO ва SPO ўтказиш лозим.

8. Фонд бозори регуляторининг ҳаддан ташқари кўп (мустақилликнинг илк йилларидан то ҳозирга қадар 5 марта) ўзгараётганлигини ижобий баҳоламаймиз.

9. Қонунлар шундай ёзилиши ва амалда татбиқ этилиши керакки, бизнес юритишда ортиқча мураккабликлар ва бюрократия бўлмаслиги, инвесторлар фонд бозорига бемалол кириб-чиқишлари лозим.

Ўйлаймизки, Ўзбекистон фонд бозори хорижий сармоядорлар учун қизиқарли бўлиши, улар пул топиши, биз билан ўз билим ва тажрибасини баҳам кўриши, шу билан бирга, бу ерда янги иш ўринларини яратишлари мумкин. Бунинг натижасида мамлакатимиз иқтисодиёти ҳамда аҳолимиз даромадлари юксалиб, барча манфаатдор бўлади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Рынок ценных бумаг. Учеб. пос. для ВУЗов // под ред. Е.Ф. Жукова. — М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2003. – 399 с., с.13.
2. Миркин Я.М. Ценные бумаги и фондовый рынок. —Москва, Перспектива, 1995. —550 с., с.100.
3. Хамидулин М.Б. Развитие финансового механизма корпоративного управления. –Ташкент.: Молия, 2008.—204 с., с.88-89.
4. Бутиков И.Л. Проблемы формирования и функционирования рынка ценных бумаг в Узбекистане. Дисс…д-ра.эк.наук. –Ташкент, 2009.—С.64.
5. Kamal A. El-Wassal. The Development of Stock Markets: In Search of a Theory. // International Journal of Economics and Financial Issues. Vol. 3, No. 3, 2013, p.606.
6. www.uzse.uz сайти маълумоти
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони 1-иловаси билан тасдиқланган “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”. https://lex.uz/docs/5841063.
8. Чинкулов К. ПРОБЛЕМЫ ФИНАНСИРОВАНИЯ АКЦИОНЕРНЫХ ОБЩЕСТВ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН //Журнал Инновации в Экономике. – 2022. – Т. 5. – №. 5.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 2 сентябрдаги ПҚ-291-сонли “Капитал бозорини ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 24 мартдаги ПҚ-102-сонли “Иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори.

УЎТ 657.048.8

Алимханова Нигора Алимхановна
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
“Аудит” кафедраси мустақил изланувчиси
nigoraalimxanova@gmail.com

ТОВАР-МОДДИЙ ЗАХИРАЛАР ҲИСОБИНИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР АСОСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Алимханова Нигора Алимхановна
Ташкентский Государственный Экономический университет
Независимый соискатель кафедры “Аудит”

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МАТЕРИАЛЬНОГО УЧЕТА НА ОСНОВЕ МЕЖДУНАРОДНЫХ СТАНДАРТОВ

Alimkhanova Nigora Alimkhanovna
Tashkent State University of Economics
Independent applicant for the “Audit” department

IMPROVING MATERIAL ACCOUNTING BASED ON INTERNATIONAL STANDARDS

Аннотация. *Мазкур мақолада товар-моддий захиралар ҳисобини юритиш ҳамда молиявий ҳисоботларда ёритиб беришда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини қўллаш масалалари тадқиқ қилинган. Шунингдек, товар-моддий захиралар ҳисобини юритишда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқлаштириш этаплари ҳамда товар-моддий захираларни бошқариш йўналишлари бўйича илмий ва амалий таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилган.*

Таянч сўзлар: *товар-моддий захиралар, харажатлар, маҳсулот таннархи, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари, FIFO, AVECO, молиявий ҳисобот.*

Аннотация. *В данной статье рассматриваются вопросы ведения товарно-материальных запасов и применения международных стандартов финансовой отчетности в финансовой отчетности. Также разработаны научно-практические предложения и рекомендации по этапам гармонизации учета запасов с международными стандартами финансовой отчетности и направлениями управления запасами.*

Ключевые слова: *запасы, затраты, себестоимость продукции, международные стандарты финансовой отчетности, ФИФО, АВЕКО, финансовая отчетность.*

Abstarct. *This article examines the issues of keeping inventory and applying international standards of financial reporting in financial reporting. Also, a scientific and practical proposal*

and recommendations were developed on the stages of harmonization of inventory accounting with international standards of financial reporting and directions of inventory management.

Key words: *inventories, costs, production costs, international financial reporting standards, FIFO, AVECO, financial reporting.*

Кириш

Хўжалик юритувчи субъектларда товар-моддий захиралар энг салмоғи юқори бўлган активларидан биридир. Товар-моддий захираларни оқилона бошқариш натижасида мазкур активлар бўйича сарф-харажатларини камайтиришга, меъёрдан ортиқча тўлдириш ёки ишлаб чиқариш жараёнининг тўхтаб қолиши хавфини камайтиришга ҳамда оптималлаштиришга ёрдам беради. Шунингдек, товар-моддий захиралар ҳисобини тўғри ва самарали ташкил қилиш орқали хўжалик юритувчи субъектлар рентабеллиги, активлар айланмаси ва умумий молиявий барқарорлик каби молиявий кўрсаткичларни яхшилашга эришилади.

Товар-моддий захиралар ҳисобини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига уйғунлаштиришда хўжалик юритувчи субъектларда солиқ қонунчилигига риоя қилишда айрим муаммолар сақланиб қолмоқда. Шу сабабли, товар-моддий захиралар ҳисобини юритишда бухгалтерия хизмати ходимлари нафақат солиқ қонунчилигига риоя қилиш, балки инвестицияларни жалб қилиш ва молиявий ҳисоботнинг шаффофлигини оширишда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари талабларини тўғри қўллашлари лозим.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг айрим нобарқарор бўлган кўрсаткичларини инобатга олган ҳолда, хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти мослашувчан бўлиши лозим. Бунинг натижасида, товар-моддий захиралар ҳисобини такомиллаштириш хўжалик юритувчи субъектларга талаб, таклиф ва бошқа ташқи омилларнинг ўзгаришига яхшироқ мослашиш имконини яратишга хизмат қилади. Шу билан бирга, рақамли иқтисодиёт шароитида замонавий ахборот технологиялари ва таҳлилий воситаларида товар-моддий захираларни ҳисобга олиш аудит жараёнларини сезиларли даражада яхшилаш, хатолар ва номувофиқликлар хавфини сезиларли даражада камайтириш, шунингдек, бошқарув қарорларини қабул қилиш учун муҳим маълумотлардан тезкор фойдаланиш имконини беради.

Умуман олганда, товар-моддий захираларни ҳисобини юритишни молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида такомиллаштириш республикамизда фаолият юритаётган хўжалик юритувчи субъектларнинг рақобатбардошлиги, молиявий барқарорлиги ва самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирларнинг энг устуворларидан бири бўлиб қолмоқда.

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи

Товар-моддий захиралар ҳисобини такомиллаштириш юзасидан хорижий ва маҳаллий олимлар бир қатор сезиларли илмий-тадқиқот ишлари олиб боришган.

Иқтисод фанлари номзоди, доцент М.Т.Ҳайдаровнинг таъкидлашича, «товар-моддий захираларга ташкилотга тегишли бўлган ва хизмат қилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлмаган ёки бир операцион цикл мобайнида фойдаланиладиган мол-мулклар киритилади» [1].

Грециялик иқтисодчи олимлар Г.Приниотакис ва П.Аргуропоулосларнинг фикрича, «захиралар миқдорини тўғри белгилаш ишлаб чиқариш жараёнига сезиларли таъсир кўрсатади. Захиралар миқдорининг кўплиги ташкилот

ликвидлигини пасайтиради. Аксинча захиралар миқдорининг камлиги ишлаб чиқаришнинг пасайишига ва фойданинг камайишига олиб келади» [2].

Бошқа бир гуруҳ иқтисодчилар (Fararishah Abdul Khalid, Samantha Reina Lim. A) таъкидлашича, «товар-моддий захиралар корхона активлари таркибида катта салмоқни ташкил этади. Товар-моддий захиралар миқдорининг камлиги ёки кўплиги ишлаб чиқариш занжирига таъсир этиб, фаолиятнинг барқарорлигига таъсир этади» [3].

Е.С.Ахрамеевaнинг ҳисоблашича, «захиралар хўжалик юритувчи субъект томонидан ишлаб чиқаришда, бошқаришда ёки сотишда меҳнат объекти сифатида фойдаланиладиган, ҳар бир ишлаб чиқариш циклида истеъмол қилинадиган ва ўз қийматини ишлаб чиқарилган маҳсулотга тўлиқ ўтказадиган активларни ифодалайди» [4].

Т.В.Карамзин захираларни «баланс активида акс эттириладиган компания айланма фондларининг таркибий қисми, материаллар ва маҳсулот сифатида кўриб чиқади» [5].

Бугунги кунда захираларни аниқлаш мазмуни бўйича қарашларнинг хилма-хиллиги уларни таснифлашда турлича ёндашувлар мавжудлигини белгилаб беради.

И.В.Гейцнинг ҳисоблашича, «саноат корхонасида моддий-ишлаб чиқариш захиралари учта тур бўйича таснифланади:

- ишлаб чиқариш захиралари;
- тугалланмаган ишлаб чиқариш;
- тайёр маҳсулот» [6].

Таъкидлаш керакки, товар-моддий захиралар иқтисодий моҳияти ҳақидаги фикрларни умумлаштиришга кўра, аксарият ҳолларда муаллифлар миллий ва халқаро стандартларда тақдим этилган таърифнинг анъанавий ифодасига риоя этганлигини кўрсатди. Бизнинг тадқиқот кузатишларимизга кўра энг оптимал таъриф сифатида «товар моддий захиралар хўжалик юритувчи субъект томонидан ишлаб чиқаришда, бошқаришда ёки сотишда меҳнат предмети сифатида фойдаланиладиган, ҳар бир ишлаб чиқариш давомийлигида истеъмол қилинадиган ва якунда ўз қийматини ишлаб чиқарилган маҳсулотга тўлиқ ўтказадиган активлардир».

Тадқиқот методологияси

Тадқиқотда иқтисодий таҳлил, мантиқийлик ва гуруҳлаш усулларидан фойдаланилди. 2018–2022 йилларда “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятининг товар-моддий захиралар миқдорини ҳисобга олишда халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш ва молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари талабларига мувофиқлиги таҳлил қилинган.

Натижа ва муҳокама


Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган хўжалик юритувчи субъектларда товар-моддий захиралар ҳисобини тўғри юритиш, уларнинг миқдорини ва сифатини мунтазам равишда баҳолаб бориш бухгалтерия хизмати ходимлари олдида турган ҳамда молиявий ҳисоботларда муҳим бузиб кўрсатиш рисклари даражасига таъсир қиладиган жараёнларнинг энг аҳамиятлиларидан биридир.

Мамлакатимиздаги энг йирик акциядорлик жамиятларидан бири “Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг ҳам молиявий ҳисоботлари таҳлил қилинганда, мазкур субъектнинг товар-моддий захиралари миқдори унинг жорий активлари таркибида муҳим салмоққа эгалигини кўриш мумкин. Шунингдек, мазкур акциядорлик жамиятининг

товар-моддий захиралари миқдори сўнгги беш йилликда фақат юқори ўсиш тенденциясига эга эканлиги ҳам товар-моддий захиралар ҳисобини юритишдаги муаммоларни кенгроқ ўрганган ҳолда ушбу муамммоларни бартараф этиш бўйича тадқиқот ишларини янада жадаллаштиришни талаб этади (1-расм).

Қуйида келтирилган расмдан кўришимиз мумкинки, "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамиятининг товар-моддий захиралари 2022 йилда 2018 йилга нисбатан 262,2 фоизга ошган ҳамда ўтган йиллар давомида товар-моддий захираларнинг миқдори мунтазам равишда юқори даражага ўсиб борган.


Шу сабабли, товар-моддий захиралар ҳисобини юритишда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари талабларини мамлакатимизда фаолият юритаётган акциядорлик жамиятларининг амалиётига кенг жорий қилиш ҳамда бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига янада уйғунлаштириш мақсадга мувофиқдир.



1-расм. "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти жорий активларининг таҳлили[1]

Хўжалик юритувчи субъектларнинг товар-моддий захираларини ҳисобга олишни халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш ва молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари талабларига мувофиқлигини ошириш учун турли босқич ва усулларни ўз ичига олиши мумкин (2-расм).

[1] "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамиятининг молиявий ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.



2-расм. Товар-моддий захиралар ҳисобини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқлаштириш босқичлари[2].

[2] Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Хўжалик юритувчи субъектларда энг аввало, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида товар-моддий захираларни баҳолаш усулларини танлаб олиш ҳамда қўллашда мазкур субъектнинг бизнес хусусиятларини инобатга олиш зарур. Маълумки, маҳаллий ва халқаро бухгалтерия ҳисоби амалиётида энг кўп қўлланиладиган товар-моддий захираларни баҳолашнинг ФИФО (биринчи кирим, биринчи чиқим), ЛИФО (охирги кирим, биринчи чиқим) ва АВЕКО (ўртача топилган қиймат) усуллари ҳисобланади. Хўжалик юритувчи субъектлар товар-моддий захираларнинг ҳақиқий таннархини тўғри ва ҳаққоний акс эттирувчи ва хўжалик юритувчи субъектнинг бизнес моделига мос келадиган усулни танлаши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Шунингдек, товар-моддий захираларни мол етказиб берувчилардан сотиб олиш, ишлаб чиқариш ва сақлаш билан боғлиқ харажатларни тизимли равишда ҳисобга олиш товар-моддий захиралар таннархини тўғри аниқлаш имконини беради. Бу эса, ўз навбатида, транспорт харажатлари, божхона тўловлари, буюртмаларни қайта ишлаш ва омбор харажатлари каби тўғридан-тўғри ва билвосита харажатларни ўз ичига олиши мумкин. Товар-моддий захираларни мунтазам равишда жисмоний инвентаризация қилиш товар-моддий захиралар миқдорининг тўғрилигини текширишга ёрдам беради ва бухгалтерия ҳисоби ва ҳақиқий товар-моддий захиралар ўртасидаги тафовутларни аниқлайди.

Хўжалик юритувчи субъектларда товар-моддий захираларнинг ўзига хос хусусиятлари, товар-моддий захираларнинг қиймати ва фойдаланиш истиқболларига кўра таснифлаш товар-моддий захираларни бошқаришда ҳамда уларнинг мазкур субъект молиявий ҳисоботлари ва натижаларига таъсирини тўлиқ ва аниқроқ тушуниш имкониятини яратади. Мазкур жараёнда товар-моддий захираларни айирбошлаш мониторинги ҳам ўтказилиши мақсадга мувофиқдир. Чунки, товар-моддий захираларни бошқариш самарадорлигини аниқлашга ва инвентарлар даражасини оптималлаштиришади. Бунга товар-моддий захираларни айирбошлаш коэффициенти ва товар-моддий захираларнинг муддати каби ҳисоб-китобларни киритиш мумкин.

Хўжалик юритувчи субъектларда молиявий ҳисоботларни тайёрлаш, айниқса, товар-моддий захиралар, уларни таснифлаш ва баҳолаш усуллари тўғрисидаги маълумотларни бошқа шахсларга ошкор қилиш нуқтаи назаридан молиявий ҳисоботнинг халқаро стандртларида кўзда тутилган талабларини инобатга олиш лозим. Шу билан бирга, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари талабларини ўз ичига олган товар-моддий захираларни бошқаришда махсус дастурий таъминотдан фойдаланиш жараёнида товар-моддий захираларни ҳисобга олиш, назорат қилиш ҳамда таҳлил қилиш жараёнларини яхшилайди, шунингдек, товар-моддий захираларни бошқариш бўйича хўжалик операциялари самарадорлигини янада ошириш имконини беради.

Товар-моддий захираларни жалб қилиш ҳамда шакллантириш муаммоларини ўрганиш натижасида, кўплаб хўжалик юритувчи субъектларнинг захираларини тўғри режалаштириш ҳамда уларни мониторинг қилишнинг мавжуд усулларини қўллашда муаммоларни келтириб чиқаради. Шунингдек, товар-моддий захираларни тўғри ва ҳаққоний бошқариш самарадорлиги кўрсаткичларидан аксарият ҳолларда хўжалик юритувчи субъектларда


фойдаланмайдилар. Мазкур самарадорлик кўрсаткичлари таҳлил қилинаётган ҳисобот даври учун товар-моддий захиралар айланмалари сонини, хўжалик юритувчи субъектларнинг товар-моддий захиралар билан таъминланганлигини тавсифлайди, бундан ташқари, кўрсаткичлар айланма маблағларнинг ортиқчалигини аниқлаши мумкин. Товар-моддий захиралар миқдорини таҳлил қилиш товар-моддий захиралар ва ўз айланма маблағлари мавжудлиги ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш имконини беради.

Бу эса хўжалик юритувчи субъектларнинг товар-моддий захираларини тўлақонли бошқаришга имкон беради.

Хўжалик юритувчи субъектларда товар-моддий захиралар миқдорини бошқаришда мазкур субъектларда муаяйн даражада товар-моддий захирасига эга бўлиши талаб этилади ҳамда иш жараёнларида бир қатор чора-тадбирларни амалга ошириши зарур (3-расм).

Хўжалик юритувчи субъектларнинг товар-моддий захираларини бошқаришнинг муҳимлиги шундаки, мазкур субъектларнинг харажатларини янада оптималлаштириш ва таннархини мақбуллаштиришдир. Шу сабабли, товар-моддий захираларни бошқариш ва улардан фойдаланиш ҳисобини йўлга қўйиш хўжалик юритувчи субъектнинг бухгалтерия бўлимларида ахборот таъминотини яхшилашнинг энг асосий муаммоларидан биридир. Бу моддий ва энергия ресурсларидан оқилона фойдаланиш бугунги кунда корхона рентабеллигини оширишнинг энг муҳим омилларидан бири эканлиги билан изоҳланади.

Хўжалик юритувчи субъектларда товар-моддий захиралар ҳисобининг тўғрилигини ва ҳаққонийлик даражасини ошириш бўйича асосий тадбирлардан бири бу мазкур хўжалик юритувчи субъектларнинг хусусиятларини, товар-моддий захираларни ҳисобдан чиқариш, қабул қилиш ва улардан фойдаланиш вақтида қўлланиладиган усулларни тўғри



3-расм. Товар-моддий захираларни бошқариш йўналишлари[3]

[3] Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ ҳолда бажариш зарур. Шунингдек, товар-моддий захиралар билан боғлиқ жараёнларни тартибга солишда юқори малакали мутахассислар билан ички назоратни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Хулоса

Товар-моддий захиралар ҳисоби бухгалтерия ҳисобининг энг муҳим объектларидан бири сифатида ўрганиб борилмоқда, шу сабабли мазкур мавзуда илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш муҳим аҳамият касб этади ҳамда мазкур мақолани тайёрлаш давомида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Товар-моддий захиралар ҳисобини юритишда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари талабларини тўғри ва ҳаққоний қўллаш муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли, Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган хўжалик юритувчи субъектларда товар-моддий захиралар ҳисобини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқлаштириш бўйича асосланган 8 босқични қўллаш натижасида товар-моддий захиралар ҳисобининг тўғри юритилишига, молиявий ҳисоботларда товар-моддий захиралар билан боғлиқ маълумотларни ҳаққоний ёритиб берилишига замин яратади. Шунингдек, бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига уйғунлаштиришда муҳим методик кўрсатма бўлиб хизмат қилади.

2. Хўжалик юритувчи субъектларнинг товар-моддий захираларини тўғри бошқариш ҳамда улардан фойдаланишни оптималлаштириш долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Фикримизча, товар-моддий захираларни бошқаришнинг аниқ йўналишларини белгилаб олиш ҳамда улар бўйича чора-тадбирларни қўллаш субъектларда турли харажатларни оптималлаштириш ҳамда маҳсулот таннархини камайтиришга имконият яратади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Хайдаров М.Т. Бюджет ташкилотларида товар-моддий захиралар ҳисобини юритиш тартиби. //Иқтисод ва молия. 2015 йил, 8-сон. 61-бет.
2. Priniotakis G., Argyropoulos P. Inventory management concepts and techniques. // Aegean International Textile and Advanced Engineering Conference (AITAE 2018). DOI:10.1088/1757-899X/459/1/012060
3. Fararishah Abdul Khalid, Samantha Reina Lim. A study on inventory management towards organizational performance of manufacturing company in Melaka. //International Journal of Academic Research in Business and Social Sciences Vol. 8, No. 10, Oct. 2018.
4. Ахрамеева, Е.С. Учетная политика предприятий в современных условиях / Е.С. Ахрамеева // Учет и отчетность. - 2014. - №1. - С.19-22. 20-бетдан
5. Карамзин, Т.В. Запасы предприятий: учебник / Т.В. Карамзин - 4-е изд. испр. и доп. - Москва : Омега-Л, - 2014. - 148с. 87-бетдан
6. Гейц, И.В. Учет материально-производственных запасов в современных рыночных условиях: учебник / И.В. Гейц. - 4-е изд., перераб. и доп. - Москва : ИНФРА-М, 2013. - 214 с.
7. Djalilov, R. H. (2023). Problems of calculation of value added tax in the tax system of the Republic of Uzbekistan. Intent Research Scientific Journal, 2(3), 65-71.

УДК 658.1/334.72

Шаякубов Шакабил Каримович
кандидат экономических наук, профессор
кафедры «Финансовый анализ» ТГЭУ
Shakabil1951@gmail.com

ОРГАНИЗАЦИЯ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ “ИНДИВИДУАЛЬНОГО АУДИТОРА” – ПУТЬ К ОБЕСПЕЧЕНИЮ НЕЗАВИСИМОСТИ ВО ВНУТРЕННЕМ АУДИТЕ

Shayakubov Shoqobil Karimovich
TDIU “Moliyaviy tahlil” kafedrasi
professori, iqtisod fanlari nomzodi,
Shakabil1951@gmail.com

“INDIVIDUAL AUDITOR” TADBIRKORLIK FAOLIYATINI TASHKIL QILISH – ICHKI AUDITDA MUSTAQILLIKNI TA’MINLASH YO‘LI

Shayakubov Shakabil Karimovich
Candidate of Economic Sciences, Professor
Department of Financial Analysis, TSUE
Shakabil1951@gmail.com

ORGANIZATION OF BUSINESS ACTIVITY OF AN «INDIVIDUALIZED AUDITOR» – A WAY TO ENSURING INDEPENDENCE IN INTERNAL AUDIT

Аннотация. *В статье исследуются пути решения проблемы обеспечения во внутреннем аудите принципа независимости, которая не в полной мере достигается из-за подчиненности аудиторов службы внутреннего аудита первому лицу министерств и ведомств. На основе проведенных исследований предлагается инновационное решение – организовать в законодательном порядке систему «Индивидуального аудитора» на основе индивидуальной предпринимательской деятельности.*

Ключевые слова: *принцип независимости, внутренний аудит, служба внутреннего аудита, предпринимательская деятельность в аудите, независимый аудитор, внутрихозяйственный аудитор, индивидуальный аудитор.*

Annotatsiya. *Maqolada ichki auditda auditorlarni vazirlik va idoralar birinchi rahbariga bo‘ysunishi sababli mustaqillik tamoyiliga erishish to‘liq ta’minlanmasligi muammosini yechish yo‘llari tadqiq qilinmoqda. O‘tkazilgan izlanishlar asosida innovatsion yo‘l taklifi – qonuniy*

tartibda individual tadbirkorlik asosida "Individual auditor" tizimini tashkil qilish taklif qilinmoqda.

Tayanch so'zlar: *mustaqillik prinsipi, ichki audit, ichki audit xizmati, auditda tadbirkorlik faoliyati, mustaqil audit, ichki xo'jalik auditori, individual auditor.*

Annotation. *The article explores ways to solve the problem of ensuring the principle of independence in internal audit, which is not fully achieved due to the subordination of auditors of the internal audit service to the first person of ministries and departments. Based on the research conducted, an innovative solution is proposed - to organize in legislation the system of "Individual Auditor" on the basis of individual entrepreneurial activity.*

Key words: *principle of independence, internal audit, Internal Audit Services, entrepreneurial activity in auditing, independent auditor, internal auditor, individual auditor.*

Введение

В Узбекистане, в соответствии с Постановлением Президента Республики Узбекистан от 27 сентября 2006 г., №ПП-475 «О мерах по дальнейшему развитию рынка ценных бумаг, создана система "Служба внутреннего аудита" «на предприятиях с балансовой стоимостью активов более 1 млрд. сумов, а в акционерных обществах с балансовой стоимостью активов более стотысячекратной базовой расчетной величины создаются службы внутреннего аудита, которые назначаются и подотчетны наблюдательным советам;» [4.3п.].

Обзор литературы и законодательно-нормативных актов

1. Для этого далее в республике были разработаны и утверждены Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 1 августа 2022 г. за №416 «Об утверждении типового положения о службе внутреннего аудита министерств и ведомств» [5]; Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 13 февраля 2023 г. за №62 «Об утверждении Положения об Инспекции Государственного финансового контроля при Министерстве Экономики и Финансов Республики Узбекистан и сертификации квалификации сотрудников Службы внутреннего аудита» [6], Приказ Министра финансов Республики Узбекистан №52 от 3 октября 2022 г. «Об утверждении Национальных стандартов внутреннего аудита» [7], Приказ Министра финансов Республики Узбекистан №63 от 22 ноября 2022 г. «Об утверждении Инструкции по проведению внутреннего аудита» [8].

Понятное дело, когда было предусмотрено что аудиторы Службы внутреннего аудита «назначаются и подотчетны наблюдательным советам» [4], чем обеспечивалось выполнение всех принципов аудиторской деятельности и в частности - принципа независимости. В законе Республики Узбекистан от 25 февраля 2021 г. №ЗРУ–677 «Об аудиторской деятельности» (статья 5) предусмотрен «Принцип независимости»: «Аудитор должен быть свободным от предвзятости и не допускать фактов, способных скомпрометировать его. При наличии обстоятельств, препятствующих независимости, аудиторская организация должна отказаться от оказания аудиторских услуг» [1].

Но в дальнейших нормативно-инструктивных документах по службе внутреннего аудита, когда речь пошла о министерствах и ведомствах, хотя и сказано что служба внутреннего аудита является самостоятельным отделом в структуре министерств и ведомств,

отмечено её подчинение и подотчетность первому руководителю [5].

В законе речь идет о независимости аудиторов в деятельности аудиторских организаций, но ни как не о деятельности службы внутреннего аудита. Это обусловлено тем, что в республиканском Законе не предусмотрена деятельность «Службы внутреннего аудита» министерств и ведомств. В законе также не предусмотрена известная во всем мире деятельность «Индивидуального аудитора». В нашем законе речь идет только об аудиторских организациях и аудиторах работающих в них.

В зарубежной литературе [9, 10] и в законодательстве многих стран,в частности Российской Федерации [2], под аудиторской проверкой и оказанием сопутствующих аудиторских услуг понимают работу аудиторских организаций и независимых аудиторов, внутрихозяйственных аудиторов или индивидуальных аудиторов.

В Федеральном Законе Российской Федерации от 7 августа 2001 г. за № 119-ФЗ «Об аудиторской деятельности» в 3 статье «Аудитор» сказано:

«1. Аудитором является физическое лицо, отвечающее квалификационным требованиям, установленным уполномоченным федеральным органом, и имеющее квалификационный аттестат аудитора.

2. Аудитор вправе осуществлять аудиторскую деятельность в качестве работника аудиторской организации или в качестве лица, привлекаемого аудиторской организацией к работе на основании гражданско—правового договора, либо в качестве индивидуального предпринимателя, осуществляющего свою деятельность без образования юридического лица.

3. Индивидуальный аудитор вправе осуществлять аудиторскую деятельность, а также оказывать сопутствующие аудиту услуги. Индивидуальный аудитор не вправе осуществлять иные виды предпринимательской деятельности.» [2].

В частности в системе аудита Украины: «Аудиторы как субъекты предпринимательской деятельности могут заниматься аудиторством индивидуально или в аудиторских фирмах, при наличии квалификационного свидетельства (сертификата) и лицензии, выданных в предусмотренном законодательством порядке. Они имеют право заниматься аудиторской деятельностью при наличии договорных отношений с предприятиями и организациями или задания на проведение аудита, выданного аудиторской фирмой [10,с.43].

Методология исследования

Если Методологию понимать как «путь исследования, теория и *logos* – “учение” [11.375], то мы в своих исследованиях исходили из того, что в мировой теории аудиторской деятельности, рассматривая вопросы внутреннего аудита, законодательно, научно и в учебно-методических целях выделяют деятельность индивидуального аудитора.

И далее, что это “Учение о принципах структуро-образования, логической алгоритмизации, способах и средствах деятельности” [11.375] показало в наших исследованиях, принцип независимости аудитора выделяется в мировой практике организации всей аудиторской деятельности, как основной элемент всех принципов самостоятельной предпринимательской деятельности. Но в нашей методологии аудиторской деятельности как в теоретической, так и в законодательной, научной и учебно-методической отсутствует организация деятельности индивидуального аудитора.

С другой стороны, при исследованиях методологии, теории и практики аудиторской деятельности в республике можно наблюдать противоречия в обеспечении принципа независимости. Так, если в одном документе говориться о «подотчетности (службы внутреннего аудита) наблюдательным советам» [4], а в другом, «подчинение и подотчетность первому руководителю» [5], что и определило необходимость исследования такой постановки вопросов методологии.

Анализ и результаты

В теории и практики аудиторской деятельности существуют два вида аудита: внешний аудит и внутренний аудит. Именно внутренний аудит предусматривает организацию системы Службы внутреннего аудита. Но с соблюдением всех принципов аудиторской деятельности .

Принцип независимости также является обязательным во всех видах аудиторской деятельности. Во внутреннем аудите, как видно из выше приведенных примеров, он работает когда аудиторы Службы внутреннего аудита «назначаются и подотчетны наблюдательным советам», или для проведения внутреннего аудита к работе на основании гражданско—правового договора привлекаются сертифицированные аудиторы в качестве индивидуального предпринимателя, осуществляющего свою деятельность без образования юридического лица, т.е. могут заниматься аудиторством индивидуально как независимый аудитор, внутрихозяйственный аудитор.

Не соблюдение принципа независимости может повлечь за собой проблемы нарушения системы независимого финансового контроля, нарушенияпроведения независимой экспертизы и анализа финансовой отчетности хозяйствующих субъектов, лишения самостоятельности аудитора в выборе принятий решений, возникновению укрывательства нарушений, мошенничеств и сокрытий хищений, давлению со стороны руководства или третьих лиц, возникновению коррупции, снижению уровня существенности в оценке фактов и т.д.

Все эти проблемы допустимы при подчинении и подотчетности первому руководителю аудиторов системы Службы внутреннего аудита в министерствах и ведомствах.Из всего сказанного выше можно сделать вывод о не в полной мере соблюдения принципа независимости в этой системе.

Заключение

На наш взгляд, в нашей системе Службы внутреннего аудита в министерствах и ведомствах мы не должны отказываться от повсеместно применяемой практики привлечения сертифицированных аудиторовв качестве индивидуального предпринимателя, осуществляющего свою деятельность без образования юридического лица. Этим будет достигнуто:

Во-первых, обеспечение инновационной действенности в соблюдении принципа независимости аудиторов Службы внутреннего аудита;

Во-вторых, расширение предпринимательства в аудиторской деятельности, как предусмотрено в последних Указах и Постановлениях Президента Республики Узбекистан по совершенствованию аудиторской деятельности и, в частности, отдельно взятого индивидуального аудитора;

В-третьих, возможность осуществления аудиторской деятельности отдельно взятым сертифицированным аудитором, без образования юридического лица на коммерческих основах;

В-четвертых, индивидуальный аудитор будет осуществлять свою деятельность на основе гражданско—правового договора, который он может расторгнуть в любой момент при малейшем нарушении его независимости, вряд можно будет оказывать давление на частного, индивидуального сертифицированного аудитора.

Для достижения всех выше сказанных нововведений необходимо внести во весь текст Закона Республики Узбекистан «Об аудиторской деятельности термин «Индивидуальный аудитор»во все статьи, где речь идет об аудиторах аудиторской организации и отдельно ввести статью -«Индивидуальный аудитор». Благо все атрибуты этой статьи разработаны в выше перечисленных постановлениях и приказах.

Мы надеемся, что данные предложения найдут одобрение со стороны Палаты Аудиторов Узбекистана и Национальной ассоциации бухгалтеров и аудиторов Узбекистанаи будем рады совместному сотрудничеству в деле их реализации на благо развития предпринимательской и аудиторской деятельности нашей страны, воплощению всех решений и нововведений отмеченных в Указах и постановлениях Президента Республики Узбекистан, чем в действительности будет достигаться инновационное развитие страны и достижение нового ренессанса.

ЛИТЕРАТУРА

1. Закон Республики Узбекистан от 25 февраля 2021г. №ЗРУ–677**«Об аудиторской деятельности»;**
2. Закон Российской Федерации от 7 августа 2001г. №119-ФЗ «Об аудиторской деятельности»;
3. Указ Президента Республики Узбекистан от 27.08.2021 г. №УП-6300 «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы Государственного финансового контроля»;
4. Постановление Президента Республики Узбекистан от 27 сентября 2006 г. за №ПП-475 «О мерах по дальнейшему развитию рынка ценных бумаг»;
5. Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 1 августа 2022 г. за №416 « Об утверждении типового положения о службе внутреннего аудита министерств и ведомств»;
6. Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 13 февраля 2023г. за №62 «Об утверждении Положения об Инспекции Государственного финансового контроля при Министерстве Экономики и Финансов Республики Узбекистан и сертификации квалификации сотрудников Службы внутреннего аудита»;
7. Приказ Министра финансов Республики Узбекистан №52 от 3 октября 2022г.«Об утверждении Национальных стандартов внутреннего аудита»;
8. Приказ Министра финансов Республики Узбекистан №63 от 22 ноября 2022г. «Об утверждении Инструкции по проведению внутреннего аудита»;
9. Арене А., Лоббек Дж. Аудит: Пер. с англ.; Гл. редактор серии проф. Я.В. Соколов. - М.: Финансы и статистика, 2001. - 560 с: ил. - (Серия по бухгалтерскому учету и аудиту);
10. Белуха Н.Т. Аудит: Учебник. — Киев: «Знания», КОО, 2000.—769 с. — (Высшее образование XXI века);
11. Большая экономическая энциклопедия - М.: Эксмо, 2007. – 816 с.

УЎТ 338/04

Эрханов Мухаммаджон Абсайитович,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
мустақил изланувчиси
m.a.erxanov@mail.ru

КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Эрханов Мухаммаджон Абсайитович,
научный сотрудник
Ташкентского государственного экономического университета

ОСОБЕННОСТИ НАЛОГООБЛОЖЕНИЯ СУБЪЕКТОВ МАЛОГО БИЗНЕСА

Erxanov Muxammadjon Absayitovich,
Researcher of Tashkent State University of Economics

FEATURES OF TAXATION FOR SMALL BUSINESSES

Аннотация. *Илмий мақолада кичик бизнес субъектлари, уларни аниқлаш мезонлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни иқтисодиётнинг асосий турларидаги улуши, кичик бизнес субъектларини солиққа тортиш тартиби таҳлил қилинган. Шунингдек, кичик бизнес субъектларини солиққа тортиш тартибидаги айрим муаммолар, уларни бартараф этиш йўллари ёритиб берилган.*

Таянч сўзлар: *кичик бизнес субъектлари, якка тартибдаги тадбиркор, микрофирма, кичик корхона, айланмадан олинадиган солиқ, солиқ ставкаси.*

Аннотация. *В данной статье исследуются субъекты малого предпринимательства, критерии их определения, доля малого бизнеса и частного предпринимательства в основных видах экономики, порядок налогообложения субъектов малого предпринимательства. Также рассмотрены некоторые проблемы в порядке налогообложения субъектов малого предпринимательства и пути их устранения.*

Ключевые слова: *субъекты малого предпринимательства, индивидуальный предприниматель, микрофирма, малое предприятие, налог с оборота, налоговая ставка.*

Annotation. *In this research small business, the criteria for its definition, the share of small business and private entrepreneurship in the main types of the economy, the taxation of small business are investigated. Several issues regarding the taxation of small business and ways to eliminate those issues are also considered.*

Key words: *small business, individual entrepreneur, microfirm, small enterprise, turnover tax, tax rate.*

Кириш

Жаҳон солиқ амалиётида кичик бизнес субъектлари учун солиқлар бўйича бир қатор қулайликлар, енгилликлар яратилган. Айниқса, ривожланаётган ва ўтиш иқтисоди кузатилаётган мамлакатларда кичик бизнес субъектлари давлат томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланади. Мамлакатимизда ҳам кичик бизнесни ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратилган бўлиб, натижада уларни иқтисодиётда тутган ўрни тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Шундай имкониятлардан бири уларни солиққа тортиш тизимидаги енгилликлар ва қулайликлар ҳисобланиб, бу асосан солиққа тортишнинг соддалаштирилган тартибини, солиқ имтиёзлари ва преференцияларни қўллашни назарда тутади.

Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимида кичик бизнес субъектлари учун солиқ солишнинг соддалаштирилган тартиби кўп йиллар давомида қўлланилиб, солиқ тизимида муҳим ўрин эгаллаган бўлса, солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепциясининг қабул қилиниши соддалаштирилган солиқ тизимига янгича ёндашув даврини бошлаб берди.

Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепциясини асосий йўналишларидан бири сифатида “иқтисодиётга солиқ юкининг даражасини камайтириш, шунингдек, солиқ солишнинг соддалаштирилган ва умумбелгиланган тизими бўйича солиқларни тўлайдиган хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги солиқ юки даражасидаги номутаносибликларни бартараф этиш” [3] белгиланди. Натижада, кичик бизнес субъектлари зиммасидаги солиқ юкининг ошишига олиб келди. Кичик бизнес субъектларини солиққа тортишнинг соддалаштирилган даври ва уларни солиққа тортишнинг амалдаги тартибини солиштириш орқали таҳлил қилиш, бу борадаги мавжуд муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш муҳим аҳамиятга эга. Юқоридагилардан келиб чиқиб, мамлакатимизда кичик бизнес субъектларини солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш айни вақтда долзарбдир.

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи

Кичик бизнес субъектлари учун соддалаштирилган солиқ тизими ривожланаётган ва ўтиш иқтисодига эга мамлакатлар солиқ тизимига хос бўлиб, айниқса МДҲ мамлакатлари солиқ амалиётида кенг қўлланилмоқда. Жумладан, сўнгги йилларда Россия Федерацияси солиқ сиёсатининг асосий йўналишларидан бири бу кичик бизнес субъектлари зиммасига юкланган солиқ юкламасини камайтиришдир. Россиялик айрим иқтисодчилар соддалаштирилган солиққа тортиш тизимидаги муаммоларни тадқиқ қилиб, кичик бизнес субъектлари учун товар айланмаси чегараларини мунтазам равишда ошириб боришни таклиф қилмоқдалар [5].

Рус иқтисодчиси Н. Ремизов соддалаштирилган солиқ тизимини такомиллаштириш масалаларини тадқиқ этиб, соддалаштирилган усулни қўллайдиган солиқ тўловчилар умумий тартибда солиқ тўловчиларга нисбатан тўрт ярим баравар кам солиқ тўлашини аниқлаган ва солиқ тўловчиларнинг солиқ мажбуриятларини аниқлаш ва таққослаш методологияси асосида солиқ режимларини қўллаш механизмини таклиф этган [6].

Н. Курочкина эса минтақада кичик бизнесни солиқлар воситасида стимуллаштириш (шу жумладан, рағбатлантириш)да соддалаштирилган солиқ тизимининг аҳамиятини тадқиқ

қилиб, ягона солиқ тўлови бўйича тушумлар суммасининг кичик корхоналар товар айланмаси ва уларнинг асосий воситаларига йўналтирган маблағларига боғлиқлигини белгилайдиган регрессия моделини таклиф этган [7].

Республикамизда кўп йиллар солиққа тортиш тизимини соддалаштиришга доир солиқ сиёсатини олиб борилиши иқтисодчи олимлар томонидан мазкур тизим назарий ва амалий жиҳатдан атрофлича тадқиқ этилди. Жумладан, А. Ботиров "кичик тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш амалиётини такомиллаштириш йўлларини"[8], Б. Санакулова "кичик тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш орқали иқтисодий ўсишни таъминлаш масалаларини" [9], Ж. Ўрмонов "тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиқ механизми воситасида тартибга солишни такомиллаштириш" [10] масалаларини, Қ. Тўхсанов эса "кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиққа тортишни такомиллаштириш" [11] масалаларини тадқиқ қилган.

Иқтисодчи-олимларнинг соддалаштирилган солиқ тизимига доир қарашлари таҳлили кўсатмоқдаки, улар соддалаштирилган солиқларни турли жиҳатдан ўрганган, таҳлил қилган ва баҳо берган. Шунингдек, улар мавжуд муаммоларни бартараф этиш юзасидан таклиф-тавсияларни ҳам билдирганлар. Лекин мамлакатимиз солиқ амалиётида кичик бизнес субъектларини солиққа тортишнинг амалдаги ҳолатини таҳлилига доир тадқиқотлар етарлича даражада амалга оширилмаганлиги маълум бўлмоқда.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқот жараёнида маълумотларни гуруҳлаш, тизимли таҳлил ва синтез, илмий абстракция, таққослаш каби усуллардан фойдаланилган.

Натижа ва муҳокама

Кичик бизнес субъектларини аниқлаш меъзонлари ҳар бир мамлакат қонунчилиги билан белгиланади. Ривожланган давлатларда ишчилар сони, товар айланмаси, асосий воситалар қиймати кабилар кичик бизнес субъектларини аниқлашдаги мезон сифатида қаралади.

Республикамиз амалдаги қонунчилигида кичик бизнес субъектларини аниқлашда икки хил ёндашув сақланиб қолмоқда. Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 2 майдаги "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги ЎРҚ-328-сон қонунида кичик тадбиркорлик субъектлари деганда якка тартибдаги тадбиркорлар, микрофирмалар ва кичик корхоналар тушунилади. Шунингдек, мазкур қонунда микрофирма ва кичик корхоналарни аниқлаш мезони ҳам келтирилган бўлиб, ходимларининг ўртача йиллик сони қилиб белгиланган [1]. Демак, микрофирмалар ва кичик корхоналар деганда ишчилар сони бўйича белгиланган мезонларга жавоб берадиган юридик шахслар тушунилса, якка тартибдаги тадбиркорлик жисмоний шахс (якка тартибдаги тадбиркор) томонидан тадбиркорлик фаолиятини юридик шахс ташкил этмаган ҳолда амалга оширишдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 10 февралдаги ПФ-21-сон фармонига асосан кичик тадбиркорлик субъектларини аниқлаш мезони сифатида уларнинг жами йиллик даромади ҳисобланади, яъни:

а) кичик тадбиркорлик субъектлари:

якка тартибдаги тадбиркорлар;

микрофирмалар – таъсисчилари (иштирокчилари) жисмоний шахслар

бўлган ҳамда жами даромади календарь йил давомида 1 миллиард сўмгача бўлган тадбиркорлик субъектлари;

кичик корхоналар – жами даромади календарь йил давомида 1 миллиард сўмдан 10 миллиард сўмгача бўлган ҳамда таъсисчилари (иштирокчилари) юридик шахслар бўлган тадбиркорлик субъектлари;

б) ўрта тадбиркорлик субъектлари – жами даромади календарь йил давомида 10 миллиард сўмдан 100 миллиард сўмгача бўлган тадбиркорлик субъектлари;

в) йирик тадбиркорлик субъектлари – жами даромади календарь йил давомида 100 миллиард сўм ва ундан юқори бўлган тадбиркорлик субъектлари [2].

Демак, кичик тадбиркорлик субъектлари деганда якка тартибдаги тадбиркорлар, микрофирмалар ва кичик корхоналар тушунилиб, амалдаги қонунчилик ҳужжатларини мувофиқлаштириш орқали уларни аниқлаш мезонини ягона тизимга келтириш мақсадга мувофиқ.

Кичик бизнес субъектларини солиққа тортиш амалдаги солиқ қонунчилигига асосан бир қатор хусусиятларга эга. Бунда уларни йиллик товар айланмаси ҳамда якка тартибдаги тадбиркор ёки кичик корхона эканлиги аҳамиятлидир.

Кичик бизнес субъектларини солиққа тортишнинг амалдаги тартиби бошқа тадбиркорлик субъектларини солиққа тортишдан фарқ қилмайди. Шу жиҳатдан олиб қараганда кичик бизнес субъектларини солиққа тортиш механизмини тадқиқ қилиш унчалик аҳамиятли кўринмаса-да, уларнинг мамлакат ЯИМдаги улушини 50 фоиздан ортиқни ташкил этиши бу борада алоҳида ёндашувни талаб этади.

1-жадвал

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни иқтисодиётнинг асосий турларидаги улуши [12]

умумий ҳажмга нисбатан % да

Кўрсат-кичлар	2018 йил	2019 йил	2020 йил	2021 йил	2022 йил	2023 йил 3-чо-рак
ЯИМ	62,4	56,0	54,8	54,1	51,8	51,2
Саноат	37,4	25,8	27,9	27,4	26,0	25,9
Қурилиш	73,2	75,8	72,5	72,5	71,5	74,2
Бандлик	76,3	76,2	74,5	74,5	73,9	-
Экспорт	27,2	27,0	20,5	20,0	29,6	30,1
Импорт	56,2	61,6	51,7	45,3	49,4	49,8

1-жадвал маълумотларининг таҳлили кўрсатмоқдаки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯИМдаги улуши юқори бўлса-да, таҳлил қилинган йилларда мунтазам равишда камайиб борган, яъни 2018 йилдан 2022 йилга қадар 10,6 фоизли бандга камайиши кузатилган. Шу каби унинг саноатдаги улуши ҳам камайган. Қурилишдаги улуши нисбатан барқарор бўлса, бандликдаги улуши ҳам камайган. Экспортдаги улуши 2022 йилда кескин равишда ўсган бўлса-да, шунга мос равишда импортдаги улуши ҳам ўсган.

Эътиборли жиҳати шундаки, кичик тадбиркорлик субъектларини аниқлаш мезони қандай бўлишидан қатъий назар уларнинг солиқ мажбуриятлари жами йиллик даромадларидан келиб чиқиб белгиланади. Бунда йиллик даромади юз миллион сўмгача бўлган якка тартибдаги тадбиркорлар учун қатъий белгиланган солиқ ёки жами йиллик даромадларини декларациялаш орқали солиққа тортиш тизими амал қилса, жами йиллик даромади юз миллион сўмдан ошган якка тартибдаги тадбиркорлар, йиллик оборотидан қатъий назар микрофирмалар ва кичик корхоналар учун солиққа тортиш тизими бир хил қилиб белгиланган (2-жадвал).

2-жадвал

Кичик бизнес субъектларини солиққа тортиш тартиби [4]

Реализация тушумлари миқдори	**Солиқ тури**	**Солиқ ставкаси**	**Солиқларни тўлаш тартиби**
100 млн сўмгача *(ЯТТ)*	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	Қатъий миқдордаги суммада	Қатъий белгиланган миқдордаги солиқ амалга ошириладиган фаолият тури учун белгиланган миқдорда тўланади.
		12 фоиз	ЯТТ даромад солиғини жами йиллик даромадлар тўғрисидаги декларация асосида тўлашлари мумкин.
100 млн. сўмдан 1 млрд сўмгача *(ЯТТ, микрофирма, кичик корхона)*	Айланмадан олинадиган солиқ	4 фоиз	Айланмадан олинадиган солиқни тўлайди (ёки ихтиёрий равишда ҚҚС ва фойда солиғини тўлашга ўтиши мумкин).
1 млрд сўмдан юқори *(ЯТТ, микрофирма, кичик корхона)*	Қўшилган қиймат солиғи	12 фоиз	ҚҚС ва фойда солиғини тўлайди (бунда фойда солиғини соддалаштирилган тартибда тўлашни танлаши мумкин).

Кичик бизнес субъектларини солиққа тортишнинг мазкур тартиби 2019 йилдан эътиборан қўлланилиб, бугунги кунда тадбиркорлик субъектлари унга анча мослашдилар. Рақамларни таҳлил қиладиган бўлсак, 2023 йилда 64 272 та кичик бизнес корхоналари фаолият кўрсатган. Кичик корхоналарнинг жами товар айланмаси 152,7 трлн сўмни ташкил этиб, улар томонидан давлат бюджетига 11 трлн сўмга яқин солиқ тўланган (жами солиқ тушумларининг 6,6 фоизини ташкил этган). Мазкур корхоналарга қўлланилган солиқ имтиёзлари эса 4,1 млрд. сўмни ташкил этган [13].

Республикада фаолият кўрсатаётган якка тартибда тадбиркорлар сони 240,7 минг нафарни ташкил этиб, 2022 йилга нисбатан 2,6 мингтага ёки 1,1 фоизга кўпдир. Ушбу тадбиркорлик субъектларининг 195,0 мингтаси (81,0%) даромад солиғини қатъий белгиланган миқдорда тўловчилар, 43,1 мингтаси (17,9%) айланмадан олинадиган солиқни тўловчилар, 2,6 мингтаси (1,1%) умумбелгиланган солиқларни тўловчилар ҳисобланади [12].

Иқтисодиёт тармоқлари кесимида чакана савдо фаолияти билан банд бўлган якка тартибдаги тадбиркорлар улуши 46,3 фоизни ташкил қилса, маиший хизмат кўрсатиш ва ҳунармандчилик фаолиятлари билан тегишлича 10,9 ва 8,8 фоиз, бошқа фаолият турлари билан 34,0 фоиз тадбиркор банд бўлган [12].

Солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепциясининг қабул қилиниши натижасида амалга оширилган солиқ ислоҳотларида солиқ тизимининг замонавий усуллари ва воситаларига, унинг рақамлашувига катта эътибор қаратилмоқда. Шу билан бирга қайд этиш жоизки, солиқ тизимида кўп йиллар қўлланилган бўлса-да, ўзининг етарлича самарасини бермаган айрим усуллардан ҳам фойдаланилмоқда. Жумладан, Солиқ кодексининг 467-моддасида айланмадан олинадиган солиқ ставкалари билан бирга солиқни қатъий белгиланган ставкаси миқдорлари ҳам келтирилган (3-жадвал).

3-жадвал

Айланмадан олинадиган солиқни қатъий белгиланган ставкалари [4]

т/р	Солиқ тўловчилар	2023 йил	2024 йил
		Бир йиллик солиқ ставкалари (млн сўмда)	
1.	Жами даромади беш юз миллион сўмдан ошмаган солиқ тўловчилар	20	25
2.	Жами даромади беш юз миллион сўмдан юқори бўлган солиқ тўловчилар	30	34

Демак, жами даромади беш юз миллион сўмдан ошмаган солиқ тўловчилар 2023 йилда 20 млн сўм, 2024 йилда 25 млн сўм, беш юз миллион сўмдан юқори бўлган солиқ тўловчилар 2023 йилда 30 млн сўм, 2024 йилда 34 млн сўм айланмадан олинадиган солиқни қатъий белгиланган ставкада тўласа, йиллик айланмасидан Солиқ кодексининг 467-моддасида фоизларда келтирилган ставкада солиқ тўламайди.

2023 йилда 47,2 мингта тадбиркорлик субъектлари ихтиёрий равишда айланмадан олинадиган солиқни қатъий белгиланган суммадаги ставкаси бўйича солиқ тўлашга ўтиб, уларга қуйидаги енгилликлар берилди:

– молиявий ҳисоботлар ва айланмадан олинадиган солиқ ҳисоботларини топшириш, товарлар ҳисобини юритиш талаблари бекор қилинди;

– дивиденд тарзида банк ҳисобварағидан ечиб олинган маблағлар солиққа тортишдан озод қилинди.

Мазкур тартиб ўзининг ижобий жиҳатлари билан бирга, яширин иқтисодни камайтириш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар самарасини камайтиришга омил бўлмоқда. Шундан келиб чиқиб, айланмадан олинадиган солиқни қатъий белгиланган ставкада тўлаш тартибини бекор қилиш, солиқ тўловчилар учун ягона тартибни амал қилиши мақсадга мувофиқ.

Хулоса

Кичик бизнес субъектларини солиққа тортишнинг амалдаги тартиби давлат бюджети даромадларини шакллантиришга, тадбиркорлик субъектларининг самарали фаолият кўрсатишига омил бўлиб хизмат қилмоқда. Шунга қарамасдан тизимда айрим муаммолар кузатилаётганлигини таъкидлаш лозим. Жумладан:

– кичик бизнес субъектларини аниқлаш меъзонини ягона тизимга келтириш мақсадга мувофиқ. Амалдаги иккита норматив-ҳуқуқий ҳужжатда уларни аниқлашнинг турли хил мезонини келтирилганлиги, кичик бизнес субъектларига нисбатан турлича ёндашувга сабаб бўлмоқда;

– солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепциясида “йиллик оборот (тушум)нинг 1 миллиард сўм этиб белгиланган чегаравий миқдори 3 йилда камида бир марта қайта кўриб чиқилиши”[4] белгиланган бўлса-да, шу вақтга қадар ушбу меъёр қайта кўриб чиқилмади. Бу эса, инфляциянинг таъсирини эътиборга олган ҳолда солиқ тўловчилар йиллик оборотидаги ўсиш даражасини инобатга олинмаслигига сабаб бўлмоқда;

– амалга оширилаётган солиқ ислоҳотлари самарадорлигини ошириш мақсадида айланмадан олинадиган солиқни қатъий белгиланган ставкада тўлаш тартибини бекор қилиш лозим.

Олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра хулоса қилиш

мумкинки, кичик бизнес субъектларини солиққа тортишнинг амалдаги тартибини такомиллаштириш орқали улар фаолиятини янада кенгайтириш, шу билан бирга, давлат бюджети даромадларини ошириш имконияти яратилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 2 майдаги “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги ЎРҚ-328-сон қонуни, https://lex.uz/acts/2006789
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 10 февралдаги “Тадбиркорлик субъектларини тоифаларга ажратиш мезонлари ҳамда солиқ сиёсати ва солиқ маъмуриятчилигини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-21-сон Фармони, https://lex.uz/docs/6379809
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида”ги ПФ-5468-сон Фармони, https://lex.uz/docs/3802378
4. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси, https://lex.uz/docs/4674902.
5. Vladimir V. Gromov & Nikolaj S. Milogolov, 2019. “Simplified Taxation System and Unified Tax on Imputed Income: Objectives, Problems, Long-term Vision”, Financial Journal, Financial Research Institute, Moscow 127006, Russia, issue 2, pages 9-21, April. https://ideas.repec.org/a/fru/finjrn/190201p9-21.html
6. Ремизов Н.П. Совершенствование упрощенной системы налогообложения и единого налога на вмененный доход (на примере Ростовской области). Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. - Ростов-на-Дону, - 2009, 26 стр.
7. Курочкина Н.В. Упрощенная система налогообложения как инструмент налогового стимулирования субъектов малого предпринимательствав регионе. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук.– Йошкар-Ола 2020, 26 стр.
8. Ботиров А.А. Кичик тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш амалиётини такомиллаштириш йўллари: иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. – Т.: БМА, 2012. 23-б.
9. Санакулова Б.Р. Кичик тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш орқали иқтисодий ўсишни таъминлаш: докторлик диссертацияси автореферати. – Т.: БМА, 2016. 29-б.
10. Урмонов Ж.Ж. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиқ механизми воситасида тартибга солишни такомиллаштириш масалалари: иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. – Т.: БМА, 2018. 70-б.
11. Тўхсанов Қ.Н. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиққа тортишни такомиллаштириш: иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Т.: ТДИУ, 2019. 61-б.
12. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агаентлиги маълумотлари, https://stat.uz
13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Солиқ қўмитаси маълумотлари, https://soliq.uz

УЎТ UOT33/330

Каримов Акром Аббасович,
Тошкент Давлат иқтисодиёт университети
“Бухгалтерия ҳисоби” кафедраси профессори,
иқтисодиёт фанлари доктори.

Ризаев Нурбек Кадирович,
Ўзбекистон Банк-молия академияси
“Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” кафедраси мудири,
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
rizayevnk220874@gmail.com

ЎЗБЕКИСТОН ГЛОБАЛ ИННОВАЦИОН ИНДЕКС РЕЙТИНГИДА ЭЪТИРОФГА САЗОВОР

Аннотация. *Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти томонидан (WIPO) Глобал инновацион индекснинг 16-нашриёти томонидан эълон қилинган статистик маълумотлари асосида Ўзбекистонни инновацион индекснинг институтлар, инсон капитали ва тадқиқотлар, инфратузилма, кредитлар, инвестициялар, бизнес жозибадорлиги, стратегия, бозор жозибадорлиги каби индикаторлар бўйича эришган ютуқлари ва паст индикаторлар бўйича позицияни яхшилашга қаратилган илмий хулоса ва таклифлар баёни келтирилган.*

Таянч сўзлар: *институтлар, инновация, индекс, инсон капитали ва тадқиқотлар, илмий ва технологик натижалар, инфратузилма, ижод маҳсули, бизнес жозибадорлиги, стратегия, бозор жозибадорлиги.*

Annotation. *In the article, the statistics published by the World Intellectual Property Organization (WIPO) in the 16th edition of the Global Innovation Index are based on the innovation index of Uzbekistan according to indicators such as institutions, human capital and research, infrastructure, loans, investments, business attractiveness, strategy, market attractiveness. A statement of scientific conclusions and proposals aimed at improving the position of achieved achievements and low indicators is given.*

Key words: *institutions, innovation, index, human capital and research, scientific and technological results, infrastructure, creativity, business attractiveness, strategy, market attractiveness.*

Кириш

“2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”ги тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонининг 52-мақсадида “Глобал инновацион индексда Ўзбекистон Республикасининг ўрнини яхшилаш ва 2030 йилга қадар ТОП-50 мамлакатлари қаторига кириш” вазифаси қўйилган эди. Буни амалга ошириш учун эса: глобал инновацион индексда қайд этилган паст индикаторлар бўйича Ўзбекистон позициясини яхшилаш ҳамда инновацион лойиҳаларни амалга

ошириш учун барча йўналишларда кенг имкониятларни яратиш, тадқиқотларни ва инновацион ташаббусларни қўллаб-қувватлашнинг замонавий механизмларини жорий қилиш белгилаб берилди.

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи

Натижада ўтган йиллар даврида Ўзбекистон иқтисодиёти илк маротаба Марказий Осиёда ягона мамлакат сифатида Глобал инновацион индекс (“The Global Innovation Index” — GII)да ўз ўрнига эга бўлди. Ҳар йилги анъана бўйича Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти томонидан (WIPO) жаҳоннинг 132 та мамлакатлари кўрсаткичлари бўйича Халқаро инновацион индекснинг (GII-2023) 16-нашрини эълон қилди. Нашр маълумотларига кўра, сўнгги йилларда жаҳонда инновацион жараён тўхтовсиз ривожланиб бормоқда. Булар асосан сунъий интеллект (AI), супер ҳисоблаш ва автоматлаштириш асосида қурилган рақамли инновацион биотехнологиялар ва нанотехнологияларга асосланган чуқур илмий инновацияларга тўғри келмоқда.

Мазкур халқаро рейтингда Ўзбекистон 132 давлат орасида 2022 йилга нисбатан 2023 йилда ўз мавқеини сақлаб қолди. Албатта, бугунги халқаро дунёда юз бераётган турли таҳликали воқеликлар ҳамда жараёнларда, жумладан, Муҳтарам Президентимиз таъкидлаганидек: “Бу пандемия бўладими, табиий офатлар, зилзилалар бўладими, қуролли тўқнашувлар, глобал исиш ҳамда қурғоқчилик бўладими – барчаси башариятни қаттиқ синовдан ўтказди ва ўтказмоқда”, шундай бир оғир синовли даврларда жаҳоннинг нуфузли рейтингларида бундай позицияни ушлаб туришни ўзи бўлмайди.

Глобал инновацион индекс Ўзбекистонни дастлабки йилларда 93 поғонага жойлаган бўлса, бугунги кунда рейтингнинг юқори 100 таликда сўнгги йиллар ичида энг кўп юқорилаган мамлакатлар сифатида тан олди (Марокаш – 70, Ўзбекистон – 82, Миср – 86 ва Покистон – 88 ўрин).

Натижа ва муҳокама

Юқорида таъкидланганидек, Ўзбекистон 2030 йилда Глобал инновацион индексда кучли 50 таликдан жой олиши мақсад қилинган эди. Тўғри, глобал инновацион индекснинг айрим муҳим кўрсаткичларида паст индикаторларга эгамиз. Давлат раҳбаримиз томонидан ушбу қайд этилган паст индикаторлар бўйича ўз позициямизни яхшилаш ҳамда инновацион лойиҳаларни амалга ошириш учун керакли шарт-шароитлар яратиб берилмоқда. Натижада айрим давлатлар каби пастлаш ёки индексдан бутунлай чиқиб кетиш эмас, балки ҳеч бўлмаганда ўз ўрнимизни сақлаб қолишга мувофақ бўлинди.

Глобал инновацион индекс — бу мамлакатларнинг инновацион имконият ва кўрсаткичлари рейтинги бўлиб, бунда институтлар, инсон капитали ва тадқиқотлар, инфратузилма, кредитлар, инвестициялар, коммуникациялар каби индикаторлар турли баҳолаш мезонларига асосланган ҳолда инновациялар даражалари ўлчанади. Мазкур глобал инновацион индекс субъиндексларга бўлинган ҳолда бир нечта баҳолаш компонентларидан иборат бўлади. Глобал инновацион индекс рейтинги кўрсаткичлари жаҳон мамлакатлари иқтисодиётини ўзида қамраб олиб, у 80 га яқин кўрсаткичлар асосида аниқланади.

Глобал инновацион индекс улкан тадқиқотлар майдони бўлиб, унда инновацион ривожланиш даражасига кўра дунё мамлакатлари рейтинги тузилади

ва бу ҳар йили мамлакатларнинг ҳар томонлама қобилият ва инновациялардаги муваффақиятларига қараб шакллантириб борилади. Бу рейтинг одатда корпоратив ва ҳукумат томонидан мамлакатларнинг инновацияларини ўзаро таққослаш учун фойдаланилади.

Хўш, Ўзбекистон мазкур халқаро рейтингда қайси индикаторлари билан юқори кўрсаткичларга эга, қайси паст индикаторларга эътиборни қаратиши лозим деган савол туради. Ушбу саволларга эълон қилинган халқаро нашриётни (GII-2023) маълумотларини таҳлил қилиб, айрим фикр-мулоҳазаларни билдириб ўтамиз.

Даставвал, Ўзбекистон Марказий ва Жанубий Осиё минтақаси бўйича кучли учталикка кирган етакчи давлат, янги иштирокчига айланди, афсуски бу йилги натижаларда минтақадаги кучли учталикда ўрнимизни атиги 0,5 кўрсаткич фарқи билан Қозоғистон эгалади (Қозоғистон 26,7 кўрсаткич, 81 - ўрин, Ўзбекистон 26,2 билан 82 - ўрин). Ўзбекистон бу йил ҳам даромадлик даражаси бўйича ўртачадан паст бўлган 36 та давлатлар ичида 10 ўринда (Lower middle-income economies) қайд этган бўлса, минтақамизда биринчи ва иккинчи поғонани Ҳиндистон (38,1, 40-ўрин) ва Эрон (30,1, 62-ўрин) эгалаб турибди.

1-жадвал

Минтақадаги етакчи давлат билан таққослама маълумот

Т/р	Индикатор номи	Ҳиндистон		Ўзбекистон	
		рейтинг	ўрни	рейтинг	ўрни
1.	“Институтлар” (Institutions)	53,9	56	54,7	55
2.	“Инсон капитали ва тадқиқотлар” (Human capital & research)	35,5	48	25,2	89
3.	“Инфратузилма” (Infrastructure)	34,3	84	37,9	73
4.	“Бозорнинг жозибадорлиги (Market sophistication)	52,9	20	33,9	69
5.	“Бизнес жозибадорлиги” (Business sophistication)	29,6	57	25,5	78
6.	“Илмий ва технологик натижалар (Knowledge & technology outputs)	39,7	22	19,3	78
7.	“Ижод маҳсули” (Creative outputs)	30,3	49	14,7	93

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, Ўзбекистон бир нечта халқаро нуфузли ташкилотларнинг аъзоси ҳисобланади, масалан, шундай ташкилотлардан бири бу – Туркий Давлатлар Ташкилотидир (ТДТ). Ташкилотнинг 2023 йил 3 ноябрда Қозоғистонда 10 - саммити бўлиб ўтди. Унда ташкилотга аъзо беш давлат – Ўзбекистон, Туркия, Қозоғистон, Озарбайжон ва Қирғизистон ҳамда кузатувчи мақомидаги Туркманистон ва Венгрия давлатлари раҳбарлари иштирок этди. Демоқчимизки, мазкур ташкилотнинг мақсадларидан бир айнан мамлакатларда инновацион фаолиятни ривожланитириш ва ўзаро қўллаб-қувватлашга қаратилган. Мазкур ташкилотга аъзо мамлакатлар бўйича таққослаганда глобал инновацион индексда қуйидаги рейтингга эга: Туркия (39-ўрин), Қозоғистон (81-ўрин), Ўзбекистон (82-ўрин), Озарбайжон (89-ўрин), Қирғизистон (106-ўрин), кузатувчилар Венгрия (35-ўрин) ва Туркманистон (рейтингга киритилмаган). Биз бу рақамларни бежиз келтириб

ўтмадик, рейтингни асосий индикаторлари мамлакатар бўйича солиштириб ўтилади.

Сўнгги йилларда Ўзбекистоннинг бу каби ташкилотларга аъзо давлатлар билан иқтисодий соҳадаги ҳамкорлиги халқаро рейтинглардаги даражасини янада юқорилаб бориш имкониятини яратади.

Ўзбекистон Глобал инновацион индексининг 2023 йил рейтинги бўйича кутилган натижадан инновацион ишлаб чиқариши самарадорлиги юқори бўлган мақомини ушлаб қолган мамлакатлар сифатида (Ҳиндистон, Украина, Вьетнам, Ўзбекистон, Филиппин, Покистон, Сенегал, Индонезия) тан олиниб қуйидаги индикатор (кўрсаткичлар) бўйича эълон қилинди:

GII-2023 даги рейтинги – 82 ўрин (ўтган йилга нисбатан ўз ўрнини сақлаб қолган давлатлар қаторига киритилди): кириш рейтинги – 88, чиқиш рейтинги – 72, даромадлик даражаси – ўртачадан паст 10 - ўрин, худуд – Марказий ва Жанубий Осиё, ЯИМ харид қобилияти паритети бўйича (PPP)-334,3 млрд. долл (ўсиш 114,7 %), ЯИМ аҳоли жон бошига (PPP) – 9,7 минг долл (ўсиш 115,4 %).

Ўзбекистон 2030 йилга бориб ушбу рейтингни кучли 50 талигидан жой эгаллаши учун рейтинг бўйича умумий кўрсаткичларни камида 7,2 га ошириши лозим бўлади. Мазкур ҳолатда бугунги кунда кучли 50 таликнинг қуйи чегарасида Қатар давлати 33,4 рейтинг билан якунлаган. Бунга эришиш ўз-ўзидан бўлмайди, ўтган йилги таҳлил натижалари ва эришилган кўрсаткичлар асосида 2026 йилга бориб кучли 50 таликнни забт этишни башорат қилган эдик (агар ўртача 1,2 даражада юқорилаб борилса, яқин йиллар ичида кучли 50 таликдан жой оламиз, тўғри рақамлардан ҳаволаниб кетмасдан, қўйилган мақсад сари фақат олға интилиш, илм олиш, изланиш, инновация, тажриба ортириш, яратувчанликни давом эттириш лозим.

Ўзбекистонни Глобал инновацион индекс рейтингида сўнгги йилларда юқорилаши ва ўз позициясини сақлаб қолиши қуйидаги энг муҳим 7 та индикатор бўйича маълумотларида кўриш мумкин (мазкур маълумотлар “GII-2022” билан таққосланади).

Биринчи индикатор бўйича маълумотларга эътиборни қаратадиган бўлсак, “Институтлар” (Institutions)да 8 поғонага, яъни 63 дан 55 га юқорилаган (54,7 даража), бунда қуйидаги параметрлар бўйича баҳоланган:

биринчи, сиёсий муҳит 40,0 даража (2022 йилда 52,1) ёки 76-ўрин (2022 йилда – 94) (хукуматнинг бизнес учун операцион барқарорлиги – 48,6/74, ҳукуматнинг самарадорлиги – 31,3/84);

иккинчи, қонунчилик базаси – 51,0 даража (50,7) ёки 97-ўрин (104) (ҳуқуқий асослар – 27,0/104, қонун устуворлиги-13,8/115, маъмурий қисқартириш – 17.3/73),

учинчи, бизнес муҳити – 73,3 даража (69,2) ёки 19-ўрин (21), (бизнесни юритиш сиёсати – 73,3/23, тадбиркорлик маданияти – маълумот мавжуд эмас).

Мазкур индикаторда энг яхши натижа сифатида бизнес муҳити ва уни юритиш сиёсатига юқори баҳо берилган, яъни кучли томонлари ва даромадлилиги кўрсатилган. Рақамлардан кўриниб турибдики, бу соҳада Ўзбекистон кучли 30 таликда. Ўтган йилда қонунчилик базага кучсиз (a weakness) деб изоҳ берилган эди, бу йил бундай изоҳни кўрмаймиз (104-ўриндан 97-ўринга юқорилаган). Туркий Давлатлар Ташкилоти (ТДТ)нинг айрим мамлакатлари билан солиштирганда “Институтлар” (Institutions) индикатори: Туркия 105-ўрин, заиф, Қозоғистон 61-ўрин, кучли, Озарбайжон 42-ўрин жуда ҳам кучли, кузатувчи мамлакат

Венгрия 47-ўрин кучли томонларга эга деб баҳоланган. Кўриниб турибдики, мазкур индикатор натижаларини янада яхшилашимиз учун Озарбайжон ва Венгрия давлатларининг тажрибасини кенг ўрганишимиз лозим бўлади.

Кўрсаткичларнинг иккинчисида, "Инсон капитали ва тадқиқотлар" (Human capital & research)да 24 га пастлаган, 25,2 даража (30,8) ёки 89-ўрин (65-ўрин)ни эгаллаган, бу асосан:

биринчи, таълим 46,4 даража (57.4) ёки 78-ўрин (50-ўрин). Бу индикаторни мақтаб бўлмайди, афсуски таълим кўрсаткичида 28 даража пастлаш кузатилган. Бунда айрим устунлар бўйича маълумотлар берилмаган (таълим харажатлари, ЯИМга нисбатарн 4,6 фоиз ёки 52-ўрин, давлат томонидан молиялаштириш / ўқувчи, ЯИМга нисбатан фоизда – 13,9 ёки 79-ўрин, ўрта таълим (мактаб) давомийлиги, йил – 12,1/93, талабаларни халқаро баҳолаш дастури PISA шкаласи – маълумотлар мавжуд эмас, ўқувчи-ўқитувчи нисбати, ўртача – 9,8/28);

иккинчи, олий таълимга кириш – 27,4 даража ёки 74 ўрин (олий таълимга қабул қилиш, ялпи фоизда – 21.2/99, фан ва муҳандислик йўналишидаги битирувчилар, фоизда – 32,8/12 олий таълимга кириш ҳаракатчанлик, фоизда – 0,7/97);

учинчи, илмий-тадқиқот ва ишланмалар (R&D) 1,9 даража (1,2) ёки 92-ўрин (93 -ўрин). (тадқиқотчилар, FTE-тўлиқ вақт эквиваленти / киши-523,4 (439,9) / 89 (73), илмий-тадқиқот ишларига харажатлар, ЯИМга нисбатан фоизда – 0,1/99, илмий-тадқиқот ва инвесторлар, миллион доллар – 0,0/ 40, QS- университет рейтинги – 0,0/71).

Мазкур индикаторда фақатгина ўқувчи-ўқитувчи нисбати, ўртача – 9,8/28) ҳамда тадқиқотчилар FTE-тўлиқ вақт эквиваленти / киши – 523,4 (439,9) / 89 (73) ўзининг кучли томонларини кўрсата олган.

"Инсон капитали ва тадқиқотлар" индикатори: Туркия 41-ўрин кучли, Қозоғистон 59-ўрин кучли, Озарбажон 87-ўрин заиф, кузатувчи мамлакат Венгрия 36-ўрин кучли томонларга эга деб баҳоланган. Бу индикаторда Венгрия ва Туркиянинг тажрибаларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Рейтингда учинчи "Инфратузилма" (Infrastructure) 2023 йил бўйича 37,9 даража ёки 73-ўрин). Бунга асосан биринчи, ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) – 2023 йилда 71,4 даража ёки 63-ўрин (2023 йилда 75 -ўрин бўлган) (АКТга кириш 79,1/75, АКТдан фойдаланиш 74,5/63, ҳукуматнинг онлайн хизмати – 71,7/57, электрон фойдаланувчилар – 60,5 /55);

иккинчи, Бош инфратузилма – 27,3 даража ёки 62 ўрин (электр энергияси ишлаб чиқариш – 11942, 6/ 83, логистика – 22,7/82, ялпи капиталга қўйилмалар, ЯИМга нисбатан фоизда – 42,1 /6);

учинчи, экологик мувозанат -15,1 даража ёки 102 ўрин (ЯИМ/энергиядан фойдаланиш бирлиги 5,8/110, атроф-муҳитга таъсири – 32,7/79, ИСО 14001 экологик сертификатлари/млрд. долл ЯИМга нисбатан – 0,3/99).

Дарҳақиқат "Инфратузилма" индикаторида анча кучли томонларимиз бор, жумладан, ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ)да 63-ўрин, ҳукуматимизнинг онлайн хизматлари 9 даражага пасайган бўлса-да 57-ўринда, Е-электрон бўйича ҳаттоки кучли 10 таликка даъвогарлик қиладиган кўрсаткичимиз ҳам йўқ эмас, масалан, ялпи капиталга қўйилмалар ЯИМга нисбатан 6 - ўрин!

"Инфратузилма" (Infrastructure) индикатори: Туркия 41-ўрин кучли, Қозоғистон 59-ўрин кучли, Озарбайжон 95-жуда заиф, кузатувчи мамлакат

Венгрия 42-ўрин кучли томонларга эга деб баҳоланган. Мазкур индикаторда деярли ижобий кўрсаткичларга эгамиз, шундай бўлса-да, рейтинги юқори бўлган Туркия ва Венгрия давлатларининг тажрибалари келгусида рейтингда янада юқорилашимизга асос бўлади.

Рейтингнинг тўртинчи "Бозорнинг жозибадорлиги (Market sophistication) бўйича – 33,9 даржа ёки 69 ўринга лойиқ кўрилган (мазкур индикаторда пасайиш бўлган).

Бунда биринчи, кредит – 7,0 даража баҳоланган ёки 121-ўрин (кредит олиш қулайлиги – маълумот йўқ (сўнгги икки йилда маълумотлар тақдим этилмаяпти), хусусий секторга ажратилган ички кредит, ЯИМга нисбатан фоизда – 35,7/90, микромолиявий ялпи кредитлар, ЯИМга нисбатан фоизда – 0,2/49);

иккинчи, инвестициялар бўйича ҳам сўнгги 2022–23 йиллар учун маълумотлар тақдим этилмаган. Ваҳоланки, бу 2021 йилда қуйидагича бўлган: – 70.0 даражага баҳоланган ёки маълумотлар тўлиқ тақдим этилмаган (миноритар инвесторларни ҳимоя қилиш қулайлиги – 70,0/36, бозор капиталлашуви, ЯИМга нисбатан фоизда – маълумотлар мавжуд эмас, венчур капитали инвесторлари, битимлар/млрд долл – маълумотлар мавжуд эмас, венчур капитали олувчилар, битимлар/млрд.долл – маълумотлар мавжуд эмас);

учинчи, савдо, диверсификация ва бозор ҳажми – 60,8 даражада баҳоланган ёки 51 ўрин (қўлланиладиган тариф ставкаси, ўртача вазнли 2,6/68, маҳаллий саноатни диверсификация қилиш – 92,4/42, ички бозор ҳажми, млрд. долл. (PPP) – 334,3 (291,2) / 56-ўрин (59)).

"Бозорнинг жозибадорлиги (Market sophistication) индикатори: Туркия 36-ўрин кучли, Қозоғистон 87-ўрин заиф, Озарбайжон 85-ўрин заиф, кузатувчи мамлакат Венгрия 64-ўрин заиф томонларга эга деб баҳоланган. Ушбу рейтинг Ўзбекистонни энг яхши кўрсаткичларини ўзида жам қилган. Деярли Венгрия давлати билан бир хил натижалар. Шундай бўлса-да яна яхшилаш учун Туркия давлати тажрибаси биз учун муҳим саналади.

Рейтингнинг "Бизнес жозибадорлиги" (Business sophistication) номли бешинчи кўрсаткич бўйича 25,5 даража ёки 78 – ўрин, бу 2022 йилга нисбатан 4 даражага камайганлигини билдиради. Ваҳоланки, мазкур кўрсаткич 2021 йилга нисбатан 2022 йилда мутлақ рекорд даражага кўтарилган эди (49 поғонага – яъни 123 ўриндан 74 ўринга юқорилаган).

Бунда биринчи, билимли ходимлар бўйича маълумотлар тақдим этилмаган (2021 йилда бу – 22.8 даража бўлган эди), расмий тренингни таклиф қилувчи фирмалар фоизда – 16,9/88, бизнес томонидан амалга оширилган GERD, ЯИМга нисбатан – 0,1/69, бизнес томонидан молиялаштирилган GERD, фоизда – 42,4 ёки 40-ўрин, ўсиш 16 поғона (2022 йилда 56-ўрин бўлган), юқори даражада иш билан таъминланган аёллар кўрсаткичини фахрланиб таъкидлаш мумкин, сабаби ўтган йили бу ҳақида маълумотлар берилмаган, 2023 йил ҳолатига эса илк бора 8,4 даража ва 84-ўринга эга бўлди.

иккинчи, инновацион алоқалар – 26,3 даража ёки 51-ўрин (8 поғона юқорилаган). Университет ва саноатнинг илмий-тадқиқот ишлари бўйича ҳамкорлиги - 62,4 даража ёки 32-ўрин, кластернинг ривожланиш ҳолати – илк бора 66,1 даража ёки 29-ўрин! чет эл томонидан молиялаштирилган GERD, ЯИМга нисбатан фоизда – 0,0/92, қўшма корхона/стратегик шерикчилик битимлари/млрд. долл. (PPP), ЯИМга нисбатан фоизда – 0,0/96, патент оилалари/млрд. долл. ЯИМга нисбатан фоизда – 0,0/95-ўрин);

учинчи, билимларни ўзлаштириш – 27,0 даража ва 92- ўрин (интеллектуал мулк тўловлари, умумий савдо фоизда – 0,5 / 75, юқори технологиялар импорти, умумий савдо фоизда – 10,9/27, АКТ хизматлари импорти, умумий савдо фоизда – 0,6/101, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар соф тушуми, ЯИМга нисбатан фоизда – 3,3/41, тадқиқот қобилияти, корхоналарда, фоизда – 12,9/57).

Рейтингнинг мазкур бизнес жозибадорлиги кўрсаткичларида биргина бизнес томонидан молиялаштирилган GERDни ҳисобга олмаганда, кучли томонлари мавжуд эмас.

“Бизнес жозибадорлиги” (Business sophistication) индикатори: Туркия 46-ўрин, кучли, Қозоғистон 75-ўрин, заиф, Озарбайжон 64-ўрин, кучли, кузатувчи мамлакат Венгрия 30-ўрин, ўта кучли томонларга эга деб баҳоланган. Ушбу индикаторда Венгрия ва Туркия юқори натижаларга эга, мазкур давлатлардаги бизнес жозибадорлиги бўйича кўрсаткичларни ўрганиш лозим бўлади.

Рейтингни олтинчи “Илмий ва технологик натижалар (Knowledge & technology outputs) бўйича кўрсаткичида даражаси – 19,3 ёки 78-ўрин. Ўтган йилга нисбатан 2 поғона ўсишга эришилган. Сўнгги уч йил ичида 90 ўриндан 78-ўринга кўтарилган, хуллас ушбу индикаторда ўсиш тенденцияси кузатиб келинмоқда, Булар асосан қуйидагилар билан белгиланади:

биринчи, Билимларни яратиш (ижодий ёндошув) – 12,4 даража ёки 72-ўрин (ўтган даврда 78-ўрин бўлган (патентлар/млрд. долл (PPP) ЯИМга нисбатан фоизда, 1,4 ёки 47-ўрин (9 поғонага ўсиш), PCT патентлари/млрд. долл. (PPP), ЯИМга нисбатан фоизда 0,0/99, шуни алоҳида эътироф этиш мумкинки, фойдали моделлар бўйича кучли томонларни кўрсата олган/млрд. долл, ЯИМга нисбатан фоизда 1.3/17, илмий ва техник мақолалар/млрд. долл. (PPP), ЯИМга нисбатан фоизда 2.8/117, иқтибос қилинадиган ҳужжатлар h-индекси 4,1/115);

иккинчи, билимлар таъсири – 33,9 даража ёки рейтингда 44 ўрин! (меҳнат унумдорлигининг ўсиши, фоизда – 5,0 ёки 6-ўрин!, юқори технологияларни ишлаб чиқариш – 24,8 ёки 51-ўрин, дастурий таъминот харажатлари, ЯИМга нисбатан фоизда – 0,2 даража ёки 80-ўрин);

учинчи, билимларнинг тарқалиши 11,6 ёки 100-ўрин (интеллектуал мулк объекти бўйича тушумлар, фоизда – 0,0/104, ишлаб чиқариш ва экспортнинг жозибадорлиги 42,7 ёки 77-ўрин (8 поғонага юқорилаган), юқори технологиялар экспорти, умумий савдога нисбатан фоизда – 0,1/122, АКТ хизматлари экспорти, умумий савдога нисбатан фоизда – 0,8/92).

Республикамизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий йўналишлардаги ислоҳотлар асосида тадбиркорлик субъектларининг пайдо бўлиши ва улардаги меҳнат унумдорлигининг юқори бўлиши, халқаро рейтингда ҳам юқори поғонага лойиқ кўрилган. Яъни меҳнат унумдорлигининг ўсиши бўйича рейтингда 6-ўрин! Демак, ушбу кўрсаткичларда келтирилган таҳлилий маълумотлар ўзининг кучли томонларини кўрсата олган.

“Илмий ва технологик натижалар” (Knowledge & technology outputs) индикатори: Туркия 44-ўрин, кучли, Қозоғистон 83-ўрин, заиф, Озарбайжон 114-ўрин, ўта заиф, кузатувчи мамлакат Венгрия 26-ўрин, ўта кучли томонларга эга деб баҳоланган. Ушбу индикатор натижалари билан биз ҳар қанча фахрлансак арзийди, сабаби кучли 10 таликка кирган натижаларимиз ҳам бор. Шундай бўлса-да, келгусида Туркия ва Венгрия тажрибаларини ўрганиш

натижада бундан-да яхши натижаларни қайд этиш лозим.

“Ижод маҳсули” (Creative outputs) бўйича еттинчи кўрсаткичда Ўзбекистон 9 поғона юқорилаган (2022 йилда 102 - ўрин, 2023 йилда 93-ўрин). Бунда рейтинг – 14,7 даража бўлган:

биринчи, номоддий активлар – 19,5 даража ёки 86-ўрин (ўтган йили ушбу индикатор бўйича илк маротаба жой олган бўлса-да, ўсиш 8 поғонани ташкил этди), савдо белгилари бўйича/млрд долл. (PPP), ЯИМга нисбатан 35,3/65, глобал бренд қиймати, энг юқори 5000, ЯИМда – маълумотлар мавжуд эмас, саноат намуналари бўйича/млрд.долл (PPP), ЯИМга нисбатан – 0,8/77);

иккинчи, ижодий товарлар ва хизматлар – 3,0 даража ёки рейтингда 96-ўрин, (маданий-ижодий хизматлар экспорти, умумий савдога нисбатан фоизда – 0,1/88 (44 поғона юқорилаган), миллий бадиий фильмлар – 0,4/73, кўнгилочар ва медиа бозори 3,2- ёки 49-ўрин (бу кўрсаткич илк маротаба рейтингга киритилган, биринчи уринишда 49-ўринга лойиқ кўрилди), матбаа ва бошқа оммавий ахборот воситалари, ижодий маҳсулотлар экспорти, умумий савдога нисбатан фоизда - 0,4/64);

учинчи, онлайн ижодкорлик 16,2 даража ёки рейтингда 90-ўрин (умумий юқори даражадаги доменлар (TLD) - 0,0/132, мамлакат коди TLD - 1,4/78, википедия таҳрирлари – 2,6/94, мобил иловалар яратиш/млрд.долл. (PPP), ЯИМга нисбатан – 60,8/ 79-ўрин, бу кўрсаткич бўйича ўтган йили 107-ўринда эди, ўсиш-28 поғона).

“Ижод маҳсули” (Creative outputs) индикатори: Туркия 27-ўрин, жуда ҳам кучли, Қозоғистон 90-ўрин, заиф, Озарбайжон 100-ўрин, заиф, кузатувчи мамлакат Венгрия 36-ўрин, кучли томонларга эга деб баҳоланган. Мазкур индикаторда Туркия ва Венгрия кўрсаткичларидан кейин Ўзбекистоннинг позицияси яхши эканлиги кўриниб турибди.

Тан олиш лозим, ушбу кўрсаткичлар бўйича ҳали олдинда қилинадиган ишларимиз кўп, биз 102 поғонадан 93 поғонага кўтарилмайлик, барибир интеллектуал мулк объектларини яратиш ва уни тижоратлаштириш (интеллектуал мулк экотизимини яратиш) масаласида хорижий тажрибадан анча ортдамиз, буни Президентимиз томонидан ҳам алоҳида, қайта-қайта таъкидлаб ўтилган, ҳаттоки, устувор вазифалардан бири сифатида белгилаб берилган эди.

Хулоса

Хулоса сифатида таъкидлаш мумкинки, Ўзбекистон Глобал инновацион индекснинг айрим индикаторлари бўйича ўзининг позицияларини мустаҳкамлаб, доимий юқорилаб бориш тенденциясига эга эканлигини кўрсатмоқда. Масалан, “Институтлар” (Institutions)да бир йил ичида саккиз поғонага, яъни 63 дан 55 га юқорилаган, бу эса мамлакатимизда амалга оширилаётган самарали ислоҳотлар туфайли сўнгги йилларда сиёсий муҳит, қонунчилик базаси ҳамда маъмурий ислоҳотлар кабиларда ижобий кўрсаткичларга эга бўлганмиз.

Халқаро индекснинг “Инсон капитали ва тадқиқотлар” (Human capital & research)даги натижаларни ижобий баҳолаб бўлмайди, биз келгусида таълим, талабаларни халқаро баҳолаш дастури PISA шкаласи, олий таълимга кириш ҳаракатчанлиги, илмий-тадқиқот ва ишланмалар (R&D), илмий-тадқиқот ишларига харажатлар, илмий-тадқиқот ва инвесторлар ҳамда QS- университет рейтинги каби субъиндикаторлардаги натижаларни яхшилашга қаратиш лозим.

“Инфратузилма” (Infrastructure) индикатори биз учун яхши кўрсаткичлари билан халқаро индексда юқори натижаларни қайд этди. Бунда ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ), АКТга кириш, АКТдан фойдаланиш, ҳукуматнинг онлайн хизмати ҳамда электрон фойдаланувчилар, бош инфратузилма ҳамда ялпи капиталга қўйилмаларни киритиш мумкин. Шундай бўлса-да келгусида биз логистика, экологик мувозанат, атроф-муҳитга таъсир ҳамда экологик сертификатлар каби паст кўрсаткичли индикаторларни яхшилаш учун зарурий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш талаб этилади.

Рейтингни “Бозорнинг жозибадорлиги” (Market sophistication) бўйича кўрсаткичлар ҳам ижобий ҳолатда, йилдан-йилга ўсиш тенденциясига эга. Лекин, айрим субъиндикаторлар кўрсаткичларни пасайтириб юбормоқда, масалан, кредит, кредитни олиш қулайлиги бўйича маълумотларни тақдим этилмаганлиги, хусусий секторга ажратилган ички кредит, бозор капиталлашуви, венчур капитали инвесторлар ва венчур капитали олувчилар бўйича маълумотлар тақдим этилмаган ёки берилган маълумотлар паст баҳоланган. Шундай бўлса-да мазкур индикаторни юқори баҳолаган қуйидаги субъиндикаторларга эътиборни қаратиш лозим бўлади, жумладан, микромолиявий ялпи кредитлар, миноритар инвесторларни ҳимоя қилиш қулайлиги, савдо, диверсификация ва бозор ҳажми, маҳаллий саноатни диверсификация қилиш ҳамда ички бозор ҳажми кабиларни келгусида янада юқори рейтинг кўрсаткичларига олиб чиқиш имкониятимиз ҳам, шарт-шароитимиз ҳам етарли деб ўйлаймиз.

“Бизнес жозибадорлиги” (Business sophistication) индикатори бўйича ўтган йилга нисбатан пасайиш кузатилган бўлса-да, умумий рейтингимизга нисбатан яхшироқ кўрсаткичга эга. Бу индикаторни келгусида янада яхшилаш учун қуйидагиларга эътибор қаратишимиз керак бўлади: билимли ходимлар, расмий тренинг таклиф қилувчи фирмалар, чет эл томонидан молиялаштирилган GERD, қўшма корхона/стратегик шерикчилик битимлари, патент ҳажми, билимларни ўзлаштириш ва интеллектуал мулк учун тўловлар кабиларни янада яхшилаш талаб этилади. Шундай бўлса-да мазкур индикаторда кучли 50 таликка кирадиган кўрсаткичларимиз ҳам йўқ эмас, жумладан, бизнес томонидан амалга оширилган GERD, бизнес томонидан молиялаштирилган GERD, юқори даражада иш билан таъминланган аёллар, инновацион алоқалар, университет ва саноатнинг илмий-тадқиқот ишлари бўйича ҳамкорлиги, кластернинг ривожланиш ҳолати, умумий савдо, юқори технологиялар импорти, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳамда тадқиқот қобилияти. Албатта бу кўрсаткичларни янада яхшилаш бўйича Ҳукуматимиз томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар давом этмоқда

“Илмий ва технологик натижалар” (Knowledge & technology outputs) бўйича индикаторда 2 поғона ўсишга эришилган. Ўсиш тенденцияси қуйидагилар ҳисобига амалга ошириб келинмоқда, жумладан, билимларни яратиш (ижодий ёндашув), меҳнат унумдорлигининг ўсиши, юқори технологияларни ишлаб чиқариш, ишлаб чиқариш ва экспортнинг жозибадорлиги, дастурий таъминот харажатлари, фойдали моделлар. Лекин индикаторда келгусида янада яхшилаш бўйича қуйидаги субъиндикаторларга эътиборни қаратиш ҳамда кўрсаткичларни яхшилаш лозим бўлади, жумладан: илмий ва техник мақолалар, PCT патентлари, иқтибос

қилинадиган ҳужжатлар h-индекси, билимларнинг тарқалиши, интеллектуал мулк объекти бўйича тушумлар, юқори технологиялар экспорти ва АКТ хизматлари экспорти.

"Ижод маҳсули" (Creative outputs) бўйича индикаторда Ўзбекистон 9 поғона юқорилаган. Бу эса, номоддий активлар, савдо белгилари, саноат намуналари, маданий-ижодий хизматлар экспорти, миллий бадиий фильмлар, кўнгилочар ва медиа бозори, мобил иловаларни яратиш, матбаа ва бошқа оммавий ахборот воситалари ҳамда ижодий маҳсулотлар экспорти.

Мазкур индикаторни янада яхшилаш кўпроқ қуйидаги паст кўрсаткичларга боғлиқ бўлади, жумладан, глобал бренд қиймати, ижодий товарлар ва хизматлар, онлайн ижодкорлик, юқори даражадаги доменлар, мамлакат коди TLD ҳамда, википедия таҳрирлари.

Мамлакатимизда 2024 йилда "Ёшлар ва бизнесни қўллаб - қувватлаш йили"да белгиланган вазифалар ҳамда тамал тоши қўйилган "Учинчи Ренессанс" асосида халқаро индекслар ва рейтинглардаги кўрсаткичларимизни янада яхшилаш ва юқори поғоналарга кўтарилиш йили бўлади деб айтиш мумкин. Чунки, таъкидланганидек буларнинг бош ҳукуқий асослари "2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси", "Ўзбекистон-2030" стратегияси ҳамда "Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси" амалда ишламоқда. Натижаси, Глобал инновацион индекс ("The Global Innovation Index" — GII) билан бирга нуфузли бўлган бошқа халқаро индекс ва рейтинглари (Глобал рақобатбардошлик индекси - Global Competitiveness Index, Жаҳон иқтисодий форуми -World Economic Forum, INSEAD халқаро бизнес-мактаби, Корнел университети -Cornell University, Халқаро интеллектуал мулк ташкилоти -World Intellectual Property Organization, WIPO, Яшил иқтисодиёт глобал индекси -Global Green Economy Index, Dual Citizen LLC ташкилоти ҳамда Саноат рақобатбардошлиги индекси - Competitive Industrial Performance Index, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Саноатни ривожлантириш ташкилоти - United Nations Industrial Development Organization, UNIDO)га кириш, муносиб баҳоларга эга бўлиш ҳамда йилдан-йилга юқорилаб бораётганлигимизни ўзи яққол далилидир.

Халқаро глобал инновацион индексда узоқ вақт мобайнида иқтисодий жиҳатдан тараққиётга эришиб келаётган мамлакатлар орасида бугун Ўзбекистоннинг кўриниш бериши ва улардан ҳеч кам эмаслигини ўтган қисқа муддатларда исботлади, бу каби шиддат билан тараққий этишимизда белгиланган мақсадларга албатта эришамиз.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. "2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги ПФ-60 сон Фармон. 2022 йил 28 январь.
2. "Ўзбекистон – 2030" стратегияси. ПФ-158 сон Фармони. 2023 11 сентябрь.
3. "Coffee Time" project (2022): (https://t.me/uzlidep/24676) Regarding the details of the first plenary meeting of the Council of Foreign Investors, conversation with the deputy of the Legislative Chamber of the Oliy Majlis, doctor of economics, professor Nodir Jumaev.
4. Jumaev N.Kh. (2022). Uzbekistan and Turkmenistan: our cooperation is beneficial and effective. "XXI ASR" newspaper, October 27, 2022, 43 (989).

5. Khoshimov E.A. (2022). Life-giving effects of reforms. People's word newspaper. October 15, 2022, №224 (8286).
6. The national standard of financial reporting for small and medium-sized business entities has been developed. MoliyaPress September 29, 2022. Kichik va o'rta biznes subyektlari uchun Moliyaviy hisobotning milliy standarti ishlab chiqildi – Telegraph (Press-service of the Ministry of Finance).
7. Rizaev N.K, Barakaev O.O. (2022) A new wording on international financial reporting standards (IFRS documents) is being used in Uzbekistan. "Introduction of international standards of financial reporting based on an innovative approach". International scientific-practical conference, collection of materials, TFI: 2022, p. 5-9.
8. Rizaev N.K, Ibragimov A.K. (2020) Financial reporting and the pandemic (COVID-19). "Finance and banking" electronic scientific journal. Tashkent, №2.
9. Rizaev N. Kadirov S. Adjusting national accounting standards in compliance with international standards in Uzbekistan (as exemplified by intangible assets). PEDAGOGICAL SCIENCES AND TEACHING METHODS. VOLUME 2, ISSUE 19 JANUARY 2023. Collection of Scientific Works. BERLIN 11 JANUARY 2023 Interonconf.com. 93-108 б.
10. Rizaev Nurbek Kadirovich. Khotamov Komil Rabbimovich. GLOBAL INNOVATION INDEX: LATEST ACHIEVEMENTS OF UZBEKISTAN. International Journal of Management, IT & Engineering Vol. 13 Issue 02, February 2023, ISSN: 2249-0558 Impact Factor: 7.119 Journal Homepage: http://www.ijmra.us, Email: editorijmie@gmail.com
11. Rizaev Nurbek Kadirovich, Khotamov Komil Rabbimovich. Methodology of transformation of financial reporting to international standards in Uzbekistan (evidence from commercial banks). International Journal of Marketing and Technology Vol. 11 Issue 10, October 2021 ISSN: 2249-1058 Impact Factor: 6.559 Journal Homepage: http://www.ijmra.us, Email: editorijmie@gmail.com
12. wipo_pub_2000_2023_en_main_report_global_innovation_index_2023_16th.pdf

УДК 330/656.1

Якубова Дильдар Мухамеджановна,
к.э.н., доцент,
Ташкентский Государственный Технический Университет,
Dildar1956@mail.ru

РАЗВИТИЕ ИНВЕСТИЦИОННОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ АВТОМОБИЛЬНОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ УЗБЕКИСТАНА

Yakubova Dildar Muxamedjanovna,
iqtisod fanlari nomzodi, dotsent,
Toshkent davlat texnika universiteti,
Dildar1956@mail.ru

O‘ZBEKISTON AVTO SANOATI INVESTITSION FAOLIYATINI RIVOJLANTIRISH

Yakubova Dildar,
date Yakubova Dildar Mukhamedzhanovna,
Candidate of Economics, Associate Professor,
Tashkent State Technical University,
Dildar1956@mail.ru

DEVELOPMENT OF INVESTMENT ACTIVITIES OF THE AUTOMOTIVE INDUSTRY OF UZBEKISTAN

Аннотация. *В статье рассмотрено развитие инвестиционной деятельности автомобильной промышленности Узбекистана. Предложено повышение эффективности инвестиций предприятий автомобильной промышленности через разработку инновационной продукции, направленной на создание дополнительной стоимости на предприятиях автомобильной промышленности. Рассмотрено осуществление инвестиционной деятельности в рамках инновационной деятельности совместно с промышленными предприятиями.*

Ключевые слова: *автомобильная промышленность, инновация, инновационная деятельность, ускоренное развитие, факторы производства, инвестиционная деятельность, стратегический план, инвестиционный проект, конкурентоспособность, локализация.*

Annotatsiya. *Maqolada O‘zbekiston avtomobil sanoatida investitsiya faoliyatining rivojlanishi ko‘rib chiqiladi. Avtomobilsozlik korxonalarida qo‘shimcha qiymat yaratishga yo‘naltirilgan innovatsion mahsulotlarni ishlab chiqish orqali avtomobilsozlik korxonalari investitsiyalari samaradorligini oshirish taklif etilmoqda. Sanoat korxonalari bilan birgalikda innovatsion faoliyat doirasida investitsiya faoliyatini amalga oshirish ko‘rib chiqiladi.*

Tayanch so‘zlar: *avtomobilsozlik, innovatsiya, innovatsion faoliyat, jadal rivojlanish, ishlab chiqarish omillari, investitsiya faoliyati, strategik reja, investitsiya loyihasi, raqobatbardoshlik, mahalliylashtirish.*

Annotation. *The article examines the development of investment activities in the automotive industry of Uzbekistan. It is proposed to increase the efficiency of investments of automotive industry enterprises through the development of innovative products aimed at creating additional value in automotive industry enterprises. The implementation of investment activities within the framework of innovation activities together with industrial enterprises is considered.*

Keywords: *automotive industry, innovation, innovative activity, accelerated development, factors of production, investment activity, strategic plan, investment project, competitiveness, localization.*

Введение

В Указе Президента «О стратегии развития нового Узбекистана на 2022 — 2026 годы» отмечено, что в целях определения приоритетных направлений реформ, направленных на дальнейшее повышение благосостояния народа, трансформацию отраслей экономики, ускоренное развитие предпринимательства, необходимо проведение глубокого анализа сложных мировых процессов и результатов пройденных этапов развития страны. Дальнейшее улучшение и повышение привлекательности инвестиционного климата в стране, принятие мер по привлечению в последующие пять лет инвестиций в объеме 120 миллиардов долларов США, в том числе 70 миллиардов долларов иностранных инвестиций [1].

Автомобили в мире являются одним из важнейших продуктов с годовым оборотом около 700 миллиардов долларов США. Автомобильная промышленность, располагающая 210 заводами в Европе, экспортирует чистый объем продаж в 75 миллиардов евро в год. Это также самый крупный сектор инвестиций в частные исследования, с более чем 5 800 патентами в год. Германия, крупнейший игрок европейской автомобильной промышленности, насчитывает более 750 000 человек непосредственно в автомобильной промышленности на более чем 45 заводах. В США автомобильная промышленность составляет 4-5 процентов валового внутреннего продукта США.

Сегодня Узбекистан единственная страна в Центральной Азии, которая производит полный спектр легковых и коммерческих автомобилей. В настоящее время более 85 предприятий в стране работают в автомобильной промышленности и сотрудничают с более чем 200 зарубежными компаниями и организациями в этой сфере.

До сих пор, несмотря на то, что инвестиционная деятельность все больше занимает место как отдельный показатель в сложной структуре экономико-социальной, технико-технологической и инновационной деятельности предприятий автомобильной промышленности и отраслей экономики стран мира, сложности и стратегические риски в системе оценки сохраняют характер пропорционального роста. В связи с этим необходимо реорганизовать инвестиционное развитие существующих промышленных предприятий нашей страны как целостную систему, последовательно

повышать их управленческий функционал . Соответственно, разработка соответствующих научно обоснованных предложений и рекомендаций по повышению эффективности инвестиций предприятий автомобильной промышленности , разработка инновационной продукции, направленной на создание дополнительной стоимости на предприятиях автомобильной промышленности, теоретическое обоснование и практическое применение регулярного увеличения доли инвестиций. деятельность по повышению их производительности. Разработка мер по достижению этой цели весьма актуальна [2].

Обзор литературы по теме

Расширение инвестиционной деятельности и повышение эффективности использования их экономических ресурсов за счет создания добавленной стоимости на предприятиях автомобилестроения, их классификация по структурным, частным и составным. исследовано рядом зарубежных и отечественных ученых. Рассмотрение вопросов экономико-производственных процессов инвестиционной деятельности на предприятиях автомобильной промышленности, их потенциала, проблем и организационно-экономических механизмов изучено экономистами СНГ Р.С.Асатрян, С.Е.Грулев и др. и представлены в своих научных трудах.

Ученые-экономисты нашей страны М.А.Икрамов, Г.А.Саматов, Ё.К.Корриева, З.М.Такакозиева, А.Х.Кочимов, И.Б.Турдиев, М.Мусаджонов, А.Ж.Каххоров, Г.А.Абдилакимов, Т.Кодиров, Г.Б.Юсуфходжаева, К.А.Мухитдинова, Ш.Т.Эргашев в своей исследовательской работе по вопросам маркетинга, управления автомобильным транспортом исследовали ряд важных вопросов, таких как повышение эффективности, совершенствование международной маркетинговой стратегии предприятий автомобильной промышленоости [4].

Методология исследования

В исследовательской работе использованы методы экономико-финансового, систематического и наблюдательного, динамического анализа, оценки соответствия, стратегического и фундаментального анализа, абстракции, прогнозирования [3].

В 2017 году на модернизацию АО «Узавтосаноат» Республика Узбекистан потратила 67 миллиардов долларов США, и в первую очередь реализация представляемых ниже инвестиционных проектов направлена на устранение существующих проблем реформирования инфраструктуры и ее производственной цепочки, обмена кадрами и модернизации условий производства. Всего запланировано 4 проекта. СП «СамАвто» получило 3,43% от общего объема средств, направленных на развитие инвестиций , а за счет реализации проекта создано 120 новых рабочих мест, что соответствует ¼ от него .

В 2018 году АО «Узавтосаноат» инвестировало 112,9 млрд сумов в рамках 5 проектов. Освоено 3,5 млрд сум инвестиций , из них 1/5 проектов сумов, выделило ООО СП «СамАвто» то есть инвестиции АО «Узавтосаноат» привлекли 3,1% средств проекта. 1/4 из 1100 рабочих мест на его территории соответствуют новым рабочим местам, созданным СП «СамАвто». Основной целью привлеченных в СП «СамАвто» инвестиционных средств было освоение производства автобусов, оснащенных газовым двигателем, и увеличение его

годовой проектной мощности до 500 единиц. В 2017 году в рамках данного проекта удалось повысить эффективность производства на 2,2%, выпустив 517 автомобилей, что на 3,4% больше запланированной мощности.

В 2019 году инвестиции АО «Узавтосаноат» составляют 3,8 миллиарда долларов, что соответствует 1,88 процента средств проекта. направлено на увеличение производственной мощности до 10 000 единиц автомобилей в ближайшие 3 года[6].

Этот план был успешно выполнен в 2021 году, и теперь основным запланированным производственным планом является реализация диверсификации автомобильной продукции и широкое вовлечение инвестиционной деятельности с целью обеспечения последовательности инновационной деятельности.

Основное стратегическое устремление направлено на инфраструктурную модернизацию с целью обеспечения условий труда и трудовых ресурсов для увеличения производственной мощности предприятия (табл. 1)[1] .

Поэтому создание рабочих мест в 2019 году к 2022 году резко возросло, и их общее количество превысило 2000 человек. В результате увеличения производственных мощностей с 2020 по 2023 год деятельность осуществлялась на основе производственной системы, способной противостоять здоровой конкурентной среде. Поскольку большая часть инвестиций , то есть средств, направлена на обеспечение устойчивого производства за счет качественной продукции, производятся современные, передовые, технологически оснащенные

[1] www.stat.uz// Освоение инвестиционного капитала АО «Узавтосаноат»

Таблица 1

Освоение инвестиционного капитала АО «Узавтосаноат» и доля СП «СамАвто» в его структуре

Годы	Названия компаний	Развитие инвестиций	Количество проектов	Создание новых рабочих мест
	Единица измерения	миллиард сум	номер	номер
2017 год	АО «Узавтосаноат»	67,3	4	800
	«СамАвто» ООО СП	2.3	1	120
2018 год	АО «Узавтосаноат»	112,9	5	1100
	«СамАвто» ООО СП	3,5	1	400
2019 год	АО «Узавтосаноат»	202,3	5	1200
	«СамАвто» ООО СП	3,8	1	210
2020 год	АО «Узавтосаноат»	107,2	5	1209
	«СамАвто» ООО СП	3.4	1	160
2021 год	АО «Узавтосаноат»	152,6	5	756
	«СамАвто» ООО СП	3.3	1	185
2022 год	АО «Узавтосаноат»	223,9	5	4186
	«СамАвто» ООО СП	2.4	2	270
2023 год	АО «Узавтосаноат»	126,5	7	4200
	«СамАвто» ООО СП	2,7	2	220

автомобили [5]. Запланированные инвестиционные проекты в 2023 году в основном выполнялись 35 дилерскими центрами, расположенными по всей стране, для реализации продукции СП ООО «СамАвто» на внутреннем рынке, включая долю в 3 региональных складах. В этом году экспорт автомобильной продукции в Молдову и Монголию осуществлялся в больших масштабах, большую часть из них составили автобусы.

Заключение

В ходе исследовательской работы были сделаны соответствующие выводы и на их основе разработаны предложения и рекомендации :

1. Дополнительные капитальные вложения и инвестиции направлять на создание новых реструктурированных предприятий.

2. Расширить сырьевую базу предприятия за счёт увеличения общего объёма производства и выпуска экспортоориентированной продукции.

3. В целях развития инвестиционной деятельности предприятия рекомендуется разработать и реализовать стратегический план развития инноваций.

4. Основная услуга комплексной модели имеет всесторонние преимущества при производстве продукции и заключается в осуществлении инвестиционной деятельности в рамках инновационной деятельности совместно с промышленными предприятиями.

ЛИТЕРАТУРА

1. Указ Президента Республики Узбекистан. «О стратегии развития нового Узбекистана на 2022 — 2026 годы». 29.01.2022 г.
2. Шакирова Ф. Б. Развитие экономики Узбекистана на основе инновационной деятельности // Проблемы современной экономики. 2015. №3(55). С. 299-302.
3. Jakhongirov I. The importance of investments in modernizing indusry of Uzbekistan // International Journal of Research in Social Sciences. 2019. V. 9. №2. P. 711-729.
4. Макаров Алексей Евгеньевич. Оценка влияния стоимости проектирования автомобильных дорог на эффективность инвестиционных проектов : дис. ... канд. экон. наук : 08.00.05 Воронеж, 2006 178 с. РГБ ОД,
5. Грулев Сергей Евгеньевич. Управление инвестиционным процессом в автомобильной промышленности : Дис. ... канд. экон. наук : 08.00.05 : Москва, 2003 212 с. РГБ ОД, 61:03-8/3016-3
6. www.stat.uz

УДК 330/656.1

Касымова Нозима Омиловна,
старший преподаватель,
Ташкентский Государственный Экономический Университет,
Nozima050@inbox.ru

ПОТОК ИНВЕСТИЦИИ И ЕГО ПРИВЛЕКАТЕЛЬНОСТЬ В ЭКОНОМИЧЕСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ В СП ООО «САМАВТО»

Kasimova Nozima Omilovna,
Toshkent Davlat Iqtisodiyot Universiteti katta o'qituvchisi,
Nozima050@inbox.ru

«SAMAVTO» MCHJ QK IQTISODIY FAOLIYATIDA INVESTITSIYALAR OQIMI VA UNING JOZIBADORLIGI

Kasimova Nozima Omilovna,
senior lecturer ,
Tashkent State University of Economics,
Nozima050@inbox.ru

INVESTMENT FLOW AND ITS ATTRACTIVENESS IN ECONOMIC ACTIVITY IN JV LLC SAMAVTO

Аннотация. *Статья посвящена изучению потока инвестиций и их привлекательности в экономической деятельности СП ООО «СамАвто». Также рассмотрены факторы влияния наноинвестиционной деятельности на повышение эффективности экономических показателей предприятий автомобильной промышленности, методы оценки при исследовании существующих проблем на национальном рынке автопромышленности, а также способы анализа на основе представленных подходов.*

Ключевые слова: *поток инвестиции, инвестиционная привлекательность, конкурентоспособность, локализация, автомобильная промышленность, инновационный процесс, инвестиционная деятельность, конкуренция, организационный мониторинг, критерии оценки.*

Annotatsiya. *Maqola "SamAvto" MChJ QKning iqtisodiy faoliyatida investitsiyalar oqimi va ularning jozibadorligini o'rganishga bag'ishlangan. Shuningdek, nanoinvestitsiya faoliyatining avtomobilsozlik korxonalari iqtisodiy ko'rsatkichlari samaradorligini oshirishga ta'sir qilish omillari, milliy avtomobilsozlik bozoridagi mavjud muammolarni o'rganishda baholash usullari, shuningdek, taqdim etilgan yondashuvlar asosida tahlil qilish usullari ko'rib chiqilgan.*

Tayanch so‘zlar: *investitsiya oqimi, investitsion jozibadorlik, raqobatbardoshlik, mahalliylashtirish, avtomobil sanoati, innovatsion jarayon, investitsion faoliyat, raqobat, tashkiliy monitoring, baholash mezonlari.*

Annotation. *The article is devoted to the study of the flow of investments and their attractiveness in the economic activities of the SamAvto LLC JV. Factors of influence of nanoinvestment activities on increasing the efficiency of economic indicators of enterprises in the automotive industry, assessment methods when studying existing problems in the national automotive industry market, as well as methods of analysis based on the presented approaches are also considered.*

Keywords: *investment flow, investment attractiveness, competitiveness, localization, automotive industry, innovation process, investment activity, competition, organizational monitoring, evaluation criteria.*

Введение

В Указе Президента «О стратегии развития нового Узбекистана на 2022 — 2026 годы» отмечено, что дальнейшее улучшение и повышение привлекательности инвестиционного климата в стране, принятие мер по привлечению в последующие пять лет инвестиций в объеме 120 миллиардов долларов США, в том числе 70 миллиардов долларов иностранных инвестиций [1]. Налаживание новой системы по эффективному использованию инвестиций и увеличению объемов экспорта на основе принципа «снизу — вверх». Реализация Стратегии привлечения иностранных и отечественных инвестиций до 2026 года. Привлечение на основе государственно-частного партнерства инвестиций в объеме 14 миллиардов долларов США в энергетическую, транспортную сферы, сферы здравоохранения, образования, экологии, коммунальных услуг, водного хозяйства и другие отрасли[1].

Страны мира Япония, США, Китай, а также страны Евросоюза, такие как Германия, Франция, Великобритания, Италия, увеличивают стоимость своих инвестиций в производство продукции автомобильной промышленности каждый год [2]. Однако важность моделей добавленной стоимости возрастает, поскольку большая часть интереса автомобильной промышленности к инвестиционным стратегиям ограничивается традиционными бизнес-моделями.

В последние годы в связи с развитием инвестиционной деятельности в автомобильной промышленности Узбекистана, разработкой стартап-проектов, стратегических планов и бизнес-моделей, его народнохозяйственного развития, отображение в стратегическом плане Представления об инвестиционном потенциале являются показателем престижа и статуса. Ряд аспектов, таких как стремление производителей вести деловые отношения в рамках индикативных критериев оценки, служат выражению основных целей и задач исследовательской работы.

Обзор литературы по теме

Расширение инвестиционной деятельности и повышение эффективности использования их экономических ресурсов за счет создания добавленной стоимости на предприятиях автомобилестроения, их классификация по структурным, частным и составным. исследовано рядом зарубежных и отечественных

[1] Указ Президента Республики Узбекистан. «О стратегии развития нового Узбекистана на 2022 — 2026 годы».29.01.2022 г.

ученых. В научных исследованиях, проводимых зарубежными учеными, были разработаны маркетинговые стратегии и подходы с целью владения инвестициями, связанными с инвестициями и инновационными разработками.

Ученые-экономисты нашей страны М.А.Икрамов, Г.А.Саматов, Ё.К.Корриева, З.М.Такакозиева, А.Х.Кочимов, И.Б.Турдиев, М.Мусаджонов, А.Ж.Каххоров, Г.А.Абдилакимов, Т.Кодиров, Г.Б.Юсуфходжаева, К.А.Мухитдинова, Ш.Т.Эргашев в своей исследовательской работе по вопросам маркетинга и исследовали ряд важных вопросов, таких как повышение эффективности, совершенствование международной маркетинговой стратегии предприятий автомобильной промышленности.

Несмотря на реализацию значительных научных работ вышеупомянутых экономистов, трансформация автотранспортных предприятий с целью повышения инвестиционной эффективности в сфере грузоперевозок и повышения гибкости умных городов не исследована, что и определяет важность выбранной темы.

Методология исследования

В данной части работы освещаются роль и значение правильного управлении экономическими процессами, подходы и взгляды на инвестиционную деятельность. Также рассмотрены факторы влияния наноинвестиционной деятельности на повышение эффективности экономических показателей предприятий автомобильной промышленности, методы оценки при исследовании существующих проблем на национальном рынке автопромышленности, а также способы анализа на основе представлены подходов [3].

Продукция Самаркандского автозавода в больших количествах экспортируется в соседние республики, Россию и Грузию. Приведём данные следующего проекта: на расширения производства АО «Узавтосаноат» выделено 33 млн. долларов США, из них 4,8 млн. долларов освоено на расширения производства СП ООО «СамАвто». Освоение СП ООО «СамАвто» осуществлено в 2022 году, в результате чего количество новых рабочих мест, созданных в 2022 году предприятиями, входящими в сеть АО «Узавтосаноат», увеличилось в 3 раза, то есть 4132. К настоящему времени общее количество автомобилей, выпущенных на Самаркандском автозаводе, превысит 36 тысяч. В 2018 финансовом году было экспортировано около 648 000 автомобилей Isuzu. Около четырех тысяч из них, как уже говорилось выше, соответствуют вкладу Самаркандского автозавода.

Он включал в себя анализ запуска производства автобусов и другой техники на базе производственных мощностей ООО СП «СамАвто» и локализацию комплектующих для автомобилей «Ди-Макс». Это, в свою очередь, побудило консалтинговую компанию Fitch Rating повысить кредитный рейтинг АО «UzAuto Motors» с B+ до BB-.

В настоящее время основным производственным планом является реализация диверсификации автомобильной продукции и широкое вовлечение инвестиционной деятельности с целью обеспечения последовательности инноваций и деятельности [4]. Поэтому создание рабочих мест в 2019 году

к 2022 году резко возросло, и их общее количество превысило 2000 человек [5]. В результате увеличения производственных мощностей с 2020 по 2023 год деятельность осуществлялась на основе производственной системы, способной противостоять здоровой конкурентной среде. Поскольку большая часть инвестиций, то есть средств, направленных на поглощение, направлена на обеспечение устойчивого производства за счет качественной продукции, производятся современные, передовые, технологически оснащенные автомобили. Запланированные инвестиционные проекты в 2023 году в основном выполнялись 35 дилерскими центрами, расположенными по всей стране, для реализации продукции СП ООО «СамАвто» на внутреннем рынке, включая долю в 3 региональных складах. В этом году экспорт автомобильной продукции в Молдову и Монголию осуществлялся в больших масштабах, большую часть из них составили автобусы.

Инвестиционная деятельность ООО СП «СамАвто» в основном ориентирована на производство автомобилей, прицепов и полуприцепов, и отмечается, что производство данной продукции в эти годы находится на высоком уровне. Участие инноваций в развитии организационно-хозяйственной деятельности «СамАвто» невелико, в основном оно формировалось за счет чрезвычайных ситуаций и локализованных видов с целью гашения импорта коммерческих автомобилей.

Оценив участие инвестиционной деятельности в хозяйственной деятельности СП ООО «СамАвто», можно определить поток инвестиций и его привлекательность [6].

1-таблица

Поток инвестиций, осуществленных в СП «СамАвто», (2018 - 2023 годы, млрд сум)

Индикаторы	**2018 год**	**2019 год**	**2020 год**	**2021 год**	**2022 год**	**2023 год**
«СамАвто» СП ООО итог	3,5	3,8	3.4	3.3	2.4	2,7
От этого						
Основной капитал	1965	1,88	2.04	2.2	2.2	2,45
Отремонтировать направленный капитал	0,23	0,44	0,02	0,01	0	0
Нематериальный ресурсы	0,07	0,4	0,05	0,03	0,15	0,2
Тираж инструменты	1125	1.02	0,19	1.01	0	0
Другие	0,11	0,06	1.1	0,05	0,05	0,05

Инвестиционная деятельность СП ООО «СамАвто» в основном ориентирована на производство автомобилей, прицепов и полуприцепов, и наблюдается высокий уровень производства данной продукции в эти годы.

Заключение

Судя по мировым автомобильным индексам, показатели автомобильной продукции, выпускаемой СП ООО «СамАвто», свидетельствуют о том, что ее возможности на внутреннем рынке недостаточны для конкуренции с другими легковыми автомобилями компании. Это требует рассмотрения стратегических аспектов совершенствования продукта до мирового стандарта. Так нами предложены следующие мероприятия:

1. Разработка мероприятий по технико-экономическому совершенствованию применительно к индексной оценке СП ООО «СамАвто», состоит в том, что квалифицированный рост персонала требует более интенсивного привлечения интеллектуальных инвестиций.

2. В целях развития инвестиционной деятельности предприятия требуется разработать стратегический план развития инноваций.

3. Так как в СП ООО «СамАвто» деятельность направлена на активизацию стратегических механизмов на основе организационного мониторинга, на предприятии должны быть разработаны стратегические мероприятия и обеспечение их эффективной реализации.

ЛИТЕРАТУРА:

1. Указ Президента Республики Узбекистан. «О стратегии развития нового Узбекистана на 2022 — 2026 годы». 29.01.2022 г.
2. ACEA. Европейская ассоциация автопроизводителей. Карманный руководство по автомобильной промышленности 2023/2024, 106 стр
3. Jakhongirov I. The importance of investments in modernizing indusry of Uzbekistan // International Journal of Research in Social Sciences. 2019. V. 9. №2. P. 711-729.
4. Шакирова Ф. Б. Развитие экономики Узбекистана на основе инновационной деятельности // Проблемы современной экономики. 2015. №3(55). С. 299-302.
5. www.stat.uz
6. www.samauto.uz

UDC 338.48

Shukurov Farukh Tokhirovich,
A Ph.D student of «Silk Road» International University of Tourism and Cultural Heritage
farukhshukurov90@gmail.com

THE IMPORTANCE OF INNOVATIONS IN UZBEKISTAN TOURISM

Shukurov Farux Toxirovich,
"Ipak yo'li" turizm va madaniy meros xalqaro universiteti tayanch doktoranti

O'ZBEKISTON TURIZMIDA INNOVATSIYALARNING AHAMIYATI

Шукуров Фарух Тохирович,
докторант Международного университета туризма и культурного наследия «Шелковый путь»

ЗНАЧЕНИЕ ИННОВАЦИЙ В ТУРИЗМЕ УЗБЕКИСТАНА

Annotation. *This article discusses the role and importance of innovations in the hospitality industry of Uzbekistan. Also, the latest innovations used in the field of tourism by developed countries are mentioned. It is recorded that the creation of innovative tourist services and products in our country helps to popularize the tourism industry.*

Key words: *tourism, tourism innovations, sustainable development, technologies, innovation activities, tourism trends, infrastructure, national tourism, tourist services, innovation system.*

Annotatsiya. *Ushbu maqolada O'zbekistonning mehmondo'stlik sanoatidagi innovatsiyalarning o'rni va ahamiyati muhokama qilingan. Shuningdek, hozirgi kunda rivojlangan mamlakatlar tomonidan turizm sohasida ishlatilayotgan eng so'nggi innovatsiyalar keltirib o'tilgan. Yurtimizda innovatsion turistik xizmatlar va mahsulotlar yaratilishi turizm sohasini yanada ommalashtirishga yordam berishi yozib o'tilgan.*

Tayanch so'zlar: *turizm, turizm innovatsiyalari, barqaror rivojlanish, texnologiyalar, innovatsion faoliyat, turizm tendensiyalari, infratuzilma, milliy turizm, turistik xizmatlar, innovatsiyalar tizimi.*

Аннотация. *В данной статье рассматривается роль и значение инноваций в индустрии гостеприимства Узбекистана. Также упоминаются новейшие инновации, используемые в сфере туризма развитыми странами. Зафиксировано, что создание инновационных туристических услуг и продуктов в нашей стране способствует популяризации туристической отрасли.*

Ключевые слова: *туризм, туристические инновации, устойчивое развитие, технологии, инновационная деятельность, тенденции туризма, инфраструктура, национальный туризм, туристические услуги, инновационная система.*

Introduction

Demand for tourism products and services from consumers is constantly changing and it is becoming difficult for tourism entities to satisfy tourists these days. Uzbekistan tourism stakeholders should search for creative approaches to maintain the competitiveness in the current market. It is true that any tourism firm can become more efficient and competitive by implementing the latest innovations. Creating different advancements and utilizing them in practice leads to the development and prosperity of any tourism firms. The only way for our hospitality firms to thrive in this market situation is with the help of new advancements.

Tourists' wants and needs are changing day by day and they prefer to use the latest innovations during their trips. In Uzbekistan, tourism businesses should create new ways of business content, designs and distribution platforms instead of old tourism system in order to attract and retain tourists.

The ability to develop and implement innovative strategies plays a prominent part in the growth of the tourism sector. Unfortunately, our tourism entities do not have a high level of innovations to meet the high expectations and demands of the tourists at the moment. Like other developed countries, Uzbekistan should implement new innovations such as 5G, IA technology and Internet of Things in the hospitality industry.

Literature Review

The word "Innovations" was introduced by J. Schumpeter and according to him, innovation is a change to produce and utilize new types of customer products, new modes of transportation and markets [1]. He believed that innovation is an economic lever in companies and it surges value of the products and services. The innovation's primary goal is to bring positive change for all stakeholders, to enhance the quality of the goods and services [2].

According to Paul M. Romer, innovation is a new aspect of the businesses that changes the cost of the economic operations between producer and consumers [3]. Peter F. Drucker also conducted research on innovations and he created his own definition and per him, innovation is the marvelous tool for the companies that can make changes in business and it produces opportunities for enterprises [4].

In general, innovation is considered as a transformation and its purpose is creating something new for customers [5]. Innovations cannot be imagined without investments and all types of innovation require some amount of investment. So, it can be said that innovations are correlated with investment that can lead to the technological changes [6]. Advancements and innovations can be a huge expense for the tourism businesses in the beginning. However, scientists believe that investment in innovations will definitely pay off in the long run. That's why it is recommended that tourism firms should apply the latest innovations in their businesses.

Russian scientist Y. Konovalova indicated that innovation in tourism brings positive changes for the entities and it enhances customer satisfaction. Establishing innovation in tourism sector is not easy process and it is mostly implemented by tourism organizations and different levels of government organizations. In his opinion, economic condition of the country, social

situation, national legislation and other factors have a huge impact to the introduction of the innovations in tourism [7].

On the role of innovations in tourism, Uzbek scientists Sh. Musaeva and D. Usmonova noted in their articles that in the process of innovative modernization of the tourism system, it is important to restore the «Silk Road», create modern infrastructure for further development of tourism and use advanced innovations in all tourism destinations [8].

The scientists believe that firms can utilize advancements in the tourism industry well since tourism is a creative sector. They claim that tourists' desires are rising these days and to meet these requirements without innovations are almost impossible. The latest new technologies such as 5G, AI, robotic technologies and big data are being utilized in tourism industry these days. The tourism sector has gained new opportunities for growth and a new look as a result of embracing the new technological revolution [9].

Because of technological innovations, tourism demands has increased a lot and it also created more time for available for leisure. Without any doubt, the types of tourism products have significantly expanded thanks to innovations such as drone light shows and immersive experiences; the usage of IA technology has raised the efficiency of tourism products and services. Some good examples for tourism innovations are followings:

– The latest transport technologies (autonomous vehicles, electric vehicles and drones);

– technologies for preserving and showcasing cultural heritage;

– Various types of e-payments;

– Internet of Things technologies;

All these technology innovations have enormous advantages on cost savings, increasing economies of scale, improving tourists' experiences and service efficiency, strengthening tourism infrastructure and etc.

Local scientists D. Aslanova and B.Safarov stated humanity constantly strives for the development and better life and this is a main reason for creating the innovations. Innovations are generated when needs and development with each other and the main objective of the innovation is to fulfill the needs of the society [10]. Local scientist, Norchaev A., provided several suggestions and recommendations on the introduction of digital innovative technologies in tourism industry. He mentioned several advantages of using digital economy in the service sector:

– Costs reduction - tourists spend less money to buy tourism products and services;

– Tourists can obtain detailed information about tourism services;

– Tourism entities can access to the global market;

– Obtaining tourists feedback faster and as a result they can improve service quality rapidly;

– Tourism businesses can operate faster and deliver better products and services for their customers [11].

Methodology

In the article, the secondary research method was mainly used, and the existing published papers by Uzbek and other foreign scientists related to innovation in tourism was discussed. Modern innovations used in the field of tourism of developed countries were presented during the analysis. Moreover, critical approach, induction and deduction, analysis and synthesis and observation methods were utilized in the paper.

Results and Discussion

Now let's analyze the benefits and drawbacks of the innovation in tourism.

First of all, tourism innovation has positives not only from economic side, but there are a few advantages for tourism organizations, tourists, locals and tourist destinations. As we earlier mentioned in this article, advancements are crucial in this sphere and tourism firms may surge service and product quality. With the help of innovations tourism entities can reduce operational cost and improve relationship with all parties involved.

The application of innovations in tourism helps to meet the demands and needs of visitors and make their visits more pleasant and meaningful. At this moment, we can face various forms of innovations that firms are using for their daily operations. The good examples of advancements and innovations can be:

– innovation of products or services;

– innovations in the process of businesses;

– organizational innovation;

– innovative marketing and others.

When we talk about service innovation it is new touristic goods or services which a firm provide for travelers. If a tourism entity establishes a new method of procedure that can make companies tasks easier and quicker it is called process innovations. Due to COVID-19 pandemic, more innovations in tourism were generated. This happened because of the new market and demands and the tourism industry had to make major changes in products and services. For instance, there has been an expansion of the boundaries of tourist destinations. The space, digital, macro and micro dimensions are new being added to the traditional categories. In addition, to adjust to the changes brought by the pandemic, the tourism businesses are looking for new business opportunities and investigating new service offerings. Organizations are placing the emphasis on sustainable development this is because tourism sector is now at the forefront of the global movement toward carbon reduction and neutrality. Therefore, the innovations are driving for the development of quality, refined, customized, experience based and sustainable tourism products and services.

Organizational innovation means introducing new methods of organizing tourism business processes in the region, conducting training to further increase the knowledge of employees. As we know tourism organizations cannot be run without advertisement and marketing. These days tourists can be amazed by innovative way of marketing only.

Technology innovation can be seen as the developing and application of new or improved gadgets, tools, methods, and processes that can bring significant advancements or breakthroughs in tourism field. It is true that, scientific and technological innovation soars the types of products and upgrade them. For instance, drone light show can boost the tourist program in any destinations. Furthermore, when businesses make investment in creating online platforms, contactless payments, virtual reality, internet of things and artificial intelligence, it will extend the life of tourism organizations.

Now let's discuss the latest emerging technologies that are being used in tourism industry. The first technology is a VR technology and its role in tourism industry. Virtual Reality is a form of human-computer interaction made with the assistance of computer and sensor innovations. It has a great impact on tourism industry with history regeneration, stunned show, extraordinary experience, intelligent tour guide, brand advancement and so on. The tourism entities are using VR technology for tourism experience, tourism marketing, services of tourism and even in tourism management. VR technology has led to the development of smart tourism and the best thing about VR

is that people can "travel" to any part of the world without leaving their favorite couch.

The second technology innovation I would like to mention is big data technology. Tourism industry is utilizing the big data for different purposes such as in cleaning, storage and analysis of tourism data. Big data technology can help tourism to explore the tourism assets, tourism activities, tourism economy and other valuable information. With the help of this technology, governments, tourism organizations, tourist destinations can make accurate planning and marketing activities.

In addition, big data is vitally important in tourism management and rational allocation of tourism resources and makes tourists experience more positive. Tourism organizations can make decisions by examining source of tourists, their actions and their overall experience with tourism offerings. This can include feedback monitoring, tracking visitor stays at attractions and analyzing visitors' demographics to enhance tourism products and marketing strategies. Utilizing big data in the tourism sector allows travelers to access precise details on various tourism offerings and beautiful locations across different areas, aiding in improved itinerary planning and efficient travel arrangements. The OTA's use of big data allows travelers to make online bookings for hotels, tickets, and air tickets, which helps save their time.

The next technology innovation is 5G which is a fifth-generation mobile communication. 5G is a network structure that connects people, devices, and objects, with broad potential for use within the tourism sector. In the realm of tourism, 5G brings a complete enhancement to travelers' experiences. Utilizing 5G support enables VR/AR, big data, and AI technologies to overcome technical limitations and offer tourists new, instant cultural and tourism products. When it comes to smart management and services at tourist locations, the use of 5G speeds up the transition to digital processes in different industries within these locations and boosts the development of intelligent tourist spots, upcoming hotels, and advanced travel agencies quickly; thanks to artificial intelligence and mobile edge computing, HD video and other technologies, 5G offers tourists easier access to services.

Conclusion

This study has brought attention to the importance of innovation in tourism as well as the critical role that technology plays in improving tourist experiences. Through analysis of existing literature, key insights have been received about the advantages and opportunities associated with the application of technologies in tourism sector. The results of this study highlight how technology is revolutionizing the travel industry and empowering destination managers and travel agencies to provide guests unique and engaging experiences. Technological advancements have the potential to significantly improve tourist pleasure, encourage sustainable tourism practices, and stimulate economic growth.

Currently, the level of application of innovations in tourism firms in Uzbekistan is not high. This is especially true in rural areas. If we would like to take the development of tourism to a new level, we will have to implement all kinds of innovations in tourism sector such us VR, 5G, AI, big data and robotic technologies. During the digital economy era, the Uzbekistan tourism sector should take advantage of remarkable historical opportunities for digital innovation. Digitization and its related technologies are set to be the main technologies driving the future advancement of the tourism industry. When our tourism organizations

and businesses apply innovations in tourism industry, they can reduce the costs, enrich travelers experience, improve service quality and make better tourism infrastructure at destinations.

This paper advocates for continued research, collaboration, and knowledge-sharing among scientists, industry practitioners, and policymakers to harness the full potential of innovations in tourism industry.

REFERENCE:

1. Schumpeter, J. A. (1912). Theorie der Wirschaftliche Entwiklung. Leipzig: Dunker und Humblot.
2. Sang M. Lee, Silvana Trimi (2018). Innovation for creating a smart future. Journal of Innovation & Knowledge Volume 3, Issue 1.
3. Romer, P. (1994). The Origins of Endogenous Growth. Journal of economic perspectives, 8, 3-22
4. Drucker, P. (2007). Innovation and Entrepreneurship. Buterworth Heineman
5. Regional Agency for Entrepreneurship and Innovations (2022). Innovation Guide for SMEs. https://www.rapiv.org/files
6. Labunska Sv., Petrova M., Prokopishyna O. (2017). Asset and cost management for innovation activity. Economic Annals - XXI, 165, 13-18
7. Konovalova Y. (2014). Инновации на предприятиях туризма и сервиса УДК 001.895, DOI:10.12737/4102
8. Musayeva, Sh., Usmonova D. (2021). Innovative Strategies of Tourism Development in Uzbekistan. European Journal of Innovation in Nonformal Education, Volume 2, ISSN:2795-8612
9. World Tourism Innovation and Development Report (2021-2022) World-Tourism-Innovation-and-Development-Report-2021-2022
10. Асланова Д.Х. Роль инноваций, и их значение в инвестициях на рынке туристских услуг в Узбекистане / Д.Х. Асланова, Б.Ш. Сафаров, А. Хайруллаев // Экономика и бизнес: теория и практика. – 2016. – №3. – С. 18-22
11. Norchaev A.,N. (2020).Directions for implementation of innovative digital technologies in tourism.

УДК 336.04

Тожибоева Нилуфар Баходиржон қизи,
Докторант, кафедры «Банковское дело»
Ташкентского Государственного Экономического Университета
e-mail: nilu.2208@mail.ru

ОСНОВНЫЕ ПОДХОДЫ И МЕХАНИЗМЫ ФОРМИРОВАНИЯ КАПИТАЛА КОММЕРЧЕСКИХ БАНКОВ.

Тожибоева НилуфарБаходиржон қизи,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
“Банк иши” кафедраси докторанти
e-mail: nilu.2208@mail.ru

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ КАПИТАЛИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЁНДАШУВЛАРИ ВА МЕХАНИЗМЛАРИ.

Tojiboeva Nilufar Baxodirjon qizi,
Researcher, Department of Banking
Tashkent State Economic University
e-mail: nilu.2208@mail.ru

SOME FEATURES OF THE CAPITAL FORMATION OF COMMERCIAL BANKS.

Аннотация. *В статье анализируется механизмы формирования капитала коммерческих банков, в том числе, рассматриваются нормативная база и требование надзорных органов в вопросах формирования капитала. В результате анализа были выявлены некоторые особенности формирования капитала в период реформирования банковской системы, определены наиболее оптимальные способы и инструменты формирования капитала и рассмотрена структура собственного капитала банков. Также определено что, в структуре капитала коммерческих банков отсутствует эмиссионный доход, который формируется за счет рыночной цены акции банков и их рыночной привлекательности. По результатам изучения и анализа порядка формирования капитала коммерческих банков были разработаны соответствующие заключения и некоторые предложения.*

Ключевые слова: *коммерческий банк, капитал банка, уставный капитал, резервы, эмиссионный доход, субординированный долг, активы, активы, взвешенные с учетом риска.*

Аннотация. *Мақолада тижорат банкларининг капиталини шакллантириш механизмлари, шу жумладан, меъёрий-ҳуқуқий база ва капитални шакллантириш масалаларида назорат органларининг талаблари таҳлил қилинади. Таҳлил натижасида банк тизимини ислоҳ қилиш жараёнида капитални шакллантиришнинг баъзи хусусиятлари*

аниқланди, капитални шакллантиришнинг енг мақбул усуллари ва воситалари аниқланди ва банкларнинг ўз капитали таркиби кўриб чиқилди. Шунингдек, тижорат банкларининг капитал таркибида банклар акцияларининг бозор нархи ва уларнинг бозор жозибадорлиги туфайли шаклланадиган емиссия даромадлари йўқлиги аниқланди. Тижорат банклари капиталини шакллантириш тартибини ўрганиш ва таҳлил қилиш натижалари асосида тегишли хулосалар ва айрим таклифлар ишлаб чиқилди.

Таянч сўзлар: *тижорат банки, банк капитали, устав капитали, захиралар, емиссия даромадлари, субординацияланган қарзлар, активлар, таваккалчиликка асосланган активлар.*

Annotation. *The article analyzes the mechanisms of capital formation of commercial banks, including the regulatory framework and the requirements of supervisory authorities in matters of capital formation. As a result of the analysis, some features of capital formation during the reform of the banking system were identified, the most optimal ways and tools of capital formation were identified and the structure of banks' equity capital was considered. It is also determined that there is no issue income in the capital structure of commercial banks, which is formed due to the market price of banks' shares and their market attractiveness. Based on the results of the study and analysis of the procedure for the formation of capital of commercial banks, relevant conclusions and some proposals were developed.*

Keywords: *commercial bank, bank capital, authorized capital, reserves, issue income, subordinated debt, assets, weighted assets.*

Введение

Обязательным условием формирования и функционирования банка, а также источником его финансовой устойчивости является его капитал. От его размера и структуры зависит эффективность деятельности банка, степень его рентабельности, а также рост вложений в экономику страны. Объем собственного капитала позволяет банку развивать деятельность и увеличивать его активные операции. Следовательно, для стабильного функционирования банков во всех этапах развития, необходимо в первую очередь обеспечить эффективное формирование его капитала.

Вопрос эффективного формирования капитала коммерческих банков становится еще более актуальным в условиях реформирования коммерческих банков. Так, согласно указу президента Республики Узбекистан от 12.05.2020 года №УП -5992 «О стратегии реформирования банковской системы республики Узбекистан на 2020 -2025 годы» одним из приоритетных задач является снижение государственной доли в банковском секторе, что в свою очередь повлечет за собой изменение размера, состава и структуры их капитала. Так за последние три года капитал банков увеличился в 1,8 раза, а годовой объем кредитования – в 2 раза. Четыре банка выпустили еврободы и привлекли $1 млрд. на международном рынке капитала. Все это еще раз показывает актуальность изучения в теории на практике особенностей формирования капитала банков.

Обзор литературы по теме

Для того, чтобы создать эффективный механизм формирования капитала банков, нужно иметь соответствующий теоретический фундамент. Таким образом, прежде всего, следует определиться с содержанием понятий капитал и механизм формирования капитала.

В самом общем виде под капиталом банка понимается совокупность различных по назначению средств, являющихся собственностью владельцев банка и обеспечивающих его экономическую самостоятельность и стабильность функционирования. Так, В.В.Киселев под капиталом банка понимает средства, внесенные владельцами банка и состоящие в основном из уставного и других фондов, резервов, а также нераспределенной прибыли.

О. И. Лаврушин определяет собственный капитал банка как совокупность фондов, которые создаются коммерческим банком для осуществления деятельности и обеспечения доверия вкладчиков и других кредиторов.

Если обратиться к большому толковому словарю С.А. Кузнецова, то под механизмом понимается совокупность подвижных, связанных между собой частей, совершающих под воздействием приложенных сил заданное движение, а способ - прием осуществления какого-либо действия.

Ученый О.И. Лаврушин объясняет механизм формирования капитала как совокупность возможных способов капиталообразования.

Реализация любого механизма формирования капитала предполагает использование соответствующих финансовых инструментов. Эти инструменты можно в свою очередь разделить на 2 группы: базовые и гибридные. Под базовыми инструментами понимаются долевые инструменты, в результате которых у банка возникает обязательство собственности. А при использовании гибридных инструментов возникают долговые обязательства. Рассмотрим механизмы формирования капитала банков в следующей таблице (таблица 1).

Таблица 1

Совокупность механизмов и способов формирования капитальной базы банков[1]

Долевые способы формирования капитала	Долговые способы формирования капитала
Выпуск акций и облигаций	Привличение субординированных займов
Переоценка имущества банка	Выпуск субординированных обязательств
Переоценка ценных бумаг	
Капитализация прибыли	
Эмиссионный доход банка	
Консолидация акций и облигаций	

В процессе формирования капитала со стороны банков используются набор разных инструментов, как долевых, так и долговых. На начальном этапе капитал формируется за счет вклада учредителей путем выпуска и размещения акций. Дальше увеличение собственного капитала предполагает использование других различных способов и механизмов, каждый из которых имеет свои преимущества и недостатки.

Одним из самых распространенных механизмов формирования капитала является капитализация прибыли. Прибыль, накопленная в течение отчетного года, направляется на увеличение уставного капитала. Использование данного механизма не влечет за собой дополнительные расходы, тем самым широко используется на практике.

[1] Составлено автором

Однако, при капитализации прибыли учредители не получают свои дивиденды, и данный способ не приветствуется со стороны акционеров банка.

Эффективное формирование капитала предполагает собой использование набора различных инструментов, с учетом особенностей кредитной организации, направлений ее развития и интересов учредителей .

Результаты и обсуждения

Начальным этапом деятельности любого банка является формирование его уставного капитала. Для коммерческих банков их уставный капитал служит важным источником финансирования, а в процессе деятельности он используется как источник защиты от рисков, возникающих в банковской деятельности. Минимальное требование к размеру уставного капитала указано в законе Республики Узбекистан «О банках и банковской деятельности». В нашей стране с 1 апреля эта сумма должна составлять 350 млрд. сум, а с 1 января 2025 года должна быть увеличена до 500 млрд. сум. Рассмотрим, величину уставного капитала коммерческих банков в следующей таблице (таблица 2).

Из таблицы видно, что по состоянию на 1 апреля 2024 года из 35 функционирующих банков 5 не выполняют требование минимального уставного капитала. В ходе анализа стало ясно, что эти банки начали свою деятельность недавно. Таким образом, можно сказать, что увеличение минимального размера уставного капитала создает определенные трудности для новых банков, и для тех, кто собирается начать свою деятельность. Стоит также отметить, что больше 90% банков уже имеют уставный капитал выше 500 млрд. сум, то есть уже выполняют требование, установленное на начало 2025 года.

Банк, как специфический хозяйствующий субъект, создается таким количеством учредителей, финансовых возможностей которых будет достаточно для соответствия уставного капитала минимальным требованиям. С другой стороны, чем шире круг учредителей, способных влиять на политику банка, тем труднее банку оптимизировать их интересы в способе получения дохода и удовлетворять их специфические потребности в финансировании. Поэтому, в процессе своей деятельности, банк, в определенной степени, заинтересован в концентрации капитала в руках ограниченного круга лиц.

Ограниченность круга новых инвесторов, с одной стороны, и необходимость поддержания адекватности капитала - с другой, заставляет банк

Таблица 2

Группировка коммерческих банков по величине их совокупного и уставного капитала на 01.04.2024 г[1].

Наименование показателей	Всего		До 350 млрд. сум		От **350 до 500** млрд**. сум**		От **500млрд. и выше**	
	Кол. банков	Сумма (в млрд. сум)	Ед.	Доля в %	Ед.	Доля в %	Ед.	Доля в %
Совокупный капитал	35	100 713	6	1,4	6	2,7	23	95,9
Уставный капитал	35	70 747	5	1,3	10	5,4	20	93,3

[1] Составлено автором на основе данных полученных из официального сайта Центрального Банка Узбекистан www.cbu.uz

наращивать собственный капитал, не расширяя круг участников банка, изыскивая возможности увеличения уставного капитала за счет увеличения долей уже существующих участников банка, путем капитализации прибыли банка разными способами.

Состав соответствующих способов формирования капитальной базы банка многообразен и включает в себя создание резервного фонда, эмиссионного дохода, фонда переоценки имущества и ценных бумаг банка по справедливой стоимости и накопление прибыли.

Формирование резервного фонда является обязательным способом капиталообразования. В соответствии с законом Республики Узбекистан №ЗРУ – 370 «Об акционерных обществах и защите прав акционеров» от 06.05.2014 года, резервный фонд создается путем обязательных ежегодных отчислений от чистой прибыли до достижения установленного размера. Минимальный размер фонда определяется банком самостоятельно и регулируется Уставом банка, но он не должен быть меньше 15% от его уставного фонда.

Появление в мировой практике такого способа формирования собственного капитала как эмиссионный доход в определенном смысле можно считать инновацией. Он связан с формированием добавленного капитала посредством механизма публичного размещения акций.

Эмиссионный доход, привлеченный банком посредством продажи акций по цене выше номинальной, увеличивает собственный капитал банка, учитывается в рыночных котировках, но не участвует в распределении прибыли по итогам года. Кроме того, эмиссионный доход банка можно рассматривать и как безвозмездно полученные средства. Если бы банк получил их в форме, отличной от эмиссионного дохода, то в этом случае часть привлеченных средств была бы иммобилизована в виде налога на прибыль.

Мировая практика показывает, что основная доля собственного капитала формируется именно за счет эмиссионного дохода. Данный вопрос в последние годы также поднимается в нашей стране на государственном уровне. Так, согласно Указу Президента Республики Узбекистан «О реформировании банковской системы Республики Узбекистан» были разработаны ряд мер, которые направлены на обеспечение комплексной трансформации банков, в том числе, подготовка банков для проведения первичных и вторичных публичных предложений ценных бумаг (IPO и SPO).

Существенное место в составе способов формирования собственного капитала банка отводится процедурам переоценки активов по их справедливой стоимости. В процессе своей деятельности банк накапливает активы, первоначальная цена приобретения которых подвержена колебаниям в связи с изменением их рыночной стоимости во времени. В международной практике существует несколько механизмов, посредством которых первоначальная стоимость, подверженных обесценению или недооцененных активов, может быть приведена в соответствие с их справедливой стоимостью по истечению определенного периода времени. К числу таких механизмов относятся: механизмы переоценки основных средств и финансовых активов, удерживаемых до погашения или имеющихся в наличии для продажи, механизм формирования фонда накопленных курсовых разниц.

Также важной тенденцией капиталообразования на современном этапе является субординированные

заимствования. Субординированный долг обладает свойством ограниченной отзывности, что позволяет рассматривать его в качестве собственного капитала. Привлекая субординированный долг, банк приобретает стратегического инвестора, вместо акционера, который не имеет право влиять на деятельность банка в обмен на получение постоянного дохода.

Данный способ формирования капитала, однако, не используется широко в практике коммерческих банков Республики Узбекистан (Таблица 3).

Таблица 3

Структура собственного капитала коммерческих банков на 01.04.2024 г (в млрд. сум)[2]

Наименование показателя	Сумма	Доля в %
Уставный капитал	70 747	65,5
Добавленный капитал	1 339	1,3
Резервный капитал	11 388	10,5
Нераспределенная прибыль	17 240	15,9
Субординированный долг	7 419	6,8
Итого собственного капитала	**108 132**	**100**

Субординированный долг составляет лишь 6,8 % от собственного капитала, тогда как в зарубежных странах на его долю приходится до 50% от собственного капитала.

Субординированные займы являются гибким способом формирования капитальной базы, которая дает большие возможности для его укрепления.

При выборе механизмов формирования капитальной базы банка, необходимо констатировать, что разрабатывая подходы к выбору способа капиталообразования банк должен соотносить размер капитала с издержками на его формирование и обслуживание. Так, например, при выпуске акций могут возникнуть издержки связаны с затратами на эмиссию, включая комиссионное вознаграждение андеррайтерам. При использовании нераспределенной прибыли для наращивания капитала, могут возникнуть трудности с акционерами, когда сокращаются или вообще не выплачиваются дивиденды.

Выводы

Таким образом, по результатам анализа исследуемой темы можно сделать следующие выводы:

Собственный капитал играет важную роль в деятельности коммерческих банков. От эффективности его формирования и управления зависит дальнейшее функционирование коммерческого банка. Следовательно, правильный выбор механизмов и способов формирования капитала является важной частью деятельности банков.

Уставный капитал, являющийся начальным капиталом для формирования банков, играет важную роль и его минимальный объем регулируется со стороны надзорных органов. В связи с реформами в банковской системе Республики Узбекистан, минимальное требование к уставному капиталу банков было увеличено с 100 до 350 млрд. сум на 1 апреля 2024 года, и до 500 млрд. сум до начала 2025 года.

Не все коммерческие банки, однако, функционирующие на рынке на сегодняшний день, выполняют требования к минимальному размеру уставного капитала. Банки, не выполнившие требование по увеличению уставного капитала к сроку, были открыты

[2] Составлено автором на основе данных полученных из официального сайта Центрального Банка Узбекистан www.cbu.uz

относительно недавно. Большая часть отвечает требованиям Центрального банка.

Увеличение собственного капитала в нашей стране происходит в основном за счет капитализации прибыли и такие инструменты как эмиссионный доход и субординированный долг практически не используется. Однако, мировая практика показывает эффективность использования именно этих механизмов наращивания капитала.

Теоретические и практические результаты анализа способов и механизмов формирования капитала коммерческих банков послужили формированию следующих предложений:

1. На выбор соответствующих способов и механизмов формирования капитала влияют различные факторы, и является индивидуальным для каждого коммерческого банка. Однако, важно отметить, что в процессе формирования и дальнейшего увеличения капитала банки должны пользоваться набором разных инструментов, а не ограничиваться одним.

2. В структуре капитала коммерческих банков следует поэтапно увеличивать долю добавленного капитала. Для этого банкам следует организовывать публичную продажу своих акций.

3. Учитывая, что увеличение капитала за счет привлечения субординированного долга широко используется в мировой практике и имеет ряд преимуществ, отечественным банкам также стоит увеличить его долю в общем объеме собственного капитала.

Данные выводы и рекомендации, по нашему мнению, позволят обеспечить финансовую стабильность и устойчивость банковской системы, а также даст возможность нашим отечественным банкам занять достойное место среди ведущих банков развитых стран.

ЛИТЕРАТУРА

1. Закон Республики Узбекистан № ЗРУ-831 «О внесении изменений в закон Республики Узбекистан о банках и банковской деятельности» от 7.04.2023 г.
2. Закон Республики Узбекистан № ЗРУ–370 «Об акционерных обществах и защите прав акционеров» от 06.05.2014 года.
3. Указ президента Республики Узбекистан № УП -5992 «О стратегии реформирования банковской системы республики Узбекистан на 2020 -2025 годы» от 12.05.2020 года.
4. Выступление президента Республики Узбекистан Ш.М.Мирзиеева на совещании по обсуждению процессов трансформации и приватизации в банковской системе от 20.11.2023 года.
5. В.В. Киселев Управление банковским капиталом. М.: Издательство «Экономика», 2007г. с. 53
6. С.А.Кузнецов. Большой толковый словарь русского языка. СПб: Норинт, 2002г. С.539, 1251.
7. О.И. Лаврушина. Банковское дело. М.: Финансы и статистика, 2005. С.70-75
8. Белоглазова Г.Н., Кроливецкая Л.П. Банковское дело. Организация деятельности коммерческого банка: учебник. М.: Издательство Юрайт, 2011г. С.86-89.
9. Официальный сайт Центрального Банка Республики Узбекистан (www.cbu.uz).

УДК 336.74/71

Бабаева Гузаль Яшиновна,
доцент кафедры
«Банковский учет и аудит»
Ташкентского государственного
экономического университета

ФОРМИРОВАНИЕ И ТЕНДЕНЦИИ ПЛАТЁЖНОЙ ЭКОСИСТЕМЫ В УЗБЕКИСТАНЕ

Babayeva Go‘zal Yashinovna,
“Bank hisobi va auditi”
kafedrasi dotsenti
Toshkent davlat
Iqtisodiyot universiteti

O‘ZBEKISTONDA TO‘LOV EKOTIZIMNING SHAKLLANISHI VA TRENDLARI

Babaeva Guzal Yashinovna,
associate professor of the department
«Banking accounting and audit»
Tashkent State
University of Economics

FORMATION AND TRENDS OF PAYMENT ECOSYSTEMS IN UZBEKISTAN

Аннотация. *В статье рассмотрена необходимость, формирование и тенденции развития платежной инфраструктуры, дано понятие платежной экосистемы, дана характеристика её составляющих элементов, обозначены факторы - «катализаторы» способствующие формированию платежной экосистемы и определяющие тенденции её развития в Узбекистане, сформулированы рекомендации участникам расчетов по совершенствованию бизнеса с учетом требований платежной экосистемы.*

Ключевые слова: *Платежная система, платежная инфраструктура, электронная коммерция, банковская карта, мобильное приложение, маркетплейс, интернет магазин, QR-код, технология NFC*

Annotatsiya. *Maqolada to‘lov infratuzilmasini rivojlantirish zarurati, shakllanishi va tendensiyalari ko‘rib chiqiladi, to‘lov ekotizimining kontseptsiyasi berilgan, uning tarkibiy elementlarining xususiyatlari berilgan, to‘lov ekotizimini shakllantirishga hissa qo‘shadigan*

omillar – «katalizatorlar» va tendensiyalar aniqlanadi, uni O'zbekistonda rivojlantirishda hamda to'lov ekotizimining talablarini hisobga olgan holda biznesni takomillashtirish bo'yicha hisob-kitoblar ishtirokchilari uchun tavsiyalar ishlab chiqadi.

Tayanch so'zlar: *To'lov tizimi, to'lov infratuzilmasi, elektron tijorat, bank kartasi, mobil ilova, bozor, onlayn do'kon, QR-kod, NFC texnologiyasi*

Annotation. *The article examines the need, formation and trends in the development of payment infrastructure, gives the concept of a payment ecosystem, gives characteristics of its constituent elements, identifies factors - "catalysts" that contribute to the formation of the payment ecosystem and determines the trends in its development in Uzbekistan, and formulates recommendations for participants in calculations to improve business taking into account requirements of the payment ecosystem.*

Keywords: *Payment system, payment infrastructure, e-commerce, bank card, mobile application, marketplace, online store, QR code, NFC technology*

Введение

За последние годы в работе платежных систем многих стран мира произошли важные изменения. Способы платежей оплаты эволюционируют и развиваются – от наличных до чеков, кредитных карт и дебетовых карт, а в настоящее время – электронной коммерции и мобильного банкинга. Законодательство и платежные системы играют решающую роль в создании надежной и устойчивой экосистемы. Кроме того, достижения в технологии, поддерживающие мобильные транзакции делающие их более удобными и прозрачными, развивают доверие среди клиентов, которые привыкают к использованию этого способа оплаты. Интеграция систем онлайн-платежей с существующей финансовой и телекоммуникационной инфраструктурой необходима, представляя собой сложную сеть заинтересованных сторон, технологий, процессов и правил, она облегчают обмен денежной стоимости на товары и услуги формируя экосистему платежной индустрии.

Обзор литературы по теме

Термин «экосистема» был введен экологом Артуром Тэнсли в 1935 г. В работе «Правильное и неправильное использование ботанических терминов». Данное понятие было применено к природе, где под экосистемой понимали и понимают до сих пор взаимосвязь всех элементов природы — живых существ, природных сил и т. д., проявляющуюся не только в общем сосуществовании, но и в конкуренции ее элементов. Именно поэтому данное понятие может быть применимо к экономике лишь в том случае, если экономическая экосистема также будет основана на принципах сотрудничества и конкуренции ее участников. В соответствии с темой нашего исследования конкуренция, сотрудничество, а также взаимодействие элементов - инфраструктуры способствующих осуществлению платежа рассматривается автором как платежная экосистема. [1]

Национальная платежная система (НПС) является неотъемлемой частью финансовой системы любого государства. В соответствии со своим названием НПС обеспечивает осуществление платежей, создавая условия для оборота денежных средств, управления денежной массой, регулирования курса национальной валюты, осуществления инвестиционных программ и т.д. В конечном счете

эффективная НПС способствует экономическому росту и процветанию национальной экономической системы. [2] В экономической литературе встречается общая концепция подхода к платежной системе с позиции платежной инфраструктуры. Однако в целом, термин «платежная система» относится к полному набору инструментов (посредники, правила, процедуры, процессы и системы межбанковских переводов денежных средств), которые облегчают обращение денег в стране или валютной зоне. [3]

В 2019 году в Узбекистане был принят закон «О платежах и платежных системах», который способствовал развитию сектора финтех. Электронные платежи стали неотъемлемой частью онлайн-торговли, обеспечивая удобство и безопасность для потребителей и предпринимателей, стала широко развиваться электронная коммерция. В Узбекистане действуют ряд нормативно-правовых актов, регулирующих сферу электронной коммерции, основные из них это: ЗРУ-792 «О электронной коммерции» от 29.09.2022 г., ЗРУ-777 «О почтовой связи» от 09.06.2022 г., ЗРУ-221-I «О защите прав потребителей» от 26.04.1996 г. , ПП-14 от 17.11.2021 г. «О совершенствовании администрирования электронной коммерции и создании благоприятных условий для ее дальнейшего развития», ПКМ-185 от 02.06.2016 г. «О мерах по дальнейшему совершенствованию порядка осуществления сделок в электронной коммерции», УП-244от 09.11.2022 г. «О мерах по упрощению государственного регулирования предпринимательской деятельности». Отдельно необходимо отметить два важных документа изданных Центральным банком РУз касающихся информационной безопасности это: Положение о защите информации в автоматизированных системах коммерческих банков Республики Узбекистан (рег. в МинЮсте №3224 10.03.2020) и Положение об обеспечении информационной безопасности в платежных системах операторов платежных систем и поставщиков платежных услуг (рег. в МинЮсте № 3268 30.06.2020).

Методология исследования

В данном исследовании использовались такие методы как экономический анализ, экономический синтез, экономическая аналогия, экономическая индукция, экономическая дедукция, формализация в области экономических знаний и другие.

Анализ и результаты

Банки, платежные системы, мобильные операторы, технологические компании, электронная коммерция — крупнейшие представители данных индустрий стараются стать ключевым поставщиком большинства услуг для потребителя. За рубежом особые успехи с точки зрения построения экосистем можно отметить у технологических компаний, как, например, американские GAFA (Google, Apple, Facebook, Amazon) и китайские BAT (Baidu, Alibaba, Tencent). Успех данных кейсов заключается в том, что они смогли вовлечь в свой внутренний круг большинство участников внешней экосистемы, при этом платеж сыграл в этом не последнюю роль. Каждая из вышеуказанных компаний со своей обширной экосистемой сделали платеж общей частью в процессе предоставления основных услуг: Google Pay, Apple Pay, Facebook messenger, Amazon Prime, Wechat Pay, AliPay — примеры того, что платеж играет одну из ключевых ролей в построении экосистем и заключении в них своих клиентов.

Необходимость создания экосистем не обошел и отечественную экономику: так как платеж пронизывает большинство областей жизни современного потребителя и функционирования бизнеса, индустрии. Нарастающая важность экосистем, а также изменяющаяся роль платежа, который из базовой услуги становится ключевой компонентой увеличения ценности в индустрии, послужили мотивацией к созданию «Платежной экосистемы».

Рассмотрим в таблице 2 составляющие «Платежной экосистемы», которые помогут нам представить значение и механизм их взаимодействия.

Таблица 1

Составляющие «Платежной экосистемы»[1] [4]

	Участники	Описание
	Клиенты	Физические лица или организации, которые используют платежные услуги для совершения покупок, оплаты счетов или перевода средств
	Предприятия	Предприятия принимают платежи за товары и услуги как онлайн, так и оффлайн.
	Платежные сети	Системы, которые облегчают электронные транзакции между различными сторонами платежной экосистемы. Они предоставляют инфраструктуру, правила и стандарты, необходимые для обработки платежей, таких как кредитные и дебетовые карты или транзакции с цифровыми кошельками. Примеры основных международных платежных сетей включают Visa, Mastercard, American Express и Discover.
	Банки-эмитенты	Финансовые учреждения, которые предоставляют клиентам платежные карты, такие как кредитные и дебетовые карты. Они несут ответственность за страхование кредитного риска, связанного с картами, установление кредитных лимитов для держателей карт и управление счетами держателей карт. Банки-эмитенты играют важную роль в платежной экосистеме, разрешая транзакции и принимая на себя ответственность за средства в процессе оплаты.
	Банки-эквайеры	Торговые банки или эквайеры, представляют собой финансовые учреждения, которые сотрудничают с предприятиями для обработки электронных платежей, таких как транзакции по кредитным и дебетовым картам. Эти банки облегчают прием электронных платежей путем открытия и обслуживания счетов, проведения транзакций и перевода средств со счетов держателей карт на счета предприятий. Банки-эквайеры важны для платежной экосистемы, поскольку они обеспечивают бесперебойную обработку и расчеты электронных транзакций.
	Платежные процессоры	Платежные процессоры — это компании, которые управляют процессом электронных платежных транзакций от имени предприятий и их банков-эквайеров. Они занимаются техническими аспектами авторизации, клиринга и расчетов по транзакциям между банками-эмитентами, банками-эквайерами и предприятиями. Платежные системы играют важную роль в платежной экосистеме, позволяя предприятиям принимать различные формы электронных платежей, такие как кредитные карты, дебетовые карты и мобильные кошельки.

[1] Составлено автором на основе данныхhttps://stripe.com/resources/more/the-payment-industry-ecosystem-explained#artificial-intelligence-ai-and-machine-learning

	Платежные шлюзы	Платежные шлюзы — это цифровые услуги, которые передают платежную информацию между предприятиями, платежными системами и банками-эквайерами во время электронной транзакции. Они действуют как мост между бизнес-сайтом или системой точек продаж (POS) и платежной системой. Платежные шлюзы являются важной частью платежной экосистемы: они обеспечивают безопасный обмен конфиденциальными платежными данными и облегчают авторизацию, захват и расчет транзакций для онлайн-покупок и личных покупок.
	Поставщики торговых услуг (MSP).	Это компании, которые предоставляют ряд услуг, помогающих предприятиям принимать и обрабатывать электронные платежи. MSP часто тесно сотрудничают с банками-эквайерами и могут предоставлять дополнительные услуги, такие как платежные шлюзы, POS-системы и защита от мошенничества. Как правило, они предлагают различные платежные решения, адаптированные к потребностям различных предприятий и отраслей.
	Независимые торговые организации (ISO)	ISO – это сторонние компании, которые действуют как посредники между предприятиями и банками-эквайерами. Они несут ответственность за продажу торговых счетов и услуг по обработке платежей от имени банков-эквайеров или платежных систем. ISO обычно имеют сеть торговых агентов или реселлеров, которые продают свои услуги предприятиям. Они также могут предоставлять дополнительные услуги, такие как POS-системы, платежные шлюзы и инструменты управления бизнесом. ISO регулируются такими платежными сетями, как Visa и Mastercard, и должны соответствовать определенным стандартам соответствия, чтобы поддерживать свой статус.
	Платежные посредники (payfacs)	Payfacs , также известные как поставщики платежных услуг (PSP), — это компании, которые позволяют предприятиям принимать электронные платежи без необходимости устанавливать прямые отношения с банком-эквайером или специальным торговым счетом. Payfacs объединяет несколько предприятий под одним основным торговым счетом, упрощая процесс регистрации и снижая затраты для предприятий. Они обрабатывают различные аспекты обработки платежей, включая авторизацию транзакций, расчеты и борьбу с мошенничеством.
	Регулирующие органы	В экосистеме платежной индустрии регулирующими органами являются государственные учреждения и организации, которые создают и обеспечивают соблюдение правил и положений для поддержания целостности, безопасности и эффективности платежной индустрии. На платежную индустрию влияют многочисленные глобальные регулирующие органы, в том числе Группа разработки финансовых мер борьбы с отмыванием денег (FATF), Бюро финансовой защиты потребителей (CFPB), Европейский центральный банк (ЕЦБ), Управление финансового надзора (FCA), Европейское банковское управление (EBA), Сеть. по экологизации финансовой системы (NGFS) и центральных банков разных стран. Эти организации играют центральную роль в формировании платежной индустрии, устанавливая стандарты, обеспечивая соблюдение требований и обеспечивая безопасную и стабильную финансовую экосистему.

Эти разнообразные компоненты работают вместе, обеспечивая различные типы транзакций, такие как транзакции с предъявлением карты, без карты и транзакции с цифровым кошельком. Экосистема платежной индустрии постоянно адаптируется под воздействием технологических достижений, изменений в поведении клиентов и нормативных изменений, что приводит к появлению новых способов оплаты, услуг и бизнес-моделей.

Таблицы и диаграммы

Индустрия платежей является высококонкурентной: традиционные игроки, такие как банки и платежные сети, борются за долю рынка наряду с финтех-компаниями и технологическими гигантами. Эта конкуренция привела к росту инноваций и сосредоточению внимания на улучшении качества обслуживания клиентов. Платежные партнеры предлагают конкурентоспособные цены, мощные технологии и отличную поддержку клиентов. Автором обозначены следующие факторы - «катализаторы» способствующие формированию платежной экосистемы и определяющие тенденции её развития в Узбекистане:

1. Скорость и удобство платежа. Платежные системы в реальном времени, обеспечивающие мгновенные переводы средств, становятся все более распространёнными. Это способствует мобилизации денежных потоков клиентов. Отдельный элемент способствующий увеличению удобства и как следствие качества платежных услуг для клиентов- бесконтактные платежи, в том числе кредитные карты с возможностью оплаты одним касанием и цифровые кошельки, обусловило стремление клиентов к удобству, скорости и гигиене. В рамках работы Центрального банка по развитию национальной платежной системы и повышению популярности финансовых услуг особое внимание уделяется автоматизации банковских бизнес-процессов и оказанию услуг по цифровым каналам. В частности, количество пользователей дистанционного обслуживания банковскими счетами увеличилось в 1,5 раза и на состояние 1 января 2023 года достигло 30 млн. При этом 1,2 млн. пользователей являются хозяйствующими субъектами, а количество физических лиц, использующих системы дистанционного управления банковскими картами и банковскими депозитными счетами составило 28,8 млн.

Благодаря наличию доступа ко всем основным банковским услугам для физических лиц через мобильные приложения банков, объём дистанционных онлайн-транзакций достиг 145,8 трлн. сум. В целях дальнейшего увеличения охвата бесконтактных платежей (QRкодов и технологий NFC), Центральным банком, совместно с коммерческими банками уделяется особое внимание на расширение сферы применения бесконтактных платежей в инфраструктуре платежных систем, в первую очередь в сфере торговли и услуг (розничная торговля и пункты платного обслуживания, объекты общественного питания, службы доставки, самозанятые и др.) В результаты данных инициатив, были приняты меры по созданию условий поставщикам товаров и услуг для принятия платежей через QR-коды и технологий NFC. Набирает популярность система QR-online, которая была запущена для осуществления мгновенных платежей по QR-кодам с помощью мобильных приложений за товары и услуги за счет средств

банковской карты без непосредственного использования банковской карты и платежного терминала. Количество QR-кодов, предоставленных бизнесу информационной системой увеличился всего на 8 тыс. и составило 99 тыс. ед. Несмотря на это, объём транзакций, произведённых через эту систему увеличился с 14,9 млрд. сум в 2021 году до 191,6 млрд. сум в 2022 году, а количество в 4,2 раза и достигло 63,2 тыс. ед.



Рисунок-1 Количество и объём совершенных транзакций в системе QR-online[1][9]

При этом, в рамках расширения технологии бесконтактных платежей, услуга проведения платежей в пунктах продаж и платных услуг без непосредственного использования банковской карты через программу «HUMO PAY» (посредством NFC устройства смартфонов) была интегрирована в мобильные приложения 21 банка.

2. Внедрение цифровых кошельков, таких как Apple Pay, Google Pay и Samsung Pay, находится на подъеме, и все больше клиентов предпочитают использовать свои смартфоны для транзакций. Например Ravnaq-bank предоставил своим клиентам возможность бесконтактной оплаты товаров и услуг на местах мобильным телефоном на базе ОС Android с поддержкой NFC. Так, в партнерстве с технологической компанией Octo Developer, Ravnaq-Bank вслед за VISA (запущенной в январе 2021) первыми в Узбекистане запустил сервис по токенизации карт Mastercard. Таким образом Ravnaq Bank первыми токенизировали обе платежные системы в своем приложении RBK-Mobile. Инновационная технология, внедренная Ravnaq-bank, Mastercard и Octo Developers - важный шаг банка к развитию финансовых технологий в Узбекистане и другим международным платежным системам, в числе которых Google Pay, Apple Pay и Samsung pay. Помимо технологического прорыва, это обеспечит нашей стране внимание крупных международных корпораций и повысит его инвестиционный потенциал. Пользоваться бесконтактной оплатой можно в любой точке мира, где есть терминалы VISA и Mastercard, а в Узбекистане через терминалы Humo и терминалы Uzcard с поддержкой NFC. [6]

3. Биометрическая аутентификация. Для авторизации платежей все чаще используются методы биометрической аутентификации, включая сканирование отпечатков пальцев, распознавание лиц и распознавание голоса. Эти технологии повышают безопасность и снижают риск мошенничества. Предприятиям следует рассмотреть возможность внедрения биометрической аутентификации для личных транзакций и изучить ее потенциальное применение для онлайн- и мобильных платежей.

4. Купля-продажа товаров (работ, услуг) в соответствии с договором, заключенным через электронную торговую площадку с использованием информационных систем в рамках предпринимательской деятельности.

В данной таблице мы рассмотрим основных участников и платформы электронной коммерции в Узбекистане.

[1] Составлено автором на основе данных www.cbu.uz

Таблица 2.

Основные участники и платформы электронной коммерции в Узбекистане[2][7]

	Название	Описание	Примеры
1	Маркетплейсы:	Маркетплейсы специальные торговые площадки которые предоставляет местным предпринимателям возможность размещать свои товары и услуги в онлайн-режиме, способствуя развитию местной электронной коммерции и помогая предпринимателям достичь большего числа потребителей Торговые площадки часто делятся на две категории: Свободные: Позволяют одновременно продавать свою продукцию на их сайтах и на своем собственном сайте. Эксклюзивные: Позволяют продавать свои товары только на их сайтах, без возможности продажи на собственном.	• **Uzum** (uzum.uz) • **Olcha** (olcha.uz) • **Pmall** (pmall.uz) • **KMALL** (kmall.uz) • **Bulavka** (bulavka.uz) • **Sello** (sello.uz) • **Zood** (zoodmall.uz)
2	Международные платформы	предлагают ассортимент товаров и услуг для узбекских потребителей и активно занимаются открытием первых бондовых складов	“Wildberries”,. Китайский гигант AliExpress через ПВЗ Uzum
3	Местные онлайн-магазины	в Узбекистане существует множество местных онлайн магазинов, которые предлагают различные товары и услуги. Это включает онлайн магазины, специализирующиеся на электронике, бытовой технике, одежде, косметике, продуктах питания и других отраслях.	• Mediapark.uz • Texnomart.uz • Mato.uz • Aynimo.uz • Alif shoppокий
4	Платежные организации	обеспечивают удобные способы онлайн-оплаты товаров и услуг.	“Payme”, “Click”, “Uzum Bank”, OSON, ATTO, Uzum Nasiya

Основные игроки и платформы электронной коммерции в Узбекистане создают благоприятную среду для развития онлайн-торговли и позволяют предпринимателям и потребителям взаимодействовать в электронной среде. Объемы электронной коммерции и розничных продаж в стране стабильно растут. В 2022 году объем продаж электронной коммерции вырос на 1,8 раза по сравнению с 2021 годом и составил более 10,8 трлн сумов, что составляет более 4% от общего объема розничных продаж. [7]

[2] Роль платежных систем в функционировании электронной коммерции https://doi.org/10.55439/GED/vol1_iss11-12/a498



Рисунок- 2. Динамика объёма розничной продажи и электронной коммерции в Узбекистане, в млрд. сумах [7].

Наблюдается рост количества субъектов электронной коммерции. На 1 августа 2023 года их число достигло 159 (см. рисунок 5), включая 52 системы электронных платежей и 35 банковских мобильных приложений, а также 72 интернет-магазина и торговых площадок. Сумма предъявленных чеков с начала года до 1 августа составила 28,4 трлн. сумов, из которых интернет-магазины и маркетплейсы обеспечили 7,4%.




Рисунок- 3. Зарегистрированные в 2023 году субъекты электронной коммерции по видам [7]

Исследовательское агентство Research Group Central Asia провело опрос среди населения Узбекистана, чтобы выяснить, на каких платформах люди совершают ежедневные покупки. В результате опроса, 72% респондентов предпочли торговую площадку Uzum Market, а также популярными оказались Instagram, Telegram, Zoodmall и OLX. [8]

4. Трансграничные платежи и денежные переводы. Спрос на эффективные и недорогие трансграничные платежи растет по мере расширения электронной коммерции и глобальной торговли. Предприятиям следует работать с платежными системами, которые поддерживают трансграничные транзакции и понимают уникальные проблемы и нормативные требования международных платежей.

5. Искусственный интеллект (ИИ) и машинное обучение. В платежной индустрии искусственный интеллект и машинное обучение широко используются для обнаружения мошенничества, управления рисками и персонализированного обслуживания клиентов. Компании должны использовать эти технологии для улучшения своих платежных процессов, снижения уровня мошенничества и лучшего понимания поведения клиентов.

Выводы и предложения

Для развития платежной индустрии в Узбекистане необходимо взаимодействие и совершенствование цифровых услуг всех участников расчетов. Участникам, которые хотят использовать платежную экосистему в полной мере, следует рассмотреть следующие этапы:

1. Необходимо оценить потребности и цели бизнеса, определить свою целевую клиентскую базу, каналы продаж, стоимость транзакций и ожидаемый объем платежей.

2. Важное в бизнесе принадлежит варианту оплаты, (например, кредитные карты, дебетовые карты, мобильные кошельки, банковские переводы). Если планируется обслуживать международные

рынки, необходимо рассмотреть возможность предложения нескольких валют и возможностей трансграничных платежей.

3. Необходимо найти обеспечение бесперебойных оптимальных платежных услуг обслуживание клиентов

4. Разработать единообразный пользовательский интерфейс для всех каналов.

5. Обеспечить защиту от мошенничества и безопасность данных своих клиентов и сохранить их доверие, защитить бизнес от мошеннических транзакций.

6. Проводить анализ и отслеживать эффективность платежей, выявлять тенденции и принимать решения на основе данных для оптимизации бизнеса.

7. Необходимо уделять внимание обеспечению прав клиентов. Поставщик торговых услуг ваш сотрудник по бизнесу должен предлагать надежную и оперативную поддержку клиентов для решения проблем, которые могут возникнуть при использовании их услуг.

8. Ведение бизнеса должно соответствовать нормативным требованиям. Различные поставщики торговых услуг предлагают различные уровни поддержки, когда дело доходит до соблюдения нормативных требований.

Платежная индустрия в Узбекистане развивается благодаря усилиям различных игроков и платформ, которые предлагают возможности для онлайн-торговли и связывают предпринимателей с потребителями. Всё это способствует формированию конкурентной борьбы на рынке платежных услуг. Торговый опыт, который оптимизируя платежи, защищает от мошенничества формируется с годами. Развитие платежной индустрии в стране поддерживает широкий спектр вариантов расчетов для растущего бизнеса, позволяя им эффективно принимать и обрабатывать платежи клиентов по различным каналам и рынкам.

ЛИТЕРАТУРА

1. Основы общей и прикладной экологии : учеб. пособие / Н. А. Третьякова ; [науч. ред. М. Г. Шишов] ; М-во образования и науки Рос. Федерации, Урал. федер. ун-т. — Екатеринбург : Издво Урал. унта, 2015.
2. Платежная система и банковская безопасность: Учебное пособие/ Муругова И.А., Бабаева Г.Я.: -Т.: «Iqtisod – Moliya»- 2019. - с 5.
3. The payment system. Payments, securities and derivatives, and the role of the eurosystem. / Editor ТомKokkola.- Frankfurt am Main Germany.: European Central Bank, 2010. – с. 25.
4. Объяснение экосистемы платежной индустрии: ключевые игроки, процессы и тенденции// https://stripe.com/resources/more/the-payment-industry-ecosystem-explained#artificial-intelligence-ai-and-machine-learning
5. Национальный реестр субъектов электронной коммерции (e-tijorat.uz)
6. https://bank.uz/news/ravnaq-bank-pervym-v-uzbekistane-zapustil-beskontaktnye-platezhi-smartfonom-s-mastercard
7. Роль платежных систем в функционировании электронной коммерции https://doi.org/10.55439/GED/vol1_iss11-12/a498
8. Факторы успеха развития электронной коммерции в Узбекистане// https://kapital.uz/electronaya-kommerciya-uzb/

УЎТ 339.9/336.77

Абдуназаров Шоҳрух Акром ўғли
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
“Банк ҳисоби ва аудит” кафедраси
катта ўқитувчиси, PhD
E-mail: shohrux_0507@mail.ru

РИВОЖЛАНАЁТГАН МАМЛАКАТЛАРДА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИ КРЕДИТЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Абдуназаров Шохрух Акром угли
Ташкентский государственный экономический университет,
старший преподаватель кафедре «Банковский учёт и аудит», PhD
E-mail: shohrux_0507@mail.ru

ОСОБЕННОСТИ КРЕДИТОВАНИЯ ФИЗИЧЕСКИХ ЛИЦ В РАЗВИВАЮЩИХСЯ СТРАНАХ

Abdunazarov Shokhrukh Akrom o‘gli
Tashkent State University of Economics,
Senior lecturer of “Bank account and audit” department, Ph.D
E-mail: shohrux_0507@mail.ru

FEATURES OF LENDING TO INDIVIDUALS IN DEVELOPING COUNTRIES

Аннотация. *Мақолада ривожланаётган мамлакатларда жисмоний шахсларни кредитлашнинг тажрибаси, амалиёти ва уларнинг ўзига хос жиҳатлари ўрганилган. Шунингдек, мақолада мавзуга доир хорижлик ва маҳаллий олимларнинг тадқиқотлари, илмий асарлари ҳамда амалий ҳолати таҳлил этилган. Ўрганишлар натижасига кўра, уларнинг ижобий ва салбий жиҳатлари аниқланиб, Ўзбекистон тижорат банкларида қўллаш юзасидан тегишли ишланмалар шакллантирилди.*

Таянч сўзлар: *кредит ташкилоти, банк, кредит, кредит таъминоти, истеъмол кредити, фоиз ставкаси.*

Аннотация. *В статье рассматривается опыт, практика и особенности кредитования физических лиц в развивающихся странах. Также в статье анализируются исследования, научные работы и практическая ситуация зарубежных и отечественных ученых по данной теме.По результатам исследований определены их положительные и отрицательные стороны, а также сформированы соответствующие разработки для их использования в коммерческих банках Узбекистана.*

Ключевые слова: *кредитная организация, банк, кредит, кредитование, потребительский кредит, процентная ставка.*

Annotation. *The article examines the experience, practice and specific aspects of lending to individuals in developing countries. Also, the article analyzes the researches, scientific works and practical situation of foreign and local scientists on the topic.According to the results of the studies, their positive and negative aspects were determined, and relevant developments were formed for their use in commercial banks of Uzbekistan.*

Key words: *credit organization, bank, credit, credit provision, consumer credit, interest rate.*

Кириш

Ўзбекистонда бозор иқтисодиётининг асосий йўналишларидан бири аҳолини ижтимоий ва молиявий қўллаб-қувватлаш ҳисобланади. Шу жиҳатдан олиб қарайдиган бўлсак, тижорат банклари бу борада мамлакатда асосий молиявий бўғин ҳисобланиб, аҳолининг кундалик истеъмоли учун зарур бўлган уй-жой, автомобиль, маиший-техника ҳамда таълим олиш учун зарур бўлган молиявий маблағларни кредит кўринишида таклиф этади. Кейинги йилларда аҳолининг ижтимоий ва иқтисодий эҳтиёжлари ортиб бораётганлиги уларнинг кредитга бўлган талабини янада оширмоқда.

Шу боис ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти бу масалаларга алоҳида эътибор бермоқда. Хусусан, «Ўзбекистон – 2030» стратегиясида “Банк ва молия тизимида йиллик кредитлаш ҳажмини 40 миллиард долларга етказиш, банк омонатлари ҳажмини 4 баробарга ошириш” вазифаси белгилаб қўйилди [1].

Бундан қарйиб чорак аср олдин бозор иқтисодиётига ўтилган бўлса-да, дунё иқтисодиётининг жадал ривожланиши, молия-кредит тизимига рақамлаштириш жараёнини кириб келиши, банк-молия хизматларининг масофадан тақдим этилиши тижорат банклари кредитлаш жараёни, хусусан, жисмоний шахсларни кредитлаш амалиётини доимо такомиллаштириб боришни талаб этмоқда. Шу масалаларни эътиборга олган ҳолда, мазкур мақолада Ўзбекистон иқтисодиёти қоидалари, тамойиллари ва бошқариш анаъналарига яқин бўлган Россия ва Қозоғистон мамлакатлари кредит муассасаларининг жисмоний шахсларни кредитлаш амалиётининг айрим жиҳатларини атрофлича тадқиқ қиламиз.

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи

Иқтисодий адабиётларда жисмоний шахсларни кредитлашнинг назарий ва амалий жиҳатлари атрофлича таҳлил қилинган. Хусусан, иқтисодчи олимлар кредит, кредит муносабатлари, тамойиллари каби масалаларни назарий жиҳатдан ўрганган. Иқтисодий луғатларда “кредит” тушунчаси лотинча “creditum” – ссуда сўзидан келиб чиққанлиги таъкидланади [2]. Бироқ, иқтисодий ишланмаларда, илмий нашрларда, норматив ҳужжатларда, оммавий ахборот воситаларида “кредит”, “банк томонидан кредит бериш”, “банк томонидан кредит бериш тизими”, “кредит операциялари”, “кредит хизматлари”, “кредит маҳсулотлари” каби терминлар тез-тез тилга олинса-да ҳозирги кунга қадар уларнинг иқтисодий моҳияти тўлиқ ўрганилмаган[3].

Профессор Т.М.Костерина фикрига кўра: “Кредит ссуда капитали, яъни пул капитали ҳаракатланиши бўлиб, у муайян фоиз эвазига қайтариш шарти билан ссудага берилади” [4]. Албатта

муайян фоиз масаласи кредит олувчининг зиммасига тушган қўшимча тўлов ҳисобланиб, инфляция даражаси ўсиб бораётган шароитда унинг молиявий ҳолатига салбий таъсир кўрсатади.

Профессор Ш.З.Абдуллаева кредитга қуйидагича таъриф беради: Кредит – бу вақтинча бўш турган пул маблағларини пул эгаси ёки бошқалар томонидан маълум муддатга, ҳақ тўлаш шарти билан қарзга олиш ва қайтариб бериш юзасидан келиб чиққан иқтисодий муносабатлар йиғиндисидир[5]. Бу ерда жисмоний шахсларни кредитлашда масаланинг иккинчи жиҳати, яъни уларнинг ҳақиқатда ишлаши ва берилаётган кредитнинг таъминоти масаласига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Профессор Ф. Холмаматов ўзининг илмий тадқиқотида эса "Жисмоний шахсларни кредитлаш амалиётида мавжуд муаммоли ҳолатларни бартараф этиш мақсадида уларнинг ойлик даромадларидан истеъмол харажатларни чиқариб ташлагандан сўнг қолган қўшимча даромадлари асосида кредитни қайтариш жадвалини ишлаб чиқиш ва шу график доирасида кредитлаш зарурлигини" – асослаб берган[3]. Бизнинг назаримизда, бундай ҳолатда ҳам жисмоний шахсга берилган кредит бўйича тўловсизлик риски сақланиб қолади ва банк бу масалани эътибордан четда қолдирмаслиги керак. Масалан, 2020 йилда юз берган пандемия (COVID-19), ходимнинг ўз иш жойини йўқотиши, яъни ишдан бўшаши, истеъмол товарлар нархининг ошиб кетиши каби ҳолатлар бунга мисол бўлади. Бундан ташқари, валюта курсининг ошиши натижасида 2021 йилда Туркияда Марказий банк базавий ставкасини пасайтириши оқибатида лиранинг қадри тушиб кетиб, шу йили декабрь ойида бир АҚШ доллари 13 лирадан 18 лирага кўтарилишида ҳам кўриш мумкин[6].

Хориж амалиётида иқтисодчи олимлар жисмоний шахсларни кредитлашни назарий жиҳатларини кенг ўрганган. Хусусан, Luminiţa Cernenco, Marilena Pieleanu Lazarencолар ўз мақоласида "Жисмоний шахсларга бериладиган кредитларнинг давомийлиги, уларни бериш ва кафолатлаш, кредиторнинг масъул идоралар томонидан рухсат берилган ички тартиб-қоидаларига биноан шартнома асосида амалга оширилади", деб таъкидлаганлар [7]. Бозор муносабатлари шароитида ҳар қандай субъектлар ўзаро муносабатга киришганда улар ўртасида муҳим расмий-ҳуқуқий ҳужжат шартнома ҳисобланади.

Шу билан бирга, Jean, Ying ва Salwaларнинг фикрига кўра, бозор тамойиллари амал қилган шароитда банклар кредитни юқори фоизга олишга рози бўлганларга кредит бериш хавфли деб ҳисоблайди, чунки қарз олувчи юқори фоизда бўлса ҳам кредит олишга рози бўлиши баробарида олинган кредитни қайтариш рискининг ошишига сабаб бўлади[8]. Ҳақиқатда ҳам бу фикр ўзининг реал секторда амалий тасдиғини топмоқда, чунки банклар берган кредитларини қайтариш жараёни жуда кўп вақтни олади ва қўшимча харажатларни вужудга келишига сабаб бўлади.

Orazio Attanasio, Britta Augsburg, Ralph De Haas, Emla Fitzsimons, Heike Harmgartлар ўзларининг изланишларида "Жисмоний шахсларга кредитларни берилиши қишлоқ жойларда оилавий бизнесни очиш эҳтимоли юқорилиги ҳақида далиллар олган. Бундан ташқари, улар томонидан кредит олган қишлоқдаги олий маълумотли бўлмаган аёллар ўртасида истеъмолни оширганлигига гувоҳ бўлганлар"[9]. Бироқ, олимлар жисмоний шахсларни кредитлашда масаланинг иккинчи жиҳати, яъни уларнинг ҳақиқатда ишлаши ва берилаётган кредитнинг

таъминоти масаласини эътибордан четда қолдирган.

Тадқиқот методологияси

Ривожланаётган мамлакатлар кредит ташкилотлари томонидан жисмоний шахсларни кредитлаш жараёни, тақдим этилаётган кредит турлари, кредитлаш тартиб ва тамойиллари қиёсий ўрганилди, кредитлаш жараёнини тартибга солишнинг усуллари ва ўзига хос жиҳатлари иқтисодий таҳлил қилинди. Шунингдек, мақолада таққослаш, илмий-назарий қиёслаш, кузатиш, иқтисодий таҳлилни қиёслаш, тизимли ёндашув ҳамда мантиқий ёндашув каби услублардан самарали фойдаланилди.

Натижа ва муҳокама

Россияда жисмоний шахслар тижорат банкларидан кредитларни олиш бўйича қарор қабул қилишда асосан оммавий ахборот воситаларида бериладиган рекламаларнинг маълумотларига таянади. Бу маълумотларнинг асосини кредитлар бўйича ўрнатилаётган фоиз ставкаси ташкил этиб, кредит фоиз ставкаси қанчалик паст бўлса шу даражада жисмоний шахсларни кўпроқ ўзига ундайди. Бироқ, кўпчилик ҳолатларда тижорат банклари томонидан жисмоний шахсларга таклиф этилаётган паст фоизли кредитларнинг айрим салбий жиҳатлари мавжуд. Хусусан, ушбу кредитлар кўпчилик ҳолатларда қисқа муддатларга берилиб, кредит суммасининг ҳажми ҳам чегараланган бўлади. Бу, албатта, кўпчилик ҳолатда кредит олувчининг эҳтиёжини қондирмайди. Бундан ташқари, молиявий саводхонлиги етарли даражада юқори бўлмаган жисмоний шахсларга шартнома асосида тижорат банклари билан молиявий муносабатга кириши “ўрта даражадаги истеъмолчилар” учун жуда мураккаб жараён ҳисобланади[11].

Шу боис ҳам жисмоний шахслар кредит олишда воситачилик билан шуғулланадиган кредит бюроларига мурожаат қилишади. Кредит бюролари жисмоний шахслар ва тижорат банклари ўртасида воситачи сифатида жисмоний шахсларга кредит олишнинг оптимал вариантларини таклиф этади. Албатта, тегишли тўлов эвазига кредит бюролари жисмоний шахсларга нисабатан паст фоиз ставкаси асосида кредит олишга, кредит учун зарур бўлган ҳужжатларни шакллантириш ва кредит шартномаларини тузишда яқиндан ёрдам беради.

Шу билан бирга, жисмоний шахсларнинг кредит бюролари билан ҳамкорлик қилишида яна бир ижобий томони тижорат банклари кредит бюроларини яқиндан билгани боис, айрим ҳолларда вазиятдан келиб чиқиб кредит фоиз ставкаларини ҳам пасайтириб бериши ва кредитлаш жараёни ҳамда ҳужжатлар бўйича талабларини осонлаштириб ва тезлаштириб бериши мумкин. Албатта, мазкур ҳолатлар жисмоний шахсларни кредит бюроларига мурожаат қилишга ундайди.

Жисмоний шахслар тижорат банкларидан ипотека кредитларини олишга мурожаат қилганда кредит бюролари ипотека кредити бўйича барча мажбуриятни ўз зиммасига олади. Хусусан, ҳужжатларни шакллантириш, тайёрлаш, банкка топшириш, кредит шартномаларни тузиш ва ипотекага олинадиган кўчмас мулкни давлат рўйхатидан қайд қилиш билан боғлиқ барча жараёнларни ўз зиммасига олади. Кредит бюролари жисмоний шахслар учун маъқул келадиган кўчмас мулкларни ҳам таклиф этади, сотиб олишда уларга ёрдам беради.

Россия тижорат банкларида жисмоний шахсларга қуйидаги кредит маҳсулотларини таклиф этади:

– таъминотли ва таъминотсиз истеъмол кредити;

– кредит карталари асосида;
– автокредитлар;
– ипотека;
– қайта молиялаштириш.

Россияда агар шахс иш ҳақи оладиган банкига кредит олиш учун мурожаат қилса, истеъмол кредити бўйича паст фоиз ставкалари туширилишига сабаб бўлади, шунингдек, кредит бўйича суғурта полисининг расмийлаштирилиши ҳам кредитнинг фоиз ставкасининг пасайишига хизмат қилади. Аксинча, кредит олувчининг суғурта полисини олишдан бош тортиши унинг кредит бўйича фоиз ставкасини ошишига олиб келиши мумкин.

Жисмоний шахсларга истеъмол кредитини беришда кредитнинг таъминоти сифатида олинадиган гаров объекти муҳим ҳисобланиб, Россия тижорат банклари ҳам бунга алоҳида эътибор қаратади. Россия тижорат банклари жисмоний шахсларга истеъмол кредитини тақдим этишда гаров объекти сифатида транспорт воситаларини, кўчмас мулк, айрим банклар юқори ликвидли қимматли қоғозларни ҳам қабул қилади. Гаров объектини қабул қилишда асосий эътибор мазкур гаров объекти бошқа кредит бўйича гаровга қўйилмаганлиги, кредит муносбатлари амал қилиш давомида суғурта компаниялари томонидан суғурта қилинганлигига қаратилади.

Таҳлиллар ва ўрганишлар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, кейинги йилларда жисмоний шахсларга берилаётган кредитлар бўйича муаммоли ҳолатлар пайдо бўлганда уларга берилган кредитларнинг асосий суммаси ва уларга ҳисобланган фоиз тўловларини банк томонидан шакллантирилган захиралар ҳисобидан сўндиришда жисмоний шахснинг ҳақиқатда ҳам тўловга лаёқатсизлигини белгиловчи меъёрлар мавжуд бўлмаганлиги мунозарали бўлиб келган.

Тижорат банклари юқоридаги мунозарали ҳолатларни ечими сифатида 2015 йил 1 октябрдан бошлаб жисмоний шахсларни банкротлигини эътироф этиши ва тартибга солиниши бўйича қонун қабул қилинди. Қонун қабул қилингунга қадар жисмоний шахслар ўзини ўзи банкрот деб эълон қилиши мумкин, бироқ банк буни банкрот сифатида қабул қилиши мунозарали ҳисобланар эди. Қонунинг қабул қилиниши ва унда тегишли меъёрларнинг белгилаб қўйилиши тижорат банклари жисмоний шахсларга тақдим этилган истеъмол кредитлар муаммоли ҳолатга келиб қолганда уларни сўндиришнинг ташкилий-ҳуқуқий асоси пайдо бўлди. Бундай ҳолатда қонун бўйича жисмоний шахсга берилган кредит суммасининг минимал суммаси 500 минг рублдан кам бўлмаслиги ва кредитнинг тўлов муддати уч ойдан ортиқ муддатни ташкил қилиши лозимлиги белгилаб қўйилди.

Қонунга кўра, фуқарорлик судлари молиявий танглик ҳолатига тушиб қолган жисмоний шахснинг ҳолати бўйича банкротлигини тан олинганлиги ёки унинг кредит бўйича қарзларини таркибий ўзгартириш ёки кредит берувчи билан ўзаро келишувга келганлиги ҳақида қарор қабул қилади. Агар суд жисмоний шахсни банкротлиги тўғрисида қарор қабул қилса унинг мол-мулки конфиксация қилиниб, очиқ сотув асосида банк олдидаги кредитнинг асосий суммаси ва фоиз тўловларини сўндиришга қаратилади. Шу билан бирга, жисмоний шахснинг 25 минг рублгача бўлган пули ва 30 минг рублгача бўлган яшаш учун зарур бўлган ҳаётий зарур буюмлари (озиқ-овқатлар, уй-жойни иситиш учун зарур бўлган ёқилғи материаллари ва уй-хўжалик ҳайвонлари) унинг ихтиёрида қолдирилиши суд қарорида белгилаб қўйилиши зарур бўлади. Қуйидаги жадвалда Россия банк тизими томонидан берилган кредитларнинг таркиби ва улуши келтирилган.

1-жавдал

Россия банк тизими кредит портфели таркиби ва динамикаси[1]

(1 январь ҳолатига, жамига нисбатан улуши %да)

Кўрсаткичлар	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.	2022 й.
Жами кредит	*100*	*100*	*100*	*100*	*100*
Корпоратив кредит	70	68	66	66	67
Давлат ташкилотларига	2	2	1	1	1
Жисмоний шахсларга	25	27	30	30	32
Бошқа мақсадларга	3	3	3	3	0

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, таҳлил этилаётган 2018–2022 йиллар 1 январь ҳолатига Россия тижорат банклари томонидан берилган кредитлар ичида асосий улуши корпоратив кредитлар ҳиссасига тўғри келган. Масалан, кредитнинг ушбу тури 2018 йил 1 январь ҳолатига 70 фоизни ташкил этган бўлса, 2022 йил 1 январь ҳолатига келганда 67 фоизни ёки таҳлил этилаётган даврда 3 пунктга камайганлигини кўришимиз мумкин.

Ўрганишлар натижасида шуни аниқлаш мумкинки, Қозоғистонда жисмоний шахсларни кредитлаш тижорат банклари ва микромолиялаш ташкилотлари, яъни нобанк кредит ташкилотлари томонидан амалга оширилади. Ҳақиқатда ҳам жаҳон молия тажрибасидан кўрадиган бўлсак иқтисодиётнинг ривожланишини ҳозирги шароитида мамлакат молия тизими фақат тижорат банклари, яъни банк муассасалари билан чекланиб қолмасдан нобанк кредит ташкилотларисиз мавжуд бўла олмайди. Чунки, бозор иқтисодиёти ривожланиши билан кредитлаш хизматларини кўрсатувчи турли мулк шаклидаги нобанк ва рақамли молия муассасалари пайдо бўлишига эҳтиёж ортиб бормоқда.

Қозоғистонда ҳам реал иқтисодиётни, хусусан, жисмоний шахсларни кредитлаш масаласи долзарб ҳисобланиб, бугунги кунда мамлакатда қуйидаги кредит муассасалари фаолият юритади:

– банклар;

– микромолия ташкилотлари;

– микрокредит ташкилотлари.

Уларнинг барчаси жисмоний шахсларга кредит бериш хизматларини кўрсатади. Кредит бериш форматидаги банкларнинг иши қарз олувчиларга гаров асосида ва гаров (таъминот)сиз кредитларни тақдим этишдан иборат.

Қозоғистонда мазкур кредит муассасалари йирик молиявий ташкилотлар бўлиб, катта миқдордаги маблағни бошқаради. Ушбу тадбиркорлик субъектларининг кредит сиёсатида жисмоний ва юридик шахслар билан ҳамкорлик қилишда риоя қилиниши керак бўлган бир қатор қоидалар мавжуд. Хусусан, кредит олиш учун ариза бериш учун мижоз қуйидагиларни таъминлаши керак:

– Қозоғистон фуқаросининг паспорти (мамлакатда рўйхатдан ўтган ҳолда);

– даромад тўғрисидаги гувоҳнома (доимий иш жойидан);

– никоҳ ҳужжати.

Кредит олиш учун ҳужжатларни тайёрлаш вақтида маслаҳатчи бошқа ҳужжатларни талаб қилиши мумкин, улар асосида кредит сўровини тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилинади ёки қарз беришни рад этишга асосланади.

Қозоғистонда жисмоний шахсларга кредит бериш тартиби тижорат банкларида бирмунча мураккаб жараён ҳисобланиб, улардан фақат ижобий кредит тарихига эга бўлган шахслар кредит олишлари мумкин.

[1] Банк Россия статистик маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди https://cbr.ru/statistics/bank_sector/review/

Агар, жисмоний шахс мамлакатдаги бирор тижорат банки ёки нобанк кредит ташкилотидан олган кредитлари бўйича мижоз мамлакатдаги исталган банкда истеъмол ёки ипотека кредитини тўлашда муаммоларга дуч келса, пул олиш рад этилади.

Қозоғистонда жисмоний шахсларни тижорат банкларидан ташқари микромолиявий ва микрокредит ташкилотлари ҳам кредитлаш билан шуғулланади. Микрокредит ташкилотлари ҳам тижорат асосида қарз берувчи молиявий институтлардир, уларнинг асосий фарқли жиҳати шундаки, улар унчалик юқори бўлмаган кредит суммаларини беради ва чекланган мижозлар билан ишлайди, шунингдек, тўлов муддати қисқа вақтни талаб қилади.

Қозоғистонда нобанк кредит ташкилотлари жисмоний шахсларни кредитлашда ҳатто уларнинг иш жойларидан маълумотнома тақдим қилиши ҳам шарт эмас. Тижорат банкларидан фарқли ўлароқ, кўпчилик ҳолатларда нобанк кредит ташкилотлари кредит олувчи жисмоний шахснинг кредит тарихи ва тўлов қобилиятини ҳам унчалик чуқур текширмайди. Шунингдек, агар жисмоний шахс тижорат банкларига кредит олишга мурожаат қилиб улардан рад жавобини олган бўлса, нобанк кредит ташкилотлари уларга ҳам сўраган кредит суммаларини тақдим этиши мумкин.

Қозоғистонда жисмоний шахсларни кредитлаш тартибига келгусида қуйидаги ўзгаришлар киритилиши кўзда тутилмоқда:

– жисмоний шахснинг кредит тўлови 90 кундан ортиқ муддати ўтган бўлса тижорат банклари ва нобанк кредит ташкилотларига уларни кредитлаш тақиқланади;

– кредит муассасалари жисмоний шахсларнинг муддати ўтган кредитларнинг тўланмай турган даври икки йилдан ортиқ бўлмагунча коллектирлик ташкилотларига бериш тақиқланади, бундан ташқари, 2026 йилгача муддати ўтган кредитларни коллекторлик фирмаларига бериш бўйича мораторий эълон қилиш режалаштирилмоқда;

– жисмоний шахсларга истеъмол кредитлари бўйича тижорат банкларига 5 млн тенге, нобанк кредит ташкилотларига 3 млн тенге миқдорида лимит ўрнатилади;

– микрозаёмларни 45 кунгача тақдим этиш ва кредит беришнинг 50 МРП (месячный расчетный показатель) ойлик ҳисоб-китоб кўрсаткичи бекор қилиниши режалаштирилган[2];

– банк омбудсманининг ваколати кенгайтрилади ва микромолиялаш омбудсман лавозими жорий этилади. Уларнинг қарори тижорат банклари ноабанк кредит ташкилотлари ва коллекторлик ташкилотлари учун мажбурий бўлади;

– ҳарбий хизматда бўлган фуқаролар кредитларнинг тўлови бўйича кечиктириш олади;

– шунингдек, жисмоний шахсларнинг банкрот деб эълон қилиш жараёнлари тартибга солинади ва енгиллаштирилади.

Қуйида Қозоғистон банк тизими томонидан берилган кредитлар таркиби ва улуши ҳақида маълумотлар келтирилган.

[2] Қозоғистон Миллий банки статистик маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди https://www.nationalbank.kz/ru/news/kredity-bankovskogo-sektora-ekonomike

2-жавдал

Қозоғистон банк тизими кредит портфели таркиби ва динамикаси[3]

(1 январь ҳолатига, жамига нисбатан улуши %да)

	2022й.	2023й.	2024й.
Жами кредит	**100,0**	**100,0**	**100,0**
шундан:			
бизнесга кредит	**51,1**	**46,8**	**44,0**
валюта тури			
миллий валютада	74,1	77,2	77,4
хориж валютасида	25,9	22,8	22,6
жисмоний шахсларга кредит	**48,9**	**53,2**	**56,0**
валюта тури			
миллий валютада	99,8	100,0	100,0
хориж валютасида	0,2	0,0	0,0
кредит объекти бўйича			
ипотека кредит	32,6	35,2	31,7
истеъмол кредити	61,1	58,3	61,8
бошқалар	6,3	6,5	6,5

Жавдал маълумотларидан кўриш мумкинки, Қозоғистон тижорат банклари томонидан бизнес ва жисмоний шахсларга 2022, 2023 ва 2024 йиллар 1 январь ҳолатига берилган жами кредитларнинг таркиби ва динамикаси келтирилган. Унга кўра, Қозоғистон тижорат банклари томонидан корпоратив бизнесга берилаётган кредитлар ҳажми 2022–2024 йил 1 январда абсолют суммаларда ошиб бораётган бўлса-да, бироқ банк тизими кредит портфели таркибидаги улуши 7,1 пунктга пасайган. Ушбу пасайиш албатта мамлакат банк тизими томонидан берилаётган кредитларнинг асосий улуши жисмоний шахсларга берилаётган кредитлар ҳиссасига тўғри келганлиги билан изоҳланади. Масалан, Қозоғистон банк тизимининг жисмоний шахсларга берган кредитининг улуши кредит портфели таркибида 2022 йил 1 январь ҳолатига 48,9 фоизни ташкил этган бўлса, 2024 йил 1 январь ҳолатига 56 фоизга етган ёки шу даврда 7,1 пунктга ортган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мамлакат банк тизими кредитларининг асосий қисми, Ўзбекистон банк тизиминикидан фарқли ўлароқ (валютада берилган кредитлар улуши 45 фоиз) миллий валютада (77,4 фоизи) берилганлиги аҳамиятли ҳисобланади.

Жисмоний шахсларга берилган кредитларнинг таркибини кўрадиган бўлсак, уларнинг асосий улуши (ўртача 60 фоизи)ни истеъмол кредитлари ташкил этмоқда. Аҳолига берилаётган ипотека кредитларининг улуши эса таҳлил этилган даврда пасайиб бориш тенденциясига эга бўлган.

Хулоса

Ривожланаётган мамлакатлар кредит ташкилотларининг жисмоний шахсларни кредитлашнинг назарий ва амалий жиҳатларини атрофлича ўрганиш асосида қуйидаги хулосаларни шакллантирдик.

Банк хизматлари, хусусан, аҳолига таклиф этилаётган кредит маҳсулотларининг чекланганлиги. Қозоғистон ва Россия банк сектори, албатта ривожланган мамлакатлар кредит муассасаларига солиштирганда жисмоний шахсларга тақдим этиладиган кредит маҳсулотларининг чекланган ассортиментига эга бўлиши мумкин. Шахсий кредитлар, автокредитлар ва ипотека каби асосий истеъмол кредитлари кенг тарқалган бўлса-да, кредит маҳсулотларининг хилма-хиллиги ва мураккаблиги бироз чекланган бўлиши мумкин.

Гаровга асосланган кредитлашнинг кенг амал қилиши. Иккала мамлакат банк амалиётида гаровга асосланган кредитлаш

[3] Қозоғистон Миллий банки статистик маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди https://www.nationalbank.kz/ru/news/kredity-bankovskogo-sektora-ekonomike

кенг тарқалган, хусусан, ипотека ва бизнес кредитлари каби йирикроқ кредитлар учун гаров таъминоти талаб этилади. Банклар кўпинча қарз олувчилардан кредитни таъминлаш учун кўчмас мулк ёки транспорт воситалари каби гаров таъминотини талаб қиладилар. Бу қарз берувчи учун хавфни камайтиради, аммо гаров сифатида гаровга қўйиш учун этарли активлари йўқ шахслар учун қийинчиликлар туғдириши мумкин.

Ҳукумат томонидан қўллаб-қувватлаш. Қозоғистон ва Россия ҳукумати банк секторида муҳим роль ўйнаши мумкин, бу эса кредит фаолияти ва иқтисодий ривожланишни рағбатлантириш учун қўллаб-қувватлаш ва имтиёзлар беради. Ҳукумат томонидан қўллаб-қувватланадиган дастурлар ёки ташаббуслар кичик бизнес эгалари ёки биринчи марта уй сотиб олувчилар каби айрим шахслар гуруҳлари учун кредитдан фойдаланишни осонлаштириш учун мавжуд бўлиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, ривожланаётган мамлакатлар банк тизимида жисмоний шахсларни кредитлаш амалиёти корпоратив бизнесни кредитлашга нисбатан енгилроқ ва талаблари ҳамда шартлари жиҳатидан бир-бирига жуда яқиндир, бундан ташқари ривожланаётган мамлакатлар банк тизими жисмоний шахсларни кредитлаш масаласига алоҳида эътибор қаратаётганлиги боис мамлакатлар банк тизими кредит портфели таркибида уларга берилаётган кредитлар улуши ортиб бориш тенденциясига эга бўлмоқда.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. «Ўзбекистон — 2030» стратегияси тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 2023 йил 11 сентябрь ПФ-158-сон www.lex.uz
2. Совет энциклопедия луғати / Бош муҳаррир А.М. Прохоров. -М., 1984
3. Холмаматов Ф.К. Тижорат банклари кредитлаш амалиётини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореф. Тошкент: 2019. “IQTISOD-MOLIYA”, 2019. 11-б.
4. Общая теория денег и кредита: Учебник для вузов / Под ред. Е.Ф.Жукова. -2-е изд. перераб. и доп. -М., 1999. -С.24.
5. Абдуллаева Ш.З. Пул, кредит ва банклар. Дарслик. –Тошкент.: “Иқтисод-молия”, 2007. 171-б.
6. https://www.calc.ru/kurs-USD-TRY.html
7. Luminiţa Cernenco, Marilena Pieleanu Lazarenco Some hints on individual lending and different factors affecting the credit activity risks Annals of Spiru Haret University Economic Series ISSN 2393-1795 issue 4/2016.
8. Jean-Pierre Fenech, Ying Kai Yap, Salwa Shafik. (2014). Can the Chinese banking system continue to grow without sacrificing loan quality? Journal of International Financial Markets, Institutions & Money. 31 (315-330) file:///C:/Users/admin/Downloads/1-s2.0-S1042443114000353-main.pdf
9. Orazio Attanasio, Britta Augsburg, Ralph De Haas, Emla Fitzsimons, Heike Harmgart Group lending or individual lending? Evidence from a randomized field experiment in Mongolia. MPRA Paper No. 35439, posted 16 Dec 2011 23:37 UTC.
10. О. М. Иванов. Стоимость кредита: правовое регулирование. / О. М. Иванов. – М.: Инфотропик Медиа. – 2012. – с. 30.

UO‘T. 311.3/.4

Utanov Bunyod Kuvandikovich,
Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti professori, PhD,
E-Mail: bunyod1285@gmail.com

AGRAR SOHA FAOLIYATINI STATISTIK TAHLIL QILISHDA TARMOQLARARO BALANS MODELIDAN FOYDALANISHNING USLUBIY JIHATLARI

Утанов Бунёд Кувандикович,
PhD, профессор, Ташкентский государственный экономический университет,
bunyod1285@gmail.com

МЕТОДИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ МОДЕЛИ МЕЖОТРАСЛЕВОГО БАЛАНСА ПРИ СТАТИСТИЧЕСКОМ АНАЛИЗЕ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ АГРАРНОЙ СФЕРЫ

Utanov Bunyod Kuvandikovich,
PhD, professor, Tashkent State University of Economics,
bunyod1285@gmail.com

METHODOLOGICAL ASPECTS OF UTILIZING INTERSECTORAL BALANCE MODELS IN STATISTICAL ANALYSIS OF AGRICULTURAL SECTOR ACTIVITIES

Annotatsiya. *Maqolada agrar sohani statistik tadqiq qilishda tarmoqlararo modellardan foydalanishning ahamiyati va zarurligi hamda ularni mazkur sohaga qo‘llashning uslubiy jihatlari xorij tajribalaridan foydalangan holatda fermer xo‘jaligining emperik ma’lumotlari asosida amaliy misol bilan keltirib o‘tilgan.*

Tayanch so‘zlar: *agrar soha, tarmoqlararo balans modeli, Xarajatlar-ishlab chiqarish jadvali, resurslar va ishlatish jadvali, Leontev modeli.*

Аннотация. *В статье на практическом примере показана важность и необходимость использования межотраслевых моделей в статистическом исследовании аграрной отрасли, а также даны методические аспекты их применения на основе эмперческих данных фермерского хозяйства с использованием зарубежного опыта.*

Ключевые слова: *Аграрная сфера, модель межотраслевого баланса, график затрат производства, график ресурсов и использования, модель Леонтьева.*

Annotation. *This article underscores the importance and necessity of utilizing intersectoral models in statistical research within the agricultural sector. It discusses the methodological aspects*

of incorporating these models into agriculture and highlights their relevance through practical examples based on empirical data from farming, drawn from international experiences.

Key words: *agricultural sector, intersectoral balance model, input-output table, resource and utilization table, and Leontief model.*

Kirish

Agrar soha mamlakatning oziq-ovqat ta'minotini ishlab chiqarish bilan shug'ullanadigan tarmoq bo'lib, bunda sohani rivojlanishi bevosita iqtisodni rivojlantirishga ham hissa qo 'shadi. Dastlabki ma'lumotlarga qaraganda, 2023-yilda mamlakatimizda agrar sohada yaratilayotgan qo'shilgan qiymat hajmi mamlakat yalpi ichki mahsulotining 24,3[1] foizini tashkil qilayotganligi mazkur soha mamlakat iqtisodiyotida muhim o'rin egallashini ko'rsatishi bilan birgalikda, shu sohada yaratilayotgan qo'shilgan qiymatlarning so'nggi yillarda respublikamiz iqtisodiyotidagi ulushi kamayib ham borayotganligini kuzatishimiz mumkin. Bizningcha, mazkur ko'rsatkichning kamayishi boshqa tarmoqlarning rivojlanishi bilan birgalikda agrar sohada yaratilayotgan resurslarning sanoatlashuvi natijasi bilan ham izohlash mumkin. Odatda agrar sohani rivojlantirish yoki iqtisodiyotda katta o'rin egallashi bu bevosita sohaning faqatgina qishloq xo'jaligi mahsulotlari yetishtirish bilan cheklanib qolishi tushuniladi. Rivojlangan davlatlarda agrar soha tomonidan yaratilayotgan qo'shilgan qiymat mamlakat iqtisodiyotining besh foizga ham yetmayotganligi buning yaqqol dalilidir [12]. Bu yerda ham o'zining, ham boshqa mamlakatlarga ekport qilishini yuqoriligi sohada ishlar to'g'ri yo'lga qo'yilayotganligidan darak berib turibdi. Bundan tashqari, agrar soha bilan qolgan soha va tarmoqlar bilan o'zaro munosabatlarning to'g'ri yo'lga qo'yilishi mamlakatda tarmoq va sohalarning samarali yoki samarasiz faoliyat natijalarini ko'rsatib beradi. Buning uchun klassik usullardan biri V.Leontevning tarmoqlararo balans modelidan foydalanib, kerakli xulosalar taqdim etish tavsiya etiladi.

Mavzuga oid adabiyotlar sharhi

Agar soha aholini asosiy oziq-ovqatga ehtiyojini qondirishi tufayli muhim hisoblanib, bunga doir ko'plab ilmiy tadqiqot va ishlanmalar mavjud. Xususan, sohani to'g'ri statistik baholab, rivojlantirish uchun turli xulosalar taqdim etilgan ilmiy tadqiqotlarda turli xil usullardan keng foydalanishda tamoqlararo balans modeli ham o'rin egallagan. Sohani tahlil qilishda mazkur modeldan foydlanganda avvalo Vasiliy Leontevni aytib o'tish kerak. Aynan mazkur modelni u olim amaliyotga tatbiq etishi orqali 1973-yilda Nobel mukofotini olgan [1]. Leontevning bu asaridan keyin bu model qitisodiy-ijtimoiy holatdagi o'zgarishlardan kelib chiqib turli tadqiqotchilar tomonidan yangilanib kelinmoqda. Masalan, Ronald E. Miller, Peter D. Blair. O'zlarining kitobida bu modeldan nafaqat butun iqtisodiyot sohasida, balki hududlar, tarmoqlar va sektorlarda qay jihatdan hisoblash bo'yicha uslubiy ma'lumotlar keltirib o'tgan [2]. Ispaniyalik tadqiqotchi Ferran Sancho o'zining ilmiy ishida amaliy iqtisodiy tahlilda juda kerakli bo'lgan Leontev modelini Armingtonning ilmiy qarashlari bilan uyg'unlashtirgan holatda amaliy yechimlarini keltirgan holatda talqin qilgan [3]. Bundan tashqari, mazkur modeldan amaliyotda keng foydalanish bo'yicha J.W.Gallifent o'zining mashqlar to'plamida turli versiyalarda misollar taqdim etgan [4]. Turkiyalik tadqiqotchilar A.B.Tekin and H.U.Evcim o'zlarining ilmiy ishida Turkiyaning qishloq xo'jaligini boshqa soha va tarmoqlar bilan o'zaro aloqadorligini TAB modelidan foydalanib tahlil qilgan

[1] https://stat.uz/uz/default/press-relizlar/34336-2023-3.

bo‘lsa [6], mahalliy tadqiqotchilarimizdan G.M.Davlyatova, S.X.Abdullayeva o‘zlarining tadqiqot ishida to‘qimachilik sanoatida tarmoqlaro balans modelidan foydalanib, o‘z xulosalarini taqdim etgan [9].

Tadqiqot metodologiyasi

Tadqiqot jarayonida statistik kuzatish, guruhlash olingan natijalarni ifodalashda statistik jadvallar, matematik amallardan hamda tarmoqlararo balans modelidan xorijiy va mahalliy tadqiqotchilarning mavzuga oid ilmiy-amaliy qarashlari va yondashuvlari tahlil qilinib, ular asosida umumalshgan xulosalar shakllantirildi.

Natija va muhokama

Tarmoqlararo balans (TAB, Xarajatlar — ishlab chiqarish modeli, usuli) – bu mamlakat iqtisodiyotidagi tarmoqlararo ishlab chiqarish munosabatlarini tavsiflovchi iqtisodiy va matematik muvozanat modeli bo‘lib, u bir sohada mahsulot ishlab chiqarish va ushbu mahsulotni ta’minlash uchun zarur bo‘lgan barcha ishtirokchi tarmoqlarning xarajatlari, xarajatlari o‘rtasidagi bog‘liqlikni tavsiflaydi [11]. Tarmoqlararo balans odatda naqd va natura shaklida tuzilib, bugungi kunda iqtisodchilar tomonidan amaliyotda resurslar va ishlatilish deb ham yuritiladi (1-rasm).

Yuqoridagi jadvalda xarajatlar va ishlatish jadvalining dastlabki ko‘rinishi keltirilgan bo‘lib, bugungi kunda mazkur jadval MSOK-4 xalqaro standarti bo‘yicha bir qancha o‘zgartirishlar kiritilgan holatda boyitilgan. Xususan, Qishloq, o‘rmon va baliq xo‘jaligi, Tog‘-kon sanoati va ochiq konlarda ishlash, Ishlab chiqaradigan sanoat, Ulgurji va chakana savdo; motorli transport vositalari va mototsikillarni ta’mirlash, Tashish va saqlash, Yashash va ovqatlanish bo‘yicha xizmatlar hamda Boshqa xizmatlar kabi ko‘rsatkichlarga o‘zgargan. Mazmun bo‘yicha o‘z darajasini saqlab qolgan deyish mumkin.

Mazkur modelni uslubiy jihatdan tushuntirish uchun xo‘jalik ishlab chiqarish sohasidan har biri o‘zining bir jinsli mahsulotini ishlab chiqaruvchi *p* ta tarmoqdan iborat qaralsa, har bir tarmoq o‘zi ishlab chiqarishini ta’minlash uchun boshqa tarmoqlarning mahsulotiga muhtoj (ishlab chiqarish iste’moli). Odatda, ishlab chiqarish jarayoni ma’lum bir vaqt davrida qaraladi, ko‘p hollarda bunday birlik sifatida bir yil olinadi [8]. Mavjud imkoniyatlardan kelib chiqib quyidagi belgilashlarni kiritamiz:

		Ishlab chiqaruvchilar Iste'mol qiluvchilar misolida							Yakuniy Talab			
		Qishl. Xo'j.	Tog'-kon	Quril.	Ishl. Chiq.	Savdo-sot.	Yo'l. tash.	Boshqalar	Shaxsiy iste'mol xarajatlari	Yalpi xususiy ichki investitsiyalar	Hukumat haridlari: mahsulot va xizmatlar	Tovar va xizmatlarning sof eksporti
Ishlab chiqarish	Qishloq xo'jaligi											
	Tog'-kon sanoati											
	Qurilish sohasi											
	Ishlab chiqarish											
	Savdo-sodiq											
	Yo'lovchi tashish											
	Xizmat ko'rsatish											
	Boshqa sanoat											
Qo'shilgan qiymat	Ishchilar	Xodimga kompensatsiya							Yalpi ichki mahsulot			
	Biznes egalari va investorlar	Foyda turidagi daromadlar va kapital iste'moli uchun imtiyozlar										
	Hukumat	Bilvosita biznes soliqlari										

1-rasm. Xarajatlar-ishlab chiqarish jadvalining dastlabki ko ‘rinishi[2]

[2] io2009.pdf – Yandex Documents. Ronald E. Miller, Peter D. Blair. Input–Output Analysis. Foundations and Extensions. Second Edition. 2009. Cambridge University press. New York.

$\mathbf{x_i}$ **– i –** tarmoq jami mahsulotining hajmi (uning yalpi ishlab chiqarishi);

$\mathbf{x_{ij}}$ **– i** – tarmoq mahsulotining nchi tarmoqda hajmdagi mahsulotni ishlab chiqarish uchun sarflanadigan hajmi;

$\mathbf{y_i}$ **– i** – tarmoq mahsulotining noishlab chiqarish sohasida o‘zlashtirish (iste’mol) uchun mo‘ljallangan hajmi yoki yakuniy iste’mol mahsuloti. Unga xo‘jalik fuqarolarining shaxsiy iste’moli, ijtimoiy ehtiyojlarni qondirish, davlat tashkilotlarini ta’minlash va hokazolar kiradi.

Turli tarmoqlarda bog‘liqlikning balans tamoyili shundan iboratki, *i* nchi tarmoq yalpi ishlab chiqarishi ishlab chiqarish va noishlab chiqarish sohalaridagi iste’mol hajmlari yig‘indisiga teng bo‘lishi kerak. Eng sodda holda bu jarayon quyidagi balans munosabatlari ko‘rinishiga ega bo‘ladi:

$$x_i = x_{i1} + x_{i2} + \cdots + x_{in} + y_i\,,\ i = 1,2,\dots,n \quad (1)$$

Bu tenglama balans munosabatlari deb atalib, har xil tarmoqlar mahsuloti turli o‘lchov birligiga ega bo‘lgani uchun bunga qiymat balansini tuzishni nazarda tutadi. V.Leontev tomonidan yil davomida kattaliklar juda kam o‘zgaradi va o‘zgarmas sonlar sifatida qaralishi ta’kidlangan. Bu hodisani shunday tushunish kerakki, ishlab chiqarish texnologiyasi ancha yil davomida bir xil darajada turadi. Demak, *j* nchi tarmoqda x_j hajmdagi mahsulotni ishlab chiqarish uchun *i* nchi tarmoq mahsulotining iste’mol qilinadigan hajmi texnologik konstanta (o‘zgarmas son)dan iborat bo‘ladi.

$$a_{ij} = \frac{x_{ij}}{x_j} \quad (2)$$

Bunda sonlar bevosita (to‘g‘ri) xarajatlar koeffitsiyentlari deb ataladi. Ko‘rsatilib o‘tilgan dalilga asosan

$$a_{ij} = \frac{x_{ij}}{x_j},\quad x_{ij} = a_{ij} * x_j,\quad i,j = 1,2,\dots,n \quad (3)$$

ga ega bo‘lamiz. U holda (1–3) tenglamalarni

$$\begin{cases} x_1 = a_{11}x_1 + a_{12}x_2 + \cdots + a_{1n}x_n + y_1 \\ x_2 = a_{21}x_1 + a_{22}x_2 + \cdots + a_{2n}x_n + y_2 \\ \dots\dots\dots\

$(X)^{-}$ vektor mavjud bo‘lsa, u holda hamma elementlari nomanfiy bo‘lgan A matritsa samarador, deb ataladi. Bu holda tuzilgan model ham samarador deyiladi. (5) sistemani E birlik matritsadan foydalanib,

$$(E - A) * \bar{X} = \bar{Y} \quad (7)$$

ko‘rinishda qayta yozamiz.

Agar $(E-A)^{-1}$ teskari matritsa mavjud bo‘lsa, u holda (7) tenglamaning

$$\bar{X} = (E - A)^{-1} * \bar{Y} \quad (8)$$

yagona yechimi ham mavjud bo‘ladi. $(E-A)^{-1}$ matritsa to‘la xarajatlar matritsasi deb ataladi.

Odatda matritsa samaradorligining bir nechta mezoni mavjud. Shulardan ikkitasini keltiramiz:

1. $(E-A)^{-1}$ matritsa mavjud bo‘lib, uning elementlari nomanfiy bo‘lganda va faqat shundagina matritsa samarador bo‘ladi.

2. Agar elementlari nomanfiy bo‘lgan matritsaning ixtiyoriy ustuni (satri) bo‘yicha elementlari yig‘indisi birdan oshmasa:

$$\sum_{i=1}^{n} a_{ij} \le 1 \quad yoki \quad \sum_{j=1}^{n} a_{ij} \le 1 \quad (9)$$

hamda hech bo‘lmaganda bitta ustun (satr) uchun bu yig‘indi birdan qat’iy kichik bo‘lsa, u holda bunday matritsa samarador bo‘ladi.

Ushbu modellashtirish usuli orqali agrar sohada, jumladan, fermer xo‘jaliklarida, klasterlarda tarmoqlararo munosabatlar, yoki ular o‘rtasida o‘zaro kooperatsiya munosabatlarining samarali yoki samarasiz ekanligini, shu bilan birga, tarmoqlararo faoliyat samarali bo‘lganda birgalikda mahsulot ishlab chiqarish hajmini prognozlash masalasini ham yechish mumkin bo‘ladi.

Yuqoridagi uslubiy jihatlarni amaliy ma’lumotlar asosida tushuntirish uchun fermer xo‘jaligi misolida ko‘rib o‘tamiz. Biz fermer xo‘jaligining quyidagi ma’lumotlariga egamiz:

1-jadval

Fermer xo‘jaligining 2023-yildagi tarmoqlararo munosabatlari iqtisodiy ko‘rsatkichlari *(mln.so‘m)*[3]

Ishlab chiqarish tarmoqlari	Iste’molchi tarmoqlar			Yakuniy mahsulot (y_i)	Yalpi mahsulot (x_i)
	Xizmat ko‘rsatish	Dehqon-chilik	Chorvachi-lik		
1.Xizmat ko‘rsatish	33,6	62,5	43,8	8,2	148,1
2.Dehqonchilik	48,8	35,8	54,4	30,9	169,9
3.Chorvachilik	37,7	44,3	34,7	50,8	167,5
Yakuniy mahsulot	28	27,3	34,6	89,9	-
Yalpi mahsulot	148,1	169,9	167,5	-	485,5

Jadval ma’lumotlari asosida oltinchi formulaga asosan tarmoqlararo balans modelining vektor hamda matritsalari qiymatlarini yozish kerak bo‘ladi. Bunda, avvalo, moddiy xarajatlarning o‘zgarishi ko‘rsatilmaganligi sababli, ularni vaqt bo‘yicha o‘zgarmas, deb qabul qilamiz va ikkinchi formula yordamida bevosita xarajatlar koeffitsiyentlari matritsasini aniqlaymiz (2-jadval).

[3] Fermer xo‘jaligi rahbarining tashabbusi asosida fermer xo‘jaligining nomi keltirilmadi.

2-jadval

Hisoblangan ko‘rsatkichlar[4]

$a_{11} = \frac{33,6}{148,1} = 0,227$	$a_{12} = \frac{62,5}{169,9} = 0,368$	$a_{13} = \frac{43,8}{167,5} = 0,261$
$a_{21} = \frac{48,8}{148,1} = 0,330$	$a_{22} = \frac{35,8}{169,9} = 0,211$	$a_{23} = \frac{54,4}{167,5} = 0,325$
$a_{31} = \frac{37,7}{148,1} = 0,255$	$a_{32} = \frac{44,3}{169,9} = 0,261$	$a_{33} = \frac{34,7}{167,5} = 0,207$

Ikki va oltinchi formulalari yordamida bevosita xarajatlar matritsasi quyidagicha bo‘ladi:

$$\bar{X} = \begin{pmatrix} 148,1 \\ 169,9 \\ 167,5 \end{pmatrix}, \quad \bar{Y} = \begin{pmatrix} 8,2 \\ 30,9 \\ 50,8 \end{pmatrix}, \quad A = \begin{matrix} 0,227 & 0,368 & 0,261 \\ 0,330 & 0,211 & 0,325 \\ 0,255 & 0,261 & 0,207 \end{matrix}$$

[4] Muallif hisoblamasi.

A matritsaning samaradorlik sharti $\sum_{i=1}^{3} a_{ij} \ll 1$ yoki $\sum_{j=1}^{3} a_{ij} \ll 1$ ga va $\sum a_{ij}$ ning bitta ustun (satr) hamda qatorlar uchun qat’iy birdan kichik bo‘lishi shartlariga asosan tekshirib chiqamiz.

Qatorlar bo‘yicha quyidagi natijalarni hosil qilamiz:

1-qator:0,227+0,368+0,261=0,856<1
2-qator:0,330+0,211+0,325=0,865<1
3-qator:0,255+0,261+0,207=0,722<1

Ustunlar bo‘yicha:

1-ustun:0,227+0,330+0,255=0,811<1
2-ustun:0,368+0,211+0,261=0,839<1
3-ustun:0,261+0,325+0,207=0,793<1

Hisoblash natijalari shuni ko‘rsatadiki, yuqoridagi fermer xo‘jaligida 2023-yilda tarmoqlarning o‘zaro faoliyati samarali bo‘lganligini ko‘rsatadi. Chunki barcha hosil bo‘lgan qiymatlar birdan kichik bo‘lgan. Mazkur holatda faqatgina fermer xo‘jaligida o‘zaro tarmoq yoki yo‘nalsihlari bo‘yicha samarali tashkil etilyaptimi yoki aksinchami degan savolga javob olish mumkin bo‘ladi. Bu natijalarni davom ettirish orqali kelasi yil uchun ham rejalashtirish imkoniyati yaratish mumkin.

Xulosa

Biz yuqorida ko‘rgan tarmoqlararo model tushunchasi bugungi kunda amaliyotda keng qo‘llaniladi hamda uni resurslar va ishlatish jadvaliga asosan hisoblanib turiladi. Mazkur usul makrodarajada tarmoqlararo munosabatlarni hisoblash bilan birgalikda mavjud imkoniyatlardan kelib chiqib agrar sohani boshqa tarmoqlar bilan o‘zaro bog‘liqligini, jumladan, fermer xo‘jaliklarida, klasterlarda tarmoqlararo(yo‘nalishlararo) munosabatlar samarali yoki samarasiz faoliyat yuritayotganligini bilish orqali muhim va to‘g‘ri qarorlar qabul qilish hamda keljakda prognoz qilish mumkin bo‘ladi. Xorijiy tajribalar shuni ko‘rsatadiki, bu usuldan foydalanishda avvalo statistik ma’lumotlarning ham mikro ham makro-darajada yetarlik bo‘lishi talab etilar ekan. Agar mikrodarajada foydalaniladigan bo‘lsak faoliyat turidan kelib chiqib qo‘shimchalar kiritish mumkin bo‘lar ekan.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO‘YXATI

1. Leontief, Wassily. 1936 “Quantitative Input-Output Relations in the Economic System of the United States,” Review of Economics and Statistics, 18, 105–125.
2. Ronald E. Miller, Peter D. Blair. Input–Output Analysis. Foundations and Extensions. Second Edition. 2009. Cambridge University press. New York.
3. Ferran Sancho. An Armington–Leontief model. Economic Structures (2019) 8:25 https://doi.org/10.1186/s40008-019-0158-y.
4. Justin Wyss-Gallifent. Leontief Input-Output Models. The Exercises. 2023
5. P.W. Heringaa, C.M. van der Heide b, W.J.M. Heijman. NJAS - Wageningen Journal of Life Sciences 64–65 (2013) 59–66. The economic impact of multifunctional agriculture in Dutch regions: An input-output model.
6. A.B.Tekin and H.U.Evcim. Input-Output Structure of Turkish Agriculture. Bulgarian Journal of Agricultural Science, 17 (No 2) 2011, 258-268 Agricultural Academy.
7. П.А.Суворов. Метод «Затраты-Выпуск» как инструмент оценки макроэкономической эффективности инновационно-инвестиционных проектов. ДИССЕРТАЦИЯ на соискание ученой степени кандидата экономических наук. 2014, Москва.
8. I.Habibullayev, B.Utanov. Ekonometrika asoslari. O‘quv qo‘llanma- T.: “IQTISOD-MOLIYA”-2018. 192 b.
9. G.M.Davlyatova, S.X.Abdullayeva (2022). Iqtisodiyotda tarmoqlararo munosabatlarni rivojlantirish asosida to‘qimachilik korxonalarining iqtisodiy barqarorligini ta’minlash. Nazariy va amaliy tadqiqotlar xalqaro jurnali, 2 (5), 18-29
10. https://stat.uz/uz/
11. https://www.wikipedia.org
12. https://de.statista.com/statistik/daten/studie/249080/umfrage/anteile-der-wirtschaftssektoren-am-bruttoinlandsprodukt-bip-der-eu-laender/

УЎТ 339. 9; 311

Хужакулов Хаитмурат Джавлиевич,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
“Иқтисодий статистика” кафедраси фахрий профессори.
khaitmurat_kh@mail.ru

Рўзиев Алишер Иброимович,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
“Иқтисодий статистика” кафедраси доценти.
alisherruziev1986@mail.ru

ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИДА ХИЗМАТЛАР СОҲАСИНИНГ ҲОЛАТИ ВА РИВОЖЛАНИШИНИ СТАТИСТИК БАҲОЛАШ

Хужакулов Хаитмурат Джавлиевич,
Почетный профессор кафедры “Экономическая статистика”
Ташкентский государственный экономический университет
khaitmurat_kh@mail.ru

Рузиев Алишер Иброимович,
Доцент кафедры “Экономическая статистики”
Ташкентский государственный экономический университет
alisherruziev1986@mail.ru

СТАТИСТИЧЕСКАЯ ОЦЕНКА СОСТОЯНИЯ И РАЗВИТИЯ СФЕРЫ УСЛУГ В ЭКОНОМИКЕ УЗБЕКИСТАНА

Xujakulov Xaitmurat Djavliyevich,
Tashkent state university of economics, nonorary professor of the «Economic Statistics» department.
khaitmurat_kh@mail.ru

Ruziev Alisher Ibroimovich,
Tashkent state university of economics, associate professor, department of «Economic statistics»
alisherruziev1986@mail.ru

STATISTICAL ASSESSMENT OF THE CONDITION AND DEVELOPMENT OF THE SERVICES FIELD IN THE UZBEKISTAN ECONOMY

Аннотация. *Мақолада Ўзбекистон иқтисодиётида хизмат кўрсатиш соҳасининг тутган ўрни, унинг ҳолати ва ривожланиши статистик нуқтаи назардан таҳлил*

қилинган. Шунингдек, иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилиш шароитида хизматлар соҳасида юз бераётган таркибий ўзгаришлар баён қилинган. Хизмат соҳасини ривожлантириш борасида таклифлар билдирилган ва хулосалар қилинган.

Таянч сўзлар: *хизматлар соҳаси, хизмат турлари, ўсиш суръати, ЯИМ, ЯҲМ, ҳудудлар, SWOT таҳлил, кичик тадбиркорлик, қўшилган қиймат, инновация, таркибий силжишлар.*

Аннотация. *В статье анализируется роль сферы услуг в экономике Узбекистана, ее состояние и развитие со статистической точки зрения. Также описаны структурные изменения, происходящие в сфере услуг в условиях модернизации и диверсификации экономики. Сделаны предложения и выводы по развитию сферы услуг.*

Ключевые слова: *сфера услуг, виды услуг, темпы роста, ВВП, ВРП, регионы, SWOT-анализ, малый бизнес, добавленная стоимость, инновации, структурные сдвиги.*

Annotation. *The article analyzes the role of the service sector in the economy of Uzbekistan, its status and development from a statistical point of view. Also, the structural changes taking place in the service sector in the context of modernization and diversification of the economy are described. Proposals and conclusions were made regarding the development of the service sector.*

Keywords: *service sector, types of services, growth rate, GDP, GRP, regions, SWOT analysis, small business, added value, innovation, structural shifts.*

Кириш

Мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантириш муҳим йўналишлардан бири ҳисобланади. Чунки, ҳозирги давр иқтисодиётида таркибий ўзгаришларнинг содир бўлиши бу соҳани ривожлантириш орқали аҳолини иш билан банд қилиш даражасини кенгайтиришга имконият яратади.

Ривожланган давлатларда бу секторнинг иқтисодиётда банд бўлганлардаги ҳиссаси 75–80 фоизни, ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)даги улуши эса 60–70 фоизни ташкил этмоқда[1]. Республикамизда бу кўрсаткичлар мос равишда 2022 йилда 52,2 ва 38,3 фоизга тенг бўлганлиги ҳали бу соҳада фойдаланилмаган имкониятлар мавжудлигидан далолат беради[2].

Замонавий иқтисодиётда хизматлар соҳасини жадал ривожлантирмасдан туриб, республикамиз иқтисодий тараққиётини тасаввур қилиш қийин. Бу борада, мамлакатимизда хизматлар соҳасининг тезкор ўсиш суръатларини таъминлаш, мазкур йўналишда тадбиркорликни янада қўллаб-қувватлаш ва аҳоли учун янги иш ўринларини яратиш мақсадида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 майдаги ПҚ-5113-сон “Хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорида ҳамда 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ва 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сон “Ўзбекистон – 2030” стратегияси тўғрисидаги Фармонларида хизматлар соҳасининг мамлакатимиз иқтисодиётидаги улушини кўпайтириш, жойларда хизматлар соҳасидаги мавжуд имкониятларни тўлиқ ишга солиш, сифатли хизматлар турларини кенгайтириш ва

[1] Манба: https://data.worldbank.org/indicator/NV.SRV.TOTL.ZS, http://www.worldbank.org/eca/russian/data/

[2] Манба: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги маълумотлари.

ҳудудларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантириш орқали хизмат кўрсатиш ҳажмини 2030 йилгача 3 бараварга ошириш, ўрта ва йирик шаҳарлар ҳамда аҳолиси 300 мингдан кўп бўлган туманларда замонавий бозор хизматларини ривожлантириш каби вазифаларни ҳал қилиш алоҳида таъкидланган [1,2,3].

Хизматлар соҳаси бу – корхоналар, ташкилотлар, шунингдек, жисмоний шахслар томонидан кўрсатиладиган турли хил хизмат турларини кўрсатишни ўз ичига олган умумлаштирувчи категориядир. Бу тижорат, профессионал ва истеъмол хизматларини кўрсатишга ихтисослашган мамлакатнинг иқтисодий секторидир.

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи

Иқтисодиётнинг асосий тармоқларидан бири бўлган хизматлар соҳасининг ижтимоий-иқтисодий жиҳатлари билан боғлиқ назарий-услубий масалалар бўйича иқтисодиёт соҳасидаги хорижлик, россиялик ва республикамиз олимларидан Л.С. Казинец[4], В.В. Леонтьев, К.Гатев, А.Салаи, Т.В. Рябушкин, О.Ю. Красильников[5], О.С. Сухаров, А.Расулов, Х.Д.Хужакулов[6], Н.Х. Рашитова, Ш.Х. Назаров, М.М. Мухаммадиев[7], А.И. Рўзиев[8] ва бошқалар илмий тадқиқотлар олиб боришган. Улар иқтисодиётнинг асосий тармоқларидан бири хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратганлар.

Қайд қилинган олимларнинг илмий ишларида хизматлар соҳаси ижтимоий-иқтисодий ва назарий жиҳатдан ўрганилган, аммо хизматлар кўрсатишнинг ривожланишига таъсир этувчи омилларнинг статистик таҳлилининг етарлича амалга оширилмаганлиги мақоланинг мақсади қилиб белгиланган.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқот жараёнида таҳлил ва синтез ҳамда мутлақ, нисбий ва ўртача миқдорлардан фойдаланилиб, статистик кўрсаткичлар аниқланган. Мақолада хизматлар соҳасининг тутган ўрнини статистик баҳолашда динамика қаторларининг статистик таҳлили амалга оширилган.

Натижа ва муҳокама

Хизматлар инсоннинг қимматли вақтини ва ортиқча сарфлайдиган харажатларини тежаб, меҳнатнинг ижодий мазмунини бойитиш асносида аҳолининг ҳаётий манфаатларини рўёбга чиқаради.

Бугунги кунда мамлакатимиз олдида турган долзарб масалалардан бири хизматлар соҳаси самарадорлигини ошириш ҳисобланади. Шунга кўра, минтақаларни комплекс ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган Дастурлар бажарилишига қатъий ёндашишда хизматлар соҳаси ривожланишининг SWOT таҳлилини кўрсатиш жоиздир.

1 жадвал

Минтақаларда хизматлар соҳаси ривожланишининг SWOT таҳлили[3]

Кучли томонлари	Кучсиз томонлари
ЯИМ ва ЯҲМда хизматлар улушининг ўсиши юз бериши	Ҳудудда замонавий хизмат турларини ривожлантириш бўйича кадрлар етишмаслиги
Давлат дастурлари асосида соҳани ривожлантириш	Ҳудудда хизматларни экспорт қилишда инфратузилмалар етишмаслиги

[3] Муаллифлар ишланмаси.

Хизматларни экспорт қилиш бўйича шартномалар тузишда тезкор ахборотлар тизимининг мавжудлиги	
Имкониятлари	**Хавф-хатар ёки таҳдидлари**
Информацон ва таълим хизматларини янада такомиллаштириш имконияти	Ички ва ташқи хизматлар бозори иштирокчиларининг даромадлари пасайиши мумкинлиги
Туристик инфратузилмалар мавжудлиги ва туризм хизматларини ривожлантириш	Хизматлар соҳасига нисбатан бошқа тармоқ (саноат, аграр) лар ривожланиб, уларга капитал қўйилмаларнинг оқиб кетиши
Минтақавий бозорларга чиқиш имконияти	

Хизмат кўрсатиш соҳасида сифат кўрсаткичлари қатъий равишда ошиб, унга бўлган талабнинг ўсиб бориши соғлиқни сақлаш, савдо, умумий овқатланиш хизматлари янада ривожланишига, шунингдек, илгари мавжуд бўлмаган юқори технологияли хизматлар шаклланишига ва юзага чиқишига сабаб бўлди. Юқори сифатли турли-туман хизматлар мавжудлиги аҳолининг соғлиғига ва инсонлар кайфиятига ижобий таъсир кўрсатади, ишчиларнинг иш унумини, истеъмол харажатларини оширади, бўш вақт кўпайишига ва аҳолининг дам олишига имконият беради. Инсон фаолиятида жуда қулай, хўжалик ишлаб чиқариш жараёнига ижобий таъсир кўрсатаётган янги хизмат кўрсатиш тармоғи, яъни бугунги кунда зудликда маълумотлар билан таъмин этувчи Интернет, мобиль (уяли) телефонлар ва бошқа фан-техника ютуқларини қўллайдиган хизмат турлари ривожланиб бормоқда. Мазкур хизмат турларининг ривожланиши мамлакатимизнинг нафақат иқтисодий қудрати юксалишига, унинг интеллектуал салоҳияти ошишига ҳам хизмат қилади.

Аҳоли жон бошига тўғри келадиган хизматлар ҳажми аҳоли сони нисбатан кам бўлган Навоий ва Бухоро вилоятларида аҳоли зич жойлашган вилоятлар: Қашқадарё, Наманган ва Андижон вилоятларига қараганда юқоридир. Таҳлиллар шундан далолат бермоқдаки, саноати ривожланган ҳудудлар Навоий ва Тошкент вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида хизматлар соҳасининг аҳоли жон бошига ўртача кўрсаткичлари Хоразм, Наманган ва Сурхондарё вилоятларига нисбатан юқори эканлигини кўрсатмоқда (2-жадвал).

Кейинги йилларда йирик кохоналар томонидан кўрсатилаётган хизматлар ҳажмининг ўсиши кичик тадбиркорлик субъектлари улушининг пасайиши туфайли юз берган бўлса-да, хизматлар соҳасида кичик тадбиркорлик сектори иқтисодиётнинг барқарор ўсишига, янги иш ўринларини яратишга, даромадларни оширишга ва аҳоли фаровонлигини таъминлашга ёрдам беради.

2023 йилнинг январь-декабрь ойларида хизматлар соҳасида кичик тадбиркорликнинг энг катта ҳажми Тошкент шаҳрида 73930,7 млрд. сўмни, энг кичик ҳажми эса Сирдарё вилоятида 3111,2 млрд. сўмни ташкил қилган.

2-жадвал

Ҳудудлар кесимида аҳоли жон бошига хизматлар ҳажми ва ўсиш суръати[4]

Ҳудудлар номи	2022 йил		2023 йил	
	ҳажми, минг сўм	ўсиш суръати, %	ҳажми, минг сўм	ўсиш суръати, %
Ўзбекистон Республикаси	**10 292,0**	**113,9**	**12 915,6**	**111,3**
Қорақалпоғистон Республикаси	5 399,3	114,4	6 472,6	109,3
Андижон	5 414,7	110,6	6 489,0	109,0
Бухоро	7 951,2	113,9	9 543,6	109,2
Жиззах	5 568,7	113,3	6 958,3	110,4
Қашқадарё	4 634,6	111,4	5 542,6	108,6
Навоий	8 924,3	110,7	10 813,5	110,3
Наманган	4 956,8	113,1	5 878,7	108,7
Самарқанд	5 633,1	112,3	6 963,5	111,2
Сурхондарё	4 626,7	111,3	5 452,1	107,9
Сирдарё	5 654,4	108,5	6 737,0	108,7
Тошкент	8 737,2	110,0	10 565,3	108,8
Фарғона	5 622,5	112,4	6 616,9	108,2
Хоразм	5 399,2	113,2	6 710,9	112,5
Тошкент ш.	49 678,1	117,4	64 439,3	115,2

[4] Манба: Статистика агентлиги маълумотлари асосида ҳисобланган.

Постиндустриал трансформация хизматлар соҳасини дунёнинг барча ривожланган ва бир қатор ривожланаётган мамлакатларида ЯИМ ҳажми бўйича етакчига айлантирди. Масалан, Россия ва Қозоғистонда хизматлар соҳасининг ЯИМдаги улуши 53 % дан ортиқни ташкил этган бўлса, Ўзбекистонда бу кўрсаткич 2023 йилнинг дастлабки якунига кўра 41,0 % ни ташкил этган.

XXI асрда хизматлар диверсификацияси дунё бўйлаб кенг тус олмоқда. Корхоналар талай хизматлар тўпламини таклиф этиш орқали ўзларининг рақобатбардошлигини оширишга ёки хизматларни диверсификациялаш йўли билан эҳтимоли бор хатарларни сусайтиришга эришмоқдалар.

Республикамизда фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг умумий сонида хизматлар соҳасида фаолият юритаётган субъектлар сони 2024 йил 1 январь ҳолатига 70,7 фоизни, яъни 343059 бирликни ташкил этгани ҳолда, 2020 йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 1,3 мартадан зиёдга тенг бўлган. Улар томонидан 2023 йилда яратилган хизматлар ҳажми жорий баҳоларда 470 286,5 млрд. сўмни, аҳоли жон бошига эса 12915,6 минг сўмни, хизматлар соҳасида кичик тадбиркорликнинг улуши 47,7 фоизга тенг бўлиб, 2018 йилга нисбатан хизматлар ҳажми таққослама баҳоларда 1,8 мартадан зиёдга (376055,2:204133,2=1,842)ошганлигини кўришимиз мумкин (3-жадвал).

3-жадвал


Ўзбекистонда хизматлар соҳасининг асосий кўрсаткичлари динамикаси[5]

Йиллар	Кўрсатилган жами хизматлар ҳажми, млрд. сўм		Ўсиш суръати, %	Кичик тадбиркорлик хизматлари ҳажми, млрд. сўм		ўсиш суръати, %	Жами хизматлар ҳажмида кичик тад-биркорликнинг улуши, %
	жорий баҳода	2021 йил баҳосида		жорий баҳода	2021 йил баҳо-сида		
2018	150889,8	204133,2	108,9	84398,0	114114,9	104,4	55,9
2019	193697,8	231050,2	113,2	103106,5	122901,7	107,7	53,2
2020	219978,5	237981,7	103,0	114052,7	123270,4	100,3	51,8
2021	284388,1	284388,1	119,5	147061,6	147061,6	119,3	51,7
2022	366891,0	330743,4	116,3	181245,0	163385,4	111,1	49,4
2023	470286,5	376055,2	113,7	224443,7	179397,2	109,8	47,7

[5] Манба: Статистика агентлиги маълумотлари асосида ҳисобланган.

2018–2023 йиллар мобайнида аҳоли жон бошига хизматлар ҳажми таққослама баҳоларда қарийб 1,7 мартага (1,842:1,105) ошган.


Бугунги кунда хизматлар соҳаси замонавий миллий иқтисодиётнинг энг муҳим тармоқларидан биридир. Ушбу тармоқ анъанавий фаолият билан чекланиб қолмайди, у жамият ҳаётида ўз иштирокини доимий равишда кенгайтириб боради, ижтимоий ишлаб чиқаришга интеграциялашган, шунингдек, иқтисодиётнинг деярли барча соҳалари билан ўзига хос алоқалар орқали боғланган. Кўрсатилган бозор хизматлари умумий ҳажмининг қўшимча ўсиш суръати 2023 йилда 13,7 фоизга тенг бўлиб, унга молиявий хизматлар 4,5 фоиз бандни, транспорт хизматлариники 1,8 фоиз бандни, савдо хизматлариники 2,5 фоиз бандни, алоқа ва ахборотлаштириш хизматлариники 1,6 фоиз бандни, таълим хизматлариники 1,0 фоиз бандни, бошқа хизматларники 1,8 фоиз бандни, шунингдек, яшаш ва овқатланиш хизматлариники 0,5 фоиз бандни ташкил этган.



1-расм. 2023 йилда кўрсатилган бозор хизматлари умумий ҳажмининг ўсишида турлари бўйича хизматларнинг ҳиссаси, % да[6]

Хизматлар ҳажмининг ошиши бир қатор омиллар таъсири билан, жумладан, бозорда янги турдаги хизматлар, кредит карталари орқали тўловлар, Интернет-савдо, янги савдо-сотиқ марказлари, овқатланиш корхоналари, меҳмонхоналар очиш, таълим хизматларини кенгайтириш, дам олиш саноати хизматлари пайдо бўлиши билан изоҳланади.

[6] Манба: Статистика агентлиги маълумотлари асосида ҳисобланган.



2-расм. Хизматлар соҳасида яратилган қўшилган қийматнинг ЯИМдаги улуши[7], % да

Мамлакатимизда хизматлар соҳасининг ривожланиш ҳолатини ифодаловчи энг муҳим агрегат кўрсаткич, соҳада яратилган қўшилган қиймат ҳисобланади. Таъкидлаш жоизки, 2022 йилда ЯИМнинг қўшимча ўсиш суръати 5,7 фоизни ташкил этган бўлса, хизматлар соҳасининг таъсир даражаси бошқа тармоқларга қараганда энг юқори бўлиб, 57,8 фоизи ташкил этган.

4-жадвал

Иқтисодий фаолиятнинг асосий турлари бўйича хизматлар таркибидаги силжишлар[8]

Хизмат турлари	**2010**	**2012**	**2014**	**2016**	**2018**	**2020**	**2021**	**2022**	**2023**
Хизматлар – жами, трлн. сўм	**27, 1**	**44,4**	**68,0**	**97**	**150,9**	**220,0**	**284,2**	**357,5**	**470,3**
шу жумладан, фоизда									
ахборот ва алоқа соҳасидаги хизматлари	7,7	7,3	6,7	6,5	6,8	6,3	6,2	6,4	6,9
молия хизматлари	9,7	9,5	9,9	10,2	14,1	20,8	21,0	22,5	22,6
транспорт хизматлари	38,8	37,2	35	31,5	29,3	24,4	23,7	22,7	23,1
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	1,1	1,0	1,1	3,1	3,1	2,5	2,9	3,2	3,9
савдо хизматлари	24,4	26,0	27,9	28,2	26,3	26,2	25,5	24,8	23,5
кўчмас мулк билан боғлиқ хизматлар	3	3,2	3,3	3,5	3,3	2,7	2,8	2,7	2,6
таълим соҳасидаги хизматлар	2,8	3,1	3,2	3,4	3,6	3,9	4,2	4,3	4,3
соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар	1,0	1,1	1,3	1,5	1,5	1,5	1,8	1,8	1,8
ижара ва лизинг бўйича хизматлар	2,0	2,0	2,2	2,3	2,2	1,9	1,9	1,8	1,6
компьютерлар, шахсий фойдаланиш буюмлари ва маиший товарларни таъмирлаш бўйича хизматлар	2,3	2,1	2,0	2,3	1,7	1,5	1,6	1,6	1,5

[7] Манба: Статистика агентлиги маълумотлари асосида ҳисобланган.
[8] Манба: Статистика агентлиги маълумотлари асосида ҳисобланган.

шахсий хизматлар	2,8	2,8	3,0	3,0	2,5	2,3	2,4	2,4	2,3
меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар	1,1	1,2	1,1	1,2	2,0	2,2	2,2	2,1	1,7
бошқа хизматлар	3,3	3,5	3,4	3,3	3,7	3,8	3,6	3,7	4,2

Ҳудудлар ўртасида хизматлар ҳажмининг энг юқори ўсиш суръатлари 2023 йилда Тошкент шаҳри (118,7%) ҳамда Хоразм (114,6%), Самарқанд (113,7%) ва Жиззах вилоятларига тўғри келган бўлса, хизматлар соҳасини ривожлантиришда энг катта улушни Тошкент шаҳри (41,1%) ҳамда Тошкент (6,8%), Самарқанд (6,2%) ва Фарғона (5,7 %) вилоятлари ташкил этмоқда.

Кейинги йилларда алоқа ва ахборотлаштириш каби юқори технологияларга асосланган хизмат турларининг ривожланаётганлиги инсон фаолиятида жуда қулай бўлиб, ишлаб чиқариш жараёнига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Бу эса нафақат мамлакатнинг иқтисодий қудрати юксалишига, балки унинг интеллектуал салоҳияти ошишига ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари ҳажмида телекоммуникация хизматлари (кабель ва мобил алоқа хизматлари, Интернет, сунъий йўлдош алоқаси хизматлари ҳамда бошқалар) энг катта улушга эга.Транспорт хизматларининг асосий қисми юк ва йўловчилар ташиш бўйича хизматларга тўғри келади. Бу транспортнинг тезкорлиги ва ҳаво ҳамда темир йўллар билан солиштирганда хизматлар нархининг нисбатан арзонлиги билан изоҳланади.

Иқтисодий ўсишни юксалтирувчи, ҳаракатга бошловчи кучга айланган ахборот-коммуникация технологиялари йўналиши барча соҳаларнинг иқтисодий жараёнларини сезиларли даражада ўзгартириб, янги босқичга кўтармоқда. Шунингдек, ахборот технологияларининг ривожи — инсоннинг ақлий меҳнати, илм ва тафаккурининг меваси бўлган ахборот ҳамда маҳсулотларга асосланган янги турдаги иқтисодиётнинг ташкил топиши учун ҳам замин яратмоқда.

Мамлакатимизда АКТ хизматлари секторида 2023 йилда кўрсатилган хизматлар ҳажми 30563,5 млрд. сўмни, шундан 1248,5 млрд. сўмлик хизматлар дастурий таъминот маҳсулотларига доир хизматлар улушига тўғри келган. Ҳозирда (2023 й.) АКТ соҳасининг Ўзбекистон ялпи ички маҳсулотидаги улуши қарийб 3,0 фоизни ташкил қилмоқда.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш соҳасини янада такомиллаштириш учун қуйидагиларга эътибор қаратиш зарур:

– хизматларнинг янги замонавий турларини ривожлантиришга кенг эътибор қаратиш, хизматлар турларини янада кенгайтириш;

– баъзи хизмат турларининг ҳисобга олинишини такомиллаштириш, бу ялпи ички маҳсулот таркибида хизматлар соҳасининг улуши ошишига олиб келади;

– хизматлар соҳаси бўйича малакали мутахассислар тайёрлашга эътиборни кучайтириш;

– хизматлар соҳасида янги иш ўринларни яратишни жадаллаштириш;

– хизматлар соҳасига янги инновацион технологияларни кенг жалб этиш;

– ҳозирги кундаги замонавий хизмат турлари ҳисобланадиган алоқа ва ахборотлаштириш, компьютерда дастурлаш хизматларининг жами хизматлар таркибидаги улушини оширишга эътибор қаратиш ва бошқалар.

Умуман олганда, хизматлар хилма-хилдир: аҳолига чакана савдо хизмати кўрсатиш, автомобилларни, маиший техникаларни таъмирлаш, йўловчиларни ва юкларни ташиш, таълим ва маслаҳат бериш, маиший хизматлар, тиббиёт хизматлари, пулларни сақлаш, қимматли коғозлар ва кўчмас мулк билан операциялар, суғурта ва бошқа фаолият турлари.

Бозор муносабатлари жадаллашиши туфайли жамиятда янги хизматлар турлари пайдо бўлиб, ривожланмоқда. Уларга қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

– янги турдаги ишбилармонлик (касбий) хизматлари – кўчмас мулк билан савдо қилиш, вақтинчалик эркин пулларни жойлаштириш, ахборот, маркетинг ва реклама хизматлари, бухгалтерия баланси ва ҳисоботларни тузиш, электрон котиба;

– болаларни тарбиялаш ва ўқитиш бўйича хизматлар – тарбиячилар, хусусий боғчалар ва мактаблар;

– ҳайвонларни парваришлаш бўйича хизматлар – уларни даволаш, боқиш, сайр қилдириш ва вақтинча қараб туриш;

– жамиятда эҳтиёж мавжуд бўлган бошқа турдаги хизматлар.

Айни пайтда хизмат кўрсатиш соҳасининг ўсиш суръатлари, янги пайдо бўлган хизматлар турлари сони, бозор ҳамда истеъмолчилар эҳтиёжларига мослашиши, аввало, аҳоли турмуш фаровонлигини ҳар қачонгидан яхшилашда қўл келаяпти. Иккинчидан, жаҳон иқтисодиётидаги ўзгаришлар Ўзбекистон иқтисодиётининг бошқа жабҳалари қатори хизматлар кўрсатиш соҳасини ҳам давр талабларига мослаштиришни тақозо этмоқда. Шу боис юртимизда бу масалага устувор вазифалардан бири сифатида жиддий эътибор қаратилмоқда.

Хизматлар соҳасини ривожлантириш дастурининг асосий вазифалари ва йўналишларини амалга ошириш жараёнида 2010–2023 йилларда бозор хизматлари ҳажми таққослама баҳоларда 5,1 марта ошди. Аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматлар ҳажми мазкур даврда 4 мартага ўсди ва жорий баҳоларда12,9 млн.сўмни ташкил этди.

Хизмат кўрсатиш таснифи хусусида фикр юритилганда, шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, хизматлар соҳасининг ривожланганлик даражасига кўра турли мамлакат ва минтақаларда хизматлар ва таснифлагичлар сон ҳамда таркиб жиҳатидан фарқ қилади. Агар ушбу назарий хулосадан келиб чиқадиган бўлсак, хизмат сифатига қуйидагича таъриф бериш мумкин: хизмат сифати деганда жамиятнинг (одамлар, корхоналар ва давлатнинг) хизматларга бўлган эҳтиёжини тўлалигича юқори савияда қондиришга қаратилган ва уларга кам харажатлар билан тегишли даражада моддий ва маънавий жиҳатдан наф келтирадиган нуқсонсиз хизматлар мажмуаси тушунилади.

Маълумки, хизматлар соҳаси ривожланишида кичик бизнеснинг ҳиссаси ортиши сервис ва хизматлар соҳаси тармоқлари ривожида муҳим омиллардан бирига айланди. Бу соҳада кичик корхоналар ва микрофирмалар учун кредитлаш ва имтиёзли солиққа тортиш бизнесни ривожлантириш ва хизматларни кенгайтириш учун рағбат бўлди.

Республикамиз ҳудудларини ривожлантириш мақсадида молиявий хизматлар кўрсатишни янада кенгайтириш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

– жаҳон тажрибасига асосан тадбиркорларга кўчар мулк гарови асосида кредитлашни йўлга қўйиш керак. Бу ҳудудларда кредитлаш ҳажмини оширади, активларни харакатга келтиради. Чунки республикамизда мавжуд кўчар мулкларнинг асосий қисми гаровга қўйилган;

– ҳудудларда уларнинг хусусиятини ҳисобга олган ҳолда янги молия институтларини, хусусан, микрокредит ташкилотлари, қишлоқ кредит кооперативлари, жамғарма қурилиш кассаларини очишни йўлга қўйиш лозим;

– республикамиз ҳудудларида, айниқса, меҳнат ресурслари ортиқча ва аҳоли даромадлари даражаси паст бўлган қишлоқ ҳудудларида микромолиялаштириш ташкилотларини очишни рағбатлантириш, хусусан, солиқ имтиёзлари бериш, бинолар ажратиш, кредит линиялари очиш зарур. Улар эса, ўз навбатида, гаровсиз кредитлаш механизмини кенг қўллаши мақсадга мувофиқдир, чунки аҳоли тадбиркорлик билан шуғулланиши учун кредит олишига таъминот мавжуд эмаслиги тўсқинлик қилмоқда;

– тадбиркорлик билан шуғулланмоқчи бўлган аҳоли банк ва бошқа молия институтларининг микрокредитларидан фойдаланишда жамғарилиб бориладиган пенсия тизимидаги маблағларидан кафолат сифатида фойдаланишга рухсат бериш лозим. Бу кўпчилик аҳолига тадбиркорликни бошлашлари учун кредит, айниқса, микрокредит олишда таъминот масаласини ижобий ҳал қилиш имконини беради.

“Хизматлар” тушунчаси кенг қамровли тушунчаларни ўз ичига олади. Умуман олганда, хизмат деганда, яққол моддий кўринишга эга бўлмаган турлича фаолият турлари тушунилади.

Хизматлар ва сервис соҳасини ривожлантиришнинг афзалликлари қуйидагиларда намоён бўлади:

• инсоннинг камол топиши, ривожланиши ва баркамоллигини таъминлашни рағбатлантирувчи соҳа;

• истеъмол бозорини замонавий хизмат турлари билан тўлдиради ва ҳажмини оширади;

• иқтисодиётни ривожлантиришга сезиларли таъсир кўрсатади;

• катта маблағ талаб этилмайди, ташкил этиш учун маҳаллий моддий ресурслардан кенг фойдаланиш имкониятлари бор;

• аҳолининг эҳтиёжи узлуксиз ўсиб боради;

• иқтисодиётда банд бўлган аҳоли сони ортади;

• аҳоли даромадларини оширади;

• истеъмол бозорини замонавий, сифатли хизматлар турлари билан тўлдиради;

• айниқса, қишлоқ жойларидаги аҳолига кўрсатилаётган хизматлар ва сервис соҳа тармоқлари кўпайиб, хизмат кўрсатиш даражасини ўстиради;

• иқтисодий ўсишни таъминлайди.

Хулоса

Фикримизча, хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантириш айниқса, қишлоқ жойларида кўрсатилаётган хизматларнинг турини кенгайтириш ҳамда сифатини яхшилаш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

• қишлоқ аҳоли пунктларида хизмат кўрсатиш корхоналарини ривожлантириш, биринчи навбатда, коммунал-маиший, уй-жойларни таъмирлаш ва қуриш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш;

• хизмат кўрсатиш соҳасида тадбиркорларнинг фаоллигини кучайтириш учун шарт-шароитлар яратиш, оилавий тадбиркорлик субъектларига касб-ҳунар билим юртлари ва олий таълим муассасалари битирувчилари орасидан ёшларни жалб этиш;

• аҳоли ўртасида хизматларнинг талаб юқори бўлган янги, истиқболли консальтинг, банк, молия, суғурта, лизинг ва баҳолаш каби турларини жадал ривожлантириш;

• ҳар бир ҳудуднинг хусусиятларидан келиб чиқиб, хизмат кўрсатиш соҳаларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳиссасининг улуши ошиб боришига эришиш мақсадида шарт-шароитлар яратиш;

• хизмат кўрсатиш соҳасини кенг ривожлантириш мақсадида мазкур соҳада ишлайдиган кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратиш;

• аёлларнинг иш билан бандлиги хизмат кўрсатиш соҳаларида ўсиб бораётганлигини ҳисобга олиб, уларнинг касбий фаолиятларини оилавий юмушлар, фарзандлар тарбияси билан бирга уйғун тарзда йўналтиришлари учун бандликнинг ностандарт турларидан фойдаланиш.

– муҳандислик-коммуникация, йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш, тармоқларда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ҳисобига хизматлар соҳасини, таркибий ўзгартиришларни жадал ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш;

– рақобат муҳитини шакллантириш, кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ривожлантиришга кўмаклашиш;

– турли инновация хизматларини, янги алоқа воситаларини кенгайтириш;

– энг янги электрон, тўлов технологияларини жорий этган ҳолда молия хизматларини ривожлантириш;

– соғлиқни сақлаш соҳасида юқори технологияли хизматларни янада ривожлантириш;

– хизмат кўрсатиш жараёнида янги билимларга (илм-фанга) доимо талаб юқори бўлган, шу сабабли соҳани ривожлантириш учун инсон капиталини ошириш, аҳоли турмуш даражасини яхшилаш мақсадида сўнгги технологиялардан фойдаланиш;

– хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш ва бу соҳада давлат сиёсатини олиб бориш имконини берувчи ишончли статистик маълумотларга эҳтиёж бўлгани туфайли хизматлар соҳасини ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини яратиш;

Юқорида таклиф этилган фикр ва мулоҳазаларни амалиётга татбиқ этилиши хизматлар соҳасини такомиллаштиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 майдаги ПҚ-5113-сон “Хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.// “Халқ сўзи”, 2021 йил 12 май.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январдаги ПФ-60-сон “2022-2026-йилларга моължалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони. www.lex.uz.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023-йил 11-сентябрдаги ПФ-158-сон “Ўзбекистон – 2030” стратегияси тўғрисидаги Фармони. www.lex.uz.
4. Казинец Л.С. Измерение структурных сдвигов в экономике.-М.: Экономика.1969. С.3
5. Красильников О.Ю. Структурные сдвиги в экономике. Саратов: Изд-во СГУ, 2001. 164 с.
6. Хужакулов Х.Д. Ўзбекистонда хизматлар соҳасининг ривожланиши ва таркибий ўзгаришларини статистик ўрганиш // “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали, 2017-йил декабр, 6-сон.
7. Мухаммедов М.М. ва бошқалар. Хизмат кўрсатиш ва туризмнинг назарий асослари. Монография.- Самарқанд, СамИСИ, 2016.
8. Хужақулов Х.Д, Рўзиев А. И. «Ўзбекистонда хизматлар соҳаси ривожланиши тенденцияларининг статистик таҳлили»// “Молия” илмий журнал, 2022-йил, 6-сон.

UO‘T 33.330

Xaydarov Asqarbek,
Iqtisodiyot bo‘yicha falsafa fanlari doktori (PhD)
“Budjet hisobi va g‘aznachilik” kafedrasi professori
Toshkent Davlat iqtisodiyot universiteti
E-mail: xaydarobasqar1970@gmail.com

O‘ZBEKISTONDA PENSIYA TIZIMINI ISLOH QILISHNING JAHON TAJRIBASI VA UNI QO‘LLASH IMKONIYATLARI

Хайдаров Аскарбек,
Доктор философии по экономике (PhD)
Профессор кафедры «Бюджетный учет и казначейство»
Ташкентский государственный экономический университет
Электронная почта: khaydarobasqar1970@gmail.com

МИРОВОЙ ОПЫТ РЕФОРМЫ ПЕНСИОННОЙ СИСТЕМЫ В УЗБЕКИСТАНЕ И ВОЗМОЖНОСТИ ЕЕ ПРИМЕНЕНИЯ

Haydarov Askarbek,
Doctor of Philosophy in Economics (PhD)
Professor of the “Budget Accounting and Treasury” Department
Tashkent State University of Economics
E-mail: khaydarobasqar1970@gmail.com

THE FOREIGN EXPERIENCE OF REFORMS IN PENSION SYSTEM OF UZBEKISTAN AND IT’S POSSIBLE USES

Annotatsiya. *Maqolada O‘zbekistonda pensiya tizimini isloh qilishning jahon tajribasi, «Avlodlar birdamligi» tizimining samarasizligi va pensiya tizimlarini moliyalashtirishning yangi tamoyillarini joriy etish, pensiya yoshini oshirish, pensiyaga chiqish shartlarini qaytadan ko‘rib chiqish, jahonda so‘nggi yillarda pensiya tizimidagi muammolar va unga ta’sir etayotgan omillar tadqiq etilgan.*

Tayanch so‘zlar: *pensiya tizimi, avlodlar birdamligi, moliyalashtirish, jahon tajribasi, istiqbol, tamoyillar, dunyo aholisi, demografik o‘zgarishlar, fondlar barqarorligi.*

Аннотация. *В статье исследуется мировой опыт реформирования пенсионной системы в Узбекистане, неэффективность системы “солидарность поколений” и внедрение новых принципов финансирования пенсионных систем, повышение пенсионного возраста, пересмотр условий выхода на пенсию, проблемы пенсионной системы в последние годы в мире и факторы, влияющие на нее.*

Ключевые слова: *пенсионная система, солидарность поколений, финансирование, мировой опыт, перспективы, принципы, население мира, демографические изменения, устойчивость фондов.*

Annotation. *In this article the world experience of reforming the pension system in Uzbekistan, the ineffectiveness of the "Unity of generation" system and the introduction of new prinsiples in financing pension systems, increasing the retirement age, rechecking the regulation for the retirement, the problems and some factors that are affecting to the pension system in the world in recent years were researched.*

Key words: *pension system, unity of generation, financing, world experience, prospect, prinsiples, world population, demographic changes, the stability of funds.*

Kirish

Jahonda so‘nggi yillarda pensiya tizimidagi muammolar eng ko‘p muhokama qilinayotgan mavzulardan biri bo‘lib qolmoqda. Pensiya tizimiga ta’sir etayotgan omillar, jumladan, demografik o‘zgarishlar, ishlovchilarning pensiya tizimiga qamrov darajasini (qamrov koeffitsiyenti) pastligi, pensiya ta’minotining yetarli darajada emasligi (qoplash koeffitsiyenti), iqtisodiy va moliyaviy inqirozlar sabab mazkur tizimni yanada isloh qilish, uni hozirgi bozor iqtisodiyotiga moslashtirish borasida dunyo mamlakatlarida, xalqaro moliya tashkilotlarida keskin muhokamalar ketmoqda.

Jumladan, xorijiy mamlakatlar Pensiya fondlari amaliyoti shuni ko‘rsatmoqdaki, dunyo mamlakatlari aholisining demografik o‘zgarishi, iqtisodiyotning rivojlanishi aholining turmush tarzi yaxshilanishi natijasida ularning o‘rtacha umr ko‘rish yoshining oshib borayotganligi va mehnat faoliyati bilan band bo‘lgan aholiga nisbatan pensionerlar ulushining oshib borayotganligi natijasida Pensiya fondlarini moliyaviy ta’minlashda yuzaga kelayotgan muammolar avlodlar birdamligiga asoslangan pensiya tizimidan jamg‘arib boriladigan nodavlat pensiya fondlarini tashkil qilish va ularning moliyaviy daromadlarini oshirishda jamg‘arma mablag‘larini investitsion faoliyatini shakllantirish va ularni samarali boshqarish mexanizmlarini ishlab chiqishni taqozo qilmoqda.

Mavzuga oid adabiyotlar sharhi

O‘zbekistonda uzoq istiqbolga mo‘ljallangan barqaror iqtisodiy-ijtimoiy rivojlanishni ta’minlash, tub islohotlarning samaradorligini oshirish, aholining real daromadlarini va xarid qobiliyatini oshirish, kam ta’minlangan oilalar sonini va aholining daromadlari bo‘yicha farqlanish darajasini kamaytirish, ijtimoiy xizmat ko‘rsatishni yaxshilashga alohida e’tibor qaratish belgilangan. Xususan, aholini ijtimoiy qo‘llab-quvvatlash 2022–2026-yillarga mo‘ljallangan Yangi O‘zbekistoning taraqqiyot strategiyasida barcha yo‘nalishlar bo‘yicha cohalarni rivojlantirish chora-tadbirlari rejasi ishlab chiqilgan va vazifalar belgilangan. Jumladan, «pensiya ta’minoti tizimini takomillashtirish, pensiya va ijtimoiy nafaqalar miqdorlarini indeksatsiya qilish»[1] taraqqiyot strategiyasining muhim maqsadlaridan biri sifatida keltirilgan.

Jahonda aholi sonining keskin o‘sishi, bunga mos ravishda o‘rtacha umr ko‘rish yoshining oshib borayotganligi kelajakda pensiya tizimida yangi xavotirlarni keltirib chiqarmoqda. Jumladan, Birlashgan Millatlar Tashkiloti (BMT) 2022-yilda sayyoradagi demografik holatning rivojlanish prognozlari to‘g‘risida «Jahon aholisining istiqbollari» (World Population Prospects)

bo‘yicha hisobotini taqdim etdi. Keltirilgan ma’lumotlarga ko‘ra, «2022-yil 15-noyabrga qadar dunyo aholisi 8 milliardga yetishi ta’kidlangan va bu amalda o‘z isbotini topdi. Shuningdek, hisobotda dunyo aholisi 1950-yildan beri eng past sur’atlarda o‘sishiga qaramasdan, 2030-yilda 8,5 milliard va 2050-yilga borib 9,7 milliardga yetishi prognoz qilinmoqda. Aholi o‘sishining eng yuqori cho‘qqisi 2080-yilga borib 10,4 milliardga yetishi hamda keyingi 20 yil davomida bu ko‘rsatkich o‘zgarishsiz qolishi aytilgan»[2].

Jahon tajribasi asosida «Yana bir guruh mutaxassislar pensiya tizimlarini tashkil etishning anglosakson (Beverij modeli) va kontinental (Bismark modeli) tizimlarini farqlashadi» [3]. Ularning fikricha Beverij modeliga (Buyuk Britaniya, AQSH, Kanada) xos xususiyatlar quyidagilardan iborat: ish haqi miqdorining yalpi ichki mahsulotdagi ulushining yuqoriligi (60–65%), taqsimot tizimiga ajratilayotgan badallar miqdorining kamligi (ish haqi miqdoriga nisbatan 12–14 % yoki yalpi ichki mahsulot (YIM) ga nisbatan 6–7%), qo‘shimcha pensiya jamg‘armalarining mavjudligi (YIMga nisbatan 3–4%).

Pensiya tizimini isloh qilish va takomillashtirishga bo‘lgan ilmiy yondashuvlar o‘zbekistonlik iqtisodchi olimlar A.Vaxabov, G.Kasimovalarning tadqiqotlarida «pensiya ta’minoti tizimining ayrim jihatlari, jumladan, tashkiliy-huquqiy asoslari, nazariy-uslubiy jihatlari, moliyalashtirish manbalari, mehnat stajining pensiya tizimiga ta’siri, pensiya yoshi, davlat pensiyalari, jumladan, yoshga doir pensiyalarni tayinlash bilan bog‘liq muammolar, pensiya tizimini rivojlantirishning xorij tajribalari asosida milliy pensiya tizimini takomillashtirish bo‘yicha taklif va tavsiyalar ishlab chiqilgan. pensiya tizimidagi tarkibiy o‘zgarishlar tadqiq etilgan»[4].

D.Sholdarovning ilmiy ishlarida «fuqarolar pensiya ta’minoti tizimi, undagi muammolar va ularni bartaraf etish, Pensiya jamg‘armasining moliyaviy barqarorligini ta’minlashning ilmiy-nazariy asoslari, jamg‘armaning daromadlari va xarajatlari hamda moliyaviy barqarorligini ta’minlash yo‘nalishlari tadqiq etilgan bo‘lib, ular yuzasidan muhim ilmiy xulosalar shakllantirilgan va taklif-tavsiyalar ishlab chiqilgan»[4].

Tadqiqot metodologiyasi

Maqolada kutarilgan muammolar bo‘yicha xorijiy va mahalliy mutaxassislarning sohaga oid adabiyotlarda chop etilgan qarashlari, ular tomonidan taklif etilgan g‘oyalar va ishlanmalar atroflicha tahlil etilib, muallif tomonidan ishlab chiqilgan tavsiya va takliflar asoslashda induksiya va deduksiya, taqqoslash, adabiyotlar tahlili kabi usullardan foydalanildi.

Natija va muhokama

«Hozirgi kunga qadar pensiya ta’minoti tizimi rivojlanishida bir necha bosqichlarni bosib o‘tgan. Ilk klassik pensiya tizimlari XIX asrning oxirida paydo bo‘lgan. Bu sohadagi dastlabki to‘laqonli pensiya tizimi Germaniyaga tegishlidir. 1883–1884-yillarda Germaniyada kasallar va ishlab chiqarishda nogiron bo‘lganlarni moliyaviy qo‘llab-quvvatlash tizimi joriy etilgan. 1889-yildan boshlab esa pensiya ta’minoti tizimi paydo bo‘ldi. Keyinchalik pensiya ta’minoti tizimi Yevropaning Daniya (1891-y.), Buyuk Britaniya (1908-y.), Fransiya (1910-y.), Shvetsiya (1913-y.), Italiya va Niderlandiya (1919-y.) kabi mamlakatlarida joriy etildi» [5].

Ayrim mutaxassislar pensiya tizimlarini davlatning iqtisodiyotdagi roli, xususiy va davlat pensiya tizimlari komponentlarining o‘zaro nisbatidan kelib chiqib guruhlashga harakat qilishadi. Ularning fikricha, pensiya tizimlari evolyutsiyasi davlat modellarining

aralash modellarga qarab, aralash modellardan esa xususiy modellarga qarab rivojlangan (1-jadval).

1-jadval

«Pensiya tizimlarining guruhlanishi»[1]

Davlat pensiya tizimlari	Xususiy pensiya ta'minoti bilan to'ldirilgan davlat pensiya tizimlari	Davlat pensiya ta'minoti bilan to'ldirilgan xususiy pensiya tizimlari	Xususiy pensiya tizimlari
Sobiq Ittifoq va boshqa sotsialistik mamlakatlar, Italiya	AQSH, Kanada, Avstraliya, Germaniya	Buyuk Britaniya, Yaponiya	Chili

«Yana bir guruh mutaxassislar pensiya tizimlarini tashkil etishning anglosakson (Beverij modeli) va kontinental (Bismark modeli) tizimlarini farqlashadi»[6].. Ularning fikricha, «Beverij modeliga (Buyuk Britaniya, AQSH, Kanada) xos xususiyatlar quyidagilardan iborat: ish haqi miqdorining yalpi ichki mahsulotdagi ulushining yuqoriligi (60–65%), taqsimot tizimiga ajratilayotgan badallar miqdorining kamligi (ish haqi miqdoriga nisbatan 12–14 % yoki yalpi ichki mahsulot (YIM)ga nisbatan 6–7%), qo'shimcha pensiya jamg'armalarining mavjudligi (YIMga nisbatan 3–4%)»[7].

«Bismark modeli (Germaniya, Italiya, Avstriya, Fransiya) esa quyidagi xususiyatlarga ega: ish haqi miqdorining YIMdagi ulushining kamligi (45–50%), badallar miqdorining yuqoriligi (YIMga nisbatan 15 %gacha), qo'shimcha pensiya jamg'armalarining mavjudligi (YIMga nisbatan 2–3%)»[7].

Shuningdek, jahon amaliyotida pensiya tizimlarini isloh qilishning bir necha modellari mavjud bo'lib, bular:

«Lotin Amerikasi modeli – ishchi-xodimlar pensiya jamg'armalarini shakllantirishda individual hisob raqamlarini ochish orqali amalga oshiradilar va boshqaruv kompaniyasini o'zlari mustaqil tanlashlari mumkin. Lotin Amerikasi modeli ilk bor 1980-yilda Chilida amalga oshirilgan bo'lib, keyinchalik Argentina, Peru, Kolumbiya, Meksika, Urugvay kabi davlatlarda joriy etilgan. Iqtisodiy hamkorlik va taraqqiyot tashkiloti (IHTT) modeli – korporativ pensiyaga asoslangan bo'lib, pensiya jamg'armalarini investisiya maqsadlarida boshqarishni amalga oshiruvchi kompaniyalar ish beruvchi yoki kasaba uyushmalarining ishonchli vakillari tomonidan tanlanadi. Shved modeli – pensiya tizimining birinchi taqsimotga asoslangan darajasi shartli jamg'ariladigan komponent bilan to'ldiriladi»[8].

Davlatlarda pensiya tizimining vazifalarini amalga oshirishda quyidagi ikki – bir-biridan tubdan farq qiluvchi moliyaviy mexanizm farqlanadi: taqsimlanuvchi va jamg'ariladigan. Taqsimot tizimi «avlodlar birdamligi» tamoyiliga asoslangan bo'lib, pensionerlarga pensiya to'lovlari keyingi avlod tomonidan to'lanadigan badallari hisobidan ta'minlanadi.

«Jamg'ariladigan tizimda esa badallar pensionerlarga joriy to'lovlarni amalga oshirish uchun emas, balki kapitallashtirish va investitsiyalashdan olingan daromadlar bilan birgalikda keyinchalik jamg'arishni amalga oshirgan shaxslarning pensiya ta'minoti uchun foydalaniladi. Aksariyat mamlakatlarda pensiya tizimlarida taqsimot va jamg'ariladigan tamoyillari ustuvorligi sharoitida aralash qo'llaniladi» [7].

[1] Роик В.Д. Эволюция пенсионных систем: мировые тенденции и опыт России //Человек и Труд. 2008. № 8. http://www.chelt.ru/2008/8-08/roik808.html.

2-jadval

«Xalqaro amaliyotda pensiya yoshi va mehnat staji talablari»[2]

Mamlakatlar	Pensya tizimi mezonlari	
	Pensiya yoshiga nisbatan	**Ish stajiga nisbatan**
Germaniya	67 yoshga to‘lganda	5 yil ish staji (2012-yildan boshlab)
	60 yoshga to‘lganda	– 35 yil ish staji (to‘liq yoki qicman mehnat layoqatini yo‘qotilganda); – 15 yil ish staji (ishsiz yoki to‘liqsiz ish stajiga ega bo‘lganda, bunda fuqaro oxirgi yarim yillikda 52 hafta davomida ishsiz sifatida ro‘yxatdan o‘tgan, 24 oy davomida to‘liq ish bilan band bo‘lmaganda); – 15 yillik stajga ega ayollar uchun pensiya (ish staji 10 yil va 1 oyi 40 yoshdan keyinga to‘g‘ri kelishi lozim);
Yaponiya	65 yoshga to‘lganda	– 25 yil ish staji (tayanch pensiya tizimi uchun); – 10 yil ish staji (keksalik pensiya ta’minoti);
Fransiya	– 62 yoshga to‘lganda (minimum) – 67 yoshga to‘lganda (1952 yildan keyin tug‘ilganlar uchun)	40 yil ish staji (166 – pensiya badallar to‘lovi bo‘yicha talab qilinadigan kvartallar soni)
Norvegiya	67 yoshga to‘lganda	40 yil ish staji (agar fuqaro 16-60 yoshgacha mamlakatda kamida 3 yil ish staji bo‘lsa, minimal tayinlanishi mumkin)
Rossiya	erkaklar uchun 65 yosh, ayollar uchun 60 yosh	2024-yilgacha kamida 14 yil ish stajiga, 2024-yildan boshlab kamida 15 yil ish stajiga ega bo‘lganda
Qozog‘iston	63 yoshga to‘lganda	35 yil ish staji (agar ish staji 10 yildan kam bo‘lsa, tayanch pensiya ajratiladi)
Latviya	65 yoshga to‘lganda	20 yil ish staji
Ozarbayjon	65 yoshga to‘lganda	fuqarolarda yoshga doir pensiya olish huquqi paydo bo‘lganda agarda sug‘urta staji 25 yil bo‘lganda yoki sug‘urta staji minimal pensiya kapitalidan kam bo‘lmaganda tayinlanadi

[2] А.В.Вахобов, Ш.Х.Хажибакиев, Б.Б.Бахтиёров, «Пенция тизимини ривожлантиришнинг хориж тажрибаси». «Иқтисод-Молия», 2018.

Dunyo mamlakatlaridagi amal qilayotgan pensiya tizimlarini tahlil etishda mamlakatlarning iqtisodiy rivojlanish darajasi, aholining kutilayotgan umr ko‘rish davomiyligi va pensiyaga chiqish yoshi kabi ko‘rsatkichlarni hisobga olish lozim va ular pensiya darajasini belgilashda muhim ahamiyat kasb etadi.

«Pensiya ta’minoti tizimi o‘zining ijtimoiy-iqtisodiy mohiyatiga ko‘ra, jahondagi barcha davlatlarda, aholini ijtimoiy himoyalash siyosatini amalga oshirishda markaziy bo‘g‘in hisoblanadi. Hozirda pensiya tizimi orqali dunyo mamlakatlarida yaratilgan YIMning o‘rtacha 11 foiziga yaqin qismi qayta taqsimlanadi»[9]. Shuning natijasida, bugungi kunda ularda pensiya chiqish uchun talab etiladigan yosh va ish staji talablari mamlakat iqtisodiyotidan kelib chiqqan holda farqlanishini kuzatish mumkin (2-jadval)

Bugungi kunda xorijiy mamlakatlar pensiya ta’minoti amaliyoti shuni ko‘rsatmoqdaki, dunyo mamlakatlari aholisining demografik o‘zgarishi, iqtisodiyotning rivojlanishi sari aholining turmush tarzi yaxshilanishi natijasida ularning o‘rtacha umr ko‘rish yoshining oshib borayotganligi va mehnat faoliyati bilan band bo‘lgan aholiga nisbatan pensionerlar ulushining oshib borayotganligi natijasida pensiya fondlarini moliyaviy ta’minlashda yuzaga kelayotgan muammolar avlodlar birdamligiga asoslangan pensiya tizimidan nodavlat pensiya fondlarini tashkil etishni va ularning moliyaviy daromadlarini oshirishda jamg‘arma mablag‘larini investitsion faoliyatini shakllantirish hamda ularni samarali boshqarish mexanizmlarini ishlab chiqishni taqozo qilmoqda.

3-jadval

“Xalqaro mehnat tashkilotining 102-sonli Konvensiyasida belgilangan ijtimoiy ta’minotning minimal me’yorlari” [3]

№	Moddiy jihatdan mablag‘ bilan ta’minlanadigan ijtimoiy risk turlari	Ijtimoiy xavf bo‘yicha moddiy ta’minot huquqi mavjud toifalar (oila hisobiga)	Ilgari olingan daromadiga nisbatan to‘lov miqdori, %da
1.	Kasallik (vaqtinchalik ishga layoqatsizlik)	Oila uchun (erkak kishi turmush o‘rtog‘i va ikki nafar farzandi bilan)	45
2.	Ishsizlik (rasmiy ishsizlik)	Oila uchun (erkak kishi turmush o‘rtog‘i va ikki nafar farzandi bilan)	45
3.	Qarilik (keksalik)	Pensiya yoshidagi erkak kishi va uning turmush o‘rtog‘i uchun	40
4.	**Ishlab chiqarishdagi baxtsiz hodisalar (mehnatda jarohatlanish) va kasb kasalligi:**		
4.1.	Mehnat qobiliyatini yo‘qotilishi	Oila uchun (erkak kishi turmush o‘rtog‘i va ikki nafar farzandi bilan)	50
4.2.	Nogironlik	Oila uchun (erkak kishi turmush o‘rtog‘i va ikki nafar farzandi bilan)	50
4.3.	Boquvchisini yo‘qotganlik	Beva ayol uchun (ikki nafar farzandi bilan)	40

[3] Конвенция N-102 Международной организации труда «О минимальных нормах социального обеспечения». Статья 67. (Заключено в г. Женева 28.06.1952). Приложение к разделу XI периодические выплаты типовому бенефициарию. – С. 21.

5.	Onalik (homiladorlik va tug‘ish nafaqalari)	Ayol kishi uchun	45
6.	Nogironlik	Oila uchun (erkak kishi turmush o‘rtog‘i va ikki nafar farzandi bilan)	40
7.	Boquvchisini yo‘qotganlik	Beva ayol uchun (ikki nafar farzandi bilan)	40

Xorij tajribasini tahlil qilgan holda ilg‘or xorij tajribalarini milliy pensiya tizimini isloh qilishda qo‘llash va shu orqali Xalqaro mehnat tashkiloti (XMT) ning 102-conli Konvensiyasida belgilangan ijtimoiy ta’minotning minimal me’yorlarini mamlakatda ta’minlash dolzarb hisoblanadi.

Pensiya tizimlarini isloh etishdan maqsad pensionerning minimal turmush darajasini ta’minlab bera oladigan minimal pensiyani joriy etish, mehnat faoliyati davomida to‘langan badallar va pensiya miqdori o‘rtasida bevosita bog‘liqlikni ta’minlash, pensiya to‘lovlarini moliyalashtirish manbalarini tabaqalashtirishdan iborat.

Pensiya islohotlari natijasida qayta taqsimlanadigan pensiya tizimidan jamg‘ariladigan pensiya tizimiga o‘tiladi. Qayta taqsimot jarayonlarining bekor qilinishi aholi qarishi jarayonining pensiya tizimi moliyaviy barqarorligiga salbiy ta’sirini yumshatishga olib keladi. Pensiyaga chiquvchilar tomonidan jamg‘arilgan kapitalga ehtiyojning yo‘qligi sababli ularni jamg‘arish, investitsiyalashga yo‘naltirish imkoniyati paydo bo‘ladi. Bu esa makroiqtisodiy holatning yaxshilanishi, iqtisodiy o‘sishga olib keladi. Pensiya tizimining rivojlanishida ijtimoiy himoya tamoyillaridan ijtimoiy sug‘urta tamoyillariga o‘tish ro‘y beradi.

Dunyo mamlakatlarida amalga oshirilayotgan pensiya islohotlarini ikki guruhga ajratish mumkin:

– pensiya tizimlariga sezilarsiz o‘zgartirishlar kiritish bilan bog‘liq «kosmetik» islohotlar;

– pensiya tizimlarini tubdan isloh etish bilan bog‘liq «chuqur» islohotlar.

–

4-jadval

“Dunyo mamlakatlarida amalga oshirilayotgan pensiya islohotlari”[4]

Turi	Islohotlar yo‘nalishi	O‘zgartirilayotgan ko‘rsatkichlar
«Kosmetik» islohotlar	Pensiya olish huquqini beruvchi mezonlar	Pensiya yoshi
		Mehnat staji
	Badallar tarkibi	Qamrov darajasi
		Badallar stavkasi
		Badal undirish bazasi
		Manbasi
		Badallarni soliqqa tortish
	To‘lovlar tarkibi	Pensiyani hisoblash formulasi
		Pensiyani hisoblash bazasi
		Pensiyalarni indeksatsiyalash
		Minimal pensiya
		To‘lov shakli
		To‘lovlarni soliqqa tortish
	Ma’muriyat	Boshqaruv organi
		Investitsiya siyosati

[4] Вахабов А.В. ва бошқ. Пенсия тизимини ривожлантиришнинг хориж тажрибаси. Дарслик. – Тошкент: «Иқтисод-молия», 2018. 400-б.

«Chuqur» islohotlar	Taqsimot tizimidan o‘rnatilgan badallar sxemasiga o‘tish	Davlat-xususiy sektor
		Minimal pensiya
		Boshqa kafolatlar
		Yangi tizimga o‘tish
		O‘tish mexanizmi
	Oddiy taqsimot tizimidan shartli-jamg‘ariladigan tizimga o‘tish	Minimal pensiya
		Boshqa kafolatlar
		Yangi tizimga o‘tish
		O‘tish mexanizmi
	Yangi tizim	Qamrov darajasi
		Badallar stavkasi
		Badal undirish bazasi
		Pensiyalarni hisoblash formulasi
		Pensiyalarni hisoblash bazasi
		Pensiyalarni indeksatsiyalash
		O‘tish mexanizmi

“Kosmetik islohotlarga amaldagi davlat pensiya tizimiga sezilarsiz o‘zgartirishlar kiritish bilan bog‘liq chora-tadbirlar kiradi. Ushbu islohotlarning maqsadi pensiya tizimidagi moliyaviy muammolarni bartaraf etish hisoblanadi. Kosmetik islohotlar bilan bog‘liq chora-tadbirlar pensiya olish huquqi, badallar tarkibi, to‘lovlar tarkibi va ularni taqdim etish tartibiga o‘zgartirishlar kiritish kabi tadbirlarni qamrab oladi. Aksariyat hollarda kosmetik islohotlar amaldagi davlat pensiya tizimidagi muammolarni to‘liq hal qilish imkonini bermaydi, ammo ushbu tadbirlar moliyaviy inqirozlarning salbiy ta’sirini yumshatish imkonini beradi”[6].

“Chuqur” pensiya islohotlar deyilganda, amaldagi pensiya tizimini tubdan o‘zgartirishga olib keladigan – o‘rnatilgan to‘lovlar shemasi o‘rniga o‘rnatilgan badallar sxemasi (yoki aksincha) yoki taqismotga asoslangan pensiya tizimi o‘rniga jamg‘ariladigan pensiya tizimlari (yoki aksincha) joriy etiladigan pensiya islohotlari tushuniladi. «Noldan», yangi pensiya tizimini amaliyotga joriy etish ham «chuqur» pensiya islohotlari sirasiga kiradi (4-jadval).

Pensiya islohotlari dunyoning aksariyat mamlakatlarida amalga oshirilayotganligiga qaramasdan ularning taxminan 25 foizida «chuqur» pensiya islohotlari o‘tkazilmoqda. Ularning 1/3 qismida jamg‘ariladigan pensiya tizimidan taqsimotga asoslangan pensiya tizimiga o‘tish yoki yangi taqsimotga asoslangan pensiya sxemalarini joriy etish amalga oshirilmoqda.

O‘zbekistonda oxirgi 5 yillikda pensiya va ijtimoiy nafaqa oluvchilar soni 2019-yilda 3878,0 ming nafar bo‘lgan bo‘lsa, 2023-yilga kelib bu ko‘rsatkich 4447,5 ming nafarga yetgan, ya’ni 17 foizga ko‘paygan. Bunda eng yuqori ulush yoshga doir pensiya oluvchilar hissasiga to‘g‘ri kelib, 3839,5 ming nafarni tashkil qilmoqda (5-jadval).

Keyingi o‘rinlarda nogironlik pensiyasini oluvchilar 426,5 ming nafar, boquvchisini yo‘qotganlik pensiyasini oluvchilar 230,3 ming nafar, ijtimoiy nafaqalarni oluvchilar esa 608,8 ming nafarni tashkil qilmoqda.

Pensiya jamg‘armasi birinchidan davlat pensiyalarini (yoshga doir, nogironlik, boquvchisini yo‘qotganlik) tayinlash va to‘lash, pensionerlarni pensiyaga bo‘lgan huquqlarini kafolatlash bilan shug‘ullansa, ikkinchidan, kambag‘allikni qisqartirishga qaratilgan ijtimoiy himoya instituti sifatida namoyon bo‘ladi.

5-jadval

O‘zbekistonda pensiya va ijtimoiy nafaqa oluvchilar soni[5]

Yil	Pensiya va nafaqa oluvchilarning umumiy soni	Yoshga doir pensiya oluvchilar soni	Nogironlik pensiyasini oluvchilar soni	Boquvchisini yo‘qotganlik pensiyasini oluvchilar soni	Ijtimoiy nafaqa oluvchilar soni
2019	3 878 000	2 750 000	392 000	261 000	475 000
2020	4 029 000	2 849 000	396 000	270 000	514 000
2021	4 253 000	2 987 000	409 000	289 000	568 000
2022	4 346 286	3 124 023	419 825	221 844	580 594
2023	4 447 597	3 839 508	426 532	230 359	608 890

[5] www.pfru.uz – Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси расмий веб-сайти маълумотлари.

Xulosa

Mamlakatimizda ijtimoiy soha borasida jumladan pensiya tizimida olib borilayotgan islohatlarning asl mazmunini tahlil qiladigan bo‘lsak, barchasi insonlarning ijtimoiy jihatdan davlat tomonidan kafolatlanganligini ko‘rishimiz mumkin.

Pensiya tizimini isloh qilishning jahon tajribasi va O‘zbekistonda qo‘llash imkoniyatlariga doir ilmiy tadqiqotlar natijasida quyidagi asosiy xulosalar shakllantirildi.

O‘zbekistonda pensiya tizimini isloh qilishda jahondagi pensiya tizimi taraqqiy qilgan mamlakatlar tajribalarini chuqur tadqiq qilish va ularni mamlakatimizda qo‘llash imkoniyatlarini baholash zarur. Jahondagi ilg‘or pensiya modellarini joriy etish uchun tizimga oid ko‘rsatkichlarni xalqaro tashkilotlar xususan, Xalqaro Mehnat Tashkiloti, Jahon Banki, Iqtisodiy Taraqqiyot va Hamkorlik Tashkiloti (OECD) indikatorlari orqali tahlil qilish maqsadga muvofiq.

O‘zbekistonning pensiya tizimi islohotlarining samaradorligini baholash maqsadida pensiya tizimini baholovchi xalqaro indikatorlar Global pensiya indeksi (Melbourne Mercer Global Pension Index), Global pensiya indeksi (Global Retirement Index), Keksalarning hayot sifati indeksi (Global AgeWath Index)ning metodikasi orqali baholash va pensiya islohotlarini mazkur indekslar baholashini o‘tkazuvchi tashkiolotlarning tavsiyalari asosida amalga oshirish zarur.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO‘YXATI

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022 yil 28 yanvardagi «2022–2026-yillarga mo‘ljallangan Yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risida» PF-60 con Farmoni. Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi, 21.04.2022 y., 06/22/113/0330-con. // lex.uz/ru/docs/-5841063
2. World Population Prospects-2022. World Population Prospects - Population Division - United Nations. https://www.google.com/search
3. Шатохин И.Г. Пенсионные системы в России и за рубежом: Учебное пособие/Мин-во образования Российской Федерации, Яросл. гос. ун-т им. П.Г. Демидова - Ярославл: Изд-во ЯрГУ. 2002. -С7.
4. Sholdarov D.A. Pensiya ta’minoti mablag‘larini boshqarish. Monografiya. “STAR POLIGRAF” MCHJ nashriyoti. T:. 2017. 225-b.
5. Vaxabov A.V., Kasimova G.A. Budjet tashqari fondlar. Monografiya. – Toshkent: «Iqtisod-moliya», 1996. 260-b.;
6. Шатохин И.Г. Пенсионные системы в России и за рубежом: Учебное пособие/Мин-во образования Российской Федерации, Яросл. гос. ун-т им. П.Г. Демидова - Ярославл: Изд-во ЯрГУ. 2002. -С7.
7. A.V.Vaxobov, Sh.X.Xajibakiyev, B.B.Baxtiyorov, «Pensiya tizimini rivojlantirishning xorij tajribasi». «Iqtisod-Moliya» 2018.
8. Tursunov J.P. «O‘zbekistonda pensiya ta’minoti tizimi barqarorligini ta’minlash yo‘nalishlari» mavzusida iqtisodiyot fanlari doktori (Doctor of Science) dissertatsiyasi avtoreferati. Toshkent. 2023 yil. 81-bet
9. http:// www.pensiondevelopment.org

УЎТ 658,1:338,005

Сулаймонов Баҳодир Абдуалимович,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
“Инновацион менежмент”кафедраси доценти,PhD
e-mail: baxodir_sulaymonov@mail.ru

КОРХОНАЛАРДА РЕСТРУКТУРИЗАЦИЯЛАШ ЖАРАЁНЛАРИНИ БОШҚАРИШНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ МЕХАНИЗМИНИНГ САМАРАЛИ ЙЎЛЛАРИ

Сулаймонов Баходир Абдуалимович,
Ташкентский государственный экономический университет
доцент кафедры «Инновационный менеджмент», PhD
e-mail: baxodir_sulaymonov@mail.ru

ЭФФЕКТИВНЫЕ ПУТИ МЕХАНИЗМА ГОСУДАРСТВЕННОЙ ПОДДЕРЖКИ УПРАВЛЕНИЯ ПРОЦЕССАМИ РЕСТРУКТУРИЗАЦИИ НА ПРЕДПРИЯТИЯХ

Sulaymanov Bakhodir Abdualimovich,
Tashkent State Economic UniversityAssociate Professor,
Department of «Innovative Management», Doctor of Economics
e-mail: baxodir_sulaymonov@mail.ru

EFFECTIVE WAYS OF STATE SUPPORT MECHANISM MANAGEMENT OF RESTRUCTURING PROCESSES AT ENTERPRISES

Аннотация. *Ўзбекистонда иқтисодиётни бошқаришнинг янги самарали восита ва усулларидан фойдаланиш асосида иқтисодий барқарорликни таъминлашда саноат корхоналарида реструктуризациялаш жараёнларини бошқаришни давлат томонидан қўллаб-қувватлашга эътиборни янада кучайтиришни тақозо этмоқда.*

Таянч сўзлар: *саноат корхоналари, ижтимоий инфратузилма, коммуникация, трансформация, реструктуризациялаш, иқтисодий сиёсат, комплекс чора-тадбирлар, фундаментал комплекс, акциядорлик жамияти.*

Аннотация. *В Узбекистане необходимо уделять больше внимания государственной поддержке управления процессами реструктуризации на промышленных предприятиях в целях обеспечения экономической стабильности на основе использования новых эффективных средств и методов управления экономикой.*

Ключевые слова: *промышленная предприятия, социальная инфраструктура, коммуникация, трансформация, реструктуризация, экономическая политика, комплексные меры, фундаментальный комплекс, акционерное общество.*

Annotation. *In Uzbekistan, it is necessary to pay more attention to the state support for the management of restructuring processes in industrial enterprises in order to ensure economic stability based on the use of new effective means and methods of economic management.*

Key words: *industrial enterprises, social infrastructure, communication, transformation, restructuring, economic policy, development strategy, comprehensive measures, fundamental complex, joint-stock company.*

Кириш

Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устивор йуналиши сифатида “Саноат корхоналари ва бошқа ишлаб чиқариш объектлари фаолият олиб боришлари учун қулай шарт-шароитлар яратиш, хусусий тадбиркорликни кенг ривожлантириш ҳамда аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш мақсадида ҳудудларнинг ишлаб чиқариш, муҳандис-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма тармоқларини ривожлантириш ва модернизациялашга”[1]“иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга оширишда давлат компанияларини трансформация қилишни жадаллаштириш [2] га янада эътиборни кучайтириш зарурлиги таъкидланди.

Айнан шу масалалар давлат томонидан самарали иқтисодий сиёсат юритиш бўйича стратегик режалаштиришнинг ва прогнозлаштиришнинг мухим вазифаларини белгилаб берди. Мазкур вазифалар иқтисодиётни ривожлантириш ҳамда иқтисодий дастурларни такомиллаштириш, саноат корхоналарида реструктурзациялаш жараёнларини бошқаришнинг услубий асосларини такомиллаштириш заруриятини кўрсатиб беради.

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи

Инқирозга қарши бошқарув, жумладан, реструктурзация соҳасида тадқиқотлар билан шуғулланувчи етук иқтисодчи олимлар реструктурзация анча фундаментал ва узоқ муддатли характерга эга эканлигини таъкидлашади. Жумладан, МДҲ давлатлари олимларидан И.И.Мазур ва В.Д.Шапиро реструктурзациялашни “корхона фаолиятини ўзгарувчан бозор шароитларига мослаштириш бўйича ўтказиладиган комплекс чора-тадбирлар”, деб таърифлашади[3].

Г.А.Александров реструктурзациянинг фундаментал, кенг қамровли тавсифларига алоҳида эътибор қаратади. Унинг эътироф этишича “реструктуризация – фундаментал комплекс ўзгаришлар бўлиб, унинг пировард мақсади инқироз ҳолатини бартараф этиш, иш самарадорлиги ва рақобатбардошликни ошириш, даромадларни кўпайтириш билан боғлиқ ҳаракатлар мажмуасидир”[4].

Л.П.Белих ва М.А.Федотова корхоналарни реструктурзациялашнинг пировард мақсадларини кўрсатиб беришган. Уларнинг таъкидлашича, “реструктурзациялаш – молиявий барқарорлик ва рақобатбардошликни ўсишини ошириш мақсадида ишлаб чиқаришнинг барча омилларидан самарали фойдаланиш учун шароит яратишга йўналтирилган жараёндир”[5].

Реструктурзациялаш жараёнининг мазмуни бўйича бирмунча кенгроқ маъноли тавсифни О.С.Сухарев таклиф этди ва реструктурзациялаш доирасида давлат сиёсатининг етакчи ўрни борлигини таъкидлаб, “реструктурзациялаш – бу корхона, минтақа, иқтисодиётнинг барча соҳалари даражасида қўланиладиган ва давлат назорати остида рақобатбардошлик, бандлик доирасининг ўсиши, реал даромадлар ва саноат комплексларини

инвестицияларини шаклланишига олиб келувчи ва мамлакат ишлаб чиқарувчилари томонидан ҳам, хорижий рақобатчи ишлаб чиқарувчилар томонидан ҳам юқорида кўрсатилган рақобат сиқувини таъминлаш учун етарлича тадбирлар йиғиндисидир" деб таърифлайди [6].

Саноат корхоналарини реструктурзациялаш натижасида ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши рақобат курашининг кескинлашувига, бозор муҳитининг ўзгаришига олиб келади. Шу нуқтаи назардан "реструктурзация – бу корхонанинг ривожланиш стратегиясини танлаш ва бошланғич ҳолатдан корхона танлаган стратегияга ўтиш йўлидаги чора-тадбирлар мажмуидан иборат", деб изоҳ беради [7].

Назарий жиҳатдан реструктурзациялаш микроиқтисодий тушунча бўлиб, корхонанинг бозор муҳитига мослашишига қаратилган режали ҳаракатини ифодалаб, тор маънода муайян саноат корхонасининг мулкий, ишлаб чиқариш, товар ва молиявий таркибини мақсадга мувофиқ ўзгартириш, янгилаш ва қайта шакллантиришдир.

Янада кенгроқ маънода реструктурзациялаш корхоналарни молиявий соғломлаштириш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун корхонанинг тузилмасидаги бошкарув, мулкчилик ва ташкилий-ҳуқуқий шаклларини ўзгартиришга йўналтирилган ташкилий-иқтисодий, ҳуқуқий, техник чораларни амалга ошириш, деб тушунтирилади[8].

Тадқиқот методологияси

Мақолада саноат корхоналарини реструктурзациялаш бўйича маҳаллий корхоналарни реструктуризациялашда хорижий давлатларда саноат корхоналарини реструктурзациялаш тажрибаларини умумлаштириш, гуруҳлаш, иқтисодий-статистик, таққослаш, қиёсий таҳлил, тадқиқот объектлари ва олинган натижаларни баён қилиш усулларидан фойдаланилган.

Натижа ва муҳокама

Реструктурзация кераксиз ва зарар келтираётган фаолият турларини тугатиш ҳисобига харажатларни камайтириш ва бошкарув, умуман, барча ходимлар сифатини оширишга йўналтирилган, аммо бу ҳисоб тизими ва фаолиятни самарали баҳолашнинг аниқ мезонларини жорий этишни талаб қилади. Корхонани реструктурзациялаш қуйидаги кетма-кетликда амалга оширилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

•агар корхона банкрот деб топилган бўлса ва унинг баланси тузилмаси қониқарсиз бўлса, қарздорнинг мол-мулкини ташқи бошкариш ва санациялаш;

• корхона ташаббуси билан амалга оширилаётган ишга яроқли (тўловга қодир) корхона фаолияти самарадорлигини ошириш;

• агар тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи тижорат ва нотижорат ташкилотлари устун мавқега эга бўлса ва монополияга қарши қонун ҳужжатларини икки ёки ундан ортиқ бузган бўлса, монополияга қарши давлат органларнинг қарори билан мажбуран реструктурзациялаш.


Қонун ҳужжатларига мувофиқ юридик шахсни қайта ташкил этиш унинг муассисларининг (таъсисчиларининг) қарори ёки таъсис ҳужжатлари билан бунга ваколат берилган юридик шахс органи томонидан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига мувофиқ амалга оширилиши мумкин. Қайта ташкил этиш шакллари – қўшилиш, бўлиниш, ажратиш, ўзгартиришдир.

Қайта ташкил этишнинг зарурий босқичи ўтказиш актларини ва ажратиш балансларини расмийлаштиришдир. Ҳар иккиси ҳам қайта ташкил этилаётган юридик шахснинг барча кредиторлари ва қарздорларига нисбатан барча мажбуриятлари, шу жумладан, тарафлар баҳслашаётган мажбуриятлари бўйича меросхўрлик қоидаларини ўз ичига олиши керак.

Ажратиш шаклида қайта ташкил этиш – бу акциядорлик жамиятларини қайта ташкил этишнинг мураккаб, аммо кенг талаб қилинадиган усули булиб, бу корхонага бизнесни қайта қуришнинг кўплаб муаммоларини самарали ва арзон тарзда ҳал қилиш имконини беради. Хусусан, шўъба корхоналарни ташкил этиш орқали компания активларини бир қисмини ўтказишнинг кенг тарқалган усули ўлароқ, активлар ворислик натижасида ажратиш балансига мувофиқ янги ташкил этилган, жумладан ажралиб чиқиш шаклида қайта ташкил этилган компанияга ўтказиш тартибига нисбатан бир қатор камчиликларга эга. Ушбу камчиликларга олиб қўйилаётган активнинг қийматини мустақил баҳолаш зарурати киради, бу эса устав капитали ҳажми активнинг баланс қийматидан сезиларли даражада фарқ қиладиган акциядорлик жамиятини ташкил этишни англатади. Ташкил этилаётган (янги) жамиятнинг устав капиталининг ҳажми берилган активлар миқдорига тенг келмаслиги ва анча кам бўлиши мумкин.

Корхонани реструктурзациялашнинг принципиал схемасини иқтисодий тизимлаштириш қоидалари асосида ўрганиш уни бир вақтнинг ўзида уч даражадаги муносабат мажмуи сифатида қарашни талаб этади:

- корхонани реструктурзациялаш – модернизациялаш жараёнининг қонуниятли кўриниши сифатида;
- корхонани реструктурзациялаш – давлат диверсификациялаш сиёсатининг элементи сифатида;
- корхонани реструктурзациялаш – янги шароитга мослашиш ва молиявий соғломлаштиришга йўналтирилган чора-тадбирлар мажмуаси сифатида (1-расм).



1- расм.Тизимли ёндашув асосида корхонани реструктуризациялашнинг принципиал схемаси.

Ҳар қандай ҳолда хам муҳитни яхшилаш операцион, инвестицион ёки молиявий стратегия доирасида олиб борилади. Ички яхшилаш операцион стратегия доирасида олиб борилиб, харажатлар самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқариладиган товарлар турини кўпайтириш, нархларни шакллантириш, реклама қилиш, маҳсулотларни етказиб бериш ва уларга кейинги кўрсатиладиган хизматлар тизимини такомиллаштириш каби жараёнлар амалга оширилади.

Олинган натижалар асосида реструктурзациялаш йуналишлари аниқланади. Йуналишлар танлагандан сўнг, чора-тадбирларнинг дастлабки режаси тузилади, корхонани реструктурзациялаш бўйича прогноз тузилади.

Батафсил босқичма-босқич режа, яъни тадбирларни амалга ошириш муддатлари кўрсатилган ҳолда таркибий ўзгартириш дастурини амалга ошириш механизми ишлаб чиқилади.

Хулоса

Эркин рақобатга асосланган бозор муносабатларининг жамият иқтисодий ҳаётидаги ўрнини мустаҳкамлаш орқали миллий иқтисодиётни юксалтириш бир томондан, жамиятни жадал ривожлантириш сиёсатини изчил амалга оширишга, иқтисодиётни эркинлаштириш ва корхоналарни замонавийлаштиришга, иккинчидан эса ишлаб чиқариш соҳаси корхоналарини мукаммал реструктуризациялашга боғлиқ.

Мамлакатимизда саноат корхоналарини реструктризациялашни молиявий таъминлашни иқтисодий механизмининг ўзига хос хусусияти кўп жиҳатдан ишлаб чиқариш тармоқларининг технологик ривожланиш даражаси билан белгиланади. Корхоналарнинг технологик даражаси ривожланиб борган сари молиявий ресурслар, кўпроқ ишлаб чиқаришни модернизация қилиш мақсадида реструктуризация қилинадиган узоқ муддатли мол-мулкка ёки айланма активларга йўналтирилади.

Ушбу хулосани, агар ишлаб чиқариш технологияларининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олмасдан, фақатгина ишлаб чиқаришнинг ўсиш динамикаси ҳисобга олинса, ишлаб чиқаришнинг технологик ривожланиш даражаси билан инвестицияларни жалб қилиниш миқёси ўртасидаги тескари боғлиқлик сифатида ҳам талқин қилиш мумкин.

Технологик ривожланиш даражаси паст бўлган бир қатор тармоқлар, бугунги кунда уларнинг ўзига хос хусусиятлари сабабли, ҳатто уларга кенг кўламда инвестициялар жалб қилинган шароитда ҳам технологик янгиланиш спирали бўйлаб тезда ҳаракат қила олмайди. Мазкур ҳолат ушбу корхоналарнинг, янги технологияларни жорий қилиш ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича, технологик ривожланиш юқори бўлган корхоналардан ортда қолиши ўта аҳамиятли эканлиги билан изоҳланади.

Бундай ҳолатларда корхона раҳбарлари ва етук мутахассислари технологик ривожланиши паст бўлган тармоқларда реструктуризациялаш бўйича лойиҳалар тайёрлаш ва қарорлар қабул қилиш учун вақтни беҳуда сарфлашга ҳожат йўқлигини англатади. Шундай келиб чиққан ҳолда, корхонанинг узоқ муддатли активларини реструктуризациялашни бошқариш интивсивлигини даражалари бўйича таснифлаш орқали вақт бюджетини иқтисод қилиш имкони яратилади.

Ушбу тармоқлар бўйича, бизнинг фикримизча, янги технологияларга инвестиция киритиш жараёнини тезлаштириш учун тўғридан-тўғри давлат бошқаруви ва катта миқдордаги

бюджет маблағларини жалб қилиш мақсадга мувофиқ эмас. Бундай ҳолда билвосита, аммо принципиал қўллаб-қувватлаш мавжуд бўлиши керак. Бундай ёрдам фикримизча, реструктуризацияга йўналтирилган молиявий ресурсларни самарали тақсимланишини таъминлайдиган институтлар ва инфратузилмаларни шакллантириш, жумладан, давлат-хусусий шерикчилик асосида чет эл ва ички инвестициялар жалб этиш орқали амалга ошириш мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони. Manba: www.norma.uz
2. Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Manba: www.norma.uz
3. Афонасова М.А., Бурыхин Б.С. Стратегические аспекты государственного регулирования инновационного развития экономики // Современные аспекты экономики. 2012. № 12 (184). С. 7-11.
4. Беркинов Б.Б. Состояние и задачи дальнейшего развития процессов пост-приватизационной поддержки и реструктуризации предприятий.Материалы Республиканского научного-практического семинара (21 августа 2019 г. Ташкент) Стр. 27-32.
5. Басовский, Л.Е. Комплексный экономический анализ хозяйственной деятельности / Л.Е.Басовский, Е.Н. Басовская. М.: ИНФРА-М, 2019. — 366
6. Биван, А.А. Факторы реструктуризации предприятий в переходный период / А.А. Биван, С. Эстери, Е.С. Шаффер // Экономика. – 2012. №1. С. 3- 27.
7. Фатхутдинов Р.А. Инновационный менеджмент / Р.А. Фатхутдинов: Учебник. М :. Питер, 2014. - 425 с.

УЎТ 339.9.338.1

Атаниязов Жасурбек Хамидович
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
“Халқаро молия” кафедраси
мудири, и.ф.д., профессор
jasurbek156@gmail.com

ЕВРОПА ИТТИФОҚИ РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТИ: ШАКЛЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Жасурбек Хамидович Атаниязов,
доктор экономических наук, профессор,
*заведующий кафедрой международные финансы***,**
Ташкентского государственного экономического университета

ЦИФРОВАЯ ЭКОНОМИКА ЕВРОСОЮЗА: ОСОБЕННОСТИ СТАНОВЛЕНИЯ И ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ

Jasurbek Xamidovich Ataniyazov
Doctor of Economics, Professor,
Head of the Department of International Finance,
Tashkent State University of Economics

DIGITAL ECONOMY OF THE EUROPEAN UNION: FEATURES OF FORMATION AND DEVELOPMENT PROSPECTS

Аннотация. *Мақолада Европа Иттифоқида (ЕИ) рақамли иқтисодиётнинг шаклланишига хос бўлган хусусиятлар ва ривожланиш тенденциялари тадқиқ этилган. Илмий тадқиқот доирасида рақамли иқтисодиётнинг моҳиятини очиб берувчи асосий жиҳатлар ўрганилган ҳамда 2017–2022 йилларда Европа Иттифоқида рақамли иқтисодиётни ривожланишига хос кўрсаткичлар таҳлил этилган. Тадқиқот натижалари асосида Европа Иттифоқида рақамли иқтисодиётни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари аниқланган.*

Таянч сўзлар: *рақамли иқтисодиёт, Европа Иттифоқи, барқарор ривожланиш, электрон тижорат, киберхавфсизлик, санкция, рақамли трансформация.*

Аннотация. *В статье рассматриваются особенности и тенденции развития, характерные для формирования цифровой экономики в Европейском Союзе (ЕС). В рамках научного исследования были изучены основные аспекты, раскрывающие сущность цифровой экономики, и проанализированы показатели, характерные для развития цифровой экономики в Европейском Союзе в 2017-2022 годах. По результатам исследования определены основные направления развития цифровой экономики в Европейском Союзе.*

Ключевые слова: *цифровая экономика, Европейский Союз, устойчивое развитие, электронная коммерция, кибербезопасность, санкция, цифровая трансформация.*

Annotation. *The article examines the features and development trends characteristic of the formation of the digital economy in the European Union (EU). As part of the scientific research, the main aspects revealing the essence of the digital economy were studied and indicators characteristic of the development of the digital economy in the European Union in 2017-2022 were analyzed. Based on the results of the study, the main directions of development of the digital economy in the European Union were determined.*

Key words: *digital economy, European Union, sustainable development, e-commerce, cyber security, sanction, digital transformation.*

Кириш

Иқтисодиёт тармоқларида рақамли технологияларни кенг жорий этиш асосида молия тизими барқарорлигини оширишга интилаётган мамлакатларда юқори технологияли компанияларнинг ривожланишини қўллаб-қувватлаш ёки уларнинг бизнес моделларини трансформация қилиш анъанавий тармоқларда рақамли технологияларни жорий этишга нисбатан юқори фойда келтиради.

Технологик тараққиёт глобал иқтисодий моделларнинг ўзгаришига таъсир кўрсатмоқда. Ушбу глобал тенденция аллақачон кўплаб ривожланган мамлакатлар иқтисодиёти таркибига сезиларли таъсир кўрсатди. Бутун дунёда рақамлаштириш турли соҳаларга кенг кўламда кириб бормоқда. Рақамли иқтисодиёт ривожланиши борасида энг илғор мамлакатлар ёки "рақамли етакчилар" бугунги кунда Норвегия, Швеция, Швейцария, Дания, Финляндия, Сингапур, Жанубий Корея, Буюк Британия, Гонконг ва АҚШдир. Шу билан бирга, ривожланаётган мамлакатлар қаторига киритилган Хитойнинг рақамли иқтисодиётдаги улуши ҳам кейинги йилларда ортиб бормоқда.

Замонавий шароитда Европа Иттифоқида рақамли иқтисодиёт инновациялар, рақобатбардошликни ошириш ва ривожланиш учун энг муҳим омил сифатида изоҳланади. Рақамли трансформация ўзаро таъсир орқали янги технологиялар ва инновацион бизнес моделларининг уйғунлиги билан тавсифланади.

Европа Иттифоқида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш масаласининг долзарблиги бир қатор сабаблар билан боғлиқ:

– биринчидан, географик жиҳатдан бу институционал тузилма Евроосиё иқтисодий иттифоқи билан боғлиқ бўлиб, тажриба, технология ва интеллектуал капитал алмашинуви учун кўплаб шарт-шароитларни яратади;

– иккинчидан, Европа Иттифоқи иқтисодий агент сифатида, ҳатто кўплаб халқаро санкциялар ва савдо эмбарголарига қарамай ЕОИИга аъзо мамлакатлар учун кенг турдаги маҳсулотларнинг стратегик бозорларидан бири ҳисобланади;

– учинчидан, Европа Иттифоқининг бир қатор давлатлари дунё мамлакатларининг энг муҳим иқтисодий ҳамкорларидан бўлиб, ташқи савдо ва халқаро капитал ҳаракатида асосий ўринларни эгаллайди.

Ушбу мақола доирасида Европа Иттифоқида рақамли иқтисодиётнинг шаклланиши генезиси ва унинг ривожланиш истиқболлари, иқтисодиётнинг рақамли трансформацияси жараёнлари тадқиқ этилади.

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи

Ғарбий Европа олимларининг илмий тадқиқотларини ўрганиш натижалари ва меъёрий ҳужжатларнинг мазмунини таҳлил қилиш “рақамли иқтисодиёт” тушунчасини таърифлаш ва унинг Европа Иттифоқида ривожланишига урғу бериш бўйича муҳим ёндашувларни аниқлашга имкон берди.

“Рақамли иқтисодиёт” тушунчасининг таърифи ва уни Европа Иттифоқида ривожланишининг асосий устувор йўналишлари борасидаги тадқиқотларда мазкур тушунча моҳиятига нисбатан турлича ёндашувлар мавжудлигини кўриш мумкин. Жумладан, “Европа 2020: ақлли, барқарор ва инклюзив ривожланиш стратегияси”да рақамли иқтисодиёт – илмий-техникавий тараққиётни рағбатлантириш ва иттифоққа аъзо мамлакатлар миллий иқтисодиётларининг “ақлли”, барқарор ва инклюзив ўсишини шакллантиришга кўмаклашишга асосланган давлат, бизнес, жамият ва шахслар ўртасидаги муносабатларнинг макроиқтисодий модели сифатида таърифланган[1]. Мазкур ёндашувнинг асосий хусусиятлари: рақамли иқтисодиёт – жамият, давлат ва бизнес муҳитини ташкил этишнинг янги шакли бўлиб, унда иштирокчиларнинг ўзаро таъсири виртуал муҳитда содир бўлишини акс эттиради.

Европа Иттифоқининг тадқиқот ва инновация бўйича “Горизонт – 2027” дастурида рақамлаштирилган иқтисодиёт – ижтимоий-иқтисодий тизимнинг янги тузилмаси бўлиб, унда ахборот технологияларининг фаол ривожланиши туфайли маҳсулот ва хизматларнинг катта қисми виртуал маконга ўтмоқда, дея таъриф берилган[2]. Ушбу ёндашувнинг асосий хусусияти маҳсулот ва хизматларни тақдим этишда ахборот технологияларининг роли ортиб бориши ҳамда иқтисодий муносабатларда виртуал макондан фойдаланиш кўламининг кенгайиши орқали ифодаланади.

“Digital Europe (2021–2027) Миллий инфратузилма дастури”да рақамли иқтисодиётнинг моҳияти ахборот ва компьютер ечимлари соҳасини ривожлантиришнинг жорий технологик тенденцияларини ҳисобга олган ҳолда бозор муносабатларини амалга ошириш усули сифатида ифодаланган[3]. Рақамли иқтисодиёт технологик парадигмаларнинг ўзгариши ва янги дунё тартибини шакллантириш натижаси (Саноат 4.0) эканлиги ушбу ёндашувнинг асосий хусусияти ҳисобланади.

M. Bazzunнинг фикрича, рақамли иқтисодиёт виртуал маконда хусусий ва давлат тижорат манфаатлари амалга ошириладиган кибер-жисмоний тизим ҳисобланади[4]. Унинг ёндашувига кўра рақамли иқтисодиёт жамият, давлат ва бизнес муҳитини ташкил этишнинг янги шакли бўлиб, унда иштирокчиларнинг ўзаро таъсири виртуал муҳитда содир бўлади.

A. Collis, E. Brynjolfssonларнинг фикрига кўра, рақамли иқтисодиёт – инсоният ижтимоий-иқтисодий ҳаёти ривожланишининг янги босқичи бўлиб, унда хусусий ва жамоат муносабатлари биринчи навбатда, тегишли ахборот ва компьютер инфратузилмаси орқали амалга оширилади[5].

H. Besada рақамли иқтисодиёт – миллий иқтисодиётнинг ўзига хос ҳолати бўлиб, унинг ривожланиш ва ўсиш йўллари, биринчи навбатда, IT соҳасидаги технологиялар ва инновацияларни ривожлантириш, шунингдек, бу жараённи рағбатлантириш учун шарт-шароитларни яратиш билан белгиланади дея таъриф берган[6]. Бунда асосий эътибор рақамли иқтисодиёт орқали иқтисодий ривожланишга эришишда IT соҳасидаги технологиялар ва инновациялар ҳамда

ушбу жараённи рағбатлантиришга қаратилган шарт-шароитларга қаратилган.

Тадқиқот методологияси

Глобаллашув шароитида рақамли иқтисодиёт молиявий хизматлар бозорининг самарали фаолият кўрсатишида асосий омиллардан бири ҳисобланади. Молия тизимида рақамли иқтисодиётни кенг жорий этилиши янги тадқиқотларни амалга ошириш, молиявий хизматлардан фойдаланиш кўламини кенгайтириш, иқтисодий ўсиш ва ҳаёт сифатини оширишга хизмат қилади. Бу борада рақамли иқтисодиёт ривожланишининг хорижий тажрибаларини, уларда рақамли молиявий хизматларни тақдим этиш жараёнига таъсир кўрсатувчи омиллар ҳамда яратилган шарт-шароитларни ўрганиш долзарб аҳамият касб этади. Шу боисдан илмий мақолада Европа Иттифоқида рақамли иқтисодиётни шакллантиришнинг асосий хусусиятларини тадқиқ этиш, тадқиқот натижаларини тизимлаштириш асосида илмий хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқишда индукция ва дедукция, тизимли ва қиёсий таҳлил, график тасвирлаш ва иқтисодий-статистик усуллардан кенг фойдаланилди.

Натижа ва муҳокама

Европа Иттифоқидаги рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши одатда 2011 йилдан, яъни Siemens компанияси Германия учун 2020 йилгача бўлган юқори технологияли стратегия дастурини қабул қилган пайтдан бошланди. Ушбу ҳужжат ЕИнинг алоҳида мамлакат ва бутун иттифоқ ривожланиши учун янги ташкилий ва технологик тараққиётга ўтишига асос бўлди.

“Рақамли иқтисодиёт” тушунчасини таърифлаш бўйича ёндашувларнинг тақдим этилган шарҳидан келиб чиқадиган бўлсак, меъёрий ҳужжатларда унинг шаклланишининг кутилаётган оқибатларига, академик адабиётларда – ташкилий ва бошқарувчи ўзгаришларга эътибор қаратилган[7; 8].

1-жадвал

ЕИда рақамли иқтисодиёт шаклланишининг асосий босқичлари ва уларнинг хусусиятлари

Босқичлар	Асосий хусусиятлари
Ахборот-ҳуқуқий босқич (1940–1980 й.й.)	Босқичнинг шаклланиши учун асос: Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси (1948) ва Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт (1966). Босқичнинг асосий ҳиссаси: ахборот технологияларининг фаол ривожланиши мазмуни ва амалий қўлланилиши учун жавобгарликни ҳисобга олган ҳолда ахборот ресурсларидан тўсиқларсиз фойдаланишни таъминлаш орқали барча манфаатдор томонларнинг (жамият, бизнес, давлат институтлари, нодавлат тартибга солувчи органлар) шахсий ва оммавий ахборот суверенитетини юқори сифатли ахборот билан таъминлашга қаратилган самарали қонунчилик мувозанатини шакллантиришни тақозо этади

Кибернетик босқич (1990–2000 й.й.)	Босқичнинг шаклланиши учун асос: Т.Бернерс-Ли ва Р.Кайо томонидан Бутунжаҳон Интернет концепцияси ва тармоқда ахборот алмашиш стандартининг шаклланиши фуқаролар, бизнес ва давлат томонидан тартибга солувчи институтларининг ўзаро муносабатларида мутлақо янги, виртуал шаклларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Босқичнинг асосий ҳиссаси: Интернет орқали оммавий тарзда ахборотга киришнинг тез суръатлар билан ўсиши Европа Иттифоқида қуйидаги қоидаларнинг қабул қилинишига олиб келди: Европа Комиссиясининг 95/46/ЕС "Маълумотларни ҳимоя қилиш тўғрисида" директиваси (1995); Электрон тижорат директиваси (2000). Ушбу босқич натижасида ЕИда рақамли иқтисодиётни тартибга солишнинг замонавий моделига, унга аъзо мамлакатларнинг фикрларини ҳисобга олган ҳолда асос солинди, концепциялар ва рақамли инновацияларни жорий этиш ва уларни тартибга солиш механизмининг умумий режалари ишлаб чиқилди
Шахсий маълумотлар суверенитети даври (2001–2016 йй.)	Босқичнинг шаклланиши учун асос: ахборот технологияларидан қурол сифатида фойдаланишга қаратилган янги хакерлик ҳужумларининг пайдо бўлиши ва тез тарқалиши. Уни қўллашнинг биринчи кенг кўламли намунаси Stuxnet тармоқ вируси бўлиб, у нафақат Интернет тармоғидан фойдаланиш жараёнини назорат қилиш, балки шахсий маълумотлар ва муҳим инфратузилма объектларини кибер ҳужумлардан ҳимоя қилишнинг миллий механизмларини яратиш масаласини юзага келтирди. Босқичнинг асосий ҳиссаси: фуқаролар ва бизнесни рақамли ҳужумлардан ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунни қабул қилиш (Буюк Британия); Европа Парламенти ва Европа Иттифоқи Кенгашининг 2016 йил 27 апрелдаги 2016/679-сонли шахсий маълумотларни қайта ишлашда жисмоний шахсларни ҳимоя қилиш ва бундай маълумотларнинг эркин айланиши тўғрисидаги низомида "рақамли суверенитет" тушунчаси киритилган. Кибержиноятлар бўйича Будапешт конвенциясида (2001) мустаҳкамланган муҳим инфратузилма объектларининг киберхавфсизлиги механизми шакллантирилди; Европанинг муҳим инфратузилмалари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари бўйича 2008/114/ЕС Кенгаш Директиваси; Халқаро ҳуқуқни кибероперацияларга қўллаш бўйича Таллин қўлланмаси (2017) ва киберхавфсизлик қонуни (2019)[1]
Рақамли экотизимлар суверенитети даври (2016 й. – ҳоз. в.қ.)	Босқичнинг шаклланиши учун асос: рақамли трансформация қутбларининг ортиб бораётган таъсири: FAMGA компаниялар гуруҳи (Facebook, Amazon, Microsoft, Google, Apple - АҚШ) ва Хитойнинг *BAT* агломерати (*Baidu, Alibaba, Tencent* - Хитой) глобал ахборот кун тартибида "юмшоқ куч" воситаларидан фойдаланиш орқали жаҳон иқтисодиёти ва кучлар геосиёсий мувозанатига таъсири. Босқичнинг асосий ҳиссаси: Иттифоққа аъзо мамлакатлар рақамли иқтисодиётининг фаол ривожланишини таъминлаш бўйича чора-тадбирларни тизимлаштирган, шахсий маълумотларни ҳимоя қилишни таъминлаш ва кибер ҳодисаларга жавоб бериш, молия бозорини тартибга солиш бўйича ягона стандартларни ишлаб чиқадиган 2030 йилгача бўлган Европа Иттифоқининг Рақамли ривожланиш стратегиясини қабул қилиш [9]. Европа Иттифоқининг ягона рақамли бозори концепцияси шакллантирилди ва уни амалга ошириш бошланди

Муаллиф томонидан шакллантирилган.

Кейинчалик, муаллифлар томонидан Европа Иттифоқида давлат бошқаруви ва рақамли иқтисодиётни тартибга солиш модели кўриб чиқилган ҳолда унинг асосий хусусиятлари тавсифланган. Шундай қилиб, биринчи хусусият рақамли трансформацияни бошқаришнинг уч босқичли моделидан фойдаланиш ва янги иқтисодий тузилмани шакллантириш бўлиб, унинг таркибига Европа Комиссияси (асосий қонун ҳужжатларини қабул қилиш), Европа Парламенти (ташаббускор қонунчиликн актларини кўриб чиқиш ва тушунтириш) киради ва Европа Кенгаши (мамлакатлар сиёсий ва иқтисодий интеграциясининг умумий йўналишини ишлаб чиқиш).

Европа Иттифоқида рақамли иқтисодиёт ривожланишининг иккинчи хусусияти - бу ривожланиш хусусиятлари ва сиёсий элитанинг Саноат 4.0га муносабатини ҳисобга олган ҳолда алоҳида давлатлар ёки гуруҳлар томонидан қурилган рақамли трансформациянинг миллий моделларининг бир вақтнинг ўзида биргаликда мавжудлиги:

– кенг қамровли рақамлаштириш модели Германия, Дания, Нидерландия, Швеция ва Финляндияда қўлланилади;

– фокусли модель – Ирландия, Эстония, Литва;

– истеъдодларга йўналтирилган модель – Бельгия, Люксембург, Буюк Британия (Brexit процедурасидан олдин).

Учинчи хусусият – ҳар бир мамлакат эҳтиёжлари учун ЕИ бюджетидан ажратиладиган давлат томонидан молиялаштиришдан фаол фойдаланиш ва уларни ўзлаштирилиши ҳар бир бенефициар томонидан миллий рақамлаштириш стратегиясини ҳисобга олган ҳолда индивидуал равишда амалга оширилади.

Қуйидаги жадвалда 2017–2022 йилларда ЕИда рақамли иқтисодиётнинг ривожланиш даражасини акс эттирувчи асосий кўрсаткичларни кўриб чиқамиз.

2-жадвал

2017–2022 йилларда Европа Иттифоқида рақамли иқтисодиётни ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичлари [10-15]

Кўрсаткич	Йиллар					
	2017	**2018**	**2019**	**2020**	**2021**	**2022**
Рақамли иқтисодиёт ва жамиятнинг умумий индекси (DESI)	38,4	40,1	41,6	43,7	51,9	53,8
Глобал инновациялар индекси	31,9	32,5	36,3	38,8	39,5	40,3
Рақамли рақобатбардошликнинг умумжаҳон рейтинги	29,6	28,1	27,4	26,9	30,4	32,8
Тармоқли жамиятга тайёрлик индекси	57,3	59,5	62,7	64,9	68,4	70,3
АКТ секторининг ЕИ ЯИМдаги улуши (фоизда)	3,9	4,5	4,9	4,2	4,4	4,6
Рақамли иқтисодиётни шакллантириш ва инновацион ривожланиш учун умумий харажатлар, ЯИМга нисбатан фоизда	2,15	2,19	2,22	2,3	2,26	...

[10–15] манбаларни ўрганиш асосида муаллиф томонидан шакллантирилган.

Жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, Европа Иттифоқининг рақамли иқтисодиёти етарлича барқарор ривожланмоқда, аммо иттифоқнинг ўзида рақамлаштириш ва АКТ технологияларининг кириб бориш даражасидаги бўшлиқ сақланиб қолмоқда, бу эса аъзо мамлакатларни тенглаштиришнинг асосий вазифаси эканлигини ва синергияга эришиш учун технологик жиҳатдан кам ривожланган

давлатларни қўллаб-қувватлашни белгилаб беради.

Шундай қилиб, деярли барча кўрсаткичлар бўйича етакчи ўринни Скандинавия ярим ороли мамлакатлари, рақамли иқтисодиёт соҳасидаги илмий лойиҳаларга сарфланган маблағлар бўйича – Германия ва Франция, молиявий технологиялардан фойдаланиш бўйича – Швейцария ва Бенилюкс мамлакатлари гуруҳи эгаллаб турибди[8].

Тадқиқотлар асосида ЕИда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш стратегияси ва прогнозларига оид ҳужжатлардаги маълумотларни умумлаштирган ҳолда қуйидаги асосий жиҳатларни қайд этиш лозим:

1. Соҳалар бўйича давлат хизматлари маркетплейслари ва бизнес субъектлари учун платформалар яратиш орқали давлат бошқаруви жараёнларини рақамлаштириш – ушбу йўналиш жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат назорат органларига тегишли маъмурий хизматлар ёки тартибларни тақдим этиш бўйича мурожаатлари ва сўровларини кўриб чиқиш учун рақамли инфратузилмани фаол ривожлантиришдан иборат. Ҳукумат ва жамият ўртасидаги мулоқотни рақамлаштиришнинг алоҳида устувор йўналиши сифатида краудсорсинг рақамли платформаларини ривожлантириш ташаббусини таъкидлаш лозим:

– "Шаҳар бошқаруви" шаҳарни ривожлантириш режаларини ишлаб чиқиш, унинг муаммоли ҳудудларини аниқлаш, архитектура-маданий ташаббусларни амалга оширишда фуқароларнинг иштирокини муҳокама қилиш;

– "ақлли уй-жой-коммунал хизматлар" - асосий уй-жой-коммунал хизматларининг ҳолатини онлайн мониторинг қилиш ва носозликларни олдини олиш, шунингдек, таъмирлаш ва профилактика ишлари учун харажатлар сметасини реал вақт режимида режалаштириш;

– "Тўсиқсиз ва хавфсиз шаҳар муҳити" – рақамли мониторинг тизимини ривожлантириш ва жамоат жойлари хавфсизлиги ҳолатини таҳлил қилиш, ҳаракат ва жамоат транспорти жадвалини оптималлаштириш[5].

2. Киберҳужумларга чидамлилик моделлари бўйича синовдан ўтказиш учун муҳим инфратузилма объектларининг рақамли эгизакларини яратиш, 2023 йилда қабул қилинган муҳим объектларнинг чидамлилиги тўғрисидаги директиванинг янги таҳририга кўра энергетика, транспорт, банк иши, молия бозори инфратузилмаси, соғлиқни сақлаш, давлат бошқаруви, уй-жой коммунал хўжалиги, аэрокосмик соҳа ва агросаноат мажмуаси каби соҳаларда рақамли эгизакларни ишлаб чиқиш режалаштирилган[6].

3. Электрон тижорат сегментини ривожлантириш, фуқаролар ва бизнес субъектларига ҳалол рақобат шароитида онлайн фаолиятдан кафолатланган фойдаланишни таъминлаш, фуқаролиги ва рўйхатдан ўтган жойидан қатъи назар, шахсий маълумотлар ва истеъмолчиларнинг ҳимоя қилинишини таъминлаш[5].

4. Транзакцияларнинг муаммосиз ўтказилишини таъминлаш, уларнинг харажатларини ва молиявий институтларга киберҳужумлар хавфини камайтириш учун иттифоқ рақамли валютасини шакллантириш. Блокчейн технологияси Европа Иттифоқи сиёсий элитаси учун мамлакатларнинг ўзаро боғлиқлигини ошириш, фирибгарлик операциялари ва терроризмни молиялаштиришнинг олдини олиш мақсадида жисмоний ва юридик шахсларнинг пул оқимлари устидан назоратни кучайтириш нуқтаи назаридан жуда жозибали ҳисобланади[8].

Швейцария халқаро ҳисоб-китоблар банки экспертларининг фикрича,

пандемия миллий рақамли валюталарни ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича ишларни тезлаштир лозимлигини кўрсатди. Инқироз инфляция ва молиявий беқарорлик тўлқинини келтириб чиқарди, шунингдек, нақд пулдан фойдаланишнинг аҳоли саломатлиги учун нисбатан хавфли эканлигини кўрсатди. Ҳозирда рақамли валюталарни ишлаб чиқиш ва жорий этиш борасида Швеция, Франция, Италия, Дания ва Нидерландия марказий банклари томонидан фаолият олиб борилмоқда.

Хулоса

ЕИда рақамли иқтисодиётни шакллантириш ва ривожлантириш хусусиятлари қуйидагилардан иборат: рақамли трансформацияни бошқариш ва янги иқтисодий тузилмани шакллантиришнинг уч босқичли моделидан фойдаланиш; рақамли трансформациянинг миллий моделларининг бир вақтда мавжудлиги ҳар бир мамлакат эҳтиёжлари учун ЕИ бюджетидан ажратиладиган давлат молиялаштиришидан фаол фойдаланишга олиб келади ва уларнинг ўзлаштирилиши миллий рақамлаштириш стратегиясини ҳисобга олган ҳолда ҳар бир бенефициарда алоҳида содир бўлади.

Европанинг рақамли молия стратегияси молиянинг рақамли трансформациясини қўллаб-қувватлаши ва молиявий рискларни тартибга солиш бўйича умумий йўналишларни белгилайди. Стратегияда тўртта асосий устувор йўналиш мавжуд, жумладан, Европа молия тизимида ягона рақамли бозорни шакллантириш, рақамли молиявий инновацияларни ривожлантириш учун Европа Иттифоқининг меъёрий-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш, молия тизимида рақамли операциялар барқарорлигини таъминлаш учун рақамли трансформация билан боғлиқ рисклар ҳамда мавжуд муаммоларни бартараф етиш, маълумотлар базасига асосланган молияни рағбатлантириш.

Рақамли иқтисодиётни ривожлантиришнинг асосий тенденциялари, хусусан, глобал рақобат, ягона рақамли бозорни яратиш муаммолари, Европа Иттифоқи давлатларида рақамли иқтисодиётни ривожлантиришни молиявий қўллаб-қувватлаш амалиёти, қабул қилинган Дастурларнинг бажарилишини назорат қилиш тизими бу жараёнда муҳим роль ўйнайди.

Рақамли молия трансчегаравий транзакцияларни тезлаштиради, шунингдек, у молиявий бозорининг банк ва капитал бозорлари сегментларини ўзаро интеграциялашувини кучайтириши ва шу билан Европанинг иқтисодий ва валюта иттифоқини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади.

Европа Иттифоқи рақамли молия стратегиясининг афзалликлари қуйидагилардан иборат: истеъмолчилар энг яхши молиявий маҳсулотлардан фойдаланиш имкониятига эга бўладилар; Европа Иттифоқи корхоналарини молиялаштиришнинг янги усуллари пайдо бўлади; “Европа Иттифоқини қайта тиклаш стратегияси”, European Green Deal ва Европа учун янги саноат стратегиясини қўллаб-қувватлаш учун маблағларни жалб қилишнинг янги усуллари қўллаб-қувватланади; трансчегаравий рақамли молиявий оқимлар орқали Европадаги турли иттифоқлар, хусусан, Европа Иттифоқи, Европа банк иттифоқи ва Европа ҳамжамиятининг капитал бозорлари иттифоқи доирасида молия бозорларини интеграциялашувига эришилади; Европанинг молиявий хизматларда очиқ стратегик автономияни сақлаб қолиш ва кучайтириш қобилияти мустаҳкамланади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, рақамли молиядан фойдаланиш Европада инновацион фаолиятни рағбатлантиради ва истеъмолчилар фойдаланиши учун янада қулай бўлган молиявий маҳсулотларни ишлаб чиқиш имкониятларини яратади. Бу эса, Европа Иттифоқи корхоналарига, хусусан, кичик ва ўрта корхоналарга молиялаштиришнинг янги имкониятларини очиб беради. Рақамли молияни ривожлантириш Европа иқтисодиётини барқарорлаштириш стратегиясини, иқтисодий трансформациялашувни кенгайтиришни қўллаб-қувватлайди. Бу яшил иқтисодиёт ва Европада янги саноат стратегиясини қўллаб-қувватлаш учун маблағларни жалб этишда янги йўналишларни очади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. EUROPE 2020. A strategy for smart, sustainable and inclusive growth. Brussels, 3.3.2010. COM (2010) 2020. 37 p.
2. Horizon Europe. Research and innovation funding Program until 2027: https://research-and-innovation.ec.europa.eu/funding/funding-opportunities/funding-programmes-and-open-calls/horizon-europe_en
3. EU budget: Commission proposes €9.2 billion investment in first ever digital programme: https://ec.europa.eu/ commission/presscorner/detail/en/IP_18_4043
4. Rodrik D. Premature Deindustrialization // Journal of Economic Growth. 2016. Vol. 21, no 1, pp. 1-33.
5. Zenner K. The European Parliament's role in EU digital government-ance: Aspiration and reality// European View. 2021. Vol. 20, no 2, pp. 131-139.
6. Svarc J., Laznjak J., &Dabic M. The role of national intellectual capital in the digital transformation of EU countries. Another digital divide? // Journal of Intellectual Capital. 2020. Vol. 22, no 4, pp. 768-791.
7. Asen R., Blechschmidt B. Making digital, Real and Rewarding. Cognizanti. 2016. Vol. 9. № 1. Pp. 2-13.
8. Szeles M. R, Simionescu M. Regional Patterns and Drivers of the EU Digital Economy// Social Indicators Research. 2020. Vol. 150. № 1. Pp. 95-119.
9. Shaping Europe's digital future. Commission presents new initiatives, laying the ground for the transformation of the connectivity sector in the EU: https://digital-strategy.ec.europa.eu/en
10. Annual aggregate digital economy and society index (DESI) scores for European Union member states from 2017 to 2022.: https://www.statista.com/statistics/1372137/eu-digitalization-desi-member -states/
11. Рейтинг стран по уровню сетевой готовности: https://nonews.co/directory/lists/countries/networked-readiness-index.
12. Network Readiness Index 2022. Benchmarking the Future of the Network Economy: https://networkreadinessindex.org/
13. Глобальный инновационный индекс - 2022: https://globalstocks.ru/wp-content/uploads/2022/10/wipo-pub-2000-2022-exec-ru-global-innovation-index-2022-15th-edition.pdf
14. World Digital Competitiveness Ranking 2022: https://www.imd.org/centers/wcc/world-competitiveness-center/rankings/world-digital-competitiveness-ranking/
15. Percentage of the ICT sector on GDP: https://ec.europa.eu/eurostat/databrowser/view/tin00074/default/table?lang=en

УЎТ 657.1/002.7

Арзикулов Суннатулла Дониярович,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети,
“Ахборот тизимлари ва рақамли технологиялар”
кафедраси катта ўқитувчиси
arzikulov.sunnatulla@gmail.com

Абдурахманов Абдуазиз Абдугаффарович,
ТДИУ, “Ахборот тизимлари ва рақамли технологиялар”
кафедраси мустақил изланувчиси

АСОСИЙ ВОСИТАЛАР ҲИСОБИНИ ЮРИТИШ АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

Арзикулов Суннатулла Дониярович,
Ташкентский государственный экономический университет,
«Информационные системы и цифровые технологии»
старший преподаватель кафедры

Абдурахманов Абдуазиз Абдугаффарович,
ТГУЭ, «Информационные системы и цифровые технологии»
независимый исследователь кафедры

РАЗРАБОТКА ТРЕБОВАНИЙ К ИНФОРМАЦИОННЫМ СИСТЕМАМ УЧЕТА ОСНОВНЫХ СРЕДСТВ

Arzikulov Sunnatulla Doniyarovich,
Tashkent State University of Economics,
“Information systems and digital technologies”
senior lecturer of the department

Abduraxmanov Abduaziz Abdugaffarovich,
TSUE, “Information systems and digital technologies”
independent researcher of the department

DEVELOPMENT OF REQUIREMENTS FOR INFORMATION SYSTEMS FOR ACCOUNTING OF FIXED ASSETS

Аннотация. *Мақолада рақамли трансформациялаш шароитида асосий воситалар ҳисобини юритиш ахборот тизимлари ва технологиялар таҳлили ва уни такомиллаштириш масалалари кўриб чиқилган. Асосий воситалар ҳисобини юритиш ахборот тизимлари асосий операцияларини автоматлаштиришга имкон берадиган махсус модуллар кўриб чиқилди. Бундан ташқари, ахборот тизимларини ишлаб чиқишнинг асосий тавсиялари ишлаб чиқилди.*

Таянч сўзлар: *рақамли трансформация, асосий воситалар ҳисоби, ахборот тизими, талаблар, сунъий интеллект, машинали ўрганиш, маълумотлар базаси, талаблар, автоматлаштириш, молиявий ҳисобот.*

Аннотация. *В статье рассмотрен анализ информационных систем и технологий учета основных средств в условиях цифровой трансформации и вопросы ее совершенствования. Рассмотрены специальные модули, позволяющие автоматизировать основные операции информационных систем учета основных средств. Кроме того, разработаны основные рекомендации по развитию информационных систем.*

Ключевые слова: *Цифровая трансформация, учет основных средств, информационная система, требования, искусственный интеллект, машинное обучение, база данных, требования, автоматизация, финансовая отчетность.*

Annotation. *The article discusses the analysis of information systems and technologies for accounting for fixed assets in the context of digital transformation and issues of its improvement. Special modules are considered that allow you to automate the basic operations of information systems for accounting for fixed assets. In addition, basic recommendations for the development of information systems have been developed.*

Key words: *Digital transformation, fixed asset accounting, information system, requirements, artificial intelligence, machine learning, database, requirements, automation, financial reporting.*

Кириш

Сўнгги йилларда Ўзбекистон иқтисодиётида тизимли ислоҳотлар жадал суръатлар билан амалга оширилмоқда. Бунинг пировардида мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш устуворликлари тубдан қайта кўриб чиқилмоқда, иқтисодиётни ҳақиқатда ҳаракатга келтирувчи қувватга эга бўлган иқтисодий ўсишнинг янги, амалий тизимлари жорий этилмоқда. Бу асосий воситалар ҳисобини юритиш жараёнидаги роли, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида уларни ҳисобини юритишнинг ўзига хос хусусиятлари, асосий воситаларнинг мавжудлиги, ҳаракати, ҳолати ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги маълумотларга алоҳида талабларни келтириб чиқаради.

Бозорни бошқариш тизими асосий воситалар тўғрисида тўлиқ маълумотни талаб қилади. Бухгалтерия ҳисоби шундай тузилиши керакки, ундан фақат ҳисобот бериш эмас, балки ҳар қандай маълумот олиниши мумкин.

Шу сабабли, асосий воситалар тўғрисида керакли маълумотларни иложи борича тезроқ олиш учун ишлаш йўналиши бўйича асосий воситаларнинг ҳисобини такомиллаштириш мантиқан тўғри келади. Ва корхоналарда асосий воситаларнинг турли гуруҳлари кўп бўлганлиги сабабли, компьютер технологияларидан фойдаланмасдан керакли маълумотларни олиш мумкин эмас [1,2]. Ушбу муаммони ҳал қилиш учун тадқиқотимизда ҳисоблаш технологиясидан тўлиқроқ фойдаланиш бўйича кўрсатмалар бериб ўтилиши керак бўлади. Бунинг учун маълумотларни компьютерда сақлашда маълумотлар марказлаштирилган ёки тақсимланган маълумотлар базаси ишлатилади.

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи

Асосий воситалар ҳисобини юритиш учун зарур бўлган маълумотларни олиш учун корхона замонавий ахборот технологиялари асосида маълумотларини сақлаш, қайта ишлаш ва узатиш учун ахборот тизимини (АТ) яратади.

Адабиётлар таҳлили шуни кўрсатдики, кўпгина иқтисодчи олимлар илмий тадқиқотларини асосий воситаларни ҳисобга олиш ва улардан фойдаланишни таҳлил қилишнинг назарий ва амалий жиҳатларига бағишлаганлар, улар орасида: А.С.Алисенов, Ю.А.Бабаев, И.В.Захаров, Кондаков Н.Р., М.В.Мелник, М.З.Писенголц, Г.В.Савицкая, С.С.Сергеев, О.А.Толпегина ва бошқалар бор.

Шубҳасиз, X.Andercon, А.Гилбеау, Д.Колдуелл, К.Маркс, Б.Нидлзлар каби хорижий олимлар ва иқтисодчиларнинг асарларида ҳам ўрганилаётган соҳага катта қизиқиш уйғотмоқда.

Бундан ташқари, асосий воситаларни ҳисобга олиш ва улардан фойдаланиш масаласи Ж.Арнаболди, С.Б.Фрей, М.Гранлунд, К.Друрю, Ж.Карими, Кнудсен Дан-Ричард, Э.Колтхоф, П.Парвиаинен, М.Э.Портер, Ж.В.Росс, Ч.Хорнгрен ва бошқалар каби бир қатор иқтисодчи олимлар илмий ишларида тадқиқ қилинган.

Ўзбекистон олим ва иқтисодчилари Р.Абдуллаев, П.Дусмуратов, А.Ибрагимов, А.Каримов, З.Қурбонов, С.Меҳмонов, А.Пардаев, М.Пардаев, Б.Ҳасанов, С.Тошназаров кабиларнинг илмий ишларида товар ва материалларни ҳисобга олиш масалалари бевосита ва билвосита ўрганилган.

Юқорида кўрсатилган олимлар ўзларининг илмий мақолалари ва китобларида асосий воситаларни ҳисобга олишнинг умумий масалалари, шу жумладан, уларни таснифлаш, баҳолаш, ҳисобдан чиқариш ва бошқа масалаларни кўриб чиқишган. Шу нуқтаи назардан, асосий воситаларни ҳисобга олишни автоматлаштириш масалалари ҳам кўриб чиқилади.

Илмий мақолалар ва диссертациялар асосий воситаларни ҳисобга олишни автоматлаштиришнинг янада тор масалаларига бағишланган, масалан:

- Ахборот тизимларида асосий воситаларни ҳисобга олишнинг янги усуллари ва моделларини ишлаб чиқиш.
- Ахборот тизимларида асосий воситаларни ҳисобга олишнинг мавжуд усуллари ва моделларини такомиллаштириш.
- Ташкилотларда асосий воситаларни ҳисобга олиш учун ахборот тизимларини жорий этиш.

Ахборот тизимларида асосий воситаларни ҳисобга олиш бўйича адабиётларни кўриб чиқиш қуйидаги хулосалар чиқаришга имкон беради:

- Асосий воситалар ҳисобини автоматлаштириш замонавий иқтисодиётда долзарб ва талаб қилинадиган мавзудир.
- Ҳозирги вақтда ахборот тизимларида асосий воситаларни ҳисобга олишнинг бир қатор усуллари ва моделлари мавжуд бўлиб, улар асосий воситаларни ҳисобга олиш вазифаларини самарали ҳал қилишга имкон беради.
- Ташкилотларда асосий воситаларни ҳисобга олишнинг ахборот тизимларининг жорий этилиши асосий воситаларни бошқариш самарадорлигини оширишга имкон беради.

Келгусида ахборот тизимларида асосий воситаларни ҳисобга олиш бўйича адабиётларни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари қуйидагича тақдим этилиши мумкин:

- Сунъий интеллект, машинани ўрганиш ва бошқалар каби замонавий ахборот технологияларига асосланган ахборот тизимларида асосий воситаларни ҳисобга олишнинг янги усуллари ва моделларини ишлаб чиқиш.
- Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари талабларини ҳисобга олган ҳолда ахборот тизимларида асосий воситаларни ҳисобга олишнинг мавжуд усуллари ва моделларини такомиллаштириш.

• Асосий воситаларни ҳисобга олишни бошқа бухгалтерия тизимлари билан бирлаштириш бўйича тадқиқотлар, масалан, харажатларни ҳисобга олиш, ишлаб чиқаришни ҳисобга олиш, сотишни ҳисобга олиш ва бошқалар.

Ахборот тизимларида асосий воситаларни ҳисобга олиш бўйича адабиётларни ўрганиш ушбу соҳанинг ҳозирги ҳолати ва уни ривожлантириш истиқболлари тўғрисида тасаввурга эга бўлишга имкон беради[3,4].

Шундай қилиб, асосий воситалар ҳисобини юритиш тўғрисидаги маълумотлар АТга кириш ва тўғри қарор қабул қилувчилар учун маълумот ундан чиқиш йўлидир. Корхонада ишлайдиган АТнинг асосий мақсади корхона бошқарувини таъминлашдир, чекланган ресурслардан фойдаланишнинг муқобил вариантларини танлашда онгли қарорлар қабул қилиш учун молиявий маълумотлар билан ишлашдир.

Тадқиқот методологияси

Ахборот тизимларида асосий воситаларни ҳисобга олиш учун ушбу турдаги активлар билан боғлиқ барча асосий операцияларни автоматлаштиришга имкон берадиган махсус модуллардан фойдаланилади. Бундай модуллар одатда қуйидаги функцияларни ўз ичига олади:

• Асосий воситалар тўғрисидаги маълумотларни киритиш ва сақлаш. Ахборот тизими асосий воситалар ҳақидаги барча керакли маълумотларни, шу жумладан, уларнинг номланиши, нархи, сотиб олинган санаси, фойдаланиш муддати ва бошқа маълумотларни қайд этади.

• Асосий воситалар ҳаракатини ҳисобга олиш. Ахборот тизими асосий воситаларнинг ҳаракати билан боғлиқ барча операцияларни, шу жумладан, уларни сотиб олиш, йўқ қилиш, кўчириш ва модернизация қилишни кузатиб боради.

• Амортизацияни ҳисоблаш. Ахборот тизими турли усуллар ёрдамида асосий воситаларнинг амортизациясини ҳисоблаш ва уни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш имконини беради.

Ахборот тизимларида асосий воситаларни ҳисобга олишни автоматлаштириш ушбу жараённинг самарадорлигини оширишга, хатолар эҳтимолини камайтиришга ва ҳисобот сифатини оширишга имкон беради.

Ахборот тизимларида асосий воситаларни ҳисобга олишни автоматлаштириш ушбу жараённинг самарадорлигини сезиларли даражада ошириши, хатолар сонини камайтириши ва маълумотларнинг ишончлилигини таъминлаши мумкин.

Асосий воситаларни ҳисобга олишда ахборот тизимларида қуйидаги операциялар бажарилади:

• Маълумотларни марказлаштириш. Ахборот тизимида асосий воситалар тўғрисидаги барча маълумотларни бир жойда сақлайди ва бу уларни қидириш ҳамда қайта ишлашни соддалаштиради.

• Операцияларни автоматлаштириш. Ишга тушириш, амортизация, лизинг, тасарруф этиш ва ҳоказо каби асосий воситаларни ҳисобга олиш бўйича кўплаб операциялар ҳамда ахборот тизимида автоматлаштирилади. Бу бизга бухгалтерия ҳисоби учун вақт ва меҳнат харажатларини камайтириш имконини беради.

• Мониторонг ва таҳлил. Ахборот тизими асосий воситаларнинг ҳолатини кузатиш, уларнинг эскиришини кузатиш ва юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни аниқлаш имконини беради.

Демак, асосий воситалар ҳисобини юритиш жараёнидаги роли, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида уларни

ҳисобини юритишнинг ўзига хос хусусиятлари асосий воситаларнинг мавжудлиги, ҳаракати, ҳолати ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги маълумотларга алоҳида талабларни келтириб чиқаради.

Бозорни бошқариш тизими асосий воситалар тўғрисида тўлиқ маълумотни талаб қилади. Бухгалтерия ҳисоби шундай тузилиши керакки, ундан фақат ҳисобот бериш эмас, балки ҳар қандай маълумот олиниши мумкин.

Натижа ва муҳокама

Рақамли трансформация – бу рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда бизнес жараёнлари ва ишчи моделларни ўзгартириш жараёни. Контекстида асосий воситаларни ҳисобга олиш, рақамли трансформация қуйидаги жиҳатларни ўз ичига олади:

- Асосий воситалар тўғрисидаги маълумотларни сақлаш ва таҳлил қилиш учун булутли технологиялардан фойдаланиш.
- Активлар ҳолатини ҳисобга олиш ва прогноз қилиш жараёнларини автоматлаштириш учун сунъий интеллект ва машинали ўрганишдан фойдаланиш.
- Асосий воситаларни ҳисобга олиш учун ахборот тизимларини бошқа бизнес тизимлари билан бирлаштириш.
- Маълумотларнинг ишончлилиги ва хавфсизлигини таъминлаш учун блокчейн технологияларини жорий этиш.
- Электрон ҳужжат айланишини ривожлантириш ва инвентаризация жараёнларини автоматлаштириш.
- Ходимларни янги технологиялар билан ишлашга ўргатиш ва бухгалтерия ёндашувларини ўзгартириш.

Ҳозирги вақтда рақамли трансформациялаш шароитида асосий воситалар ҳисобини юритувчи замонавий ахборот тизимлари ишлаб чиқарилмоқда. Ахборот тизимларини ишлаб чиқишнинг қуйидаги асосий талаблари ишлаб чиқилди. Улар қуйидагича:

– Асосий воситаларни ҳисобга олишнинг ягона ахборот тизимига ўтиш. Бу бизга барча асосий воситалар тўғрисидаги маълумотларни ягона марказда бирлаштириш имконини беради, бу уларни қидириш, таҳлил қилиш ва назорат қилишни осонлаштиради.

– Асосий воситаларни ҳисобга олиш жараёнларини автоматлаштириш. Бу меҳнат харажатларини камайтиради ва бухгалтерия ҳисобининг аниқлигини оширади.

– Сунъий интеллект (СИ) ва машинали ўрганиш (МЎ) технологияларидан фойдаланиш. СИ ва МЎ асосий воситаларни ҳисобга олиш жараёнларини автоматлаштириш, шунингдек, маълумотларни таҳлил қилиш ва юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни аниқлаш учун ишлатилиши мумкин.

– Замонавий ахборот тизимлари ва асосий воситаларни ҳисобга олиш технологияларини бошқа тизимлар билан бирлаштириш. Бу турли хил тизимлар ўртасида маълумотлар алмашиш имконини беради, бу эса асосий воситаларни бошқариш самарадорлигини оширади.

Муайян тавсиялар тўплами ташкилотнинг ўзига хос хусусиятларига ва унинг эҳтиёжларига боғлиқ. Бироқ, умуман олганда, замонавий ахборот тизимлари ва асосий воситаларни ҳисобга олиш технологияларини жорий этиш рақамли трансформация шароитида бошқарув самарадорлигини оширишнинг зарурий шартидир.

Асосий воситаларни ҳисобга олиш тизимларининг архитектураси бўйича талаблар қуйидагича ишлаб чиқилди:

– Асосий воситаларнинг марказлаштирилган ҳисобини таъминлаш.

Асосий воситаларнинг марказлаштирилган ҳисоби бутун ташкилот бўйлаб асосий воситалар тўғрисидаги маълумотларнинг бир хиллиги ва ишончлилигини таъминлашга имкон беради.

– Интеграциялашган бухгалтерия тизимларидан фойдаланиш. Интеграциялашган бухгалтерия тизимлари ҳар хил турдаги активлар, шу жумладан, асосий воситалар тўғрисидаги маълумотларни битта майдонда бирлаштиришга имкон беради.

– Катта маълумотлар ва сунъий интеллект технологияларини жорий этиш. Катта маълумотлар ва сунъий интеллект технологиялари асосий воситалар бўйича катта ҳажмдаги маълумотларни таҳлил қилиш ва яширин нақшларни аниқлаш имконини беради.

Асосий воситаларни ҳисобга олиш тизимларининг функционал имкониятлари бўйича талаблар қуйидагича ишлаб чиқилди:

– Барча асосий воситаларни ҳисобга олиш операцияларини автоматлаштириш. Асосий воситаларни ҳисобга олиш операцияларини автоматлаштириш самарадорликни ошириш ва бухгалтерия харажатларини камайтириш имконини беради.

– Асосий воситаларни ҳисобга олишнинг ҳар хил турларини қўллаб-қувватлаш. Асосий воситаларни ҳисобга олиш тизими асосий воситаларни ҳисобга олишнинг ҳар хил турларини, шу жумладан, қиймати бўйича бухгалтерия ҳисобини, қайта баҳоланган қиймат бўйича бухгалтерия ҳисобини, алмаштириш қиймати бўйича бухгалтерия ҳисобини қўллаб-қувватлаши керак.

– Турли амортизация усулларини қўллаб-қувватлаш. Асосий воситаларни ҳисобга олиш тизими асосий воситаларни амортизация қилишнинг турли усулларини, шу жумладан, чизиқли усулни, балансни камайтириш усулини, фойдали йиллар сонини ҳисобдан чиқариш усулини қўллаб-қувватлаши керак.

Асосий воситаларни ҳисобга олиш тизимларининг хавфсизлиги бўйича талаблар қуйидагича ишлаб чиқилди:

– Замонавий ахборот хавфсизлиги воситаларидан фойдаланиш. Асосий воситаларни ҳисобга олиш тизими рухсатсиз кириш, маълумотларни ўзгартириш ва йўқ қилишдан ҳимояланган бўлиши керак.

– Асосий воситаларни ҳисобга олиш тизимларининг мунтазам аудити. Асосий воситаларни ҳисобга олиш тизимларининг аудити мумкин бўлган заифликларни аниқлаш ва йўқ қилишга имкон беради.

Қуйида замонавий ахборот тизимлари ва асосий воситаларни ҳисобга олиш технологияларидан фойдаланган ҳолда асосий воситаларни бошқариш самарадорлигини оширишнинг амалий натижалари келтирилган:

– Асосий воситаларни ҳисобга олиш жараёнларини автоматлаштириш меҳнат харажатларини 50% ёки ундан кўпроқ камайтиради. Бу ходимларни маълумотларни таҳлил қилиш ва қарор қабул қилиш каби муҳим вазифалар учун бўшатади.

– СИ ва МЎ технологияларидан фойдаланиш асосий воситалар билан боғлиқ муаммоларни эрта босқичда аниқлашга ёрдам беради, бу уларнинг пайдо бўлишининг олдини олади. Масалан, СИ асосий воситаларнинг ҳолати тўғрисидаги маълумотларни таҳлил қилиш ва мумкин бўлган нуқсонларни аниқлаш учун ишлатилиши мумкин.

– Замонавий ахборот тизимлари ва асосий воситаларни ҳисобга олиш технологияларини бошқа тизимлар билан бирлаштириш асосий

воситаларни бошқариш жараёнларини оптималлаштиришга ёрдам беради. Масалан, асосий воситалар тўғрисидаги маълумотлар харид қилиш, таъмирлаш ва йўқ қилишни бошқариш тизимлари билан бирлаштирилиши мумкин.

Юқорида келтирилган тавсиялар татбиқ этилган ташкилотларда асосий воситаларни ҳисобга олиш самарадорлиги ва ишончлилиги ошди, шунингдек, бухгалтерия харажатлари камайди.

Хулоса

Рақамли трансформациялаш шароитида ҳар бир ташкилот ахборот тизимларининг асосий воситалари ҳисобини такомиллаштириш бўйича аниқ тавсиялар унинг ўзига хос хусусиятлари ва эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда талабларидан келиб чиқиб ишлаб чиқилиши шарт.

Ташкилотлар такомиллашган ахборот тизимларининг асосий воситалари ҳисобини жорий этиш орқали қуйидаги афзалликларга эга бўлишади:

- Асосий воситаларни ҳисобга олиш самарадорлиги ошади.
- Асосий воситалар ҳақида маълумот сифати ортади.
- Асосий воситаларни ҳисобга олиш харажатлари камаяди.
- Асосий воситаларни ҳисобга олишни автоматлаштириш даражаси кўтарилади.
- Асосий воситалар тўғрисидаги маълумотларни таҳлил қилиш қобилияти яхшиланади.

Ҳозирги вақтда бозорда мавжуд бўлган дастурий маҳсулотлар вазифалар доираси, лойиҳалаш тамойиллари, ҳисоблаш технологиялари ва нархлари бўйича фарқланади. Республика миқёсида корхоналарда асосий воситаларни ҳисобга олишнинг ахборот тизимларини қўллашнинг энг ёрқин мисоллари сифатида қуйидаги дастурий маҳсулотлардан фойдаланиш мумкин: “1UZ”, БЭМ; УзАСБО; UZTO; СОЛИҚ ИНФО; “1С: Бухгалтерия”; “Парус”, “Инфософт”, “БЭСТ”, “АС Смета”, “Турбо бухгалтер” ва бошқалар.

Замонавий ахборот тизимлари ва асосий воситаларни ҳисобга олиш технологияларини жорий этиш пухта режалаштириш ҳамда амалга оширишни талаб қиладиган мураккаб вазифадир. Бироқ, тўғри ёндашув билан замонавий ахборот тизимлари ва технологияларини жорий этиш ташкилотга катта фойда келтиради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Экономический обзор «Классификация основных средств предприятия» [Электронный ресурс]. – Режим доступа: http://economyreview.ru/about
2. Leading-edge digital technology powering the EY audit. Ernst & Young. 2018. URL: https://cdn.ey.com/echannel/gl/en/ services/assurance/digital-audit/EY-Digital-Audit-v4.pdf (дата обращения: 24.11.2021).
3. Карелин И.В., Акимова И.В., Титова Н.В., Баландин И.А. ERP-СИСТЕМЫ 1С И SAP. СРАВНЕНИЕ И ИНТЕГРАЦИЯ // Современные наукоемкие технологии. – 2022. – № 10-2. – С. 211-217; URL: https://top-technologies.ru/ru/article/view?id=39372 (дата обращения: 16.11.2023).
4. Богаченко, В. М. Бухгалтерский учет [Электронный ресурс]: учебник / В. М. Богаченко, Н. А. Кириллова. — 19-е изд., стер. — Ростов н/Д: Феникс, 2015. — 511 с.

УЎТ 330.34:338.5

Хомитов Комилжон Зоитович,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети профессори
e-mail: metro8368@mail.ru

РИЭЛТОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ ТАҲЛИЛИ

Хомитов Комилжон Зоитович,
профессор
Ташкентского государственного экономического университета
e-mail: metro8368@mail.ru

АНАЛИЗ ЗАРУБЕЖНОГО ОПЫТА РЕГУЛИРОВАНИЯ РИЭЛТОРСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ

Khomitov Komiljon Zoitovich,
professor
Tashkent State University of Economics
Mobil: 90 187 49 55, e-mail: metro8368@mail.ru

ANALYSIS OF FOREIGN EXPERIENCE IN REGULATION OF REAL ESTATE ACTIVITIES

Аннотация. *Ушбу мақолада риэлторлик фаолиятини тартибга солиш бўйича хорижий тажрибалар таҳлил қилинади. Қатор мамлакатларда риэлторлик фаолиятини тартибга солишнинг кучли ва заиф томонларини аниқлашга имкон берадиган уч турдаги моделлар таклиф этилади: қаттиқ, ўрта ва юмшоқ. Муаллифнинг хулосасига кўра, қатор мамлакатлардан олинган таҳлил маълумотларига асосланиб, риэлторлик фаолиятини тартибга солишнинг энг самарали модели қаттиқ модель ҳисобланиб, у давлат томонидан ҳам, профессионал ҳамжамият томонидан ҳам юқори талаблар ва тартибга солиниши туфайли тақдим этилаётган хизматлар сифатини юқори даражадагисини таъминлайди.*

Таянч сўзлар: *кўчмас мулк, кўчмас мулк бозори, кўчмас мулкни тасарруф этиш, турар ва нотурар жойлар, риэлторлик фаолияти, риэлтор, риэлторлик фаолиятини тартибга солиш модели, риэлторлик, агент.*

Аннотация. *В данной статье анализируется зарубежный опыт регулирования риэлторской деятельности. Предлагаются три типа моделей, позволяющие выявить сильные и слабые стороны регулирования недвижимости в разных странах: жёсткий, средний и мягкий. По заключению автора, основанному на эмпирических данных разных стран, наиболее эффективной моделью регулирования риэлторской деятельности является*

жесткая модель, обеспечивающая высокий уровень качества предоставляемых услуг в связи с высокими требованиями и регулированием как со стороны государства, так и со стороны профессиональное сообщество.

Ключевые слова: *недвижимость, рынок недвижимости, распоряжение недвижимостью, жилые и нежилые помещения, риэлторская деятельность, риэлтор, модель регулирования недвижимости, недвижимость, агент.*

Annotation. *This article analyzes foreign experience in regulating real estate activities. Three types of models are proposed to identify the strengths and weaknesses of real estate regulation in different countries: hard, medium and soft. According to the author's conclusion, based on empirical data from different countries, the most effective model for regulating real estate activities is a strict model that ensures a high level of quality of services provided due to high requirements and regulation both from the state and from the professional community.*

Key words: *real estate, real estate market, real estate management, residential and non-residential premises, real estate activities, realtor, real estate regulation model, real estate, agent.*

Кириш

Ўзбекистонда амалга оширилаётган бозор ислоҳотлари, давлат мулкини унинг тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш натижасида мамлакатда хусусий мулкдорлар, шу жумладан, кўчмас мулк эгалари синфи пайдо бўлди. Улар бугунги кунда ушбу кўчмас мулкдан нафақат фойдаланиши ва унга эгалик қилиши, балки уни тасарруф этиши ҳам мумкин. Мамлакатда товар-пул муносабатларининг ривожланиши ҳамда кўп укладли иқтисодиётнинг шаклланиши, ўз навбатида, товарларнинг биржа, пул ва кредит бозори, қимматли қоғозлар, турли хизматлар бозори сингари моҳиятан янги бозорларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Ушбу турдаги бозорлар орасида кўчмас мулк бозори алоҳида ўрин эгаллайди, яъни у бутун бозор муносабатлари тизимининг марказий бўғини ҳисобланади.

Мамлакатимизда 2010 йил 22 декабрда "Риэлторлик фаолияти тўғрисида"ги Қонун ҳамда 2011 йил 12 июлда Риэлторлик хизматлари миллий стандарти (1-сон РХМС) «Риэлторлик хизматлари сифатини назорат қилишнинг ички қоидаларига қўйиладиган умумий талаблар» қабул қилинган бўлса-да, Ўзбекистон кўчмас мулк ва риэлторлик бизнеси нафақат ғарб, балки ривожланаётган мамлакатлар кўчмас мулк бизнесига нисбатан анча «ёш» бўлганлиги сабабли, хорижий кўчмас мулк фаолиятини тартибга солишнинг самарали механизмларини ва уларни Ўзбекистонда амалда қўллаш имкониятларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Ўзбекистонда ўз-ўзини тартибга солиш сифатини ошириш потенциали тугалланмаган, бу эса яқин келажакда кўчмас мулк хизматлари сифатини дунёдаги энг яхши аналоглар даражасига кўтарадиган механизмларни жорий этиш имконини беради.

Риэлтор – бу кўчмас мулк бозорида воситачилик хизматларини кўрсатадиган шахс. «Риэлтор ибораси 1916 йилда АҚШда пайдо бўлган ва риэлторлар уюшмасининг махсус белгиси сифатида рўйхатга олинган. Ҳозирда хориждаги риэлторлар асосан кўчмас мулк олди-сотдиси бўйича воситачилик билан шуғулланади» [1]. Риэлторлик фаолияти – кўчмас мулк ва унга бўлган ҳуқуқларни (бино ва иншоотлар, турар ва нотурар жойлар, ер участкалари) билан шартномаларни (сотиш, сотиб олиш, айирбошлаш, ижарага бериш, гаровга қўйиш, лизинг) ташкил этувчи мустақил

шахслар томонидан амалга ошириладиган кўчмас мулк бозоридаги тадбиркорлик фаолияти. Бундай фаолиятнинг мақсади албатта фойда олишдир.

Риэлторлик фаолияти, шунингдек, «брокерлик ва агентлик фаолиятини, мулкни бошқаришни, кўчмас мулкни яратиш ва ривожлантиришга хусусий инвестицияларни жалб қилишни, тураржой биноларини нотурар жойларга ўтказишни, биноларни реконструкция қилиш ва қайта қуришни ўз ичига олиши мумкин» [1].

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи

Мавзу бўйича ўз илмий изланишлари ва тадқиқотларини амалга оширган МДҲ мамлакатлари иқтисодчиларидан В.А. Шанюкевич ва бошқ. «Основы риэлтерской деятельности» [2] асарида риэлторлик фаолиятини назарий-амалий жиҳатларини тадқиқ этган бўлса, Г.В.Федотов ва Б.А Волковларнинг «Экономика недвижимости» [3] номли ўқув қўлланмаларида ҳамда М.А. Котляров, Дж. Дрейн, А.Б. Бриль ва бошқ. «Девелопмент недвижимости» [4] номли монографияларида кўчмас мулк, риэлторлик ва девелоперлик фаолияти соҳасида тадқиқотлар олиб борганлар. Ватанимиз иқтисодчиларидан, риэлторлик фаолиятини регуляцияси бўйича риэлторлик фаолиятини регулятив моделлари ҳамда ривожланиш концепцияларини ишлаб чиққан Ш.Шоҳаъзамий «Риэлторлик фаолияти» номли танланган маърузаларида [5], кўчмас мулкни бошқариш бўйича тадқиқотлар билан шуғулланган А.Асаул, В.Ёдгоров ва бошқаларни келтириб ўтишимиз мумкин.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқот жараёнида риэлторлик фаолияти ва уни регуляцияси бўйича чет эл амалиёти хусусиятлари, уларни кўчмас мулк бозоридаги ўрни борасида чет эл ва маҳаллий иқтисодчиларнинг ишлари тадқиқ ва таҳлил қилинди. Мақолада назарий мушоҳада, тизимли ёндашув, кузатиш, умумлаштириш, таҳлил, синтез каби усуллар самарали қўлланилди, шунингдек, риэлторлик фаолияти ва уни тартибга солиш борасидаги муаммолар ва уларнинг ечимлари хусусида хулоса ва таклифлар шакллантирилган.

Натижа ва муҳокама

Америка Қўшма Штатлари дунёдаги энг қадимги кўчмас мулк бозорларидан биридир. «Риэлтор» атамасининг ўзи 1916 йилда АҚШда пайдо бўлган ва Миллий Риэлторлар Ассоциациясининг (National Association of Realtors – NAR) расмий савдо белгисига айланди. «Фақат NAR товар белгисидан фойдаланишга рухсати бўлган, мамлакат Миллий риэлторлар ассоциациясининг аъзоси бўлган шахсни риэлтор деб аташ мумкин, акс ҳолда бу касб кўчмас мулк агенти деб аталади. «Риэлтор» ва «кўчмас мулк агенти» атамалари бир хил функцияларни бажаришни англатади, аммо риэлторнинг мақоми юқорироқдир, чунки унга қўшимча талаблар қўйилади, бу эса хизмат кўрсатиш сифати ва мижозларнинг ишонч даражасини оширади» [1].

Кўчмас мулк бозори ва риэлторлик фаолияти хизматлари АҚШ миллий иқтисодиёти учун катта аҳамиятга эга бўлиб, кўплаб турдош тармоқлар учун ривожланиш, шунингдек, асосий миллий ғоялардан бири – «Ҳар бир америкаликнинг ўз уйи бор!» ғоясининг драйвери бўлиб ҳисобланади. «Касбнинг нуфузи ва NARнинг таъсири шунчалик каттаки, ҳаттоки Вашингтонда ўтказиладиган ассоциациянинг йиллик анжуманида АҚШ Президенти ҳам қатнашади» [1].

Америка Қўшма Штатларида риэлтор ва мижоз ўртасидаги муносабатларни қонунчилик билан тартибга солиш қатъий тартибга солинади ва махсус қоидаларда (Agency Law) белгиланган. «Ҳуқуқий тартибга солишдан ташқари, ахлоқ кодексига (Code of Ethics) риоя қилиш ҳам мажбурийдир. Ғарб дунёси учун ахлоқ кодекси нафақат тавсия этилган қоидалар тўплами, балки мамлакат қонунларига риоя қилиш каби мажбурий бўлган риэлторлик фаолиятини амалга ошириш бўйича қатъий тартибга солинган кўрсатмалардир. NAR ахлоқ кодекси қисқартма (OLD CAR – эски машина) шаклида ташкил этилган принципларга асосланади, ҳар бир ҳарф 6 та асосий тамойилдан бирини ифодалайди» [6] (1-расм).

Риэлтор бўлмоқчи бўлган номзод ахлоқ кодексини ўрганиши ва унга риоя қилишдан олдин бир қатор тестлардан ўтиши ҳамда риэлторлик касбининг юқори стандартларига мувофиқлигини тасдиқлаши керак. Номзоднинг ахлоқий фазилатларига, биринчи навбатда, жиноий ўтмишининг йўқлигига юқори талаблар қўйилади, бунинг учун АҚШ Кўчмас мулк департаменти сўровномани чуқур ўрганади ва унинг тўғрилигини ҳукумат маълумотлар базалари орқали текширади.

«Кейинги босқичда номзод 45 дан 180 соатгача (штатга қараб) махсус ўқишдан ўтади, сўнгра қонунчилик ва мактабда касбий фаолият асосларини билиш бўйича имтиҳон топширади» [7]. Кейин номзод мураккаброқ тест – давлат кўчмас мулк департаментида имтиҳонидан ўтиши керак; агар омади чопса, номзод лицензия олади. Аксарият штатлар ҳар икки йилда бир марта узлуксиз таълим олишни талаб қилади. Берилган лицензия фақат у олинган штат ҳудудида амал қилиши ҳам муҳимдир.

Шундан сўнг, «риэлтор ўзини мувофиқлаштирувчи ташкилотга



1-расм. АҚШда риэлторлик фаолиятини амалга ошириш принциплари (OLD CAR)*

Манба: *муаллиф томонидан АҚШ Миллий Риэлторлар Ассоциациясининг расмий веб-сайти маълумотлари асосида тузилган [National Association of Realtors USA (NAR), www].*

қўшилиши, ўз касбий фаолиятини суғурта қилиши ва риэлторлик компаниясида 2–3 йил ишлаши керак. Шундан кейингина у ўз бизнесини бошлаши мумкин. NARга қўшилишнинг катта рақобатдош устунлиги – бу ягона кўчмас мулк маълумотлар базасига (MLS – мультилистинг тизими) кириш рухсатига эга бўлиш, ваҳоланки, унга фақат уюшма аъзолари бўлган риэлторлар кириш ҳуқуқига эга ҳисобланади» [7].

АҚШда риэлторлик нуфузли ва юқори ҳақ тўланадиган касб бўлиб, унинг муваффақияти юқори малака даражаси, мутахассис сифатида узоқ муддатли обрў-эътибор ва қонунлар ҳамда ахлоқ кодексига қатъий риоя қилиш билан асосланади. Риэлторнинг асосий вазифаси қидирув, мулкни танлаш, музокаралар олиб бориш, ҳужжатларни йиғиш ва битимни ёпишдан иборат воситачиликдир. Битимнинг «тозалиги» кўчмас мулк фирмаси ёки ҳар бир томоннинг адвокатлари томонидан текширилади, нотариус тўлиқлигини текширади ва имзоларни тасдиқлайди.

Францияда «кўчмас мулк фаолияти уч соҳага бўлинади: сотиб олиш ва сотиш, ижарага бериш ва мулкни бошқариш. Ҳар бир йўналиш учун алоҳида лицензия мавжуд. Номзодга қўйиладиган мажбурий талаблар судланганлигининг йўқлиги, "Ҳуқуқшунослик", иқтисод, кўчмас мулк соҳасида камида уч йиллик ўқиш муддатига эга бўлган давлат дипломи, маҳаллий префектура томонидан бериладиган лицензия (carte professionnelle – профессионал картаси), шунингдек, мажбурий профессионал суғурта» [8]. Францияда риэлторнинг вазифаси воситачиликдир. Битимнинг «тозалиги»ни кафолатчиси – бу кўчмас мулк бўйича барча мумкин бўлган вазиятлар тўғрисидаги маълумотларга тўлиқ кириш ҳуқуқига эга нотариусдир.

«Германияда «риэлтор» савдо белгиси ишлатилмайди, бу хизмат сифатининг юқори стандартини сақлашга мажбур қилади, бунинг ўрнига «кўчмас мулк агенти» (Immobilienmakler) атамаси қўлланилади. Германияда кўчмас мулк агентига қўйиладиган асосий талаблар – бу судланганлигининг йўқлиги ва Савдо-саноат палатасининг лицензияси» [9, Immobilienverband Deutschland (IVD), www].

Таълим даражасига, касбий жавобгарликни мажбурий суғурталашга ва миллий кўчмас мулк ассоциациясига (Immobilienverband Deutschland, IVD) аъзоликка қўйиладиган талаблар мавжуд эмас ва улар ихтиёрийдир, бу эса хизматлар сифати ва касб обрўсининг пасайишига олиб келади.

Профессионал агентлар ихтиёрий равишда ихтисослаштирилган тренингдан ўтадилар ва миллий кўчмас мулк ассоциациясига қўшилишади, бу эса мижозлар олдида муҳим рақобат устунлиги ҳисобланади. Битимнинг қонунийлиги нотариус томонидан тасдиқланади, у битимнинг «тозалигини» кафолатлайди.

«Буюк Британиядаги кўчмас мулк нархи дунёдаги энг юқори кўрсаткичлардан бири бўлиб, бу агентлик фаолиятини жуда ҳам машҳур қилади. Ушбу фаолият 1979, 2007, 2012 ва ҳ.к. йиллардаги кўчмас мулк соҳасидаги ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади ва ўзини ўзи тартибга солувчи Мустақил мулк агентлари тармоғи (The Independent Network of Estate Agents, INEA) ва Кўчмас мулк агентлари миллий ассоциацияси (National Association of Estate Agents, NAEA)» [10, The Independent Network of Estate Agents (INEA). www] каби ташкилотлар томонидан назорат қилинади. Шуни таъкидлаш керакки, риэлторлардан маълумоти, лицензияси,

судланганлиги ёки ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилотларга аъзо бўлиш талаблари қўйилмайди, шунинг учун хизматлар сифати ва истеъмолчиларнинг уларга бўлган ишончи муайян бир агентлик ва кўчмас мулк агентига қараб табақаланади.

Испанияда кўчмас мулк агентларига ҳеч қандай махсус талаблар қўйилмайди, улар ҳужжатларни тайёрлайдилар, шу жумладан, уларнинг «тозалигини» текширадилар, шундан сўнг ҳужжатлар катта масъулиятни ўз зиммасига оладиган нотариусга топширилади ва ҳужжатлар бўйича озгина шубҳа туғилса, у битимни амалга оширишни рад этади. «Испанияда риэлторнинг касбий фаолиятини суғурта қилиш мажбурий эмас ва ихтиёрий асосда амалга оширилади. Истисно Каталония бўлиб, у ерда кўчмас мулк агентлари тренингдан ўтишлари ва ихтисослаштирилган реестрда рўйхатдан ўтишлари шарт» [11, La Asociación Profesional de Administradores y Agentes Inmobiliarios (APAGI), www].

Россияда риэлторлик фаолиятини давлат томонидан махсус тартибга солиш йўқ. У ерда «2002 йилда мажбурий лицензиялаш бекор қилинди ва ушбу фаолиятни тартибга солувчи қонун лойиҳалари бир неча бор рад этилди. 1992 йилда ўз-ўзини тартибга солиш функцияларини бажарадиган кўчмас мулк бозори профессионал иштирокчиларининг миллий уюшмаси – Россия Риэлторлар Гилдияси (РГР) ташкил этилди. Бугунги кунда унинг бозорга таъсири унчалик катта эмас, чунки РГРга аъзолик ихтиёрийдир. Молиявий тадқиқотлар миллий агентлиги – НАФИнинг маълумотларига кўра, бу кўрсатилаётган хизматлар сифатининг кўрсаткичи эмас» [1].

Ўзбекистонда эса риэлторлик фаолияти давлат томонидан 2010 йил 22 декабрда қабул қилинган “Риэлторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонун асосида тартибга солинади. Ҳозирги вақтда унинг янги лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда. 2020 йилда мажбурий лицензиялаш бекор қилинди. 2012 йилда ўз-ўзини тартибга солиш функцияларини бажарадиган кўчмас мулк бозори профессионал иштирокчиларининг миллий уюшмаси – Ўзбекистон Риэлторлик ташкилотлари Уюшмаси (РТУ) ташкил этилди. РТУга аъзолик ихтиёрий бўлган учун ҳозирги вақтда унинг кўчмас мулк бозорига таъсири унчалик катта эмас.

Бенилюкс мамлакатлари – Нидерландия, Бельгия ва Люксембурга – агентлик фаолиятини тартибга солишнинг энг қатъий моделларидан бирига эга. Мазкур «модель давлат ва касбий-жамоатчилик томонидан тартибга солишнинг юқори улушини бирлаштиради, чунки нафақат мажбурий лицензиялаш, балки ўзини ўзи тартибга солувчи ташкилотга (Institut Professionnel des Agents Immobiliers – IPI) мажбурий аъзолик ҳам регламентлаштирилади. Бунда ҳар бир агентга шахсий идентификация коди берилади, у барча ҳужжатларда, шу жумладан, мижоз билан тузилган шартномада ҳам қайд этилади. Риэлторлар миллий ассоциациясига қўшилиш уч йиллик ўқиш, имтиҳонларни топшириш ва агентлик фаолияти учун диплом олиш, сўнгра тажрибали брокер билан амалиёт ўташ билан бирга амалга ошади» [12, Institut Professionnel des Agents Immobiliers (IPI), www].

Турли мамлакатларда риэлторлик (агентлик) фаолиятини тартибга солиш хусусиятларини ўрганиб чиқиб, биз уларнинг асосий фарқловчи хусусиятларини тақдим этамиз (1-жадвал).

1-жадвал

Турли мамлакатларда риэлторлик фаолиятини тартибга солиш моделларини таққослаш*

	АҚШ	Франция	Германия	Буюк Британия	Россия	Ўзбекистон	Испания	Бенилюкс давлатлари
1. РФ ни тартибга солиш модели	Қаттиқ модель	Қаттиқ модель	Ўрта модель	Ўрта модель	Юмшоқ модель	Юмшоқ модель	Юмшоқ модель	Қаттиқ модель
2. Миллий ассоциация	NAR	FNAIM	IVD	INEA	РГР	РТУ	APAGI	IPI
3. Лицензиялаш	+	+	+	-	-	-	-	+
4. Суғурталаш	+	+	-	+	-	+	-	+
5. Судланмаганлик	+	+	+	-	-	-	-	+
6. Қонунчилик асосида тартибга солиш	юқори	юқори	ўрта	ўрта	паст	ўрта	паст	юқори
7. Касб обрўси	юқори	ўрта	ўрта	ўрта	паст	ўрта	паст	юқори

Манба: *муаллиф томонидан тузилган.*

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда шуни таъкидлаш мумкинки, риэлторлик (агентлик) фаолияти турли мамлакатларда турлича тартибга солинади, шунинг учун ушбу фаолиятни тартибга солиш даражасига қараб уч турдаги моделларни ажратиш мумкин: қаттиқ, ўрта ва юмшоқ модель (3-расм).


Риэлторлик (агентлик) фаолиятини тартибга солиш моделлари:

– риэлторлик фаолиятини тартибга солишнинг қаттиқ модели – давлат ва профессионал ҳамжамият томонидан тартибга солишнинг юқори даражаси, риэлторлик агентларига юқори талаблар, мижоз учун минимал хавф билан юқори сифатли хизматлар;

– риэлторлик фаолиятини тартибга солишнинг ўртача модели – давлат ва профессионал ҳамжамият томонидан қисман тартибга солиш, риэлторлик агентларига қўйиладиган минимал талаблар, мижоз учун минимал рисклар билан табақалаштирилган хизматлар сифати;

– риэлторлик фаолиятини тартибга солишнинг юмшоқ модели – давлат ва профессионал ҳамжамият томонидан тартибга солишнинг паст даражаси, риэлторлар учун муҳим талабларнинг йўқлиги, мижоз учун ўртача хавф даражаси билан табақалаштирилган хизматлар сифати.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, турли мамлакатлардан олинган эмпирик маълумотларга асосланиб, бизнингча энг самарали модель риэлторлик фаолиятини тартибга солишнинг қаттиқ модели ҳисобланиб, у давлат томонидан ҳам, профессионал ҳамжамият томонидан ҳам юқори талаблар ва тартибга солиниши туфайли тақдим этилаётган хизматлар сифати жиҳатидан юқори даражадаги барқарорликни таъминлайди.



3-расм. Риэлторлик фаолиятини тартибга солиш моделлари*

Манба: *муаллиф томонидан тузилган.*

Европа ва АҚШдаги риэлторларнинг профессионал уюшмалари профессионал фаолият сифатини ошириш учун риэлторлик фаолиятини ўз-ўзини тартибга солиш таъсирини оширишга интилмоқда. 3-расмда риэлторлик фаолиятининг глобал ўзини ўзи тартибга солиш даражалари кўрсатилган.

Риэлторлик фаолиятини ўз-ўзини тартибга солиши беш даражадан иборат. «Глобал миқёсда – International Real Estate Federation (FIABCI), мазкур федерация жаҳоннинг илғор тажрибасини умумлаштиради, тажриба алмашиш учун халқаро конференциялар ташкил қилади ва услубий материалларни ишлаб чиқади. Ушбу федерация 1951 йилдан бери маъмурий назоратсиз бутун дунё бўйлаб кўчмас мулк бозори мутахассислари учун бирлаштирувчи бўғин бўлиб келган. Халқаро кўчмас мулк федерацияси таркибига 70 та давлат, 90 та миллий ассоциация, 40 дан ортиқ кўчмас мулк мутахассисликлари бўйича мутахассислар ва 1 миллиондан ортиқ ассоциация аъзолари киради» [13, International Real Estate Federation (FIABCI), www].

«Европа даражасида (European Association of Real Estate Professions –CEPI) 1990 йилда Брюсселда ташкил этилган халқаро нотижорат ташкилотдир. У 19 мамлакатдан Европа Иттифоқи мутахассисларининг миллий ассоциацияларини бирлаштиради ва шу билан мижозларнинг ўз брендига» [14, European Association of Real Estate Professions (CEPI), www] бўлган ишончини оширади. Ассоциациянинг мақсади – ички ва ташқи алоқаларни кенгайтириш, тадқиқот лойиҳаларини ташкил этиш, бўлажак кўчмас мулк мутахассисларини тайёрлаш орқали риэлторлик хизматлари бозорини ривожлантиришдан иборат.

Халқаро даража (National Association of Realtors – NAR) миллий ассоциациялар «риэлтор» савдо белгисидан фойдаланадиган мамлакатлар учун мавжуд бўлиб, бу ассоциацияларни риэлторлик хизматларининг юқори сифат стандартларига ўтиш сиёсатини босқичма-босқич олиб боришга мажбур қилади.



4-расм. Риэлторлик фаолиятини ўзини ўзи тартибга солиши*

Манба: *муаллиф томонидан тузилган.*

Миллий даражада, ҳар бир мамлакатда кўчмас мулк бўйича мутахассисларнинг ўз уюшмалари мавжуд. Ўзбекистонда бундай бирлашма юқорида келтириб ўтганимиздек, 2012 йилда ташкил этилган Ўзбекистон Риэлторлик ташкилотлари Уюшмаси ҳисобланиб, у республикамизнинг турли вилоятларидан бўлган 41 риэлторлик ташкилотларини

(2020 йил маълумоти) бирлаштиради. Уюшманинг асосий вазифалари: “риэлтор” товар белгисини тақдим этиш, касбий фаолият стандартлари ва риэлторлар учун ахлоқ кодексини яратиш, давлат органлари билан ўзаро муносабатлар, норматив-ҳуқуқий базани шакллантиришда иштирок этиш, кадрлар тайёрлаш ва ҳ.к.лардан иборат.

Хулоса

Шундай қилиб, биз жаҳон тажрибасини умумлаштирган ҳолда, риэлторлик фаолиятини тартибга солишнинг учта моделини ажратиб кўрсатишимиз мумкин: қаттиқ, ўрта ва юмшоқ. Ўзбекистон кўчмас мулк ва риэлторлик бизнеси нафақат ғарб, балки ривожланаётган мамлакатлар кўчмас мулк бизнесига нисбатан анча «ёш» бўлганлиги сабабли, чет элда риэлторлик фаолиятини тартибга солишнинг самарали механизмларини ва уларни Ўзбекистонда амалий қўллаш имкониятларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Шуни таъкидлаш керакки, Ўзбекистонда ўз-ўзини тартибга солиш сифатини яхшилаш салоҳияти тугамайди, ва бу яқин келажакда риэлторлик хизматлари сифатини энг яхши жаҳон аналоглари даражасига кўтарадиган механизмларни жорий этишга имкон беради. Шунингдек 2023 йилда ишлаб чиқилган янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси “Риэлторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонунини тезроқ қабул қилиш ва амалга жорий этиш мақсадга мувофиқ.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Цацулин А.Н., Беляков В.Ю. Зарубежные модели регулирования риэлторской деятельности // Экономика: вчера, сегодня, завтра. 2019. Том 9. № 12В. С. 205-213.
2. Основы риэлтерской деятельности: учеб.-метод. пос. / В.А. Шанюкевич, В.М. Завгородний, И.В. Шанюкевич. – Минск: БНТУ, 2021. -91 с.
3. Экономика недвижимости. Учебное пособие для вузов. Г.В. Федотов, Б.А. Волков. – Санкт-Петербург: Изд-во: Лань, 2024 г. - 198 с.
4. Девелопмент недвижимости: [монография] / [М.А. Котляров, Дж. Дрейн, А.Б. Бриль и др.]; под науч. ред. М.А. Котлярова. - Екатеринбург, 2017. - 127 с.
5. Шоҳаъзамий Ш.Ш. Риэлторлик фаолияти. Дарслик. / - Т.: “ИҚТИСОД-МОЛИЯ” нашриёти, 2015.
6. National Association of Realtors USA (NAR), www
7. Запорощенко М.Д., Крум Э.В. Риэлтор и риэлторская деятельность в США // Сборник научных статей «Перспективы развития риэлтерского бизнеса». Минск, 2012. С. 29-33.
8. Фетисова Е.В., Ковалева А.М. Риэлторская деятельность: опыт евро-пейских стран // Сетевой научный журнал ОрёлГАУ. 2015. № 2 (5). С. 22-24.
9. Immobilienverband Deutschland (IVD), www
10. The Independent Network of Estate Agents (INEA). www
11. La Asociación Profesional de Administradores y Agentes Inmobiliarios (APAGI), www
12. Institut Professionnel des Agents Immobiliers (IPI), www
13. International Real Estate Federation (FIABCI), www
14. European Association of Real Estate Professions (CEPI), www

УДК 620.9.001

Эгамкул Носиров,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
“Баҳолаш иши ва инвестициялар” кафедраси
мудири, и.ф.н., доц.

ЭНЕРГЕТИКА СОҲАСИДА БОЗОР МЕХАНИЗМЛАРИНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШНИНГ ЭНЕРГИЯ САМАРАДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ

Эгамкул Носиров,
Заведующий кафедрой “Оценочное дело и инвестиции”
Ташкентского государственного экономического
университета, к.э.н., доц.

ВЛИЯНИЕ НА ЭНЕРГОЭФФЕКТИВНОСТЬ ВНЕДРЕНИЯ РЫНОЧНЫХ МЕХАНИЗМОВ В ЭНЕРГЕТИЧЕСКОМ СЕКТОРЕ

Egamkul Nosirov,
PhD, head of the department «Valuation and Investments»
Tashkent State University of Economics

IMPACT ON ENERGY EFFICIENCY OF IMPLEMENTATION OF MARKET MECHANISMS IN THE FIELD OF ENERGY

Аннотация. *Мақолада аҳоли учун тақдим этилаётган электр энергиясига нархларнинг белгиланиш хусусиятлари ёритилган. Мамлакат энергетика соҳасида бозор механизмларини жорий қилишнинг энергия самарадорлигига таъсири таҳлил қилинган. Шунингдек, энергетика соҳасида бозор механизмларини қўллаш натижасида қўшимча молиявий тушумлардан аниқ йўналишларда фойдаланиш юзасидан таклиф-тавсиялар берилган.*

Таянч сўзлар: *инвестициялар, инфратузилма, «яшил» иқтисодий ўсиш, барқарор ривожланиш, энергия самарадорлиги, ижтимоий меъёр, субсидия.*

Аннотация. *В статье рассмотрены особенности ценообразования на электроэнергию, предоставляемые населению. Анализируется влияние внедрения рыночных механизмов в энергетике страны на энергоэффективность. Также, были выдвинуты предложения и рекомендации по использованию дополнительных финансовых средств по конкретным направлениям в результате применения рыночных механизмов в энергетической сфере.*

Ключевые слова: *инвестиции, инфраструктура, «зеленый» экономический рост, устойчивое развитие, энергоэффективность, социальная норма, субсидии.*

Annotation. *The article discusses the features of pricing for electricity provided to the population. The impact of the introduction of market mechanisms in the country's energy sector*

on energy efficiency is analyzed. Also, proposals and recommendations were put forward for the use of additional financial resources in specific areas as a result of the use of market mechanisms in the energy sector.

Key words: *investment, infrastructure, green economic growth, sustainable development, energy efficiency, social norm, subsidies.*

Кириш

Бугунги кунда энергия самарадорлигини таъминлаш масаласи глобал миқёсда ҳал қилиниши лозим бўлган муҳим вазифалардан бирига айланди. Энергия самарадорлигини ошириш ҳукуматларга бир пайтнинг ўзида мамлакат энергия хавфсизлигини таъминлаш, энергияни ишлаб чиқаришнинг янги усулларини қўллаш орқали табиатга зарарли таъсирларни камайтириш ҳамда саноатда рақобатбардошликни ошириш эвазига энергетика сиёсатидаги асосий мақсадларига эришишга ёрдам беради.

Энергия самарадорлигини таъминлашга инвестиция киритиш келажакда энергияга бўлган талабнинг қисқариши ва кўрсатилаётган хизматлар сифатининг ошишига ижобий таъсир кўрсатади. Шу сабабли иқтисодиётда энергия тежамкорлигини таъминлаш ва энергия самарадорлигини ошириш йўналишида илмий тадқиқотлар олиб бориш муҳим амалий аҳамиятга эга.

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи

Энергия самарадорлигини ошириш борасида бир қатор маҳаллий ва хорижий иқтисодчи олимлар томонидан изланишлар олиб борилган бўлиб, мазкур йўналишдаги изланишлар натижасида муаллифлар томонидан қуйидаги хулосалар шакллантирилган.

Энергия тежамкорлиги фақат биргина иқтисодиёт тармоқларига эмас, балки мамлакатнинг макроиқтисодий кўрсаткичларига ҳам ўз таъсирини кўрстади. Шунинг учун ҳам глобаллашув жараёнларнинг чуқурлашуви шароитида ҳар бир мамлакат “яшил иқтисодиётни” қўллаб-қувватлаши ва энергия самарадорлигини ошириш учун ушбу соҳадаги фаолиятини муттасил равишда ривожлантириши лозим [4].

Уй-жой секторида қайта тикланувчи энергия манбаларини кенг жорий этиш, унинг энергия самарадорлигини ошириш бир қатор ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилиш имконини беради. Жумладан, мамлакатимиз ҳудудларида энергия тақчиллигини қоплаш, аҳолини экологик тоза уй-жой билан таъминлаш, уларнинг уй-жойни таъмирлаш харажатларини камайтириш имконини беради [5].

Иқтисодиётда энергия самарадорлигини ошириш давлат, бизнес ва жамият учун муҳим аҳамиятга эга. Шу билан бирга, энергия самарадорлигини оширишнинг макроиқтисодий ва сиёсий натижалари кўпроқ давлат тузилмаларига, бизнес вакиллари учун – иқтисодий, аҳоли ва жамият учун – экологик ва хусусий-хўжалик масалалари кўпроқ қизиқиш уйғотади [6].

Тадқиқот методологияси

Тадқиқотнинг методологик асосини энергия самарадорлигини таъминлаш билан боғлиқ назарий ва амалий ёндашувлар ўз ичига олади. Илмий изланиш жараёнида иқтисодий ҳодисаларни ўзаро боғлиқ ҳолда ўрганиш имконини очиб берувчи диалектика усулидан фойдаланилди. Тадқиқот жараёнида изланиш объектига тизимли ёндашув сифатида гуруҳлаш,

таққослаш, таҳлил ва синтез усулларидан фойдаланилди.

Натижа ва муҳокама

Барқарор ривожланиш мақсадлари (БРМ)нинг 7-йўналиши «Арзон, ишончли, барқарор ва замонавий энергия манбаларидан барча учун умумфойдаланиш имкониятини таъминлаш»га қаратилган. Мазкур мақсад бошқа БРМга эришишнинг калити ҳисобланади. Чунки, энергия ресурслари ва уларнинг таъминоти билан боғлиқ муаммолар глобал муаммолар сирасига киради. Экспертлар фикрига кўра, энергия самарадорлигини таъминлаш иқтисодий, ижтимоий ва экологик йўналишларда кўплаб ижобий ўзгаришлар ва натижаларга эришишнинг энг самарали воситаларидан бири ҳисобланади.

Изланишимиз йўналишини мамлакатимизда энергия самарадорлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ислоҳотларга қаратамиз. Бу йўналишдаги асосий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат сифатида Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 25 апрелдаги «Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида»ги 412-I-сонли Қонунини келтиришимиз мумкин. Мазкур қонуннинг 3-моддасига кўра «Юридик ва жисмоний шахсларнинг ёқилғи қазиб олиш, ёқилғи, иссиқлик ва электр энергияси ҳосил қилиш, уларни қайта ишлаш, сақлаш, ташиш, тақсимлаш ва сарфлаш билан боғлиқ фаолияти ушбу Қонун амал қиладиган соҳа ҳисобланади» [1].

Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги маълумотларига кўра, «аҳолининг ўсиши, даромадларнинг ортиши, урбанизация жараёнининг тезлашиши ва истеъмол қилиш таркибининг ўзгариши ҳисобига 2030 йилга келиб, бино-иншоотлар соҳасида энергияга бўлган талаб 2,5 баробарга ошиши кутилмоқда. Мамлакатлар бўйича энергия сарфи кўрсаткичларининг қиёсий таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, Ўзбекистонда бир йилда 1 квадрат метрга сарфланадиган энергия миқдори 390 кВт/соатни, Европада эса, ўртача 120-150 кВт/соатни ташкил этмоқда» [7].

Ўзбекистонда аҳоли истеъмоли учун тақдим этилаётган электр энергиянинг нархи дунё мамлакатлари орасида энг арзон нархларда тақдим этилаётган баҳолар сирасига киради. Бироқ электр энергиясини ишлаб чиқаришга кетаётган реал харажатлар аҳоли учун тақдим этилаётган баҳодан анча юқори. Шундан келиб чиқиб, ҳукумат халқаро экспертлар тавсиясига кўра, электр энергиясидан фойдаланишда барча тоифадаги аҳолини бир хил тартибда субсидиялаш ўрнига, ижтимоий сиёсат йўналишини аниқ эҳтиёжмандларга қаратиш ва энергиядан самарали фойдаланишни қўллаб-қувватлаш механизмини жорий қилишга киришди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги «Электр энергияси ва табиий газдан фойдаланиш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 22-сонли қарорига Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 15 июлдаги 294-сонли қарори билан қўшимчалар киритилиб, аҳолининг электр энергияси истеъмоли учун табақалаштирилган тарифлар жорий қилинди [2]. Мазкур қарорга кўра, аҳоли томонидан ойлик электр энергияси истеъмоли ўсиб боришига қараб 4 та коэффициентга бўлинган тартибда прогрессив тарифлар жорий этилди (1-жадвал).

1-жадвал

Ўзбекистонда аҳоли учун электр энергиясига ўсиб борувчи коэффицентларнинг жорий қилиниши (кВт/с) [2]

Истеъмол	**1000 гача**	**1001 – 5000**	**5001 – 10000**	**10001 ва ундан юқори**
Коэф-фициент ва тариф (сўмда)	1	2	3	4
	295	590	885	1180

Манба: *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги 22-сонли қарори асосида муаллиф томонидан тайёрланди.*

Қабул қилинган тартибга мувофиқ, уй хўжалиги бир ойда 1000 кВт/с гача электр энергиясини истеъмол қиладиган бўлса, 1 кВт/с электр энергияси учун 295 сўм, 1001–5000 кВт/с электр энергияси истеъмоли учун 590 сўм, 5001–10000 кВт/с электр энергияси истеъмоли учун 885 сўм, 10001- ва ундан юқори кВт/с электр энергияси истеъмоли учун эса, 1180 сўм тўлаши белгиланди.

Энергетика вазирлиги маълумотларига кўра, «аҳоли учун электр энергиясига табақалаштирилган ўсиб борувчи коэффицентларнинг жорий қилиниши истеъмолчиларнинг 98 фоизига мутлақо таъсир қилмайди. Мамлакатимизда 7 млн. 589 мингдан ортиқ электр энергияси истеъмолчилари мавжуд бўлиб, улардан 146 мингдан ортиғи ойига 1000 кВт/с дан кўп электр энергиясини истеъмол қилади. Шунингдек, 10 мингдан ортиғи 5000 кВт/с дан кўп ва 4 мингдан ортиғи эса, ойига 10000 кВт/с дан кўп электр энергиясини ишлатади» [8].

Мамлакатимизда яқинда ёқилғи-энергетика ресурсларидан самарали фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ҳукуматнинг яна бир муҳим ҳужжати қабул қилинди. Хусусан, «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 16 апрелдаги «Ёқилғи-энергетика соҳасида бозор механизмларини жорий этишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги 204-сонли қарори» [3] билан аҳолига электр энергияси ва табиий газ учун истеъмол ҳажмига қараб табақалаштирилган тарифлар жорий қилинди. Шуниси аҳамиятлики, мамлакатимизда аҳоли учун тақдим этиб келинаётган электр энергияси ва табиий газ учун нархлар охирги беш йилда ўзгаришсиз келаётган эди. Юқорида қайд этиб ўтилган ҳукумат қарори билан энергия ресурслари учун «ижтимоий меъёр» белгиланган бўлиб, бир ойга электр энергияси учун мазкур кўрсаткич 200 кВт соат, табиий газ учун ёзги мавсумда 100 $м^3$, қишки мавсумда эса, 500 $м^3$ ҳажмда белгиланди (2-жадвал).

Электр энергияси учун янги жорий қилинган тарифларга кўра, 2024 йилнинг 1 майидан аҳоли учун 5 та ўсиб борувчи коэффициентда нархлар жорий қилинди. Унга кўра, битта хонадон бир ойда 200 кВт соатгача электр энергияси истеъмол қиладиган бўлса, бир кВт соат электр энергияси учун 450 сўм ёки шу пайтгача амалда бўлиб келган нархга нисбатан 52,5 фоиз кўп пул тўлайди. Агар истеъмолчи бир ойда 201 дан 1000 кВт соатгача электр энергияси ишлатадиган бўлса, бир кВт соат электр энергияси учун 900 сўм, 1001 дан 5000 кВт соатгача 1350 сўм, 5001 дан 10000 кВт соатгача 1575 сўм, 10001 ва ундан юқори кВт соат учун 1800 сўмдан тўлашига тўғри келади. Электр энергияси учун бешинчи коэффициентда пул тўлайдиган истеъмолчи биринчи коэффициентдагига қараганда тўрт маротаба кўп тўлайди. Шунга ўхшаш ҳолатни аҳолининг табиий газ истеъмоли ўсиб боришига қараб

2-жадвал

Ўзбекистонда аҳоли учун 2024 йилнинг 1 майидан электр энергияси ва табиий газга ўсиб борувчи коэффициентларнинг жорий қилиниши [3]

Электр энергияси истеъмоли учун бир ойга, кВт соатда					
Истеъмол	**200 гача**	**201–1000 гача**	**1001–5000** гача	**5001–10000** гача	**10001 ва ундан юқори**
Коэффициент ва тариф (сўмда)	1	2	3	4	5
	450	900	1350	1575	1800
Табиий газ истеъмоли учун бир ойга (март-октябрь ойлари), м³ да					
Истеъмол	**100 гача**	**101–2500** гача	**2501–5000 гача**	**5001–10000** гача	**10001 ва ундан юқори**
Коэффициент ва тариф (сўмда)	1	2	3	4	5
	650	1500	1950	2275	2600
Табиий газ истеъмоли учун бир ойга (ноябрь-февраль ойлари), м³ да					
Истеъмол	**500 гача**	**501–2500** гача	**2501–5000 гача**	**5001–10000** гача	**10001 ва ундан юқори**
Коэффициент ва тариф (сўмда)	1	2	3	4	5
	650	1500	1950	2275	2600

жорий қилинган коэффициентларда ҳам кўриш мумкин. Аҳолига табиий газ учун ёзги мавсумда бир ойга 100 м³, қишки мавсумда эса, 500 м³ ҳажмда «ижтимоий меъёр» белгиланган бўлиб, бунда бир м³ табиий газ учун истеъмолчи 650 сўм ёки шу пайтгача амалда бўлиб келган нархга нисбатан 71,0 фоиз кўп пул тўлашига тўғри келади. Табиий газ учун ҳам бешинчи коэффициентда пул тўлайдиган истеъмолчи биринчи коэффициентдагига қараганда тўрт карра юқори тўлайди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 15 июлдаги 294-сонли қарори билан аҳолининг электр энергияси истеъмоли учун табақалаштирилган тарифларнинг жорий қилиниши истеъмолчиларнинг 98 фоизига таъсир қилмаган бўлса, Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 16 апрелдаги 204-сонли қарори асосида аҳолига электр энергияси ва табиий газга жорий қилинаётган тарифлар аҳолининг катта қисмига ўз таъсирини кўрсатади. Шунинг учун ҳам Вазирлар Маҳкамасининг 204-сонли қарорида эҳтиёжманд оилаларга 270 000 сўм миқдорида йилда бир марталик моддий ёрдам бериш ва кам таъминланган оилаларга электр энергияси ва табиий газ истеъмолининг базавий меъёрларидан ошган қисми учун белгиланган тартибда компенсация тўлаб бериш кўзда тутилган.

Энергия ресурсларига бундай тартибда ҳақ тўлашнинг жорий қилиниши бозор талабларига мос келади. Биринчидан, юқорида қайд этиб ўтилганидек, Ўзбекистон дунё мамлакатлари орасида аҳолига электр энергиясини энг арзон нархларда етказиб бераётган давлатлар қаторига киради. Шунинг учун, мамлакатимизда уй хўжаликларининг бир ойдаги ўртача электр энергияси истеъмоли Европа Иттифоқи мамлакатларига қараганда қарийб икки баробар юқори. Иккинчидан, аҳолига 1 кВт/с электр энергиясини 295

сўмдан сотиш уни ишлаб чиқарувчи ва етказиб берувчи ташкилотга фойда келтирмайди. Учинчидан, энергия ресурсларига табақалаштирилган тартибда нархларнинг жорий қилиниши энергия ресурсларини кўп ишлатадиган истеъмолчилар томонидан электр энергияси ва табиий газни аввалгидек, чекланган нархларда эмас, балки бозор баҳосида харид қилишларига тўғри келади. Бу борадаги хулоса шундан иборатки, уй хўжаликлари учун электр энергияси ва табиий газга табақалаштирилган нархларнинг жорий қилиниши аҳолининг энергия ресурсларидан тежамли ва самарали фойдаланишга олиб келади. Энергия ресурсларига табақалаштирилган тартибда нарх тўлашдан тушган тушумлар ҳисобига тармоқ корхоналари асосий воситалари ва инфратузилмаларини модернизациялаш учун қўшимча молиявий манба шаклланади. Бу эса, ўз навбатида, истеъмолчиларни энергия ресурсларига талаб юқори бўлган мавсумларда ҳам барқарор энергия ресурслари билан таъминлаш имконини беради. Шу билан биргаликда, бизнинг фикримизча, аҳолига тақдим этилаётган энергия ресурсларига бозор механизмларини жорий қилишда айрим жиҳатлар инобатга олинмаган. Хусусан, табиий газ етиб бормаган ҳудудларда истиқомат қиладиган аҳоли қишки мавсумда электр энергияси ва табиий газ билан узлуксиз таъминланадиган шаҳар аҳолиси билан бир хил тарифда ҳақ тўлаши ўринсиздир. Мамлакатимизда табиий газ етиб бормаган ҳудудлар асосан қишлоқ жойлари ҳисобланади. Масаланинг молиявий-иқтисодий жиҳатларига эътибор қаратадиган бўлсак, биринчидан, қишлоқ жойларида истиқомат қиладиган аҳоли таркибида ишсизлар сони кўп. Иккинчидан, қишлоқ жойларида истиқомат қиладиган аҳолининг ўртача даромади шаҳар жойларида истиқомат қиладиган аҳолининг ўртача даромадидан паст. Учинчидан, қишлоқ жойларида истиқомат қиладиган аҳоли қишки мавсумда табиий газ бўлмаганлиги учун уйларини кўпроқ электр печлари, кўмир ва ўтинда иситишларига тўғри келади. Бундай ҳолатда табиийки, электр энергиясига ортиқча юклама пайдо бўлади.

Хулоса

1. Юқорида қайд этиб ўтилган далиллардан келиб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 16 апрелдаги 204-сонли қарорига тегишли ўзгартириш киритиш зарур деб ҳисоблаймиз. Хусусан, табиий газ етиб бормаган аҳоли яшайдиган ҳудудларда қишки мавсумда бир ойга электр энергияси учун белгиланган «ижтимоий меъёр» кўрсаткичини 200 кВт соат ўрнига 1000 кВт соат қилиб белгилаш мақсадга мувофиқ.

2. Иқтисодиёт тармоқларида энергия самарадорлигини таъминлаш учун ёқилғи-энергетика ресурсларининг меъёрий сарфига қатъий риоя этилишини назорат қилиш юзасидан зарур қоидаларни ишлаб чиқиш лозим.

3. Аҳоли томонидан истеъмол қилинадиган электр энергияси ва табиий газ учун ўсиб борувчи коэффициентда тарифлар жорий қилиниши натижасида тушадиган молиявий тушумлар энергетика соҳасидаги компаниялар томонидан фақат ишлаб чиқариш асосий воситалари ва қайта тақсимлаш инфратузилма объектларини модернизациялаш ҳамда соҳада «яшил» иқтисодий ўсишни таъминлашга хизмат қиладиган лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтирилиши зарур.

4. Электр тармоқларида электр энергияси бўйича йўқотишларни минималлаштириш мақсадида ақлли ҳисобга олиш тизимларини жорий этишни молиялаштириш манбаларини шакллантириш зарур.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг «Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида»ги 412-I-сонли Қонуни, 1997 йил 25 апрель.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги «Электр энергияси ва табиий газдан фойдаланиш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 22-сонли Қарори. https://lex.uz/docs/3505789
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 16 апрелдаги «Ёқилғи-энергетика соҳасида бозор механизмларини жорий этишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги 204-сонли Қарори.
4. Юсупов А.Х. Ишлаб чиқаришда энергиядан фойдаланиш самарадорлигини таъминлаш. Журнал Ученый XXI века, 2021, № 10 (81) –с.5.
5. Додиев Ф. Ў. Ўзбекистонда уйларнинг энергия самарадорлигини ошириш. Яшил иқтисодиёт ва тараққиёт журнали. 2024 йил 2-сон. -646 б., // -645-560 б.
6. Зарипов А.М. Повышение энергоэффективности экономики для реализации целей устойчивого развития. Автореферат диссертации на соискание ученой степени к.э.н., Казань, 2022 г., -с. -3. (-25 с.)
7. https://minenergy.uz/uploads/8213a25b-3baf-d082-9ac9- 0c65f975e69 _media_.pdf
8. https://www.gazeta.uz/ru/2023/10/05/electricity/

УЎТ 33.330

Набиев Элшод Ғаниевич, и.ф.д.,проф.
Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Турдиев Зоҳид Рустамович,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети мустақил тадқиқотчиси

ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ ВА АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИНИНГ ОШИБ БОРИШИ

Набиев Элшод Ганиевич, д.э.н., проф.
Ташкентский государственный экономический университет

Турдиев Захид Рустамович,
Ташкентский государственный экономический университет независимый исследователь

ЭКОНОМИЧЕСКИЙ РОСТ И ПОВЫШЕНИЕ БЛАГОСОСТОЯНИЯ НАСЕЛЕНИЯ

Nabiev Elshod Ganievich, DcS., prof.
Tashkent State Economic University

Turdiev Zahid Rustamovich,
Tashkent State Economic University Independent researcher

INCREASING ECONOMIC GROWTH AND WELFARE OF THE POPULATION

Аннотация. *Мақолада иқтисодий ўсиш ва аҳоли фаровонлиги ошиб бориши омиллари таҳлил қилинган. Фаровонликни оширишнинг асосий шарти сифатида иқтисодиётни барқарор суръатларда ўсиши кўрсатиб берилган.*

Таянч сўзлар: *иқтисодий фаровонлик, истеъмол, демографик вазият, фаровонликнинг ўсиш омиллари, меҳнат унумдорлиги, бандликнинг ўсиши, боқимандалар, ЯИМнинг ўсиши, инвестициялар, иқтисодий ўсишни прогнозлаш, фаровонликнинг ўсиши, турмуш даражаси.*

Аннотация. *В статье анализированы факторы повышения благосостояния населения в результате экономического роста. Показаны темпы стабильного развития экономики как основной фактор роста благосостояния.*

Ключевые слова: *Экономическое благосостояние, потребление, демографическаяз ситуация, факторы роста благосостояния, производительность труда, рост занятости,*

иждевенцы, рост конечного общественного продукта, инвестиции, прогнозирование экономического роста, повышения благосостояния, степень жизни.

Annotation. *The article analyzes the factors that increase the well-being of the population as a result of economic growth. The pace of stable economic development is shown as the main factor in the growth of well-being.*

Key words: *Economic well-being, consumption, demographic situation, factors of welfare growth, labor productivity, employment growth, dependents, growth of the final social product, investment, forecasting economic growth, welfare improvement, degree of living.*

Кириш

Мустақиллик йилларида, айниқса кейинги 7 йилдан ортиқ вақт мобайнида Ўзбекистон иқтисодий ва ижтимоий ривожланишида дунё жамиятининг эътиборига лойиқ катта натижаларга эришди. Ҳаракатлар стратегиясининг узвий давоми бўлган 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг 21-мақсадида "Иқтисодиёт тармоқларида барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминлаш орқали келгуси беш йилда аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулотни — 1,6 баравар ва 2030 йилга бориб аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадни 4 минг АҚШ долларидан ошириш ҳамда даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар қаторига кириш учун замин яратиш**"**[1] вазифаси белгиланган**.**

Иқтисодиёт назарияси фан сифатида ривожланиши билан турмуш фаровонлигига оид турлича фикрлар билдирилиб, дастлаб фаровонликни таъминлашга қаратилган даромад, иш ҳақи истеъмол категориялари асосланса, сўнгра индивидуал фаровонлик ва оммавий фаровонлик, иқтисодий ва ижтимоий фаровонлик, ижтимоий тенгсизлик, иқтисодиётнинг ижтимоий йўналиши каби категориялар ишлаб чиқилди. Шуларни инобатга олган ҳолда аҳолининг фаровонлиги ошиб боришининг асосий омилларидан бири сифатида иқтисодий ўсиш таъсирини таҳлил қилиш жуда муҳим масала ҳисобланади. Шулардан келиб чиқиш асосида мазкур мақола мавзуси танлаб олинди.

Адабиётлар таҳлили

Аҳоли фаровонлиги ва уни юксалтириш тараққиётнинг бош масаласи сифатида қаралиб келинмокда. Иқтисодиёт назарияси фан сифатида шаклланган даврдан бошлаб ҳозирга қадар аҳоли фаровонлиги у ёки бу даражада ўрганилган. Иқтисодий бойлик фаровонлик манбаи сифатида баҳоланган.

А.Смит фаровонликни даромадга боғлар экан бунда уч хил вазият бўлишини айтиб ўтади:[2]

1. Иқтисодиёт ўсиб борганда даромадлар ортади.

2. Иқтисодиёт пасайганда, даромад ҳам пасаяди.

3. Иқтисодиёт турғун бўлганда, даромадлар ўзгармайди.

Д.Рикардо иш ҳақи "Ҳар қандай жамиятнинг энг кўп қисмининг"[3] фаровонлигини тавсифланишидан келиб чиқиб, унинг миқдори қандай бўлишини "…хусусий ва эркин бозор рақобати белгилайди ва у ҳеч қачон қонунчиликни аралашуви билан назорат қилинмаслиги зарур". Бу билан у иш ҳақи миқдорини бозор қонунлари белгилашини қайд этди.

Яна бир неолиберализм вакили А.Пигу фаровонликка хизмат қилувчи миллий даромадни миллий дивидендга

тенглаштирган ҳолда, у бозор иштирокида тақсимланганда хусусий ва ижтимоий манфаатлар уйғунлашмаслигини айтиб ўтди.

В.Парето фаровонликни нафлиликни максималлаштириш деб баҳолади, унинг ғояси “Парето оптимуми” номини олди. Бу шуни билдирадики, ютиш ва ютқизиш якка фаровонликни фарқлантиради, бироқ умумий фаровонлик ҳам ошган бўлади.

А.Маршал “Пул даромади ёки бойликдан келган тушум мамлакат гуллаб-яшнашининг ўлчамидир” деб ёзди. А.Маршал бозор тизимида эҳтиёжларни юксалиш қонуни борлигини қайд этиб, ишлаб чиқариш ўзгарувчан эҳтиёжларга мослашганда фаровонлик ортиб боришини кўрсатди.

Россиядаги аҳоли фаровонлигини Н.Волгин ва Р.Одегов[4], В.Жеребин, А.Романов[5] ва бошқа олимлар ўрганишган. Ўзбекистон олимлари А.Ўлмасов [6], А.Ваҳобов[7], Р.Ҳасанов[8] илмий ишларида аҳоли даромадлари, унинг турлари кўриб чиқилган.

Тадқиқот методологияси

Иқтисодий фаровонликни иқтисодий салоҳият, ЯИМни тақсимланиши ва этнодемографик омилларга боғлиқ бўлишига бағишланган илмий таклиф ва амалий тавсиялар мамлакатимизда халк фаровонлигини ўрта ва узоқ истиқболда таъминлашга хизмат қилиши мумкинлигини эътиборга олиб, тадқиқот ишини бажаришда қиёсий таҳлил, тизимли ёндашув, анализ ва синтез, гуруҳлаш ва математик усуллардан фойдаланилди. Шунингдек, жадвал, аналитик таққослаш, мантиқий таҳлил каби усуллар ҳамда статистик маълумотлар ишлатилди.

Ушбу мақолада иқтисодий таҳлил, индукция ва дедукция, миқдор ва сифат кўрсаткичларини ҳисоблаш, уларни бир-бири билан солиштириш йўли билан статистик қайта ишлаш усули, илмий абстракциялаш каби методлардан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар

Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор, тез ривожланиши ва давлатнинг фаол ижтимоий сиёсати аҳоли фаровонлигини янги босқичга олиб чиқди. Аҳоли даромади ва фаровонлигини ошириш борасида ҳам сифат жиҳатидан чукур ўзгаришлар юз бермоқда. Бундай ўзгаришларни келажакда ҳам кутиш мумкин. Шу боис фаровонликни ошириш дастурларини илмий прогнозлаш асосида ишлаб чиқиш талаб қилинади.

Иқтисодий фаровонлик истиқболлари аниқланганда, унга таъсир этувчи иқтисодий ва этнодемографик омилларни ҳисобга олиш зарурки, булар қуйидагилардан иборат:

1. Иқтисодий тараққиёт даражаси ва унинг ўсиш имкониятлари.

2. ЯИМни истеъмол ва жамғаришга тақсимланиши.

3. Аҳолининг ўсиш суръатлари.

4. Ишлаб чиқарувчилар ва соф истеъмолчилар нисбати.

5. Истеъмолдаги миллий менталитет хусусиятлари.

Фаровонлик иқтисодиётнинг ҳосиласи, чунки истеъмол неъматларини яратишдан мақсад уларни истеъмол этиш бўлади. Бироқ, истеъмол ишлаб чиқарилган неъматларни шунчаки сарфлаб юборилиши эмас, чунки қаерда истеъмол миқдори кўп ва таркибан замонавий бўлса, шу ерда инсон камолотига эришилади. Инсон омили эса иқтисодий ўсишда етакчи роль ўйнайди. Фаровонлик ортиши учун даромад аҳоли сонига нисбатан жадалроқ ўсиши зарур.

Аҳолининг кўпайиши тўла бандлик шароитида ишлаб чиқарувчиларни ҳам кўпайишини билдиради. Аммо

иқтисоди заиф мамлакатларда бандликни ошириш имконияти кам бўлади, шу боис аҳолининг тез ўсиши фаровонликнинг ўсишига таъсир этувчи кучли омилга айланади. Жаҳон банки маълумотларига биноан ривожланган мамлакатларда дунё аҳолисининг 15,7% яшагани ҳолда, бу ерда дунё ЯИМнинг 54,3%и яратилади. Иқтисоди ривожланмаган мамлакатларда аҳолининг 36,5%и яшагани ҳолда, ЯИМнинг 9,6%и яратилади, холос. Ҳозирда дунё мамлакатлари аҳволига қараб аҳоли истеъмоли кучли фарқланади (1-жадвал)[9].

Жадвал маълумотларига кўра турли мамлакатлар бўйича аҳоли жон бошига истеъмол жиддий фарқланади. Бунинг сабаби жон бошига яратилган ЯИМ турлича бўлишининг ўзигина эмас, балки аҳоли сони ва таркиби ҳамдир. Аҳоли тез ўсганда, унинг таркибидаги болалар кўп бўлади. Болалар эса соф истеъмолчи бўлиб, даромадларни яратишда иштирок этмайди. Шундай аҳвол кам ривожланган мамлакатларга хос. Бу демографик вазият аҳоли истеъмолига кучли таъсир этишини билдиради.

Аҳоли фаровонлиги этник омиллар таъсирига ҳам берилади. Бу истеъмолдаги миллий анъаналарда ифода этилади. Бунинг натижасида жорий истеъмол билан жамғариш нисбати ўзгаради. Жорий истеъмол маблағларининг бир қисми келажак истеъмоли учун жамғарилади. Натижада истеъмолнинг бир қисмини кечиктирилиши юз беради.

Масалан, Ўзбекистонда миллий маросимларни ўтказиш учун оилалар пул тўплайди, бу жорий истеъмолдан чегирма ҳосил этиб, уни келажак истеъмолига сафарбар этади. Натижада истеъмол ресурслари қайта тақсимланади.

Этник менталитет Ўзбекистонда истеъмол харажатларини ўз бойлигини кўрсатиш йўлида ўринсиз сарфланишига олиб келади.

Фаровонликни оширишнинг асосий шарти иқтисодиётни барқарор суръатларда ўсиши ҳисобланади. Шундан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистонда халқ фаровонлиги истиқболларини баҳолаш мумкин. Аммо бунда аҳолининг ўсиш тенденцияларини, унинг таркибида боқимандалар салмоғини ўзгаришини

1-жадвал

Жаҳоннинг турли гуруҳ мамлакатларида иқтисодий-демографик вазият ва аҳоли истеъмоли

№	Кўрсаткичлар	2022 йил					
		ЯММнинг аҳоли жон бошига йиллик ўсиши, %	ЯММ ҳажми, млрд. доллар (валюта харид кучи паритети асосида)	Аҳолининг ўсиши, %	Аҳоли таркибида болалар (0–14 ёшгача) ҳиссаси, %	Жон бошига ЯММ, доллар	Жон бошига истеъмол, доллар
1	Даромади паст	3,9	1 368,8	2,1	38,0	1 407	914
2	Даромади ўртача	4,5	31 619,5	1,2	27,0	6 154	3 569
3	Даромади юқори	1,6	39 686,3	0,5	18,0	37 141	23 027
4	Дунё	0,9	69 309,0	1,3	27,0	10 357	6421

ва ниҳоят, ички ҳамда ташқи омиллар таъсирида ЯИМ тақсимланишининг ўзгариши, шунга боғлиқ ҳолда, истеъмол ва жамғариш фондлари нисбатини ўзгариб туришини ҳам ҳисобга олиш лозим.

Бунинг учун айтилган омиллар билан аҳоли жон бошига ҳисобланган истеъмол фонди реал қийматининг ўсиши ўртасидаги алоқаларни аниқлашга тўғри келади. Маълумки, 2017 йилдан бошлаб Ўзбекистон иқтисодиёти барқарор, баланслашган ҳолда ва юксак суръатлар билан ривожланиш босқичига чиқди. Бу аҳоли турмуш даражасининг тез ўсишини кафолатлади. Сўнгги йилларда аҳоли фаровонлигига таъсир этувчи омилларни келтирилган жадвал маълумотларида ифодалаш мумкин (2-жадвал)[10]

Жадвал маълумотларига кўра, ЯИМнинг ўсишига меҳнат унумдорлиги, бандликнинг ўсиши, аҳоли ўсишининг тезлашмагани, ишловчиларга тўғри келадиган истеъмолчилар, боқимандалар сонининг қисқариши ижобий таъсир этган. Айтилган омиллар ўзгаришининг ЯИМга таъсирини аниқроқ тушуниш учун улар алоқадорлигининг корреляциясини амалга ошириш лозим (3-жадвал).

Корреляция натижаларига кўра, ЯИМнинг ўсишида биринчи ўринда меҳнат унумдорлиги, иккинчи ўринда аҳоли сони, учинчи ўринда аҳоли бандлиги, ниҳоят тўртинчи ўринда ЯИМ ўсишига салбий таъсир кўрсатувчи бир ишловчига тўғри келадиган боқимандалар сони туради. Буларнинг аҳоли фаровонлигига таъсири ЯИМ ҳажмининг ўзгариши орқали юз беради.

Бу потенциал жиҳатдан қандай миқдордаги ЯИМ халқ истеъмолига юборилишини билдиради. Бироқ бунга ЯИМнинг тақсимланиши ҳам таъсир этишини эътибордан қочириш мумкин эмас.

Бизнинг аниқлашимизга кўра, 2017–2022 йилларда реал ЯИМнинг ҳажми 95,2%га, яъни 1,95 мартага ошди. Аҳолининг реал даромадларининг ҳажми эса 73,8%га, яъни 1,74 мартага ошди. Демак, юқоридаги маълумотларга таянадиган бўлсак, реал ЯИМнинг 1,0%га ўсиши аҳоли реал даромадларини 0,77%га ўсишини таъминлади. Иқтисодий-ижтимоий йўналишнинг кучайиши билан ЯИМнинг 1,0% ўсиши реал даромадларнинг бундан кўпроқ ўсишига олиб келиши лозимлигини прогнозда ҳисобга олиш зарур.

Энг аввал иқтисодий ўсишнинг фаровонликка таъсирини аниқлаганда инвестициялар ҳажми ва таркибини таҳлил этиш лозим. Бизнинг ҳисоблашимизга

2-жадвал

Ўзбекистонда аҳоли иқтисодий фаровонлигини белгиловчи омилларнинг ўзгаришидаги реал кўрсаткичлари (2000 йил нархида ҳисобланганда)

№	Кўрсаткичлар	2017	2018	2019	2020	2021	2022
1	ЯИМнинг ўсиши, **%**	**4,5**	5,4	5,6	1,6	7,4	5,7
2	Меҳнат унумдорлигининг ўсиши, **%**	103.8	112,3	103,9	101,6	105,7	106,2
3	Аҳоли бандлигининг ўсиши, **%**	101,7	98,2	102,0	97,8	102,9	100,8
4	Бир ишловчига тўғри келадиган боқимандалар сони, киши	2,37	2,39	2,43	2,47	2,50	2,54
5	Аҳолининг ўсиши, **%**	1,9	2,0	2,1	1,9	2,0	2,2

3-жадвал

Ўзбекистонда ЯИМга таъсир этувчи омилларнинг корреляцияси (2017 йил нархида ҳисобланган)

№	Кўрсаткичлар	2017	2018	2019	2020	2021	2022
1	ЯИМ ҳажми, трлд. сўм	317,6	425,7	529,5	580,2	734,6	888,34
2	Меҳнат унумдорлиги, минг сўм	501,2	499,1	509,9	517,2	546,7	557,3
3	Аҳолининг бандлиги, минг киши	13 520,3	13 273.1	13 541.1	13 236,4	13 430,1	1 4122,3
4	Бир ишловчига тўғри келадиган боқимандалар, киши	2,37	2,39	2,43	2,47	2,50	2,54
5	Аҳоли сони, минг киши	32 656,7	33 255,5	33 905,2	34 558,9	35 271,3	36 024,9

Манба: *Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги маълумотлари. https://stat.uz/*

кўра, жон бошига ҳисобланган инвестицияларнинг ҳажми уни жорий нархларда ҳисоблаганда 17,5 марта кўпайди. Муҳими, уларнинг технологик таркиби мукаммаллашиб, тобора кўпроқ қисми техникавий воситаларга сарфланди.

ЯИМ ўсиши билан унинг таркибида аҳоли даромадларининг ҳиссаси ортади. Бу кўрсаткич 2022 йили 61,0% бўлган бўлса, 2030 йилга келиб 65,0%га етади. Бундай тенденция келажакда янада кучайиши мумкин. Бу эса ички бозорни кенгайтириб, иқтисодий ўсиш учун қулайлик яратади.

Фаровонлик истиқболларини белгилашдан олдин иқтисодий ўсишни прогнозлаш зарур. Ўзбекистон ЯИМнинг 2022–2026 йиллардаги ўртача ўсиш суръатлари 106,8%ни, 2030 йилга бориб ўртача ўсиш эса, 7,2%ни ташкил этади. Демак, ЯИМнинг яқин келажакдаги ўсиш суръатлари йилига 7% дан ортиқ бўлиши мумкин. Аммо аҳолининг ўсиши секинлашади, натижада жон бошига ҳисобланган ЯИМ тез ўсган шароитда бир ишловчига тўғри келадиган боқимандалар сони қисқаради. Бунга, шубҳасиз бандликнинг ортиши ҳам ҳисса қўшади.


Иқтисодий ўсиш прогнозлари натижасига таянган ҳолда, фаровонликнинг истиқболларини чамалаб кўриш мумкин. Бунда иқтисодий ўсишнинг ўзи модернизация шароитида истеъмолни оширишни назарда тутиши керак, чунки инновацион ишлаб чиқариш юксак малакали иш кучини талаб қилади. Бунга эса истеъмолни оширмай туриб эришиб бўлмайди. Шу сабабли келажакда ЯИМнинг тобора кўпроқ қисми истеъмол фондини ташкил этишини, бунда эса якка истеъмол ҳиссасининг ортишини кутиш мумкин.

Фаровонликнинг ўсиш истиқболлари баҳоланганда энг аввал меҳнат унумдорлигининг ўсиши ҳисобидан бўлиши назарда тутилади. Ҳозир замонавий юксак технологик ишлаб чиқаришни илгарилаб ўсишига иқтисодиётнинг барча жабҳаларини техник ва технологик жиҳатдан қайта қуроллантириш устувор вазифалардан бири сифатида белгиланганки, бу келажакда меҳнат унумдорлиги жадал ўсишини кафолатлайди.

Меҳнат унумдорлиги қанчалик ўсмасин барибир бу фаровонликни

оширувчи ягона омил бўлмайди, чунки яқин келажакдаги устувор вазифалар қаторига аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил қилиш муаммосини ҳал этиш киради.

Бу ҳақда бандликни оширишга доир давлат дастурларига амал қилиниши гувоҳлик беради. Бандлик дастурига биноан ҳар йили янги иш ўринлари янада кўпайиб боради (1 - диаграмма)[10].



1 - диаграмма. Ўзбекистонда яратилган иш ўринлари (минг дона)

Давлат дастури иш ўринларини энг аввал кичик корхоналар, якка тартибдаги тадбиркорлик, касаначилик, фермер ва деҳқон хўжалиги каби соҳаларда яратишни кўзда тутади, чунки булар сермеҳнат бўлганидан иш ўринлари капитал сиғимининг кичиклиги, юксак малакани талаб қилмаслиги, кенгайиб бораётган ички, хусусан, маҳаллий бозорга ишлаши билан тавсифланади. Булар бандликни оширишнинг энг қулай соҳалари бўлганидан, уларда янги иш ўринларининг 74,3%дан зиёд қисми яратилди.

Бандликнинг оширилиши келажакдаги фаровонликнинг муҳим ички омили ҳисобланади ва уни прогнозларда ҳисобга олиш зарур.

Фаровонлик истиқболларига ички омиллардан ташқари ташқи омиллар ҳам таъсир этади.

Дунёнинг кўпчилик мамлакатлари инқироздан чиқиши учун ўз иқтисодиётига катта инвестициялар юборишига тўғри келади. Бу капитал экспортини дастлаб камайтириши мумкин. Лекин Ўзбекистондаги қулай инвестиция муҳитининг мавжудлиги сабабли яқин йиллар ичида хориж инвестициялари кўпайишини кутиш мумкин. Хориж инвестициялари ЯИМдаги жамғариш ҳиссасини камайтириб, истеъмол ҳиссасини оширади. Бас шундай экан, истеъмолнинг ЯИМдаги ҳиссасини 70–75% атрофида сақланишини кутиш мумкин.

Ўзбекистон ҳозирчалик биринчи босқичдаги марраларни мўлжаллаши мумкин. Бунинг учун реал даромадларни жон бошига 4500 долларга етказиш зарур. Бу, ўз навбатида, ЯИМни жадал ўсишини, ундаги истеъмол фондининг ҳиссасини ҳеч бўлмаганда 75% атрофида бўлишини талаб қилади.

Аҳолининг жамғармаси ҳам барқарор ўсиб бориши, уни даромадлардаги ҳиссаси 20–22% атрофида бўлиши талаб қилинади. Фаровонликни таъминловчи биргаликдаги истеъмол фондлари ва ноишлаб чиқариш инвестициялари ҳажми мутлақ кўпайса-да, ЯИМ салмоғи қисқариб боради, жамғариш нормаси ҳам пасайишга мойил бўлади.

Бу келажакда ЯИМдан бўладиган ташқи чегирмаларни қисқартириб фаровонлик фондини ошириш имконини беради.

Қиёсий нархларда ҳисобланган реал ЯИМ 2030 йилда 108,5%га, ялпи инвестициялар эса 106,7%га ўсади. Демак, ҳозирда ЯИМнинг 1,0%га кўпайиши инвестицияларнинг 1,01%га ортишига олиб келади.

ЯИМ тез ўсиши муносабати билан жамғариш нормаси пасайган шароитда ҳам инвестициялар миқдори ўсади. Жамғариш нормаси 2022 йил ЯИМнинг 27,2%ни ташкил этган ҳолда, буни қиёсий нархларда ҳисоблаганда 1729,2 млрд. сўмни ташкил этди. Жамғариш нормаси 2030 йилга бориб 22,0%га тушса ҳам

унинг миқдори 3027,9 млрд. сўм бўлиши, яъни 1,75 мартага ошиши мумкин.

Бизнинг ҳисоблашимизча, Ўзбекистонда аҳолининг ўсиш суръатлари 2018–2022 йилларда ўртача 101,6%га ўсгани ҳолда, ўртача 422,3 минг кишига кўпайиб борган. Демак, юқорида келтирилган маълумотга асосланган ҳолда, 2030 йилга бориб мамлакат аҳолиси 40356,1 кишига етиши мумкин.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда, фаровонликни яқин истиқболда (2030 йилгача) ўсишини прогноз қилиш мумкин. Бизнинг ҳисоб-китобларда иқтисодий ўсиш йилига 7% бўлганда, истеъмолнинг ЯИМдаги ҳиссаси дастлаб (2026 йилга қадар) 70%, сўнгра (2030 йилга қадар) 75%, аҳоли даромадларининг ЯИМдаги ҳиссаси эса аввал (2026 йилга қадар) 65%, сўнгра (2030 йилга қадар) 70% бўлиши кутилади (4 -жадвал).

Прогнозлашнинг натижалари шуни кўрсатадики, аҳоли жон бошига истеъмол ва реал даромадларнинг ўсиш суръатларини иқтисодий ўсиш суръатларига яқинлашуви учун ЯИМнинг ўзини жадал ўсиши кифоя қилмайди. Бунинг учун ЯИМдаги истеъмол ҳиссасини ҳам ошириб бориш керак, бироқ, бу чексиз бўлмайди, чунки иқтисодий ўсиш зарурати жамғаришни ҳам оширишни талаб қилади. Шуни назарда тутиб, прогнозда дастлаб истеъмол фонди ва

4-жадвал

Ўзбекистон аҳолиси фаровонлигини келажакда ўсиш кўрсаткичлари (2018 йил нархида ҳисобланган)

№	Кўрсаткичлар	2018	2019	2020	2021	2022	2026	2030	2018–2030 йилларда ўсиш, марта
1	ЯИМ ҳажми, трлн. сўм	425,7	529,5	580,2	734,6	888,34	1 529 217	17 763,1	2,2
2	Аҳоли сони, минг киши	33255,5	33905,2	34558,9	35271,3	36024,9	38125,3	40356,1	1,7
3	Истеъмол фондининг миқдори, млрд. сўм	8849,7	9557,7	9 456,0	10256,1	11502,3	16389,5	20322,3	2,7
4	Бир кишига ҳисобланган истеъмол фонди миқдори, минг сўм	272,2	290,2	310,2	334,4	357,1	521,7	711,5	2,01
5	Аҳоли пул даромадлари, млрд. сўм	8259,7	8920,5			634,8 трлн. сўм		9634,2	2,33
6	Бир кишига ҳисобланган аҳоли пул даромадлари, минг сўм	254,1 9128,6	270,8 10891,3	12122,2	14869,8	17807,3	25612,4	32160,8	2,23

Манба: *Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги* маълумотлари. https://stat.uz/

реал даромадларни ЯИМдаги ҳиссасини стабиллаштириш, сўнгра ошириш кўзда тутилган. Ҳозир иқтисодиётга юборилган катта инвестициялар уни барқарор ва тез ўсишини таъминлайди. Бироқ, бундан кейин ҳам инвестициялар бир меъёрда ўсиб бориши талаб қилинади.

Аҳоли даромади ЯИМнинг дастлаб (2026 йилга қадар) 65%ини, сўнгра (2030 йилга қадар) 70%ни ташкил этишидан келиб чиқсак, бу кўрсаткич 2,03 марта кўпайиши мумкин. Ўзбекистонда жон бошига аҳолини даромадлари харид қобилияти паритети бўйича ҳисоблаганда 2026 йилда 8126 долларни ташкил этади. Биз бажарган прогнозга биноан Ўзбекистонда 2030 йилга бориб аҳоли даромадлари 2,03 мартага кўпайса, яъни харид қобилияти паритети бўйича 19315,8 долларга (жон бошига ЯИМ 6640,1 доллар) етади. Демак, 2030 йилга бориб дунёдаги даражаси ўртача мамлакатларнинг ҳозирги даромадига етиб олинади. Бу буюк келажак сари қўйилган муҳим қадам бўлади.

Шунинг учун, 2030 йилгача ялпи ички маҳсулот ҳажмининг аҳоли жон бошига нисбатан ҳисоблаганда 2,6 баравар ўсишини таъминлаш, банд аҳоли сонини 1,4 бараварга, меҳнат унумдорлигини 3,1 бараварга ошириш ҳисобидан 2025 йилгача ишсизлик даражасини 7% гача тушириш, 2030 йилгача ишламаётган, ўқимаётган ва касбий малакаларни эгалламаётган ёшларнинг улушини икки бараварга қисқартириш, ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва улар учун хавфсиз меҳнат шароитларини таъминлаш, 2030 йилгача ёшлар бандлигини таъминлаш бўйича глобал стратегияни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш кўзда тутилади.

Хулоса

1. Иқтисодий фаровонликни ошиб боришини бозорнинг ўзига ташлаб қўйиш мумкин эмас, чунки уни таъминлашда давлат ҳам фаол иштирок этиши зарур. Бунинг учун давлатнинг ижтимоий дастурларини ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширилишини ҳамма чоралар билан қўллаб-қувватлаш талаб қилинади. Бу дастурларни яратиш учун иқтисодий фаровонликни ўсиш истиқболларини илмий прогнозлар асосида белгилаб олиш талаб қилинади. Буни давлатнинг ижтимоий сиёсати ҳам тақозо этади.

2. Иқтисодий фаровонлик прогнозлари унга хос объектив тенденцияларни юзага келтирувчи омилларнинг ўзгариш имкониятларини ҳисобга олиши зарур. Бунда иқтисодий ва этнодемографик, ички ва ташқи омиллар назарда тутилади. Илмий прогнозда иқтисодий ўсиш билан фаровонлик фондини кўпайиши ўртасидаги аҳоли ўсиши билан унинг таркибини ўзгариши ўртасидаги алоқадорликни, бандлик ва меҳнат унумдорлигининг фаровонликни оширишга қўшадиган ҳиссаси миқдорий жиҳатдан аниқланади. Булардан ташқари ташқи бозор конъюнктураси, хориж капиталини кириб келиши ҳам назарда тутилади. Шаклланган қулай инвестицион муҳит хориж капиталининг ялпи инвестициялардаги ҳиссасини барқарорлигини таъминлайди. Бу биринчидан, иқтисодий ўсишни, иккинчидан, ЯИМни истеъмол ва жамғариш ўртасида тақсимланишини ўзгартиради. Прогноз истеъмол фонди ва аҳоли ялпи даромадининг ЯИМдаги ҳиссасини ортиб боришидан келиб чиқиши мумкин.

3. Фаровонлик прогнозларида унинг ўсишидан ташқари ундаги тенгсизликни қисқартириш тенденцияларини ҳам аниқлаб олиш керак бўлади. Бу ишда

иқтисодий ўсиш билан тенгсизлик ўртасидаги алоқадорлик инобатга олинади, чунки иқтисодиёт юксалган сари камбағаллар сони, бинобарин, тенгсизлик қисқаради. Бу аниқланганда иқтисодиётнинг бир фоизга ўсиши камбағаллар сонини неча фоизга қисқариши мумкинлигидан келиб чиқилади. Прогнозда камбағалликни қисқартириш биринчидан, бандликни ошириш ҳисобидан бўлса, иккинчидан, давлат ижтимоий ёрдамни ошириш орқали юз бериши мумкин. Биринчи усулга устуворлик берилади, чунки ишлаб чиқариш камбағалликдан чиқиб кетиш либерал иқтисодиёт талабларига мос тушади, аммо прогнозда иқтисодий салоҳиятнинг ўсиши давлат ижтимоий ёрдамини кўпайтириш мумкинлигини ва шунга кўра ижтимоий ҳимоя ресурслари ЯИМ қийматига нисбатан қатъий белгиланиши мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги ПФ-60-сон Фармони.
2. Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. – М.: Эксмо, 2009. – С. 346.
3. Рикардо Д. Начало политической экономии и налогового обложения. – М.: Эксмо, 2009. – С. 138.
4. Майнбурд Е.М. Введение в историю экономической мысли, от пророков до профессоров. – М.: 1996. – С. 441.
5. Волгин.Н.А.,Одегов.Ю.Г.Экономика трудов (социально-трудовые отношения) – М.:Экзамен, 2003. 456 с.
6. Ўлмасов А. Иқтисодиёт асослари. – Т.: Меҳнат, 1997. 223-б.
7. Ваҳобов А. Бозор муносабатлари тизимидаги ижтимоий фондлар. – Т.:Шарқ, 2003. 320-б.
8. Хасанов Р.Р. Бозор муносабатлари: моҳияти, таркибий тузилиши ва табақаланиши. – Т.:2004. 192-б.
9. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги маълумотлари. https://stat.uz/
10. Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти маълумотлари.
11. Фуқоролар учун бюджет, 2023.
12. https://admin.openbudget.uz/media/post_attachments/Budjet_23_uz_ss7d1cT.pdf.

УДК 330:620.9

Сабирова Лола Шавкатовна,
к.э.н., доцент кафедры «Оценочное дело и инвестиции»
Ташкентского государственного экономического университета
E-mail: sabirowa@inbox.ru

Исламова Азиза Анваровна,
студентка магистратуры,
Ташкентского государственного экономического университета
E-mail: islamovaaz2001@gmail.com

РОЛЬ ВОЗОБНОВЛЯЕМЫХ ИСТОЧНИКОВ ЭНЕРГИИ В ОБЕСПЕЧЕНИИ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ БЕЗОПАСНОСТИ

Sabirova Lola Shavkatovna,
Toshkent davlat iqtisodiyot universitetining
“Baholash ishi va investitsiyalar” kafedrasi dotsenti, i.f.n.

Islamova Aziza Anvarovna,
Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti
magistranti

THE ROLE OF RENEWABLE ENERGY SOURCES IN ENSURING ECONOMIC SECURITY

Sabirova Lola Shavkatovna,
Tashkent State Economic University
Department of “Valuation and Investments”,
assistant professor

Islamova Aziza Anvarovna
Tashkent State Economic University
master’s student

QAYTA TIKLANADIGAN ENERGIYA MANBALARINING IQTISODIY XAVFSIZLIKNI TA’MINLASHDAGI ROLI

Аннотация. *В статье рассматриваются проблемы и представляются предложения для достижения энергетической безопасности и устойчивого развития в качестве ключевого приоритета для всех стран мирового сообщества. По мнению авторов, в условиях изменения мирового климата и исчерпания природных ресурсов, с учетом энергозависимости Узбекистана от импорта природного газа и нефти, переход к*

возобновляемым источникам энергии (солнечная и ветровая энергия), поможет уменьшить эту зависимость и обеспечить устойчивое энергетическое будущее страны, параллельно снижая негативное воздействие на окружающую среду.

Ключевые слова: *возобновляемые источники энергрии, традиционные источники энергии, энергетическая безопасность, энергетическая независимость, экономическая независимость, «зеленая» экономика, «зеленые» технологии.*

Annotation. *The article examines the problems and presents proposals for achieving energy security and sustainable development as a key priority for all countries of the world community. According to the authors, in the context of global climate change and the depletion of natural resources, taking into account Uzbekistan's energy dependence on imports of natural gas and oil, the transition to renewable energy sources (solar and wind energy) will help reduce this dependence and ensure a sustainable energy future for the country, while simultaneously reducing negative impact on the environment.*

Keywords: *renewable energy sources, traditional energy sources, energy security, energy independence, economic independence, "green" economy, "green" technologies.*

Annotatsiya. *Maqolada jahon hamjamiyatining barcha mamlakatlari uchun asosiy ustuvor yo'nalish sifatida energiya xavfsizligi va barqaror rivojlanishga erishishga to'sqinlik qiluvchi muammolar va ularni hal etish bo'yicha takliflar taqdim etiladi. Mualliflarning fikricha, global iqlim o'zgarishi va tabiiy resurslarning kamayishi sharoitida O'zbekistonning tabiiy gaz va neft importiga energetik qaramligini hisobga olgan holda qayta tiklanadigan energiya manbalari (quyosh va shamol energiyasi)ga o'tish ushbu tobelikni kamaytirishga va mamlakat uchun barqaror energiya kelajagini ta'minlashga yordam beradi, shu bilan birga atrof-muhitga salbiy ta'sirni kamaytirish imkonini yaratadi.*

Tayanch so'zlar: *qayta tiklanadigan energiya manbalari, an'anaviy energiya manbalari, energiya xavfsizligi, energiya mustaqilligi, iqtisodiy mustaqillik, "yashil" iqtisodiyot, "yashil" texnologiyalar.*

Введение

Современная экономика находится в большой зависимости от энергетическоего сектора. В контексте же достижения энергетической безопасности, развития экономики и повышения благосостояния довольно актуальным стало внедрение технологий возобновляемой энергетики. **Возобновляемая энергия** – это энергия, получаемая из природных источников, которые пополняются со скоростью, превышающей скорость ее потребления. Примерами таких постоянно пополняемых источников являются солнечный свет, ветер и др.

Преимущества возобновлемых источников энергии (далее ВИЭ) перед исчерпаемыми видами топлива заключаются и в экологическом аспекте, так как считается, что получение энергии таким путем сопряжено меньшим выбросом углекислого газа. С увеличением геополитических разногласий и неравномерности распределения топливных ресурсов между странами внедрение технологий ВИЭ стало одним из инструментов для достижения устойчивого экономического роста. В связи с этим ВИЭ могут стать в перспективе столпом, на котором будет строится новая энергетическая система.

Для Узбекстана внедрение ВИЭ – перспективное направление, помогающее выстроить безопасную энергетическую систему, но и являющееся вызовом

инновационной сфере. Важно отметить, что Узбекистан обладает естественным преимуществом в солнечной энергетике, благодаря множеству солнечных дней в году. Однако вопросы эффективного освоения возобновляемых источников остаются по-прежнему актуальными. Так, правительство страны поставило цель добиться 25% выработки электроэнергии из возобновляемых источников к 2030 году [1].

Обзор литературы

Энергетическая структура играет важную роль в экономическом развитии, что отмечают в своих работах K. Block и E. Nieuwlaar [3], связывая развитие общества с трансформацией энергетической структуры и, выделяя роль ВИЭ как нового направления в трансформации.

Так же в работах J.Twidell и T. Weir [4] выделяются особенности встроения в системы отдельных видов возобновляемых источников энергии. D.Maradin [5] в своих научных статьях отмечает преимущества и недостатки внедрения возобновляемых технологий и то, как избегать возможных рисков для энергетической системы.

Методология исследования

Теоретической и методологической основой данной работы являются Постановлния Президента Республики Узбекистан [1, 2], концепции зарубежных и отечественных ученых в области экономической теории и статистики, энергетической отрасли и др.

В работе над статьей для изучения энергетического сектора страны и выявления взаимосвязей между его составляющими применялся системный подход. В рамках исследования энергетической структуры нашел применение метод декомпозиции.

Теоретическая и практическая значимость исследования состоит в представлении возможностей стимулирования применения возобновляемых источников энергии, посредством, как увеличения вузовских планов подготовки студентов технических специальностей, так и привлечения махаллинских комитетов к повышению экологической и энергетической грамотности населения.

Результаты и дискуссия

В эпоху глобализации страны находятся в тесной взаимосвязи друг с другом, а энергетический сектор, в связи, как с естественным преимуществом некоторых стран (топливные ископаемые распределены неравномерно), так и с развитием международной торговли и увеличением зависимости от цепочек поставок, является одним из уязвимых сфер для стран импортеров энергоносителей.

Электроэнергия и топливо является важной составляющей любой экономики страны, так как от ее использования зависят все отрасли: промышленность, сельское хозяйство и услуги, а также конкурентоспособность экспорта. Более того благосостояние народонаселения зависит от доступности к источникам электроэнергии.

Здесь, стоит отметить, различие в целях стран-импортёров и стран-экспортеров энергии. Страны, импортирующие топливные ресурсы, надеются на стабильные поставки топлива по низким ценам, в то время как страны-экспортеры хотят, чтобы цены на энергоносители оставались высокими, но при этом не вызывали существенного падения спроса на него.

Однако, ограниченное количество стран-экспортеров энергоносителей

препятствует свободному функционированию рыночных механизмов, что приводит к сбою в рыночном порядке и к невозможности определения цены энергоносителей на основе затрат и баланса спроса и предложения [6]. Данное обстоятельство повышает озабоченность стран по поводу своей энергетической безопасности и приводит к популяризации концепции самодостаточности.

Страны-импортёры при нехватке собственных запасов зависят от внешнего рынка и от цен на энергоносители на мировом рынке. Это делает их экономики крайне уязвимыми для внешних шоков. Тогда достижение энергетической безопасности становится эквивалентно энергетической независимости, так как угроза энергетическому сектору будет исходить из внешнего рынка и волатильности цен на топливо, а, следовательно, страна-импортер будет находиться в значительной зависимости от экономической, политической обстановки в стране-экспортере.

Рассмотрим структуру предложения в стране-импортере энергоносителей (см. Рисунок 1), где спрос на энергию покрывается за счёт внутреннего предложения и чистого импорта энергоносителей. Важно отметить, что импорт энергоносителей – это импорт ископаемых видов топлива, в то время, как и в структуре внутреннего предложения также присутствует использование своих запасов топливных энергоресурсов. Данный вид как источник энергии оказывает значительное влияние на предложение в стране и как следствие, возникшие кризисы или угрозы в секторе топливной энергетики окажутся крайне ощутимыми для экономики страны-импортера. Поэтому мировое сообщество все большие перспективы видит в альтернативных источниках энергии как безопасного вида генерации электроэнергии [7].

В нынешнее время энергетическая безопасность стала одним из обсуждаемых тем, в связи с разразившимся энергетическим кризисом, причиной которого считают военный конфликт между Украиной и Россией. Геополитический разлом привел к разрывам в цепочках поставок, а санкционное ограничение России, повлияла негативно на экономики многих стран.



Рисунок 1. Структура спроса и предложения энергоносителей в странах [7].

Раньше в пользу внедрения возобновляемой энергетики приводились в основном экологические аргументы, такие как сокращение выбросов CO2, теперь же острым стали экономические проблемы, причины которых в угрозе энергетическому сектору. Экономическая подоплека выходит на первый план.

Приоритеты в области экономики и экологии пришли к единству, а их согласованное видение означает большие перспективы для альтернативной энергетики. Широкие коалиции заинтересованы в строительстве новой энергетической экономики, а разразившийся кризис доказал важность переустройства экономической системы.

Наиболее заметным последствием кризиса стал резкий рост цен на энергоносители. В то время как цены на нефть выше 100 долларов США за баррель уже были в истории, цены на газ достигли беспрецедентно высоких уровней в 2022 году. Таким образом, увеличение затрат на производство электроэнергии было вызвано более высокими ценами на топливо и были особенно остро ощутимы в странах-импортерах газа (см. Рисунок 2) [8]. Данные рисунка 2 показывают целесообразность ускорения перехода к ВИЭ и переустройства энергетической системы, как одного из методов для достижения энергетической безопасности и экономической стабильности.

Важно заметить, что в настоящее время инвестиции в данном направлении увеличиваются (см. Рисунок 3), о чем свидетельствуют данные из отчета Международного энергетического агентства:




Рисунок 3. Исторические инвестиции в энергетику и тенденции ВВП (в %) [9].



Рисунок 2. Рост средних затрат на производство электроэнергии в годовом исчислении по странам за 2022г. [7]

В свете мировых проблем Узбекистан также активно внедряет «зеленые» технологии в свою энергетическую структуру и принимает меры по ускоренному развитию данной отрасли. Так в целях поддержки предложений Министерства энергетики и Министерства экономики и финансов, а также Министерства инвестиций, промышленности и торговли Республики Узбекистан было принято Постановление Президента страны № ПП-57 от 16.02.2023 г. «О мерах по ускорению внедрения возобновляемых источников энергии и энергосберегающих технологий в 2023 году» [2]. Целью этого Постановления явилась необходимость широкого внедрения возобновляемых источников энергии в социальной сфере, сфере жилищно-коммунального обслуживания и отраслях экономики, обеспечения компенсации дефицита энергии в регионах республики путем повышения энергоэффективности, комплексной организации работ в данном направлении, а также создания благоприятных условий и внедрения механизмов стимулирования для инвесторов.

Постановление Президента направлено на «введение в эксплуатацию возобновляемых источников энергии общей мощностью 4 300 МВт, в том числе крупных солнечных и ветровых электростанций — мощностью 2100 МВт, солнечных панелей, устанавливаемых на зданиях и сооружениях объектов социальной сферы и хозяйствующих субъектов, домохозяйств, — мощностью 1 200 МВт, малых фотоэлектрических станций, сооружаемых предпринимателями, — мощностью 550 МВт».

Согласно Постановлению предусмотрено «производство дополнительно 5 миллиардов киловатт/час электрической энергии и экономию 4,8 миллиарда кубических метров природного газа в 2023 году посредством сооружения установок возобновляемых источников энергии, перевода потребителей на альтернативную энергию и внедрения энергосберегающих технологий».

На эти цели было направлено средств в размере в общей сложности 15,4 миллиарда долларов США, в том числе средств инвесторов в рамках проектов государственно-частного партнерства — 13,4 миллиарда долларов США, кредитов коммерческих банков — 1,1 миллиарда долларов США, собственных средств предприятий — 610 миллионов долларов США, средств зарубежных финансовых организаций — 150 миллионов долларов США, средств Государственного бюджета в эквиваленте 100 миллионов долларов США».

Первые руководители министерств, государственных органов и организаций были предупреждены об их персональной ответственности за установку солнечных панелей на зданиях учреждений и организаций своей структуры. Только в 2023 году была запланирована установка солнечных панелей на зданиях и сооружениях 11 тысяч предпринимателей и строительства малых фотоэлектрических станций.

Прямимо этого были введены экономические стимулы для субъектов бизнеса. В частности лица, установившие и использующие установки возобновляемых источников энергии общей мощностью до 100 кВт, освобождаются сроком на три года, со дня введения их в эксплуатацию от уплаты:

- налога на имущество юридических лиц — по данным установкам, земельного налога с юридических лиц — по земельным

участкам, занятым отдельно стоящими установками, налога на прибыль — по прибыли, полученной от реализации электроэнергии для общей сети;

- налога на имущество физических лиц и земельного налога с физических лиц — по объектам недвижимости жилищного фонда.

В случае установления установок с системой накопления электрической энергии мощностью не менее 25 процентов мощности устанавливаемых солнечных панелей налоговые льготы, предусмотренные данным Постановлением, применяются сроком на десять лет со дня введения их в эксплуатацию.

Налоговые льготы применяются к физическим лицам в случае установления ими установок возобновляемых источников энергии общей мощностью более 1 кВт по каждому объекту один раз.

В данном Постановлении отмечается также, что 50% крыш на здании многоэтажных домов должно быть отведено под солнечные панели [2].

Заключение

В настоящее время широкое внедрение возобновляемых источников энергии и трансформация энергетической системы являются требованием времени. События, происходящие на мировом рынке энергоносителей (энергетический кризис 2022 года) и стремление стран стать энергонезависимыми становятся новым толчком для освоения возобновляемых источников энергии.

Однако, в ходе принимаемых меры в стране, наш анализ выявил ряд проблем:

- нехватка квалифицированных кадров. По данным Агентства статистики на начало 2021/2022 учебного года высшим образованием в нашей стране охвачено 28,2 % населения в возрасте 18-23 лет и всего 22% студентов учатся в технической сфере [10]. С учетом того, что человеческий капитал, в частности молодежь, является главным драйвером инновационной экономики, в «зеленых» технологиях, в том числе, недостаточные акценты здесь очевидны;

- недостаточная экологическая и энергетическая грамотность населения.

Для решения обозначенных проблем предлагаем:

- в условиях обозначившихся структурных преобразований в системе высшей школы произвести корректировку программ национальных вузов, независимо от их форм собственности вузов, на подготовку специалистов с техническим образованием, с привлечением к обучению профессоров из передовых зарубежных университетов;

- в целях повышения доверия людей к инфраструктурным реформам и получения поддержки народа, результаты и успешность вводимых проектов должны получить обязательное обсуждение на уровне махаллинских комитетов и хокимиятов с населением, преследуя, таким образом, «демонстрационный эффект» внедрения «зеленых» технологий.

ЛИТЕРАТУРА

1. Постановление Президента Республики Узбекистан от 2 декабря 2022г №ПП-436 «О мерах по повышению эффективности реформ, направленных на переход Республики Узбекистан на «зеленую» экономику до 2030 года» https://president.uz/ru/lists/view/5805

2. Постановление Президента Республики Узбекистан №ПП-57 от 16 февраля 2023 года «О мерах по ускорению внедрения возобновляемых источников энергии и энергосберегающих технологий в 2023 году» https://www.het.uz/ru/lists/view/1699
3. K. Block, E. Nieuwlaar – Introduction to Energy Analysis// 2nd Edition, 2016.
4. J.Twidell, T. Weir- Renewable Energy Resources// 2nd Edition, London, 2006.
5. D. Maradin - Advantages and Disadvantages of Renewable Energy Sources Utilization // International Journal of Energy Economics and Policy, 2021, №11(3):176-183.
6. Х. Лабандейра, Б. Мансано- «Некоторые экономические аспекты энергетической безопасности» - Европейские исследования – 2012.
7. Global Electricity Review 2022 – EMBER. https://ember-climate.org/app/uploads/2022/03/Report-GER22.pdf
8. Renewables 2022 - International Energy Agency- December 2022. https://www.iea.org/reports/renewables-2022
9. Статистические данные по производству и потреблению энергии по странам. https://www.iea.org/countries
10. В какой области знаний высшего образования обучается больше всего студентов? https://stat.uz/ru/press-tsentr/novosti-goskomstata/25106-oliy-ta-limning-qaysi-yo-nalishida-eng-ko-p-talaba-tahsil-oladi-2

UO‘T 330.330(44)

Shaxzod Saydullayev,
PhD, Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti
sh.saydullayev@tsue.uz

O‘ZBEKISTONDA DAVLAT MULKINI XUSUSIYLASHTIRISH EVOLYUTSIYASI

Шахзод Сайдуллаев,
PhD, Ташкентский государственный экономический университет
sh.saydullayev@tsue.uz

ЭВОЛЮЦИЯ ПРИВАТИЗАЦИИ ГОСУДАРСТВЕННОЙ СОБСТВЕННОСТИ В УЗБЕКИСТАНЕ

Shakhzod Saydullaev,
PhD, Tashkent State University of Economics
sh.saydullayev@tsue.uz

EVOLUTION OF PRIVATIZATION OF STATE PROPERTY IN UZBEKISTAN

“Davlatu saltanat uch narsa bilan – mulk, xazina va lashkar bilan tirikdir”
Amir Temur, “Temur tuzuklari”

Annotatsiya. *Davlatchilik tizimi paydo bo‘lishidan boshlab bugungi kungacha bir qancha o‘zgarishlarga yuz tutgan sohalardan biri davlat mulkini xususiylashtirish bo‘lib, mazkur maqolada O‘zbekistonning mustaqillikdan oldingi va keyingi davrda davlat mulkini xususiylashtirish borasida rivojlanish tarixi tahlil qilingan. Shuningdek, maqolada davlat mulkini xususiylashtirishning eng ommabop usullari, bugungi kunda davlat mulkini xususiylashtirish borasida mavjud muammo va sabablar hamda ularning yechimlari yuzasidan muallif yondashuvlari keltirib o‘tilgan.*

Tayanch so‘zlar: *xususiylashtirish turlari, IPO, birja savdolari, auksion, mulkiy munosabatlar, mulk huquqi.*

Аннотация. *Приватизация государственного имущества является одним из направлений, претерпевших ряд изменений с момента возникновения государственного строя. В данной статье анализируется история развития приватизации государственного имущества в период до и после обретения независимости Узбекистана. Также в статье упомянуты наиболее популярные способы приватизации государственного имущества, текущие проблемы и причины приватизации государственного имущества, а также авторские подходы к их решению.*

Ключевые слова: *виды приватизации, IPO, фондовая биржа, аукцион, отношения собственности, права собственности.*

Annotation. *Privatization of state property is one of the areas that has undergone several changes since the emergence of the state system. This article analyzes the history of the development of privatization of state property in the period before and after the independence of Uzbekistan. Also, the most popular methods of privatization of state property, current problems and reasons for privatization of state property, and the author's approaches to their solutions are mentioned in the article.*

Keywords: *types of privatization, IPO, stock exchange, auction, property relations, property rights*

Kirish

Har qanday mamlakat o‘zining iqtisodiy tizimini bozor iqtisodiyoti tamoyillari asosida qurishga harakat qilar ekan, eng avvalo, mulkiy munosabatlarni bozor iqtisodiyoti standartlari asosida qayta tashkil etishga harakat qiladi.

Tarixdan ma’lumki, har qanday davlat o‘z hukmronligini mustahkamlash, mamlakatda iqtisodiy siyosatni nazorat qilish hamda mamlakat taraqqiyoti uchun ko‘p hollarda yirik mulkdor sifatida namoyon bo‘ladi. Bu tendensiya faqatgina XXI asrga kelib hozircha faqatgina rivojlangan mamlakatlardagina o‘zgarishni, endilikda davlat asosiy mulkdor darajasidan oqilona siyosat yurituvchi tuzilma sifatida faoliyat olib borishni boshladi. Xususan, AQSH da General Electrics, Chevron, Exxon Mobile kabi strategik kompaniyalarning xususiylashtirilishi davlat zimmasidagi ortiqcha nazorat yukini olib tashlab, bozorga ulkan tarix va tajribaga ega yangi korporativ boshqaruv tamoyillari joriy etilgan yirik kompaniyalarni kirib kelishiga asos bo‘ldi. Hozirda bu kompaniyalarning nafaqat Amerikada, balki butun dunyoda yetakchi kompaniyalar TOP-100 ligiga kirishi o‘z vaqtida qilingan to‘g‘ri qaror deya e’tirof etiladi.

Maqola davlat mulkini xususiylashtirish siyosatida qo‘llaniladigan ikki usul to‘g‘risida tushuncha berish bilan boshlanadigan kirish qismi, mavzuga oid adabiyotlar tahlili, mamlakatda davlat mulkini xususiylashtirishning rivojlanish evolyutsiyasi, muhim bosqichlari tahlili, ilmiy izlanishlar natijasida shakllantirilgan xususiylashtirish davrlari hamda xulosa qismlaridan iborat.

Maqolaning adabiyotlar tahlili qismida mavzuga oid deyarli barcha adabiyotlarda xususiylashtirish bosqichlarini o‘rganishga bo‘lgan yondashuvlarni ko‘rib chiqamiz.

Mavzuga oid adabiyotlar sharhi

T.Azimova va boshqalarning fikriga ko‘ra O‘zbekistonda davlat mulkini xususiylashtirish tarixi quyidagi bosqichlarni o‘z ichiga oladi [6]: birinchi bosqich – 1992–1993-yillar – davlat balansidagi uy-joylar, savdo, mahalliy sanoat, xizmat ko‘rsatish hamda qishloq xo‘jaligi korxonalarini xususiylashtirigan; ikkinchi bosqich – 1994–1995-yillar – davlat balansidagi o‘rta va yirik korxonalar aksiyadorlik jamiyatlariga aylantirilgan; uchinchi bosqich – 1996–1998-yillar – davlat ixtiyorida bo‘lgan bir milliondan ortiq kvartiralar, xususiylashtirilmaydigan obyektlar ro‘yxatiga kiritilmagan barcha davlat mulklari xususiylashtirilgan; to‘rtinchi bosqich – 1998–2003-yillar – davlat budjeti taqchilligi paytida budjet daromadlarini ko‘paytirish maqsadida amalga oshirilgan xususiylashtirish jarayonlari bo‘lib, 50 mingdan ortiq davlat mulki obyektlari xususiylashtirilishi natijasida davlat budjetiga 170 mlrd so‘mga yaqin daromad qilingan; beshinchi bosqich – 2004–2016-yillar – iqtisodiy nochor korxonalar va past likvidli obyektlar, davlat tasarrufida bo‘lgan uy-joy va boshqa mulklar xususiy sektor vakillariga

o‘tkazilgan; oltinchi bosqich – 2017 yildan hozirga qadar – ochiq birja savdolari va birjadan tashqari savdolar, qolgan barcha davlat aktivlari bo‘yicha esa elektron onlayn auksion savdolar, shuningdek, davlat obyektlarini investitsiyaviy va ijtimoiy majburiyatlarni belgilagan holda “nol” xarid qiymatida sotish, davlat xususiy sheriklik asosida sotish kabi usullar yordamida davlat mulkini xususiylashtirish tadbirlari o‘tkazib kelinmoqda.

Yana bir muallifning fikriga ko‘ra [7], jamiyatning ijtimoiy-iqtisodiy taraqqiyoti bir xilda va tekis kechmay, uni turli bosqichlarga ajratish mumkin. Mazkur bosqichlarni bilishda tarixiy-formatsion, madaniylashish (sivilizatsiya) darajasi, texnika va texnologik taraqqiyot darajasi, iqtisodiy tizimlarning o‘zgarishi kabi jihatlar bo‘yicha yondashuvlar mavjud. Biroq, muallif tomonidan bosqichlarning ilmiy talqini maqolada keltirilmagan.

Tadqiqot metodologiyasi

Ushbu maqolaning metodologiyasida qiyosiy, nazariy talqin, ilmiy abstraksiya xulosasi, tasniflash, umumlashtirish, “davlat mulkini xususiylashtirishning” tarixiy va zamonaviy rivojlanish bosqichlarini bibliografik o‘rganish kabi usullardan foydalanilgan.

Maqolada foydalanilgan ma’lumotlar asosan tarixiy manbalar (davlat mustaqilligidan oldingi va keyingi mulkchilik tarixi), qonun hujjatlari hamda hozirgi kundagi amaliyot natijalarini tahlil etish orqali saralab olingan.

Natija va muhokama

Mulkchilik munosabatlarining O‘zbekiston hududidagi tarixiy ildizlari

Aslida davlat mulki davlatchilik shakllari yuzaga kelishi bilan paydo bo‘lgan bo‘lib, O‘zbekistonning tarixida birinchi davlatchilik belgilari hozirgi Farg‘ona vodiysining hududlariga to‘g‘ri keluvchi Davan (ba’zi manbalarda Dayun yoki Katta Van deb ham keltirilgan) davlati bo‘lib, uning ildizlari eramizdan avvalgi III asrlarga borib taqaladi. Shu davrdan boshlab O‘zbekistonning hozirgi hududi o‘rnida qachonlardir mavjud bo‘lgan davlatlarning turli xil mulkchilik munosabatlari paydo bo‘lgan [8]. Biroq bu davrda qoramol, qullar va boshqa xo‘jalik mulklari xususiy mulk sifatida qaralgan. Davlat butun mamlakat hududidagi yerlarga egalik qilgan, yerlarning qaysidir qismlari cherkovlarga qarashli bo‘lgan. Yerlarda yashab, dehqonchilik qilgan aholi davlatga turli xil soliqlarni to‘lab borgan.

Davlat boshqaruviga turli xil qabila va urug‘larning kelishi bilan mulkchilik munosabatlari ham turli xil o‘zgarishlarga yuz tutgan.

O‘zbekistonda mulkchilik masalalarini chuqurroq o‘rganish maqsadida davlat mulkiga oid tarixiy ma’lumotlarni kuchli davlatchilik namunasi bo‘lgani uchun Temuriylar saltanati davridagi mulkiy munosabatlarni o‘rganish maqsadga muvofiqdir.

Amir Temur saltanati davrida davlat mulkini xususiylashtirish masalalari

Temuriylar davrida davlat mulki sifatida mulkchilik shakllari ko‘p bo‘lmay, hokimiyat asosan yerga nisbatan bo‘lgan huquqqa egalik qilgan. Bundan tashqari, bu davrda mulkchilikning asosan to‘rt xil shakli mavjud bo‘lgan: “mulki devoniy” – davlat yerlari, “mulkiy” – xususiy yerlar, “mulki vaqf” – madrasa va boshqa diniy idoralar tasarrufidagi yerlar va nihoyat “jamoa yerlari” bo‘lgan [9]. Imperiyaning mulki asosan dehqonchilik yerlari hisoblangan va bu yerlar suyurg‘ol tarzida in’om etilgan, ya’ni xususiylashtirilgan. Mazkur tartib amaldorlarning, sarkardalarning, harbiy xizmatga yollangan askarlarning va davlat arboblarining davlat oldidagi alohida xizmatlari uchun amal qilgan va odatda avloddan avlodga o‘tib kelgan.

Xususan, Amir Temur Hirot qo‘zg‘olonini bostirgandan so‘ng kurdlar sulolasini yo‘q qilib, Balx, Qunduz, Badaxshon, Xuttalon va Hisorda Hirot ma’muriyatini tashkil etib, uni o‘g‘li Mironshohga, 1392 yilda nabirasi Jahongirning o‘g‘li Pirmuhammadga, 1393–1394 yillarda Forsni ikkinchi o‘g‘li Umarshayxga, 1393-yilda Eron va Iroq surgol sifatida Mironshohga suyurg‘ol sifatida taqdim etilgan [11]. Bu yerlar avloddan avlodga o‘tib, shu asosda Umarshayx o‘g‘li Rustam Isfahonga, Mironshoh o‘g‘li Abu Bakr Bag‘dodga egalik qilgan [11].

Umuman olganda, bu davrda davlatga xos bo‘lgan eng asosiy mulk bu – yer bo‘lganligi sababli xususiylashtirish aksariyat hollarda faqat suyurg‘ol tizimi orqali amalga oshirilgan. Shu sababli temuriylar davridan keyin O‘zbekistonning hozirgi hududida paydo bo‘lgan ko‘plab davlatlarda ham davlat mulki asosan yer bo‘lgan va yer mulki bir necha toifalarga (davlat, xususiy, masjid va boshqalar) bo‘lingan. Bundan tashqari, ulardan biriga xos xususiyatlar boshqalariga ham xos bo‘lishi mumkin. Davlat vaqf va mulk yerlari shayboniylar, ashtarxoniylar va mang‘itlar davrida ham mavjud bo‘lgan. Xuddi shunday holat Xiva va Qo‘qon xonliklarida ham kuzatilgan. Asta-sekin xususiy mulkdagi yerlar alohida toifa – “mulk-hurri xolis” sifatida aniq belgilanib, davlat bojidan ozod etila boshlangan, buning natijasida yerga so‘zsiz egalik qilish mustahkamlangan [8].

O‘zSSR davlati davrida davlat mulkini xususiylashtirish masalalari

Mulkchilik munosabatlari Birinchi jahon urushidan keyin 1924-yilda O‘zbekistonning hozirgi hududlarining Rossiya Imperiyasi tomonidan bosib olinishi va O‘zSSR ning tashkil etilishi bilan o‘zgarishni boshlagan. Xususan, barcha mulk “markaz” tasarrufiga o‘tkazilib, rejali iqtisodiyot tamoyillari asosida faoliyat olib borilgan. Joylarda nazoratni kuchaytirish maqsadida “sovxoz” va “kolxoz”lar tashkil etilib, davlat mulkini nazorat qilish aynan shu tashkilotlar zimmasida bo‘lgan. Umuman olganda, butun SSSRda mulk sovet fuqarolarining mulki, jamoa va davlat mulki shaklida namoyon bo‘lgan hamda xususiy mulk degan tushuncha deyarli uchramagan.

Yerlar dehqonlarga berilmay, balki bir mulk shaklidan boshqasiga, xususiy mulkdan shirkat yoki jamoat mulkiga aylantirilgan [8].

Shunday bo‘lsa-da, SSSRning mulk siyosati maqsadi uning tarkibiga kiruvchi mamlakatlarda sanoatni rivojlantirish asosida rivojlanishga erishish bo‘lgan. Shu sababli O‘zbekiston hududida bir nechta yirik zavod va fabrikalar qurilib, ularning mulkdori hamon “markaz” bo‘lib qolavergan. Xususan, 1921-yildan boshlab Farg‘ona pillakashlik fabrikasi, Bekobod sement zavodi, 10 ta gidroelektrostansiya, 2 ta metallni qayta ishlash zavodlari, 2 ta tikuvchilik fabrikalari ishga tushirilgan. Shunga qaramasdan, mamlakatda sotsial tuzum hukmron bo‘lganligi sababli mamlakatning yalpi ichki mahsulot ko‘rsatkichining deyrali to‘liq qismi “markaz”ning ulushi hisoblangan. Xususan, 1924-yilda O‘zSSRning YIM ko‘rsatkichining 97,1 foizi SSSRning, 1,8 foizi xususiy kapitalning va yana 1,1 foizi kooperativ sektor ulushiga to‘g‘ri kelgan [8].

Mustaqillik davrida davlat mulkini xususiylashtirish masalalari

O‘zbekiston Respublikasining Birinchi prezidenti I.Karimov Mustaqil O‘zbekistonning davlat rahbarligiga kelishi bilan kuchli iqtisodiy siyosatni ilgari surish orqali iqtisodiyotni jonlantirish va rivojlantirish harakatida bo‘lgan hamda davlat uchun iqtisodiy strategiyalarni belgilab bergan. Xususan, “O‘zbekiston – bozor munosabatlariga o‘tishning o‘ziga xos yo‘li” nomli asarida iqtisodiy siyosatda quyidagi strategik maqsadlarni ustuvor vazifalar sifatida keltirgan [12]:

1) Kishilar hayoti va faoliyati uchun zarur shart-sharoitlar ta’minlaydigan iqtisodiy tizimni barpo etish;

2) ko‘p ukladli iqtisodiyotni yaratish;

3) xususiy mulkning davlat tomonidan himoya qilinishini ta’minlash;

4) fuqarolar va korxonalarga keng iqtisodiy erkinliklar berish;

5) iqtisodiyotda chuqur tarkibiy o‘zgarishlar qilish va raqobatbardosh mahsulotlarni ishlab chiqarish;


6) jahon iqtisodiy tizimiga qo‘shilib borish;

7) kishilarda yangicha iqtisodiy fikrlashni shakllantirish.

Mulkchilik masalalari, ayniqsa, xususiy mulk masalalari endigina mustaqillikka erishgan har qanday mamlakat uchun ustuvor strategik rivojlanish maqsadi etib belgilanishi mamlakatning davlat mulkini xususiylashtirishda ulkan ishlar amalga oshirilishidan dalolat berardi.

O‘zbekistonda xususiylashtirish siyosati istiqlol yillaridan boshlab amalga oshirilgan bo‘lib, dastlabki bosqichda uy-joy fondi, savdo, sanoat, xizmat ko‘rsatish hamda qishloq xo‘jaligi korxonalari xususiylashtirilgan. Undan keyingi bosqichlarda o‘rta, yirik korxonalar, faoliyat ko‘rsatmasdan bo‘sh turgan davlat mulklari, strategik ahamiyatga ega davlat kompaniyalaridagi ulushlar xususiylashtirilgan (2-rasm).

2-rasmda keltirilgan rasmda biz O‘zbekistonda davlat mulkini xususiylashtirishning rivojlanish bosqichlarini “Istiqlol evolyutsiyasi” deya atab, uni to‘rtta bosqichga bo‘lib o‘rganishni taklif etamiz.



2-rasm. O‘zbekistonda davlat mulkini xususiylashtirishning “Istiqlol evolyutsiyasi”

Kichik xususiylashtirish yillari

Bu davrda asosan xususiylashtirish mexanizmlari ishlab chiqilib, turli xil mulkdorlar sinflari shakllana boshlangan. Shuningdek, ushbu yillarda maishiy xizmat va savdo korxonalari, transport va qurilishning 50 mingdan ortiq kichik korxonalari, davlat sanoat va mahsulot qayta ishlash korxonalari mulk shaklini o‘zgartirgan hamda mulkning ijara, jamoa va aksiyadorlik shakliga aylantirilgan. Shuningdek, davlat tasarrufida bo‘lgan bir milliondan ortiq uy-joy fondlari xususiylashtirilib, vatan oldidagi xizmatlari uchun aholining ayrim qismiga tekin, qolganlariga arzon narxda xususiy mulk sifatida taqdim etilgan. Sovet Ittifoqi davridan qolgan “kolxoz” va “sovxoz”larning ham mulk shakli o‘zgartirilib, ular jamoa va ijara xo‘jaliklariga aylantirilgan.

Aksiyadorlashtirish yillari

Mulkchilikning aksiyadorlik jamiyatlari sifatida tashkil etiladigan shakliga o‘tish harakatlari 1994-yilda boshlangan bo‘lsa-da, amalda “Aksiyadorlik jamiyatlari va aksiyadorlarning huquqlarini himoya qilish to‘g‘risida”gi qonunchilik asoslari 1996-yilga kelib qabul qilingan. Xususan, mazkur yillarda 54 000 ta korxona mulk shaklini o‘zgartirgan. Xususan, 34% – xususiy, 48% – aksiyadorlik, 16% – jamoa, 1% – ijara xo‘jaligiga aylangan [13]. O‘zbekistonda 1995-yilda 2255 ta, 1996-yilda 5500 ta aksiyadorlik jamiyati faoliyat yuritgan [1]. Shunday bo‘lsa-da, davlat strategik ahamiyatga ega bo‘lgan yirik korxonalar aksiyalarini xususiylashtirmagan ham uning ixtiyorida mazkur turdagi kompaniyalarning kamida 51 foiz ulushi mavjud bo‘lgan. Qonunchilik asoslari mustahkamlanganidan so‘ng birja kotirovkasi listingiga kirish va unda o‘z pozitsiyasini saqlab qolish ko‘pgina aksiyadorlik jamiyatlariga og‘irlik qilgani bois ularning soni keskin kamayib, mulkchilikning boshqa turlariga o‘tkazilgan.

Shuningdek, mazkur davrda "O‘zbekneftgaz" korporatsiyasi, energetika vazirligi, "O‘zmashsanoat" assotsiatsiyalarining ko‘plab obyektlari, transport korxonalari (avtobus va taksomotor parklari) davlat tasarrufidan chiqarilgan hamda Toshkent aviatsiya ishlab chiqarish birlashmasi ochiq turdagi aksiyadorlik jamiyatiga aylantirilgan, tarmoqlarni boshqarishning yangi tizimi — xoldinglar tashkil etilgan [14]. Bu bosqichda 5 ming korxona, jumladan, xalq xo‘jaligining turli tarmoqlarida 900 dan ko‘proq o‘rta va yirik korxonalar davlat tasarrufidan chiqarilgan.

Yirik xususiylashtirish to‘lqini

Mazkur davrda davlat tasarrufidan chiqarilishi va xususiylashtirilishi belgilangan davlat mulklari ro‘yxatiga oldingi xususiylashtirish davrlarida kiritilmagan obyektlarning mulk shakli o‘zgartirilgan. Xususan, jismoniy shaxslarning mulkiga aylangan davlat uy-joy fondining 95 foizidan ortig‘i xususiylashtirilgan. Davlat mulkini xususiylashtirishda yangi usullardan, xususan, investitsion va ijtimoiy majburiyatlarni yuklagan holda davlat mulki obyektlarini nol qiymatda xususiylashtirish tadbirlari amalga oshirilgan. Shuningdek, vazirlik, idora va tashkilotlar balansida bo‘lgan nosohaviy bo‘lgan aktivlar ham keng qamrovli xususiylashtirish dasturlariga kiritilgan.

Yirik xususiylashtirish yillarida 20 mingga yaqin davlat obyektlari xususiylashtirilgan [7]. Bu davrda xususiylashtirishdan tushgan mablag‘lar hajmi bir trillion so‘mdan ko‘proqni tashkil etgan.

Yangi to‘lqin

2017-yildan boshlab davlat mulkini xususiylashtirishning yangi shakllari amaliyotda qo‘llanila boshlangan. Xususan, 2018–2019-yillar davomida mamlakatimiz tarixida ilk bor IPO va SPO lar tashkil etilib, "Kvarts" va "Qo‘qon mexanika zavodi" aksiyadorlik jamiyatlaridagi davlat ulushi aholi, kollektiv va investorlar o‘rtasida fond birjasida auksion metodi (eng yaxshi va eng avval berilgan taklif tamoyili asosida) orqali xususiylashtirilgan.

So‘nggi 5 yilda avvaliga "Jizzax Plastmassa", 2023-yilning boshida "Uzavtomotors", 2023-yilning dekabr oyida "Uzbektelekom" va "Uzbekinvest" aksiyadorlik jamiyatlaridagi davlat ulushi IPO o‘tkazish orqali qisqartirilgan.

Shuningdek, 2021–2023-yillar oralig‘ida professional konsultantlar (anderrayterlar hamda brokerlar) orqali tashkil etilgan ommaviy savdolar natijalariga ko‘ra, xorijiy investorlarga 26 ta aktiv 1,3 milliard AQSH dollariga sotilgan [3].

Umuman olganda hukumat so‘nggi yillarda davlat mulkini xususiylashtirishga oid 10 ga yaqin qonun hujjatlarini qabul qilib, ularga ko‘ra 2025-yilga qadar juda ko‘p sonli korxonalarda davlat ulushi 75 foizga qisqarishi, 40 ga yaqin yirik kompaniyalarning ommaviy taklif asosida xususiylashtirilishi hamda davlat ulushi yuqori bo‘lgan kompaniyalarning kuzatuv kengashlaridagi mustaqil a’zolar ulushini kamida 30 foizga yetkazish belgilangan [4].

Mazkur davr xususiylashtiriladigan davlat mulklari soni va hajmi (qiymati) jihatidan oldingi davrlarga nisbatan yirik bo‘lishi kutilayotgan bo‘lib, ommaviy savdolar orqali to‘liqligicha sotiladigan 1001 ta korxonaning aksiya paketlari (ulushlari), aksiya paketlari "bitta aksiya — bitta lot" tamoyili asosida xalq IPOsini o‘tkazish tartibida ommaviy savdolar orqali sotiladigan 40 ta korxonalar, ommaviy savdolar orqali sotiladigan 1046 ta davlat va davlat ishtirokidagi korxonalarning ko‘chmas mulk obyektlari ro‘yxatlari tasdiqlangan [5].

Bugungi kunda xususiylashtirishning juda ko‘p usullari mavjud. Xalqaro tajribada

xususiylashtirishning 4 tadan 10 tagacha uslubi qo‘llaniladi, jumladan, Germaniyada (6 ta), Chexiyada (7 ta) va Polshada (10 ta) [15]. Xususiylashtirishning elektron-onlayn auksion, tanlov, birja, muzokaralarga ommaviy ravishda taklif qilish, raqobatga asoslangan muloqot, ko‘chmas mulk, ulush hamda korxonani boshqa jamiyatning ustav fondiga kiritish hamda korxonalarni keyinchalik sotish sharti bilan ijaraga berish kabi 8 ta usullar bundan buyon O‘zbekiston amaliyotida qo‘llanilishi belgilangan [6].

Shuningdek, qonunchilikka ko‘ra, davlat mulki ikki xil yo‘l bilan – davlat mulkini davlat tasarrufidan chiqarish va xususiylashtirish usullari yordamida xususiy investorlarga taklif etiladi (1-rasm).


Umuman olganda, davlat mulkini davlat tasarrufidan chiqarish va xususiylashtirishning bugungi kunda juda ko‘p turlari mavjud bo‘lib, yuqorida keltirilganlari eng asosiylari va ommaboplari hisoblanadi.

Yillar davomida xususiylashtirish usullari va tamoyillari takomillashib kelayotganiga qaramasdan mazkur soha hanuzgacha ba’zi muammolarga duch kelmoqda:

1. Boshqaruvning talab darajasida emasligi. Ko‘pgina davlat korxonalari yomon boshqaruv va korrupsiyadan aziyat chekmoqda. Ular ko‘pincha siyosiy ta’sirga duchor bo‘lib, yetarli foyda yoki sifatli xizmatlarni taqdim etmaydilar.

2. Investitsiya va modernizatsiya yetishmasligi. Davlat korxonalari ko‘pincha investitsiyalar va modernizatsiya yetishmasligi muammolariga duch kelmoqda. Bu esa eskirgan uskunalar, past mahsuldorlik va bozorda raqobatbardoshlikning susayishini keltirib chiqaradi.

3. Siyosiy aralashuv. Davlat korxonalari ko‘pincha siyosiy aralashuv nishoniga aylanadi. Bu siyosiy sabablarga ko‘ra tajribasiz rahbarlarning tayinlanishiga



1-rasm. Davlat mulkini davlat tasarrufidan chiqarish va xususiylashtirishning izohi va amalga oshirish usullari [6, 11]

olib kelishi mumkin, bu esa ularning samaradorligi va nazoratini susaytiradi.

4. Xususiylashtirish muammolari. Postsovet respublikalarida xususiylashtirish jarayoni munozarali bo‘lib, ko‘pincha korrupsiya va qonunbuzarliklar bilan birga bo‘lgan. Bu monopoliyalarning paydo bo‘lishiga, boylikning notekis taqsimlanishiga va mulkchilikning nomuvofiqligiga olib keldi.

5. Oshkoralik va hisobdorlikning yo‘qligi. Ko‘p hollarda davlat mulkini boshqarishda shaffoflik va hisobdorlikning yetarli darajada yo‘qligi kuzatiladi. Bu korrupsiya va mansab vakolatlarini suiiste‘mol qilish uchun qulay sharoit yaratadi.

Ushbu muammolarni hal qilish korporativ boshqaruvni takomillashtirish, mulkni huquqiy himoya qilishni kuchaytirish, shaffoflik va javobgarlikni oshirish, sarmoya va xususiy sektor rivojlanishini rag‘batlantirishni o‘z ichiga olgan kompleks yondashuvni talab qiladi.

Xulosa

Xulosa qilib aytganda, ilmiy adabiyotlarni tahlil qilish natijasida O‘zbekistonda tarixdan shakllanib kelingan mulkiy munosabatlar, xususan, davlat mulkini xususiylashtirishga oid turli qarashlar va dalillar o‘rganilib, mustaqillik yillaridan hozirgi kunga qadar bo‘lgan davrni muallif tomonidan ishlab chiqilgan “Istiqlol evolyutsiyasi” ko‘rinishida o‘rganish taklif etiladi.

Postsovet respublikalarida davlat mulki muammolari iqtisodiy va ijtimoiy rivojlanishning muhim muammolari bo‘lib qolmoqda. Noto‘g‘ri boshqaruv, siyosiy aralashuv, investitsiyalar yetishmasligi va boshqa muammolar o‘sishga to‘sqinlik qiladi va iqtisodiyotning raqobatbardoshligini pasaytiradi. Ushbu muammolarni hal qilish korporativ boshqaruvni takomillashtirish, mulk to‘g‘risidagi qonun hujjatlarini takomillashtirish, investitsiyalar va xususiy sektorni rivojlantirishni rag‘batlantirish, davlat aktivlarini boshqarishda shaffoflik va javobgarlikni oshirish kabi keng ko‘lamli chora-tadbirlarni amalga oshirishni talab etadi. Davlat, tadbirkorlik va jamiyatning birgalikdagi sa’y-harakatlari bilangina davlat mulkini yanada samarali boshqarishga erishish, barqaror iqtisodiy rivojlanish va ijtimoiy taraqqiyot uchun qulay shart-sharoitlar yaratish mumkin.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO‘YXATI

1. O‘zbekiston Respublikasi Qonuni. “Davlat tasarrufidan chiqarish va xususiylashtirish to‘g‘risida”. 1991-yil 19-noyabr, O‘RQ-425-XII-son.
2. O‘zbekiston Respublikasining “Davlat mulkini xususiylashtirish to‘g‘risida”gi Qonuni. 2024-yil 14-fevral, O‘RQ-907.
3. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2024-yil 19-apreldagi “Davlat ishtirokidagi yirik korxonalarni transformatsiya qilish va xususiylashtirish jarayonlarini jadallashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PQ-163-son qarori.
4. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2021-yil 29-martdagi “2021 — 2025-yillarda davlat ishtirokidagi korxonalarni boshqarish va isloh qilish strategiyasini tasdiqlash to‘g‘risida” 166-son qarori.
5. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2023-yil 24-martdagi “Iqtisodiyotda davlat ishtirokini qisqartirishning qo‘shimcha chora-tadbirlari to‘g‘risida” PQ-102-son qarori.

6. T.Azimova va boshqalar. O‘zbekistonda mulkni davlat tasarrufidan chiqarish va xususiylashtirish maqsadi, yo‘llari va usullari. “PEDAGOGS” international research journal. 2022.
7. D.Bayzakova. O‘zbekiston Respublikasida mulkni davlat tasarrufidan chiqarish va xususiylashtirishning yo‘llari hamda usullari. Synergy: Journal of Ethics and Governance. Volume 03, Issue: 5, May, 2023.
8. Кобзева О.П., Сиддиков Р.Б. История государственности Узбекистана. Учебное пособие – Т.: “TAMADDUN”, 2021.
9. U.Abdumavlonov. Amir Temur va temuriylar davrida yer va suv masalalari. Pedagogik islohotlar va ularning yechimlari jurnali. Sentabr, 2023.
10. У.Тухтамишев. Государство Амира Темура и аппарат его управления. Архивариус, 2020.
11. I.Karimov. “O‘zbekiston – bozor munosabatlariga o‘tishning o‘ziga xos yo‘li”, Toshkent, 1993.
12. R.Xoliqova. O‘zbekistonning eng yangi tarixi. O‘quv qo‘llanma. –Toshkent: 2021.
13. Vikipedia ma’lumotlari. https://uz.wikipedia.org/wiki/Aksiyadorlar_jamiyati
14. Vikipedia ma’lumotlari. https://uz.wikipedia.org/wiki/dav_mulk_xususiy
15. O‘zbekiston Respublikasi Davlat aktivlarini boshqarish agentligi ma’lumotlari. https://davaktiv.uz/oz/news/the-law-of-the-republic-of-uzbekistan-on-privatization-of-state-property-was-adopted

УДК 657.622

З.А.Сагдиллаева,
Ташкентский Государственный экономический университет
к.э.н.,профессор каф. "Финансовый анализ"

РАЗВИТИЕ ИНСТИТУТА БАНКРОТСТВА: ТЕОРИЯ И ПРАКТИКА

З.А.Сагдиллаева,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети,
"Молиявий таҳлил" кафедраси профессори

BANKROTLIK INSTITUTINING RIVOJLANISHI: NAZARIYA VA AMALIYOT

Z.A.Sagdillayeva,
Candidate of Economic Sciences, prof.
Tashkent State University of Economics

THE DEVELOPMENT OF THE INSTITUTION OF BANKRUPTCY: THEORY AND PRACTICE

Аннотация. *В данной работе рассматриваются методические подходы по определению причин неплатежеспособного финансового состояния*, исследование *системы показателей оценки и анализа с учётом отечественного и зарубежного опыта. Проведена работа по изучению развития института банкротства в республике, нормативно-правовое обеспечение аналитической работы, проводимой как со стороны законодателей, так и различными заинтересованными сторонами. Даётся сравнительная характеристика существующих отечественных и зарубежных методик по организации финансового анализа при определении признаков банкротства экономически несостоятельных предприятий.* Приведены широко применяемые коэффициенты в международной практике, характеризующие различные стороны финансового положения предприятия. *Раскрывается содержание проблем, вызванных внешними и внутренними факторами, необходимость разработки системы показателей с учётом международного опыта по важным направлениям оценки финансового состояния хозяйствующих субъектов. Приводится п*римерный порядок системы управления предприятием при угрозе банкротства, приведены пути вывода предприятия из кризиса.

Ключевые слова. Экономическая несостоятельность, ликвидность и платежеспособность, кризисное положение, банкротство.

Аннотация. *Ushbu ishda to‘lovga qodir bo‘lmagan moliyaviy holatning sabablarini aniqlash, mahalliy va xorijiy tajribani hisobga olgan holda baholash va tahlil qilish ko‘rsatkichlari tizimini o‘rganish bo‘yicha uslubiy yondashuvlar ko‘rib chiqiladi. Respublikada bankrotlik institutining rivojlanishini o‘rganish, qonunchilar va turli manfaatdor tomonlar tomonidan olib borilayotgan tahliliy ishlarni normativ-huquqiy qo‘llab-quvvatlash ishlari olib borildi. Iqtisodiy nochor korxonalarning bankrotlik belgilarini aniqlashda moliyaviy tahlilni tashkil etishning mavjud mahalliy va xorijiy usullarining qiyosiy tavsifi berilgan. Korxonaning moliyaviy holatining turli tomonlarini tavsiflovchi xalqaro amaliyotda keng qo‘llaniladigan koeffitsientlar keltirilgan. Tashqi va ichki omillar keltirib chiqaradigan muammolarning mazmuni, xo‘jalik yurituvchi sub’ektning moliyaviy holatini baholashning muhim yo‘nalishlari bo‘yicha xalqaro tajribani hisobga olgan holda ko‘rsatkichlar tizimini ishlab chiqish zarurati ochib beriladi.*

Tayanch so‘zlar. *Iqtisodiy nochorlik, likvidlik va to‘lov qobiliyati, inqiroz holati, bankrotlik*

Annotation. *This paper discusses methodological approaches to determine the causes of an insolvent financial condition, the study of the system of indicators for evaluation and analysis, taking into account domestic and foreign experience. Work has been carried out to study the development of the institute of bankruptcy in the republic, regulatory and legal support for analytical work carried out by both legislators and various stakeholders. A comparative characteristic of existing domestic and foreign methods for the organization of financial analysis in determining the signs of bankruptcy of economically insolvent enterprises is given. The widely used coefficients in international practice characterizing various aspects of the financial situation of the enterprise are given. The article reveals the content of the problems caused by external and internal factors, the need to develop a system of indicators taking into account international experience in important areas of assessing the financial condition of economic entities*

Keywords. *Economic insolvency, liquidity and solvency, crisis situation, bankruptcy.*

Введение

Актуальность и важность вопросов анализа и оценки показателей, характеризующих экономическую несостоятельность (банкротство) хозяйствующих субъектов постоянно находятся в центре активной научно-исследовательской деятельности, несмотря на то, что уже известны различные методики анализа и оценки предупреждения признаков банкротства, как для внешних пользователей, так и для самих хозяйствующих субъектов.

Период с 2005 по 2007 годы Высший хозяйственный суд Республики Узбекистан совместно с Японским агентством международного сотрудничества (JICA) реализовали проект технического сотрудничества по вопросам банкротства, по результатам которого был составлен комментарий к Закону «О банкротстве».

Современная практика банкротства предприятий требует исследований и разработки методик, способствующих использованию рычагов предупреждения несостоятельности, неплатежеспособности, инструментов прогнозирования банкротства. Соответствующей литературы, подробно освещающей вопросы банкротства, пока недостаточно. Судебная статистика показывает, что с каждым годом количество дел о банкротстве неуклонно растет. Так, в 2003 году хозяйственными судами было рассмотрено 1 026, в 2005 году – 3 951, а в 2010 году – 8 207 дел о банкротстве. По данным Агентства по управлению государственными активами,

в Каракалпакстане насчитывается 1679, Бухарской области- 967, Кашкадарьинской-1070, Наманганской-515, Сурхандарьинской-568, Хорезмской-353, Андижанской-897, Джиззакской-722, Навоийнской-304, Самаркандской-623, Сирдарьинской-568, Ферганской-612, Ташкентской области-778 и в городе Ташкенте – 1504 предприятий, признанных банкротами.

Материал и метод

С принятием самого первого закона "О банкротстве", № 1054-XII от 05.05.1994 году в нашей Республике начал формироваться институт банкротства. Закон состоял из 35 статей и был не настолько эффективным, поскольку статистика показывает, что в первый же год вступления в силу, банкротами были признаны 2 компании. И вот, за истечением 28 лет, в 2022 году был принят новый Закон Республики Узбекистан "О неплатежеспособности" в целях регулирования отношений в сфере неплатежеспособности юридических, физических лиц и индивидуальных предпринимателей . До принятия Закона «О неплатежеспособности» в Республике Узбекистан существовал Закон "О банкротстве" (от 24.04.2003 года). В новом законе, вместо «банкротство» определено значение – неплатежеспособность, а в старом законе – банкротство. Смысловое содержание данных понятий может привести в заблуждение, то есть могут возникнуть некоторые неясности. В Законе "О банкротстве" от 24.04.2003 года, под банкротством понимается — экономическая несостоятельность — признанная экономическим судом неспособность должника в полном объеме удовлетворить требования кредиторов по денежным обязательствам и (или) исполнить обязанности по обязательным платежам. В соответствии с новым законом, определение неплатёжеспособности идиентична с понятием банкротства, только для его фиксации применяется другое обозначение.

Ее признаками являются:

- ***временная неплатежеспособность*** – временная неспособность должника удовлетворить требования кредиторов по денежным обязательствам на дату обращения в суд, если должником не выполнены его обязательства, вытекающие из договора в течение 3 месяцев с даты наступления; и
- ***постоянная неплатежеспособность –*** когда обязательства должника превышают стоимость его активов на дату подачи заявления в суд и в отчетном периоде на начало года, в котором подано заявление.

В законе, также обозначено понятия ***банкрота*** — должник, признанный на основании решения суда неплатежеспособным, в отношении которого применяется процедура ликвидационного производства или продажи его имущества. То есть, если банкротом должник признается на основании решения суда, после чего у него прекращаются все обязанности перед его кредиторами, а неплатежеспособность — это состояние должника, из которого его можно поэтапно вывести, применяя одну из оздоровительных процедур, а в случаи невозможности его восстановления применяя ликвидационное производство, объявить его банкротом.[1]

Действия настоящего Закона не распространяются на ***государственные***

[1] Закон РУз № ЗРУ-763 "О неплатежеспособности" от 13.04.2022 года

учреждения и другие некоммерческие организации, за исключением юридических лиц, осуществляющих деятельность в форме потребительского кооператива или общественного фонда.

Анализ финансового состояния должника проводится в целях определения достаточности имущества должника для покрытия судебных расходов, расходов на выплату вознаграждения судебным управляющим, а также возможности или невозможности восстановления платежеспособности должника. Временный управляющий на основании анализа финансового состояния должника, в том числе результатов инвентаризации имущества должника при их наличии, и анализа документов, удостоверяющих государственную регистрацию прав собственности, готовит предложения о возможности или невозможности восстановления платежеспособности должника, обосновывающие сведения о целесообразности введения последующих процедур неплатежеспособности. По результатам финансового анализа временный управляющий составляет одно из следующих заключений о финансовом состоянии должника: о неустановлении признаков неплатежеспособности; о наличии оснований для введения одной из процедур восстановления платежеспособности, если выявлены признаки временной неплатежеспособности; о наличии или отсутствии возможности восстановления платежеспособности, если выявлены признаки постоянной неплатежеспособности. Порядок определения финансового состояния должника устанавливается Кабинетом Министров Республики Узбекистан. Временный управляющий может привлечь специализированную организацию для определения финансового состояния должника.[2]

Результат

Для выявления признаков экономической несостоятельности и экономического риска предприятий основной и важной работой является аналитическая работа по оценке финансового состояния. Введенный в процедуру банкротства анализ финансового состояния носит регламентирующий характер и можно назвать регламентируемым анализом. Такой анализ является обязательным для ряда предприятий. Показатели и коэффициенты, цель анализа жестко прописаны в соответствующих нормативных актах.[3]

Для анализа применяются следующие основные показатели (критерии):

а) коэффициент платежеспособности или покрытия - Кпл;

б) коэффициент обеспеченности собственными оборотными средствами - Кос;

в) коэффициенты рентабельности расходов и активов - Крр, Кра.

Также могут быть применены следующие дополнительные показатели:

коэффициент соотношения собственных и краткосрочных заемных средств - Ксс;

коэффициент использования производственных мощностей - Ким;

коэффициент износа основных средств - Кизн.

[2] Закон РУз № ЗРУ-763 "О неплатежеспособности" от 13.04.2022 года (статья – 86, Анализ финансового состояния должника)

[3] Постановление КМ РУз № 1013 от 14.12.2018 года. Регламент проведения анализа финансово-экономического состояния предприятий с государственным участием.

В зависимости от экономического состояния предприятия делятся на следующие группы:

а) состоятельные;

б) экономического риска;

в) экономически несостоятельные:

-имеющие возможность восстановить свою платежеспособность;

-не имеющие возможность восстановить свою платежеспособность.

Аналогичные финансовые коэффициенты в зарубежной практике используются для:

– количественной оценки финансового положения;

– сравнительной оценки показателей финансового положения конкретной организации с аналогичными уровнями значений показателей других компаний или среднеотраслевыми значениями;

– оценки динамики развития показателей и тенденций изменения финансового положения организации;

Наиболее часто применяемые коэффициенты в международной практике, характеризующие различные стороны финансового положения организации: [4]

1) Liquidity Measurement Ratios (Коэффициенты ликвидности):

– Cash Ratio (коэффициент абсолютной ликвидности);

– Quick Ratio (коэффициент срочной ликвидности);

– Current Ratio (коэффициент текущей ликвидности);

– Cash Conversion Cycle (денежный цикл);

– Net Working Capital (чистый оборотный капитал).

Как правило, чем выше значения показателей ликвидности, тем больше запас финансовой прочности организации.

2) Debt Ratios, Leveraging Ratios (Показатели структуры капитала (коэффициенты задолженности)) – задолженность является частью денежных отношений организации, их величина влияет на формирование ее рыночной стоимости. Коэффициенты задолженности показывают соотношения заемного и собственного капитала организации. Данная группа показателей является одной из важнейших показателей финансового положения организации.

3) Profitability Ratios (Коэффициенты рентабельности) – характеризуют способность организации генерировать приемлемый уровень доходности. При использовании показателей рентабельности следует обращать внимание на то, что одним и тем же термином зачастую называют и показатели, основанные на анализе чистой прибыли, и показатели, при расчете которых используется прибыль до налогообложения.

4) Activity Ratios, Efficiency Ratios (Коэффициенты деловой активности) – характеризуют способность организации конвертировать собственные активы в денежные средства или продажи.

К показателям эффективности деятельности предприятий, относятся:

– Inventory Turnover (оборачиваемость запасов);

– Receivable Turnover (оборачиваемость дебиторской задолженности);

– Accounts Payable Turnover (оборачиваемость кредиторской задолженности);

– Asset Turnover (оборачиваемость активов);

[4] Н.И.Пионткевич, Е.Г.Шатковская, Ю.А.Долгих. Финансовый анализ. Учебное пособие. 2022 г. Екатеринбург. Издательство Уральского университета, стр. 61.

– Working Capital Turnover (оборачиваемость собственного оборотного капитала);

– Fixed Assets Turnover (фондоотдача).[5]

В определённой мере вопросы финансового анализа отражены в «Методических рекомендациях по финансовому анализу предприя-тия», утверждённых Правительственной Комиссией Республики Уз-бекистан по вопросам банкротства и санации предприятий от 17 апреля 1997 года предусматриваются следующие виды финансового анализа предприятия:

1. Анализ финансового состояния – анализ динамики валюты ба-ланса, структуры пассивов, динамики основных средств и других внеоборотных активов, финансовых результатов.

2. Анализ финансовой устойчивости - показатели излишков или недостатков источников формирования запасов и затрат, коэффи-циенты финансовой независимости, коэффициенты соотношения заёмных и собственных средств, коэффициент обеспеченности запа- сов и затрат собственными источниками, коэффициент платёжеспособности.

3. Анализ экономической состоятельности предприятия – коэффициент утраты (восстановления) платёжеспособности, коэффициент маневренности, коэффициент реальной стоимости имущества производственного назначения.

4. Анализ рентабельности предприятия – коэффициент реальности реализации, коэффициент рентабельности основных средств, коэффициент рентабельности собственного капитала, коэффициент рентабельности общей оборачиваемости капитала. «Методика анализа финансового состояния предприятия», утверждённая Госкомимуществом Республики Узбекистан в июле 1996 года рекомендует проводить анализ в следующей последовательности:

1. Общая оценка финансового состояния.

2. Анализ финансовой устойчивости предприятия.

3. Оценка платёжеспособности предприятия.[6]

Согласно Постановления КМ № 1013 от 14 декабря 2018 года “О мерах по коренному совершенствованию системы финансового оздоровления предприятий с государственным участием” разработан регламент проведения анализа финансово-экономического состояния предприятий с государственным участием, где приводятся следующие показатели:

а) коэффициент платежеспособности или покрытия — $К_{пл;}$

б) коэффициент обеспеченности собственными оборотными средствами — $К_{ос;}$

в) коэффициенты рентабельности расходов и активов — $К_{рр,}$ $К_{ра.}$

Также могут быть применены следующие дополнительные показатели:

коэффициент соотношения собственных и краткосрочных заемных средств — $К_{сс;}$

коэффициент использования производственных мощностей — $К_{им;}$

коэффициент износа основных средств — $К_{изн.}$

Просроченная кредиторская задолженность по денежным обязательствам и обязательным платежам более трех месяцев со дня наступления

[5] Н.И.Пионткевич, Е.Г.Шатковская, Ю.А.Долгих. Финансовый анализ. Учебное пособие. 2022 г. Екатеринбург. Издательство Уральского университета, стр. 61.

[6] Т.Ш.Шагиясов, З.А.Сагдиллаева, Б.В.Файзиев. Финансовый и управленческий анализ. Учебник. Ташкент. 2007 г., стр 141.

срока их оплаты определяется с момента наступления исполнения обязанностей по уплате обязательных платежей и требований кредиторов по денежным обязательствам в соответствии с законодательством или договорами на основе данных, представленных Государственным комитетом Республики Узбекистан по статистике и Государственным налоговым комитетом Республики Узбекистан в соответствии с Положением о порядке предоставления информации для анализа финансово-экономического состояния предприятий.

В зависимости от экономического состояния предприятия делятся на следующие группы:

а) состоятельные;

б) экономического риска;

в) экономически несостоятельные:

г) имеющие возможность восстановить свою платежеспособность;

д) не имеющие возможность восстановить свою платежеспособность.

Заключение

Банкротство возникает в том случае, когда на счете нет денег, имеются долги, кредиторы не желают ждать и подают в суд; или же предприятие само объявляет себя банкротом. С позиции финансового управления существует целая система для диагностики и возможной защиты предприятия от банкротства.

Примерный порядок системы управления предприятием при угрозе банкротства.

1. Исследование финансового состояния с целью раннего обнаружения признаков банкротства.

2. Определение масштабов кризисного состояния предприятия.

3. Изучение основных факторов, приводящих к банкротству.

4. Формирование целей и выбор механизмов организационного управления.

5. Внедрение внутренних механизмов финансовой стабилизации. Выбор возможности эффективной санации предприятия.

7. Финансовое обеспечение ликвидационной процедуры.

При финансовой диагностике уровень текущей угрозы определяется по коэффициенту абсолютной платежеспособности (если он меньше 1, то положение кризисное).

Существует три оценки кризисного состояния:

– легкий кризис;

– тяжелый кризис;

– банкротство.

Все факторы, влияющие на финансовое состояние предприятия, подразделяются на две группы. Внешние: политические; галопирующая инфляция; налогообложение; высокая учетная ставка.

Внутренние: неустойчивое положение на рынке; неэффективное использование основных и оборотных средств; непрофессионализм управленческого персонала; большая дебиторская задолженность; большая доля заемных средств; низкая рентабельность производства продукции; высокие затраты.

Пути вывода предприятия из кризиса.

1. Мобилизация внутренних резервов - снижение запасов, снижение дебиторской задолженности.

2. Обеспечение финансового оздоровления предприятия за счет внешней помощи.

3. Попытка реорганизации предприятия.

4. Переход на выпуск более конкурентоспособной продукции.

5. Прекращение хозяйственной деятельности, объявление себя банкротом.

ЛИТЕРАТУРА

1. Закон РУз № ЗРУ-763 “О неплатежеспособности” от 13.04.2022 года (статья – 86, Анализ финансового состояния должника).
2. Шеремет А. Д., Козельцева Е. А. Ш49 Финансовый анализ: Учебно-методическое пособие. – М.: Экономический факультет МГУ имени М. В. Ломоносова, 2020. – 200 с.
3. Финансовый анализ : учебное пособие / Н. С. Пионткевич, Е. Г. Шатковская, Ю. А. Долгих и др.– Екатеринбург : Изд-во Урал. ун-та, 2022. – 190 с.
4. Савицкая, Г. В. Экономический анализ : учебник / Г. В. Савицкая. – 15-е изд., испр. и доп. – Москва : Инфра-М, 2023. – 585 с.
5. Шагиясов Т.Ш., Сагдиллаева З.А. Финансовый и управленческий анализ. Учебник. Т.: 2018 г., с.145

Додиев Фозил Ўткурович,
Тошкент кимё халқаро университети
“Банк иши ва бухгалтерия ҳисоби”
кафедраси мудири, и.ф.н., доцент
e-mail: f.dodiyev@kiut.uz

ЗАМОНАМИЗНИНГ ТАНИҚЛИ ОЛИМИ 70 ЁШДА!

Бу йил мамлакатимиз иқтисодиёт илм-фанига улкан ҳисса қўшиб келаётган таниқли олим Вахабов Абдураҳим Васикович таваллудининг 70 йиллиги нишонланади. Шу муносабат билан устоз ҳақида ўзимнинг қалбимдаги ҳис туйғуларимни ёзмоқчи бўлдим. Аммо бундай ноёб истеъдод соҳиби тўғрисида ёзиш менга ўхшаган Аллоҳнинг ожиз бандаси учун мушкул ишдир, чунки, кучли шахслар ҳақида фикр билдириш учун инсон кучли бўлиши лозим. Шунга қарамасдан, домланинг самарали, сермазмун ва фойдали илмий-педагогик фаолияти кўпчилик учун фойдали бўлишини идрок этиб, ушбу таниқли олим ва улуғ инсон ҳақида ёзишга жазм қилдим.

Таниқли олим билан танишувим

Олимларнинг борлиги одамлар учун Аллоҳ таолонинг улкан неъматидир. Замин уларни кўтариб туриш билан гўзаллашиб боради, зийнат тўкиб туради. Аллоҳ таоло Қуръонда, билувчилар ва билмайдиганларни асло тенг бўлмаслигини таъкидлаб, бундай марҳамат қилган: «…Айтинг: “Биладиганлар билан билмайдиганлар тенг бўлурми?! …”» (Зумар сураси, 9-оят). Илм ўрганишлик, уни бошқаларга ўргатишлик шарафли, икки дунёда ҳам инсонни азиз қиладиган нарсадир.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қилиб, бундай дедилар: «Ким илм истаб йўлга чиқса, Аллоҳ таоло уни жаннатга йўллаб қўяди. Ва олим учун ер ю осмон ва ҳатто денгиздаги балиқлар ҳам мағфират сўрайдилар. Албатта, олимлар Пайғамбарларнинг меросхўрларидир».

Ана шундай заминимизни гўзаллашиб туришига хизмат қилаётган, инсонларнинг биладигани ва билганларини ўргатадигани, Пайғамбарларнинг меросхўрларидан бири ватандошимиз, замондошимиз, таниқли олим, меҳрибон устоз ва адолатли инсон иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Абдураҳим Васикович Вахобовдир. Домлани мамлакатимизда танимаган иқтисодчи бўлмаса керак, ҳаттоки, хорижий давлатларда ҳам у кишини кўпчилик билади. Мен ҳам устоз билан танишганим, бирга ишлаганим, айниқса, домланинг илмидан баҳраманд бўлганимдан бениҳоят хурсандман.

1990 йилларда биз ёш иқтисодчилар собиқ социалистик давлатларда бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнларини қизғин муҳокама қилар эдик. Ушбу муҳокаманинг марказида “шок терапияси” деб номланган бозор иқтисодиётига ўтиш режаси асосчиси польшалик иқтисодчи Лешек Бальцерович, “500 кун” дастурининг асосчиси россиялик олим Станислав Шаталин, бозор иқтисодиётига

ўтиш бўйича мустаҳкам ва чуқур ғоя эгаси ўзбекистонлик олим Аҳмад Ўлмасов билан биргаликда мамлакатимизда замонавий иқтисодиёт илмини асосчиларидан бири бўлган Абдураҳим Васиковичнинг илмий қарашлари турар эди. Шу даврларда устоз билан танишиш, у кишининг суҳбатларидан баҳраманд бўлиш кўпчилик сингари менинг ҳам орзу-истагим эди. Чунки, Луқмони Ҳаким ўғлига бундай насиҳат қилган эканлар: "Эй, ўғлим, олимлар билан ўтир, улар орасига кир, чунки, Аллоҳ ерни осмон суви билан тирилтиргани каби қалбларни ҳам илму ҳикмат нури билан тирилтиради".

Тақдир тақозаси билан Абдураҳим Васикович билан нафақат танишиш, балки, 2005–2006 йилларда у киши директор ўринбосари бўлган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ижтимоий-иқтисодий тадқиқотлар марказида лойиҳа раҳбари сифатида бирга ишлашга муяссар бўлдим.

Авлоди улуғ олим

Бирга ишлаган кезларда қатъий амин бўлдимки, устознинг иқтисодиёт соҳасида салоҳияти жуда юқорилиги, фикрлари теранлиги ва ноёблиги, илмий ғояларни жуда оддий тилда ҳар қандай инсон тушунадиган қилиб тушунтириши ва қоғозга тушуриши барчани лол қолдирар эди. Айниқса, устоз ҳар қандай инсон билан ҳурматини жойига қўйиб, мулойимлик ва камтарлик билан муомала қилар, суҳбатлашган одам ноқулай аҳволга тушмасди.

Шу билан бир вақтнинг ўзида устозда улуғворлик салобати намоён бўларди, каттаю кичик устозни қалбан ҳурмат қиларди. Одамларни ғийбат қилмас, уларга нафрат билан қарамас, барчага имкониятлари борича ёрдам қилар эди. Бир инсонда бунчалик ноёб хислат ва ажойиб фазилатлар бир вақтнинг ўзида қандай намоён бўлиши мумкин, бунга қандай эришиш мумкин деб, ўйланиб қолардим. Тўғри, бунга тинимсиз ва машаққатли меҳнат, ўзини комиллик сари тарбиялаш орқали эришиш мумкин. Аммо, кейинчалик устозни XVI асрнинг иккинчи ярми ва XVII асрнинг бошларида Тошкентда яшаб ўтган улуғ ва донишманд олим Мавлоно Хаработий авлодларидан эканликларини билгандан сўнг ўйларимга тўлиқ жавоб олдим. Бекорга халқимиз одамга кўп ҳислатлар авлоддан ўтади демас экан.

Раҳбарликдан олимликни устун қўядиган инсон

Одам билан бирга ишласангиз унинг ички дунёси, хислатлари ва фазилатларини яхшироқ биларкансиз. Устоз билан Ижтимоий-иқтисодий тадқиқотлар марказида ишлаган кезларимда, у кишининг илмга чексиз муҳаббати, тинимсиз шуғулланишини кўриб ибратли ўгитлар олганман.

Домла марказнинг библиотекаси учун нуфузли иқтисодий журнал ва газеталарга обуна қилиб, улар келиши билан дастлаб ўзлари танишар эдилар. Кўпинча иш тугаган вақтда танишишга улгурмаган журнал ва газеталарни ўзлари билан уйларига олиб кетар, эртасига эрталаб олиб келиб, ўзларига керакли мақолалар нусхасини олар эдилар. Бир куни домлага куни билан ишлаб чарчайсиз, шуларни уйга олиб кетмасангиз, кечга дам олиб келсангиз бўлмайдими, дедим. Устоз эса, "Менинг асосий касбим раҳбарлик эмас, камтарлик билан илм ўрганишдир. Ўзим ўқиб, изланмасдан туриб ақлли, илмли инсонларни қандай бошқараман, шогирдларимга қандай раҳбарлик қиламан", дедилар.

Абдураҳим Васикович Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясининг ректори лавозимида ишлаган даврларида ҳам Ўзбекистон Миллий университети Иқтисодиёт факультети талабаларига шанба куни, кўпчилик дам оладиган куни дарс берар эдилар. Бир куни, "Домла ҳафтанинг иш кунлари давомида эртадан кечгача академия фаолиятига раҳбарлик қиласиз, кўпчилик ректорлар дарс бермайди, сиз академия магистрларига барча ўқитувчилардек маъруза ўқийсиз, академия қошидаги илмий кенгашга ҳимоя қилиш учун келадиган қанчадан-қанча диссертациялар билан танишасиз ва унинг авторефератларини бирма-бир таҳрир қиласиз, шунинг учун шанба куни дам олсангиз бўлмайдими", деб сўрадим. Устоз "Мени халқимизга Ўзбекистон Миллий университети танитган, менга обрў келтирган, шунинг учун ҳам ушбу даргоҳнинг Иқтисодиёт факультетига бориб дарс беришим мен учун фарздир", дедилар. Бу замонамизда инсонлар учун ноёб бўлиб қолган юқори даражадаги олижаноблик, вафодорлик, эзгулик тимсоли эди. Ушбу ҳолат домлага бўлган ҳурматим ва ҳавасимни янада оширди, ўзимга эса, олим қандай бўлиши кераклиги ҳақида буюк ибрат олдим.

Юқоридаги ҳолатлар устозни раҳбарликдан олимликни устун қўйишларини кўрсатар эди. Бунга яна бир далил, бир куни суҳбатда домла, раҳбарлик ҳам, раҳбарлар ҳам келаверади ва кетаверади, биз ўз ишимизни қилишимиз, илм ўрганишимиз, билганлармизни шогирдларга ўргатишимиз керак, дедилар.

Ҳамма ҳурмат қиладиган устоз

Мен домлани падари бузрукворлари Абдувосиқ отани ҳам танир эдим, у кишининг суҳбатларида бўлганман. Абдувосиқ ота кўпни кўрган, кенг мулоҳазали, фикрлари ўткир ва хушфеъл инсон эдилар. Абдувосиқ ота кўп инсонларни тарбиялаган машҳур ўқитувчи бўлганлар. Абдураҳим домлани характерларида ҳам, аввало, шу инсонни тарбияси, хислатлари ва фазилатлари кўриниб туради.

Абдувосиқ ота билан учрашиб қолганимизда, "Сиз менинг ўғлим Абдураҳим домла билан бирга ишлар экансиз-а", дедилар. Менга жуда таъсир қилгани ва ҳайратлантиргани, отанинг ўз ўғлини исмини ҳурмат билан халқимиз учун жуда мўътабар бўлган "домла" сўзини қўшиб айтгани бўлди. Бундай ҳолатга мен биринчи марта тўқнашим эди, бундай эъзоз олим учун ҳар қандай мукофотдан ҳам қадрлидир. Энг муҳими, олим бундай ҳурмат ва эъзозга лойиқ бўлиши, шунга яраша иш қилган бўлиши лозим.

Абдураҳим Васиковични талабалар, магистрантлар, шогирдлари, ҳамкасблари, мамлакатимиздаги барча иқтисодчи олимлар, ҳаттоки, хорижий давлатлардаги олимлар ҳам самимий ҳурмат қилади. Чунки, устоз сермаҳсул илмий-педагогик фаолият олиб борганлар, 400 дан ортиқ илмий ишлари чоп этилган, 80 дан ортиқ халқаро ва республика илмий-амалий конференцияларни ташкилотчиси бўлганлар, "Миллий иқтисодиётни модернизациялаш ва барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш" мавзусида илмий мактаб яратиб, домланинг раҳбарлигида 36 фан номзодлари (PhD) ва 9 фан доктори (DSc), жумладан, тўртта хорижлик олим диссертацияни муваффақиятли ҳимоя қилган.

Устозни ҳамма ҳурмат қилишига энг асосий сабаб ҳаммага яхшилик қиладилар. Бобокалонлари Мавлоно Хаработий айтганларидек:

Яхши ишни, эй ўғул, пайваста қил,
Ҳар на қилсанг они сен ўлмасдан қил.

Устозни бу ҳикматли сўзларга амал қилишларини кўп гувоҳи бўлдим. Домла 2006 йилда Ўзбекистон Республикаси Банк-молия Академияси ректори этиб тайинландилар. Шунга қарамасдан, Ижтимоий-иқтисодий тадқиқотлар марказининг илмий ходимлари диссертация ёзиш учун мавзу танлашда, уни тайёрлаш учун услубиёт масаласида, ҳаттоки, янги иш жойларидан таклифлар бўлганда тўғри танлов қилишда маслаҳат сўраб устозга мурожаат қилишар эди. Чунки, Абдураҳим Васиковичнинг беғараз ёрдам беришига, энг муҳими, тўғри маслаҳат беришига ҳамма ишонар эди. Натижада, домланинг ёрдамлари билан кўпчилик ёшлар диссертацияларни муваффақиятли ҳимоя қилди, яхши жойларга ишга ўтиб, мартабалари улуғ бўлди.

Замонавий раҳбар

1990 йилларда мамлакатимиз бозор иқтисодиётига ўта бошлаши билан иқтисодиёт таълими ва илмига талаб ҳам кескин ўзгарди. Бундай ноодатий ҳолатда устозни Ўзбекистон Миллий университети Иқтисодиёт факультетида декан қилиб тайинланишлари бежис бўлмаган. Чунки, янги иқтисодий тизимни яратиш учун унга мос иқтисодчиларни тез тайёрлаш, илмий тадқиқотларни ҳам шу йўналишда амалга ошириш лозим эди, бу эса, декан замоннинг ушбу талабларига тез мослашадиган жуда ноёб қобилиятли бўлишини тақозо этарди.

Абдураҳим Васикович бир вақтнинг ўзида бозор иқтисодиёти илмини тез ўрганиб, улар асосида ўзи раҳбарлик қилган Иқтисодиёт факультетини ташкил қилди. Ушбу факультетда устоз ташаббускорлиги ва раҳбарлигида “Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар”, “Бизнес” йўналишлари бўйича бакалавриатура, “Менежмент”, “Иқтисодий назария”, “Минтақавий иқтисодиёт”, “Бизнесни бошқариш”, “Халқаро иқтисодий муносабатлар”, “Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти” ва “Макроиқтисодиёт” мутахассисликлари бўйича магистратура очилди. Мазкур Иқтисодиёт факультети мамлакатимизда замонавий иқтисодчи кадрлар тайёрлайдиган ва бозор иқтисодиёти табиатига мос илмий-тадқиқотлар олиб борадиган етакчи илмий марказга айланди. Буни факультетда тарбияланган кадрларнинг мамлакатимиз иқтисодиётининг турли соҳалари ва корхоналарини, банклар, суғурта компанияларини бошқараётгани, илмий-педагогик фаолият олиб бораётганидан кўриш мумкин.

Устоз Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ижтимоий-иқтисодий тадқиқотлар маркази (ҳозирги Макроиқтисодий ва ҳудудий тадқиқотлар институти) директорининг биринчи ўринбосари бўлиб ишлаган вақтларида ушбу марказ мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши билан боғлиқ муаммоларни замонавий услуб ва услубиётдан фойдаланган ҳолда тадқиқ қила бошлади. Тадқиқот натижалари таҳлилий шарҳлар кўринишида Президент аппарати, Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, Марказий банк ва бошқа давлат бошқарув органларига фойдаланиш учун юборилар, бу эса, иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда муҳим роль ўйнар эди.

Мамлакатимиз раҳбарияти Абдураҳим Васиковичнинг илмий-педагогик тажрибаси ва ташкилотчилик савиясини юқори баҳолаб, 2006 йилда Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси ректори этиб тайинлади. Устоз раҳбарлигида академия банк-молия соҳасида етук бошқарув кадрлар

тайёрлайдиган олий ўқув юртига айланди. Академияни магистрантларнинг аксарияти Халқаро Валюта жамғармаси, Япония ҳукуматини Молия вазирлиги, Европа Иттифоқи, Швейцария Марказий банки, Корея Республикаси ҳукумати грантлари, Люксембургнинг "Молия технологияларини узатиш агентлиги", Германиянинг Бременхавфен амалий фанлар университети, Чехиянинг Бизнес ва Менежмент университетлари базасида малакавий амалиётни ўташди. Жаҳоннинг етакчи илмий марказ ва университетларининг профессор-ўқитувчилари академия магистрантларига маъруза ўқиш ва амалий машғулотларни ўтказиш амалиёти жорий қилинди.

Устоз ректорлик қилган вақтда академиянинг илмий салоҳияти ортиб, илмий даражага эга профессор-ўқитувчилар улуши 92% га етди. Ўша даврдаги академияда бўлган қизғин илмий баҳслар ва мунозараларни ҳалигача ҳамма эслайди. Академия ҳузурида 08.00.07 – "Молия, пул муомаласи ва кредит", 08.00.08 – "Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит" ва 08.00.04 – "Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти" ихтисосликлари бўйича республикада ягона докторлик диссертациялари ҳимоя қилувчи Бирлашган ихтисослашган илмий кенгаш мунтазам фаолият юрита бошлаган эди. Ушбу кенгашда, айниқса, унинг илмий семинарида диссертациялар кескин муҳокама қилинар, тадқиқотчилар ўзини йўқотиб қўйиб, ҳушидан кетган ҳолатлар ҳам бўлган. Бу ерда шундай илмий муҳит яратилган эдики, ҳаттоки, устознинг шогирдларини ҳам профессорлар аямасдан муҳокама қилар, домла эса ушбу ҳолатни тўғри қабул қилар эди. Шунинг учун ҳам ўша вақтда академияда диссертациясини ҳимоя қилган илмий ходимларнинг кўпчилиги республикамизнинг турли олий таълим муассаларида, ҳаттоки, давлат органлари ва тижорат ташкилотларида ёруғ юз билан фаолият кўрсатишмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, таниқли олим Абдураҳим Васиковичнинг илмий-педагогик фаолиятлари, ишларининг ҳаммасини битта мақолада ёритиб бўлмайди. Мен ушбу мақолада устоз ҳақида ўзим билган, кўрган нарсаларимнинг бир қисмини ёритдим, холос.

Абдураҳим Васикович 70 ёшингиз муборак бўлсин! Илоҳим умрингиз узоқ, илму маърифат йўлидаги фаолиятингиз янада баракали бўлсин! Аллоҳ Сизни икки дунё саодатига эриштирсин ва азиз қилсин!

«МОЛИЯ» ИЛМИЙ ЖУРНАЛИДА МАҚОЛА ЧОП ЭТИШ ҚОИДАЛАРИ

Журналга чоп этиш учун тақдим қилинаётган мақолалар қуйидаги рукнларга мос келиши лозим:

1. Молия (давлат бюджети ва бюджетдан ташқари давлат жамғармалари, солиқлар ва солиққа тортиш, қимматли қоғозлар, суғурта иши ва ғазначилик).
2. Банк иши (кредит, маҳаллий ва давлат қарзлари, лизинг, баҳолаш иши).
3. Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (молиявий таҳлил).
4. Молиявий менежмент (инвестициялар, молиявий ресурслар менежменти).
5. Иқтисодиёт (микро- ва макроиқтисодий кўрсаткичлар).

Шунингдек, олий таълим тизимини ривожлантиришга оид мақолалар ҳам қабул қилинади.

Ушбу рукнларга мос келмайдиган мақолалар қабул қилинмайди ва бу масалада муаллифлар томонидан берилган саволларга жавоб қайтарилмайди.

Мақолани чоп этиш шартлари:

– мақола икки нусхада бўлиши, бирида муаллиф исми, фамилияси, иш жойи, лавозими, телефон рақамлари ва e-mail ҳамда универсал ўнлик тизими (УЎТ) бўлиши керак. Мақолада фойдаланилаётган формулалар Microsoft Equation 3.0 дастурида тайёрланган бўлиши шарт. Мақола мавзуси ва аннотациялар ўзбек, рус, инглиз тилида, шунингдек, таянч сўзлар ҳам уч (ўзбек, рус, инглиз) тилида бўлиши зарур. Аннотация 40 – 50 сўздан, таянч сўзлар эса 10 тадан 15 тагача бўлмоғи лозим. Иккинчи нусхада эса муаллиф ҳақидаги маълумотлар берилмайди. Мақоланинг электрон варианти ҳам бўлиши шарт.

Мақола халқаро талаблар даражасига (scopus)жавоб бериши ва унда:

– кириш (introduction);

– мавзуга оид адабиётлар шарҳи(literature review on the topic);

– тадқиқот методологияси (research methodologys), натижа(results) ва муҳокама (discussion);

– хулоса (conclusion).

– фойдаланилган адабиётлар рўйхати(references) қисмлари берилиши керак.

Рўйхатда тадқиқот жараёнида ҳақиқатдан ҳам фойдаланилган адабиётлар келтирилиши лозим.

Мақолани тақдим этиш тартиби:

– тақдим этилаётган мақолалар компьютерда Times New Roman, 14 шрифтда 1,5 интервал,юқоридан 2 см, пастдан 2 см, чапдан 3 см, ўнгдан 1,5 см бўлиши ва ҳажми 6 саҳифадан кам, 12 саҳифадан кўп бўлмаслиги лозим. Мақолада жадвал, диаграмма ва чизмалар ишлатилиши мумкин;

– топширилаётган мақола ҳеч қаерда чоп этилмаган бўлиши керак ;

– мақола матни муаллиф томонидан талаб даражасида таҳрир қилинган бўлиши керак. Чоп этилаётган материалнинг илмий-назарий даражаси ва статистик маълумотларнинг объективлиги, уларда келтирилган иқтибос (цитата)лар, қонунлар, фармонлар, қарорлар ва бошқа ҳужжатлар номларининг тўғрилиги учун жавобгарлик муаллифлар зиммасида бўлади;

– адабиётларга ҳавола (сноска)лар квадрат шаклда матн ичида берилиб, фойдаланилган адабиётлар рўйхати мақола сўнггида жойлаштирилиши керак;

– мақола қоидаларга мувофиқ саҳифаланиши керак.

Таҳририятга келган мақолалар тегишли мутахассислар экспертизасидан ўтказилади ва ижобий баҳоланганлари чоп этилади.

Таҳририятга юборилган мақолага расмий тақриз ёзилмайди ва у муаллифга қайтарилмайли.

Мурожаат учун телефонлар: (+998 71) 234-66-89, (+998 93) 576-30-68

E-mail: moliyajurnal@mail.ru

Тошкент молия институтининг «Таҳририят ва нашриёт»
бўлимида нашрга тайёрланди.

Материаллар кўчириб босилаётганда «Молия» илмий журналидан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Журналда эълон қилинаётган материаллардаги далиллар, рақамлар ва маълумотларнинг тўғрилиги учун уларнинг муаллифлари жавобгар ҳисобланади.

Таҳририят фикри доим ҳам муаллифлар фикрига мос келавермайди.

Таҳририятга юборилган қўлёзмалар муаллифларга қайтарилмайди.

«Молия» илмий журналига «Матбуот тарқатувчи» АК ҳамда
«INTER PRESS» компаниялари орқали обуна бўлиш мумкин.

Теришга берилди: 10.06.2024 й. Босишга рухсат этилди: 22.06.2024 й.
Бичими 70x100 1/16. Шартли босма табоғи 16,25.
Ҳисоб-нашр табоғи 16,50. Адади 300 нусха. Буюртма № 04.
Баҳоси келишилган ҳолда.

Босмахона гувоҳномаси № 10-24-10
«Ҳумоюнбек истиқлол мўъжизаси» босмахонасида
ризография усулида чоп этилди.